

Ilm kelajagimiz
ravnaqidir

N-1 2022



СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURKONDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURKHANDARYA: SCIENCE AND CONTEMPLATION



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ

SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER

Илм келажасгимиз равнақидир

СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURKHANDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURKHANDARYA: SCIENCE AND
CONTEMPLATION

Илмий мақолалар журнали

N-1 2022



ТАЪСИСЧИЛАР;
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИ
МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Ҳар чоракда 1 марта чиқади.

**Jurnal 25-05-2020 yil. №11-079
raqami bilan ro'yxatga olingan.**

O'zbekiston Respublikasi OAK ning 2021 yil
12 dekabrda № 01-06/25-04 raqamli xati
asosida ro'yxatga olingan.

Ommaviy axborot vositasi davlat
ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVONNOMA N-11-079.

My.gov.uz. Yagona interaktiv. davlat
xizmatlari portali.
N 8102-325e-cd96-f50a-53b3-3119-7970

Hujjat yaratilgan sana: 2020-05-25.

Ariza raqami: 19051279.

НАШР ИНДЕКСИ 190-111.

ЖУРНАЛ «ADAD PLYUS» МЧЖ
матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Бунёдкор кўчаси 28-уй.
Босишга рухсат этилди: 14.03.2022.
Қоғоз бичими 60x84 1/8.
Босма табағи 16,5. Офсет босма.
Офсет қоғози. Адади 100.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма № 18.

Техник ходимлар:
Хидиров Холмат
Мамаражабов Ғайрат
Умаров Икром
Саҳифаловчи:
Қўшоқова Моҳигул

Таҳририят манзили: Сурхондарё вилояти
Термиз шаҳри "Баркамол авлод" кўчаси 43 уй.
tursunovsafullo12@mail.ru
Тел: 876 223 07 66.
+99 891 577 90 50,
+99 894 200 49 55,
+99 891 229 22 29.

Бош муҳаррир:

Главный редактор:

Chief Editor:

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич
Тарих фанлари доктори, профессор
Термиз давлат университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

Заместитель главного редактора:

Deputy Chief Editor:

Қобулов Эшболта Атамуродович
Тарих фанлари доктори, Термиз давлат
университети, Педагогика институти директори
Журналнинг илмий котиби:
Умуркулов Бекпўлат филология фанлари
доктори, Термиз давлат университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Марахимов Авазжон
Тўраев Назар
Муртазоева Раҳбархон
Сагдуллаев Анатолий
Абдуллаев Улуғбек
Ашуров Адхам
Дониёров Алишер
Шамсиддинов Рустам
Эшов Баходир
Обломуродов Наим
Шомирзаев Маҳматмурод
Эргашева Юлдуз
Бўриев Очил
Давлатова Саодат
Ғоффоров Шокир
Худойқулов Абдулла
Пардаев Тошкенбой
Рахимов Ғанишер
Холмўминов Жуманазар
Турсунов Нурулло
Холмўминов Хусан
Тўхтаев Абдуғани
Хайитов Шодмон
Ирискулов Олимжон
Саидов Илхом
Якубова Диларам
Саидов Бахтиёр
Акчаев Фаррух

ЖАМОАТЧИЛИК

КЕНГАШИ:

Турдиев Тоштемир
Убайдуллоева Барно
Курбонова Манзилла
Раҳмонов Фахриддин
Ёрматов Фахриддин
Чориев Рўзимурод
Қосимов Асрориддин
Воҳидов Шодмон
Қодирова Дилбар
Раҳимов Баходир
Юнусова Хуршида
Тўраев Хайит
Хасанова Нодира
Бобожонова Дилором
Эшонкулов Абдужаббор
Алланов Қилич
Тилекулов Гаухар
Аликулов Рустам
Мирзаев Ибодулло
Панжиев Нормамат
Жабборова Шоира
Чориев Иргаш
Ҳотамов Очилди
Турсунов Жавли
Файзуллаева Мавлуда
Туропова Моҳдил

ЭТНОГРАФИЯ

ФАРҒОНАЛИК ТОЖИКЛАР

(Этнодемографик ва этнолингвистик таҳлил)

*Андижон машинасозлик институти
профессори, тарих фанлари доктори
Абдуллаев Улуғбек Сайданович*

Аннотация. Ушбу мақола Фарғона водийсида яшаётган тожикларнинг этнодемографик ва этнолингвистик тахлиliga бағишланган. Унда муаллиф статистик ва бошқа турдаги манбалар тахлили асосида XIX аср охири - XX аср бошларида водийлик тожикларнинг сони ва худудий жойлашувини кўрсатиб берган.

Шунингдек, этнолингвистик жараёнлар, хусусан Фарғона водийсидаги тожик тилининг диалектлари, ўзбек-тожик тилларининг ўзаро таъсири, икки тиллилик ҳодисаси ва унинг тарқалиш кўлами каби масалалар ўрганилган.

Калит сўзлар. Тожик, жойлашув, икки тиллилик, этнодемография, этнолингвистика, тиллараро яқинлашув, мулоқот тили, этник муҳит.

Аннотация. Данная статья посвящена этнодемографическому и этнолингвистическому анализу таджиков, проживающих в Ферганской долине. В ней автор, на основе анализа статистических данных и других видов источников, показал численность и территориальное расположение таджиков долины в конце XIX - начале XX веков.

Кроме того, были изучены такие вопросы, как этнолингвистические процессы, диалекты таджикского языка в Ферганской долине, взаимодействие узбекско-таджикских языков, двуязычие и масштабы его распространения.

Ключевые слова. Таджики, расположение, двуязычие, этнодемография, этнолингвистика, языковые взаимоотношения, этническая среда.

Abstract. This article is devoted to the ethnodemographic and ethnolinguistic analysis of Tajiks living in the Fergana Valley. In it, the author, on the basis of the analysis of Statistics and other types of sources, showed the number and territorial location of the Valley Tajiks in the late XIX - early XX centuries.

In addition, issues such as ethnolinguistic processes, dialects of the Tajik language in the Fergana Valley, interaction of Uzbek-Tajik languages, bilingual dialect and the scale of its spread have been studied.

Keywords: Tajik, location, bilingualism, ethnodemography, ethnolinguistics, linguistic relationships, ethnic environment.

Тожиклар Ўрта Осиё, жумладан, Фарғона водийсининг энг қадимги этносларидан биридир. Улар асосан водийнинг ғарбий ва шимолий-ғарбий қисмида жойлашганлар. Тожикистоннинг ҳозирги Сўғд вилояти худудида тожиклар аҳолининг асосий қисмини ташкил этадилар.

Айни вақтда Фарғона водийсининг бошқа худудларида ҳам, хусусан, Наманган вилоятининг Чуст, Косонсой, Фарғона вилоятининг Риштон, Фарғона, Сўх туманларидаги қатор аҳоли манзилгоҳларида аҳолининг кўпчилиги тожиклардир.

Бундан ташқари, Олтиариқ, Мархамат, Асака, Шаҳрихон, Қува, Андижон,

Наманган, Избоскан, Бувайда, Жалолкудук туманларида ҳам кўплаб тожик қишлоқларини учратиш мумкин.

1926 йилда ўтказилган аҳолининг рўйхатга олиш вақтида фақат Андижон, Фарғона ва Наманган вилояти ҳудудларининг ўзидагина 91792 нафар тожиклар яшаб турганлиги қайд этилган. Шундан, 13690 нафари - Фарғона, 11831 нафари - Риштон, 9316 нафари - Чуст, 3540 нафари - Олтиариқ, 2723 нафари - Марҳамат, 2,384 нафари - Марғилон, 2228 нафари - Асака, 1635 нафари - Шаҳрихон ва 421 нафари - Кува туманларидаги шаҳар ва қишлоқлардан рўйхатга олинган [1].

Этнографик адабиётларда Фарғона водийсида яшовчи тожиклар шартли равишда икки гуруҳга - *текислик тожиклари* ва *тоғлик тожикларга* ажратилади. Текислик тожиклари - бу ушбу ўлканинг азалий халқларидан бири бўлиб, ўзбеклар орасида тарқоқ жойлашган баъзи бир гуруҳларини ҳисобга олмаганда, ўзларининг узоқ тарихий тараққиётлари давомида водийдаги туркий тилли халқлар билан қоришмай қатор этник хусусиятларини (жумладан тилини) сақлаб келганлар. Текислик тожиклари, асосан, водийнинг юқорида кўрсатиб ўтилган Хўжанд шаҳри ва унга туташ ҳудудларда, ҳамда Чуст, Косонсой, Риштон, Сўх туманларида қадим даврлардан бери яшаб келмоқдалар.

Фарғона водийсидаги тоғли тожикларни эса, асосан, Шимолий Тожикистоннинг тоғли ҳудудларида жойлашган Матчои, Қоратегин, Дарвоз, Кулоб, Ҳисор каби аҳоли манзилгоҳларидан чиқиб келган тожиклар ташкил қиладилар.

Захириддин Муҳаммад Бобур ўз давридаёқ (XV аср охири - XVI аср бошларида) тоғли тожикларнинг Фарғона водийси ҳудудига кўчиб кела бошлаганликларини айтиб ўтган эди [2.19].

Бироқ, бу жараён XVIII асрдан эътиборан, айниқса XIX-XX аср бошларида жадал тус олди ва айнан шу даврда водий ҳудудидаги тоғли тожиклар сони кескин кўпайди. Афсуски, ўша даврдаги статистик материаллар Фарғона водийси ҳудудидаги тоғли тожиклар сонини келтириб ўтиш имконини бермайди. Негаки, улар ушбу статистик материалларда водийнинг текислик қисмида яшаб келаётган тожиклардан ажратилиб, алоҳида қайд этилмаган.

Шунга қарамай, агар водий ҳудудида ташкил топган кўплаб аҳоли манзилгоҳлари айнан шу тоғли тожиклар томонидан ташкил этилганлигини инобатга олсак, уларнинг водий тожиклари орасидаги сони салмоқли эканлигини кўрамыз. С.С.Губаева архив материалларига таяниб, 1890 йилда Марғилон уездидаги 16000 хўжалик, жумладан Чимён волостида-5427, Олтиариқ волостида-1308, Аввал волостида-1202, Қўқонқишлоқ волостида-1071, Мингтепа волостида-1427, Асака волостида-1268, Шаҳрихон волостида 883 хўжалик тоғлик тожиклар хўжалиги эканлигини кўрсатиб ўтади [3.60].

Фарғона водийсига кўчиб келган тоғли тожиклар ичидан ҳам Қоратегин ва Матчоидан чиққанлари кўпчиликти ташкил қилганлар.

Қоратегин тожикларининг аксарияти Фарғона вилоятининг жанубий ҳудудидаги қишлоқларда, хусусан Фарғона туманидаги Оқтом, Гузор, ўртақ, Вахиё, Балача, Гулпиён, Лоғон, Ризо-маҳалла, ўрта, Муғподшо, Калмаҳалла, Қорасув, Аввал, Қўчқари, Каптархона; Тошлоқ туманидаги Қоратепа, Риштон туманидаги Лембург, Хушёр, Қизилқия, Шайхалта, Девайрон каби қишлоқларда яшаганлар [4.86-87].

Бундан ташқари, қоратегин тожиклари Кувасой туманидаги Арсиф, Суфон, Валик, Тожикмўён, Чек; Кува туманидаги Бўзахур, Охунбобоев туманидаги

Қоратепа, Иштирхон; Янгиқўрғон туманидаги тожик қишлоқларида истиқомат қилганлар [5.79]. Чуст туманидаги Дувоба, Саримсоқтепа ва Куйикмозор қишлоқларида ҳам қоратегин тожиклари яшаганлиги маълум [6.16].

Матчои-тожиклари эса, асосан, Тожикистон Республикасининг ҳозирги Хўжанд вилояти ҳудудига келиб ўрнашганлар [7.3]. Улар Ж.Расулов номли туман ҳудудидаги Селкон, Қайрағоч, Ланглиф (ҳозирги Тожиқобод), Зарафшон, Гулякондоз, Тўра; Ноу туманидаги Водиф, Дехавз, Дехмор; Исфра туманидаги Варух, Мачой каби қишлоқларда яшаганлар.

XIX-XX аср бошларида ушбу ҳудудга кўчиб келган кўплаб тоғлик тожиклар бирор бир иш топиш илинжида водий бўйлаб тарқалдилар. Водий ҳудудига келиб қолган тожикларнинг бир қисми аввалги яшаган тоғли қишлоқларида нисбатан тинчлик ўрнатилгандан сўнг, яна ўз туғилган жойларига қайтиб кетдилар. Бошқа бир қисми эса, юқорида номлари келтирилиб ўтилган қишлоқлар ўрнида ўз хўжаликларини барпо этиб, водийда турғун бўлиб қолдилар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ушбу даврда Фарғона водийси тожикларининг сони Бухоро, Самарқанд, Ўратепа, Тошкент воҳаси ва бошқа шаҳарлардан ушбу ҳудудга кўчиб келган бир гуруҳ тожиклар ҳисобига ҳам янада ортди. Масалан, Тошкент воҳасида яшовчи тожикларнинг катта бир гуруҳи XIX аср охирида Фарғона водийсига, аниқроғи унинг шимолий қисмига келиб жойлашдилар [6.16].

Маълумки, Ўрта Осиёдаги қадимий сўғд тили аста-секин форс-тожик тили билан алмашади. Бироқ, минтақа аҳолисининг тилларида шу кунга қадар кўплаб сўғдий тилига хос бўлган сўзлар ҳам сақланиб қолган [8]. Сўғдий тили ўрнига келган форс-тожик тили билан туркий тиллар, айниқса, ўзбек-тожик тиллари орасидаги тил муносабатлари кейинги асрларда жадал тараққий этиб борди десак хато бўлмайди.

Бунга биргина Фарғона водийси ҳудудида асрлар мобайнида бирга яшаб келаётган ўзбек ва тожик халқларини тил соҳасидаги алоқаларини таҳлил қилиб ҳам тўла иқрор бўлиш мумкин. Шу маълумотларни келтириб ўтиш ўринли бўладики, XIX аср охирида водий аҳолисининг асосий қисми туркий ва эрон тил гуруҳига кирувчи тилларнинг маҳаллий шеваларида сўзлашганлар. Чунончи, 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш материалларида қайд этилган Фарғона водийсининг (Хўжанд уездини кўшиб ҳисоблаганда) жами 1737349 нафар аҳолисида 1499405 нафари туркий тилларда (ўзбек, қирғиз, қорақалпоқ, уйғур, қозоқ, татар ва ҳоказо), 208385 нафари эса эрон тиллар гуруҳига кирувчи (тожик, эрон, ўрта Осиё жухидлари ва лўлилари) тилларида сўзлашар эдилар [9.11, 29].

Бу этносларнинг салмоқли қисмини ўзбек ва тожик тилларида сўзлашувчи халқлар ташкил қилган. Айнан ўзбек ва тожик тиллари орасидаги алоқалар, уларнинг бир-бирига таъсири ҳамда икки тиллилик ҳодисаси Фарғона водийсидаги этнолингвистик жараёнларда етакчи ўринни эгаллайди. Дарвоқе, бир қатор тилшунос олимлар Фарғона водийсидаги тожик тилининг диалектлари, ўзбек-тожик тилларининг ўзаро таъсири, икки тиллилик ҳодисасини ва унинг тарқалиш кўлами каби масалаларни ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотлар олиб борганлигини шу жойда айтиб ўтиш керак. Бу ишлар ичида О.Джалолов, М.С.Андреев, К.Юсупов, А.К.Боровков, В.С.Расторгуева, Б.Ниязмухамедов ва Д.Ишондадаевларнинг тадқиқотларини биз ўрганаётган масала учун аҳамияти катта [10]. Гарчи, ушбу ишларнинг айримларида ўзбек-тожик тил алоқалари,

водийдаги икки тиллилик ҳодисаси XX асрнинг ўрталаридаги фактик материаллар асосида ўрганилсада, қўлга киритилган илмий натижалар тўла равишда XIX аср учун ҳам хосдир. Зеро, XX асрдаги этнослараро тил алоқалари аввалги даврлардаги этнолингвистик жараёнларнинг тадрижий давомидир.

Фарғона водийси тожикларининг тили ҳақида тўхталганда, аввало, шуни таъкидлаш керакки, XIX асрда ва ундан кейин ҳам водийнинг текислик қисмида қадимдан яшаб келаётган тожиклар ушбу тилнинг шимолий-ғарбий диалектларига кирувчи шеваларда, тоғлик ҳудудлардан Фарғона водийсига кўчиб келган тожиклар эса жанубий-ғарбий диалектларга мансуб Қоратегин тожикларига хос шеваларда сўзлашганлар. Мазкур шевалар фонетик, марфологик ва лексик тузулишига кўра бир-биридан бир мунча фарқ қилган. Текисликда қадимдан яшаб келган тожик аҳолиси тиллари ҳам ўз ўрнида водийнинг турли ҳудудларида бир қатор хусусиятлари билан фарқланган [11].

Тилшунос олимлар фактларни таҳлили қилиб, ушбу шевалар узоқ лингвистик жараёнларда тожик тилининг маҳаллий туркий тиллар билан қоришиб бориши натижасида ҳосил бўлганлигини кўрсатиб ўтадилар.

Тил назариясига кўра, икки халқнинг жуда яқин муносабатда ва мустаҳкам алоқада бўлиши туфайли бир этнос тилидан иккинчи бир этнос тилига кўплаб сўзлар ва грамматик формалар ўтади, бу жараённи кучайиши ҳатто айрим жойларда икки тиллик ҳодисасини вужудга келтиради.

Демак, икки мустақил тилнинг ўзаро таъсири даставвал икки тил лексикасида ўз ифодасини топади. ўзбек ва тожик этнослари биргаликда яшаётган ҳудудларда ўзаро алоқаларнинг кучли бўлганлиги туфайли тожик шеваларига кўпгина ўзбекча (туркий) сўзлар ўтган ва улар муайян шеваларнинг луғат таркибининг маълум қатламини ташкил қилади. Масалан, Наманган атроф тожик шеваларида бир қатор ўзбек тилидан ўтган сўзларни ажратиш кўрсатиш мумкин бўлади. Чунончи, «*ана*», «*аба*», «*ако*», «*уко*», «*алдамчи*», «*йўловчи*», «*ўғир*», «*инжиқ*», «*йилтироқ*», «*икки*», «*уч*», «*беш*», «*бешинчи*», «*ким*», «*ҳар ким*», «*сен*», «*оқ*», «*анча*», «*анча-мунча*», «*апил-тапил*», «*учун*», «*сер-сув*» ва ҳоказолар [12].

Фарғона тожикларининг шеваларини ўрганган тилшунос олим А.К.Боровков ҳам ўз ишида «*бўқоқ*», «*букри*», «*булоқ*», «*батқоқ*», «*айғир*», «*байчи*», «*қаймоқ*», «*бичима*», «*қошиқ*», «*ўчоқ*» каби сўзлар тожик тили луғат таркибига ўзбек тилидан ўтганлигини кўрсатиб ўтади [13.167].

Албатта, тожик ва ўзбек тиллари ўтрасидаги бундай муносабат бир-бирига таъсир этиш жараёни икки ёқлама характер касб қилган. Узоқ давом этган бундай жараён натижасида ўзбек тили луғати ҳам кўплаб форс-тожик тилига хос сўзлар билан бойиган. Мисол тариқасида бу ерда тожик тилидан ўзбек тилига ўтган айрим сўзларнигина келтириш билан чекланамиз. Масалан, ўзбек тилидаги «*чечак*» сўзи ўрнига кўп ҳолларда тожикча «*гул*», «*бўтоқ*» ўрнига «*шоҳ*», «*япроқ*» ўрнига «*барг*», «*ёт*» ўрнига «*бегона*», «*ер*» ўрнига «*замин*», «*ёлғиз*» ўрнига «*танҳо*», «*ягона*» каби синоним сўзлар ўзбек тилида кенг қўлланилади.

Шундай қилиб, бир тилнинг лексик материалларини иккинчи бир тилга ўтиш ҳодисаси даставвал оғзаки нутқда, халқ оғзаки ижодида, кейинчалик эса ёзма адабиётда намоён бўлади.

Маълумки, то XIX асрнинг ўрталарига қадар тожик ва ўзбек тиллари адабий тил сифатида Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда баб-баробар ёзма адабиётда қўлланилиб келинган.

XV асрда яшаб ижод қилган Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва уларга замондош бўлган кўплаб шоир ва ёзувчилар ўз асарларини ҳар икки тилда ёзганликлари маълум. Абдурахмон Жомийнинг куйидаги тўртлиги ўша давр ёзма адабиётида икки тиллилик ҳодисаси нақадар ривож топганлигидан далолат беради.

Эй лабат пурхандаи чашми сиёҳат маст хоб,
Икки зулфунг орасида ой юзингдур офтоб,
Масти май мекунад рӯи туро чарқи арақ,
Бода ичсанг тўкилур икки қизил юздин гулоб.

Ушбу тўртликнинг бир қатори форсча, иккинчиси эса туркча (ўзбекча) ёзилганлиги эътиборга моликдир.

Ўзбек ва тожик халқлари адабиётининг тарихий тараққиёт давомида икки тилда ижод қилувчи ижодкорларнинг сони тобора ортиб борди. Икки тилда асар ёзиш XV-XVIII асрларда ва XIX асрнинг биринчи ярмида, айниқса, ривожланди. Хусусан, XIX асрнинг биринчи чорагида Фарғона водийсида - Қўқон хонлигида икки тилда ижод қилиш анча ривожланган эди. Қўқон хони Умархоннинг буйруғи билан сарой шоирлари Фазлий ва Мушруф Қўқон шоирларининг «Мажмуат уш-шуаро» номли тазкирасини туздилар. Ушбу тазкирага Амирий тахаллуси билан шеърлар ёзган Умархон ва унинг хотини шоира Нодирабегимдан ташқари Фазлий, Мушруф, Ғозий, Содик Хижлат, Хозик, Хотиф, Махмуд, Гулханний ва бошқа қатор фарғоналик шоирлар киритилди. Ушбу шоирларнинг аксарияти ҳар икки тилда ижод қилар эдилар.

Икки тиллилик нафақат саройда, балки оддий халқ орасида ҳам тарқалган эди. Умуман, икки тиллик XIX аср адабиёти, айниқса шеъриятининг ўзига хос хусусияти эди. Тўғри, биз ўрганаётган даврда Фарғона водийсининг барча аҳолиси ўзбек ва тожик тилларида эркин сўзлай олишган, ушбу тилларни мулоқот тили сифатида тенг билишган деб айтиб бўлмайди. Икки тиллилик ҳодисаси ва унинг тарқалиши водийнинг турли ҳудудларида турлича бўлган. Бу даврда икки тиллилик ҳодисаси водийнинг тожик ва ўзбеклар аралаш ёки тожиклар ўзбек этник ва тил қуршовида яшаётган аҳоли манзилгоҳларида айниқса ривож топган эди.

Фарғона тожик шеваларини ўрганган диалектолог В.С.Расторгуеванинг таъкидлашича, Фарғона водийси аҳолиси орасидаги тожик-ўзбек икки тиллилик ҳодисаси Чуст ва Косонсой туманида бошқа жойларга нисбатан анча ривожланган. Бу ерлардаги барча тожик аҳолиси ўзбек тилини яхши биладилар [14.10-11].

Албатта, бу ҳудудларда этнослараро мулоқот вазифасини ўзбек тили бажарган. Дарвоқе, XX асрда Косонсой тожикларини ўрганган М.С.Андреев ҳатто Косонсой тожикларнинг шеваси аста-секин ўзининг аслий хусусиятларини йўқотиб бораётганлигини, воҳанинг туркий аҳолисининг таъсирида туркийлашиб бораётганлигини айтиб ўтган эди [15.110].

Водийнинг ғарбий ҳудудларида, хусусан, Хўжанд, Конибодом, Исфара ва уларга туташ тожик аҳоли манзилгоҳларида эса ўзгачароқ ҳолат мавжуд бўлган. Гарчи, аҳоли ўзбек тилини яхши тушунсаларда бу жойларда этнослараро мулоқот тожик тилида юз берган. Ҳатто, бу ердаги ўзбек тилли аҳолининг айрим гуруҳлари XIX асрдаёқ ўз азалий тилларида сўзлашни унутиб, тожик тилида

сўзлашар эдилар. Н.Турсунов ўз ишларининг бирида Тошкент, Сайрам, Қўқон ва Жиззахдан Хўжанд вилояти худудига келиб жойлашган ўтроқ ўзбеклар ҳамда Хўжанд, Конибодом, Кистокўз аҳоли манзилгоҳлардаги турк, қурама, юз каби яримўтроқ (яримкўчманчи) аҳолини тожиклар билан қоришиб кетганлигини, улар тожик тилида сўзлаша бошлаганликларини айтиб ўтади [16.119,181,185-194,259]. Айни вақтда ушбу муаллиф Хўжанд ўзбекларининг катта гуруҳи тожиклар билан тожик тилида, ўзаро эса ўзбек тилида сўзлашларини ҳам таъкидлайди [16.194].

XIX аср охири - XX аср бошларига келиб, Фарғона водийси худудидида турғунлашиб қолган Қоратегин тожикларининг ҳам маҳаллий тожиклар ва ўзбеклар билан тил ва этник жиҳатдан яқинлашуви, қоришиб бориши сезиларли даражада тезлашди. Бу жараённи юз беришига бир қатор ижтимоий-иқтисодий омиллар ёрдам берди. Чунончи, Қоратегин тожиклари аввалги саҳифалардан бирида айтиб ўтганимиздек, асрлар давомида фарғоналиклар билан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқада бўлиб келганлар. Қолаверса, тоғлик тожиклар воҳа тожиклари билан тил ва маданият жиҳатидан яқин эдилар. Ва ниҳоят, тоғлик тожикларни Фарғона водийсида нисбатан тарқоқ жойлашувлари маҳаллий аҳоли орасига сингиб, у билан қоришиб кетишига олиб келди.

Фарғона водийсида турғунлашган тоғлик тожикларнинг шеvasи воҳа тожиклари ва ўзбекларининг тили таъсирида ўзига хос хусусиятларини йўқота борди. Агар XIX аср бошларида улар Қоратегин тожикларига хос шеваларда сўзлашсалар [6.14,23] шу асрнинг охирига келиб уларнинг нутқи маҳаллий тожикларникидан кам фарқ қилар эди [3.94].

Ўзбек этник қуршовида тарқоқ ҳолда жойлашган, тоғлик тожикларнинг тили ўзбек тили таъсирига ҳам тушди. Оқибатда уларнинг асосий қисми XX асрнинг бошларидаёқ ўзбек тилида сўзлаша олар эдилар. Фарғона водийсида турғунлашиб қолган тоғлик тожикларнинг маълум қисми бу ерда ўз хўжаликларини ташкил қилар эканлар, маҳаллий тожиклардан ташқари ўзбек тилли аҳоли билан ҳам оила-никоҳ муносабатларига киришдилар. Натижада нафақат тожик-ўзбек аралаш оилаларининг сони, балки ўзбек тилида сўзлашувчи тожик аҳолисининг ҳам сони ортди. Одатда, бундай оилаларда аксарият ҳолларда ҳар икки тил ҳам мулоқот тили функциясини ўтар эди.

Юқорида айтилганларга асосланиб таъкидлаш мумкинки, ўзбек ва тожик тилининг ўзаро таъсири ҳар бир даврда, турли этник муҳитда турлича характерга эга бўлади. Бир даврда бир тилдан иккинчисига маълум тил элементлари ўзлаштирилса, иккинчи даврда эса икки тиллик ҳосил бўлди. Лекин бу жараён на тожик ва на ўзбек тилига ўхшамаган янги бир тилни пайдо бўлишига олиб келмади. Ҳар икки халқ тили ҳам ўз ички қонуниятлари асосида ривожланиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Иногамов Ш.И. Этнический состав населения и этнографическая карта Ферганской долины в границах Уз ССР. Автореф. дисс. к.и.н.-Ташкент, 1959.
2. Бобур Захириддин Мукаммад. Бобурнома.-Тошкент, 1958. – Б.19.
3. С.С.Губаева. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX века / Этнокультурные процессы. – Ташкент, 1991. – С. 60.
4. Губаева С.С. Горные таджики Каратегина в Ферганской долины (конец XIX-начало XX в.). // СЭ. 1987. №1. С. 86-87.

5. Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в. (по данным топонимии) – Ташкент: Фан, 1983. – С. 79.

6. Кузнецов П.Е. О таджиках Наманганского уезда // ИТОРГО. Вып 2. Т. XI.-Ташкент, 1915. С. 16.

7. Хамиджанова М.А. Материальная культура мачгинцев до и после переселения на вновь орошаемые земли. – Автореферат канд. дисс. Душанбе, 1965. – С.3.

8. Боровков А.К. Таджикско-узбекское двуязычие // Учёные записки Института востоковедения. Т.IV. Лингвистический сборник. Москва. 1952.

9. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом. Ч. II. Отд. Таблицы. С.-Петербург, 1911. –С. 11, 29.

10. Джалалов О. Отношение чувского диалекта к таджикскому литературному языку.-Сталинабад, 1949; Андреев М.С. О таджикском языке настоящего времени. //Материалы по истории таджиков и Таджикистана.-Сталинабад, 1945; Ёша муаллиф. Поездка летом 1928 г. в Касанский район.-Ташкент, 1929. Т. I; Юсупов К. Языковые взаимоотношения узбекского-таджикского языка. Автореф. к дисс. канд. филол. наук.-Ташкент, 1957; Боровков А.К. Таджикско-узбекское двуязычие и вопрос о взаимовлиянии таджикского и узбекского языков // АН СССР. Институт востоковедения. Учен. Записки института востоковедения. Т. IV. Лингвистический сборник.-Москва, 1952. С. 164-200; Расторгуева В.С. Очерки по таджикской диалектологии. Южно-ферганские говоры (Риштон, Сох) и говоры Ура-Тюбинской группы. Вып. 4.-Москва, 1961; Ёша муаллиф. Опыт сравнительного изучения таджикских говоров. -Москва, 1964; Ниязмухамедов Б. Канибадамское наречие таджикского языка. – Сталинобод, 1951; Ишандадаев Д. Наманган атроф тожик ва ўзбек шеваларида сўз яшанинг айрим хусусиятлари (тожик ва ўзбек тиллари ўзаро таъсири масаласига доир). Автореф. дисс. к.ф.н.-Ташкент, 1967.

11. Расторгуева В.С. Опыт сравнительного изучения таджикских говоров.-Москва, 1964; Юсупов К. Языковые взаимоотношения узбекского и таджикского народов (на материалах Ферганского говора таджикского языка). Автореф. канд. дисс. ... канд. филол. наук.-Ташкент, 1957.

12. Ишандадаев Д. Наманган атроф тожик ва сазбек шеваларида сўз яшанинг айрим хусусиятлари (тожик ва ўзбек тилларининг ўзаро таъсири масаласига доир). Филология фанлар номзоди дис.-Тошкент, 1967.

13. Боровков А.К. Таджикско-узбекское двуязычие и вопрос о взаимовлиянии таджикского и узбекского языков // АН СССР. Институт востоковедения. Учен. Записки института востоковедения. Т. IV. Лингвистический сборник.-Москва, 1952. С. 164-200 С. 167.

14. Расторгуева В.С. Очерки по таджикской диалектологии. Вып. 2. Северные таджикские говоры полосы Шайдон-Ашт-Чуст-Касансой. – Москва, 1952. – С. 10-11.

15. Андреев М.С. Поездка летом 1928 г. в Касанский район. – Ташкент, 1929. – С. 110.

16. Турсунов Н.О. Сложение и пути развития городского и сельского населения Северного Таджикистана XIX - начале XX века. – Душанбе, 1976. – С. 119, 181, 185-194, 259.

АМАЛИЙ ЭТНОЛОГИЯДА СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ВИЗУАЛ УСУЛ (МЕТОД)ЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*ЎзМУ таркибидаги “Амалий этнология”
лабораторияси раҳбари, тарих фанлари доктори
Давлатова Саодат Тиловбердиевна*

Аннотация. Мақолада этнология фанида социологик тадқиқотлар усулларини қўллашда визуал усуллардан фойдаланиш жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, визуал усулнинг мазмуни, моҳияти ва тадқиқотларда қўлланилиши ҳолатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *Этнология, этносоциология, визуал метод, субъективизм, фототасвир, фотоҳикоя.*

Аннотация. *в статье описывается использование визуальных методов социологического исследования в науке этнологии. Также анализируется содержание, сущность и применение визуального метода в исследованиях.*

Ключевые слова: *Этнология, этносоциология, метод визуальный, субъективизм, фотовидео, фоторассказ.*

Abstract: *the article describes the use of visual methods in the application of sociological research methods in the science of ethnology. The content, essence and application of the visual method in research are also analyzed.*

Key words: *ethnology, ethnosociology, visual method, subjectivism, photo-video, photo story.*

Замонавий дунё тобора кўпроқ визуаллашиб бормоқда. Инсон ўз атрофидан кўпайиб бораётган маълумотни матндан эмас, балки расмлар, фото суратлар, фильмлар, кинолавҳалар, видеороликлар, видеоахборотлар, ҳужжатли фильмлар, кинохроникалар, образлар, матнлар ва бошқалар ёрдамида олади. Шунинг учун атроф-муҳитдаги борлиқни ҳамда ҳақиқатни етарли даражада акс эттириш учун тегишли усуллардан фойдаланиш талаб этилади. Бугунги кунда тадқиқотларни амалга оширишда, аввало, кўпроқ визуал усуллардан фойдаланишни вазиятни ўзи тақозо этмоқда. Биз бу ўринда расмга олиш (мавжуд расм бўлиши ҳам мумкин) ёки расмлар усулидан фойдаланиш ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Кўриб турганимиздек, этносоциология социологик усуллардан фойдаланган ҳолда жамиятнинг социологик параметрларини этниклик призмасидан, шунингдек, ижтимоий тузилмалар иерархиясида намоён бўлишини ўрганади. Этносоциология замонавий жамиятдаги этник ва ижтимоий ҳодисалар – турли ижтимоий гуруҳлардаги этник жараёнлар ва турли этник жамоалардаги ижтимоий жараёнлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик механизмини ўрганишда алоҳида эътибор беради. Г.Т.Таводовнинг сўзларига кўра, этносоциология маданият ва турмушнинг этник хусусиятлари, кадрият йўналишлари, меҳнат ва дам олиш ҳатти ҳаракатлари, урфодатлари, маросимлари, шахслараро этник муносабатларнинг ижтимоий ҳолатини очиқ беришда, саноат ва касбий бандлик, миграция ва меҳнат каби ҳодисалар ва жараёнларнинг этник хусусиятларини аниқлашга интилади. Ҳаракатчанлик, демографик ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ва бошқалар. Этник ўзига хослик маданият ва кундалик ҳаёт соҳасига энг аниқ намоён бўлганлиги ва биринчи навбатда оила кўпайганлиги сабабли,

ҳозирча ушбу соҳаларида этносоциология бўйича тадқиқотлар тўпланган [1].

Этносоциологиянинг фанлараро алоқаси тарихий-этнографик (тизимли таҳлил қилиш усули, ретроспектив, қиёсий тарихий, муаммоли, майдонни кузатиш усули ва бошқалар) ва ўзига хос социологик усуллардан (анкеталар ва интервьюлар кўринишидаги оммавий этно-статистик тадқиқотлар, чуқур муаммога йўналтирилган, ярим-тузилган суҳбатлар, матнларни таркибини таҳлил қилиш, кузатиш, масштаблаш ва ҳ.к) иборат бўлади.

Этносоциологик тадқиқотлар учун манбалар доираси жуда хилма хил бўлиб, улар архив манбалари (этник сиёсат, миграция, миллатлараро муносабатлар, ижтимоий ҳаракатчанлик бўлимлари ҳужжатлари), рўйхатга олиш идоралари архивларидан олинган ҳужжатлар, уй ва маиший китобларнинг материаллари, манбалар (аҳолини рўйхатга олиш, ҳужжатларнинг статистик тўпламлари) ҳисобланади [2.144-145].

Асосан визуал усуллар кўпроқ қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

- 1) этнографик тадқиқотларда;
- 2) мавжуд расмларни таҳлил қилишда (масалан, реклама тадқиқотлари ҳам бўлиши мумкин);
- 3) жараёни видеоёзув пайтида («бу ерда ва ҳозирда» содир бўлаётган воқеани такрорлаш мумкин эмас, таҳлил одатда, маълум бир воқеа тугагандан сўнг амалга оширилади).

Ўз ўрнида савол туғилади. Маълумотни таҳлил қилиш қайси ҳолларда визуал усуллардан фойдаланишингиз мумкин?

Бу жараён қуйидаги ҳолларда фойдаланишни талаб этади:

1. Дала амалиёти давомида ҳар бир тасвир тадқиқотчи учун қимматли маълумотларни ўз ичига олади, масалан, респондентнинг ўрганилаётган объектни субъектив идрок этиш орқали;
2. Ахборотни фақат тасвирлар шакли орқали олиш мумкин;
3. Мавзунини ўрганиш тасвир билан боғлиқ;
4. Визуаллар тадқиқот жараёнини тўла қўллаб-қувватлайди [3.37-38].

Шуни ўз ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар қандай усуллар, визуал усуллар сингари ўзларининг услубий чекловларига ҳам эга:

1. Визуал усуллар мавҳум илмий назариялар билан яхши мос келмайди. Социологияда мавҳум тушунчалар кўп бўлганлиги сабабли, нима учун эмпирик кузатув жараёнида олинган ушбу ўзига хос визуал материалларни ушбу тушунчани адекват талқин қилиш натижаси деб ҳисоблаш мумкинлигини асослаш қийин. Бу этносоциология учун ҳам айтиш мумкин муҳим ҳисобланади. Ҳар бир тадқиқот жараёнида бунинг назардан қолдирмаслик керак.

2. Субъективизм - биринчи навбатда тадқиқотчининг - лекин респондентнинг субъективизми социологик кузатув натижаларининг ишончлилигига ҳам таъсир қилиши мумкин. Субъективизм ўзини камида учта жиҳатларда намоён қилиши мумкин:

- а) материалларни танлашда;
- б) талқин қилишда (бу ерда асосан расмларни расмий таҳлил қилиш имкониятлари тўғрисида савол туғилади);
- с) ушбу қониданинг барча равшанлиги ва тавтологияси учун шуни таъкидлаш керакки, фақат кўринадиган нарсани кузатиш мумкин, демак, мотивлар, сабаблар тадқиқотчи томонидан «ўйланган» ёки шунчаки эътиборсиз қолдирилган:

- биринчи ҳолатда («ўйлаб»), юқорида айтиб ўтилган субъективлик мумкин;
- иккинчисиди (мотивлар ва сабабларни инобатга олмаганда) - тадқиқот ва унинг натижалари энгил ва илмий аҳамиятга эга эмас.

Дала амалиётида дастлаб респондентлар билан ишлашда фойдаланиладиган визуал усулларни таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Визуал материаллардан фойдаланиш мақсадларига қараб, мустақил маълумот манбаи ва ёрдамчи восита сифатида визуал материаллар ҳақида гапириш мумкин.

Визуал материаллар одатда учта шаклдан бирини олади: 1) суратга олиш; 2) расм (коллаж, аппликация ва бошқалар); 3) видео материаллар [4.91-95].

Биз визуал усулларни уларнинг шакли ва ишлатилиш мақсадларига қараб қуйидагича жадвалда кўриб чиқишни таклиф этамиз:

Визуал ҳужжат	Қўллаб-қувватловчи ҳужжат сифатида	Ахборот манбаи сифатида
Суръат	Фотосухбат (фотоинтервью): Фотосурат суҳбатнинг сабаби сифатида: тадқиқотчи респондентга мавзу бўйича суҳбатни бошлаш учун фотосуратини намойиш этади.	Фотоҳикоя: Респондент ўз ҳикоясини «айтиб беради», фотосуратлар ёрдамида мавзуга бўлган қарашларини кўрсатади.
Расм	Хотирани кучайтирувчи ёки суҳбат мавзусини тушунадиган тасвирлардан фойдаланган ҳолда интервью.	Хариталарни тузиш ёки хариталаш: Респондент ушбу ҳудуднинг харитасини тузади ва унда тадқиқотчи томонидан белгиланган мавзуга мувофиқ ўзи учун муҳим жойларни белгилайди. Муаммони ёки тушунчани визуализация қилиш (визуаллаштириш). Тадқиқотчининг саволига жавоб сифатида расм чизиш.
Видеолар ёки видеоматериаллар	Фильм / видео томоша қилишга асосланган интервью. Респондент томонидан видео материалларни кўриш жараёни кейинги таҳлил қилиш учун ҳам қайд этилади.	Видео ҳикоя: Тадқиқотчи ёки социологнинг саволига жавоб бериш учун респондент видео материаллардан фойдаланади ёки ўзи яратади (масалан, видео кундалик).

Фотоматериаллар/фотоахборот. Этнографик ва социологик тадқиқотлар усулидан, масалан, фотосуратлардан фойдаланиш видео материалларга қараганда анча узоқ тарихга эга. Келинг, фотоҳикоя ва фотоинтервью усулларини батафсил кўриб чиқамиз.

Фототасвир интервьюси - бу респондент билан суҳбатдош ўртасида алоқа ўрнатишга, респондентни яхшироқ тушунишга ёки унинг хотираларини рўёбга чиқаришга, таассуротлар ва ҳиссиётларни «ёқиш-уйғотиш-қўзғотиш-бўлишишга» ёрдам берадиган ёрдамчи техникадир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, респондентнинг хотирасини «қўзғатадиган» видео материаллар ва расмлар ҳудди шундай роль ўйнаши мумкин.

Социологик тадқиқотда фотоматериаллардан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

1. Респондентнинг хотираларини уйғотиш; Масалан, мактаб фотосуратлари респондентнинг мактаб йилларини тасвирлашини сўрашдан кўра, респондентнинг мактаб ҳаёти ҳақидаги хотираларни яхшироқ уйғотади.

2. Суҳбат мавзусини яхшироқ тушуниш учун: кўпинча маркетинг тадқиқотларида фойдаланилади; масалан, респондентга логотипларнинг расмлари кўрсатилади.

3. Батафсилроқ шарҳ олиш, шунингдек, респондентнинг ўрганилаётган мавзу бўйича хабардорлиги / ваколоти даражасини аниқлаштириш; Масалан, этносоциологик тадқиқотларни ўтказишда респондент фотосуратда унда тасвирланган одамларнинг миллатини тўғри аниқлаганлигини аниқлаш мумкин.

Фотоҳикоя. Ушбу визуал усулда респондент ўзига хос тадқиқотчи бўлади: у социолог кўрсатмаларига асосланиб, тадқиқот мавзуси бўйича ўз қарашларини таклиф қилади. Ушбу усул кўпинча респондент ўз фикрларини турли сабабларга кўра оғзаки фикрларини нотўғри айтганда қўлланилади: тилдаги қийинчиликлар, болалик ёши, стресс, оғриқли ёки ёқимсиз мавзуларни муҳокама қилишни истамаслик, суҳбатдошга ишончсизлик ва суҳбатни ёзиб олиш усуллари, масалан, диктофон ёки видео камерага ёзиб олиш вақтида.

Ушбу усул дастлаб тадқиқотчидан жиддий ишини талаб қилади: респондентга кўрсатмалар тузиш, унинг тадқиқот стратегиясини ошкор қилмасдан, респондентнинг ташкилий ва мазмунли саволларига жавоб беришга тайёр бўлиши, шунда респондент маълум бир йўналишга эга бўлмаслиги керак. Сўнгра суҳбатдош респондент билан учрашади ва унга вазифасини тушунтиради: **масалан**, минимал шарҳлар билан фотопеёса яратиш; фотосурат (бир қатор фотосуратлар) ёрдамида социологнинг саволига жавоб бериш; берилган мавзу бўйича фотосурат кундалигини яратиш. Кейинчалик - майдон босқичи: респондент топшириқни бажаради. Сўнгра социолог материалларни олади: бу ерда иккита вариант мавжуд: шунчаки материални йиғиш ёки олинган воқеани муҳокама қилиш, суҳбатни кейинги таҳлил қилиш учун ёзиш. Кейин тадқиқотчи бир нечта респондентлардан олинган маълумотларни таҳлил қилади ва тадқиқотдан хулосалар чиқаради.

Хариталаш усули. Ушбу визуал усул харита кўринишидаги маълумотлар тўпламидир. Тадқиқотчи респондентдан ушбу ҳудуднинг харитасини чизишни, ундаги баъзи жойларни белгилашни ёки маршрутларни кузатишни сўрайди. Масалан, сиз ёш онадан аравачада юриш учун қулай маршрутларни, болалар аравачалари туфайли кира олмайдиган дўконларни ва аксинча, аравачаси бўлган оналар учун қулай бўлган жойларни, қулай ўтиш жойлари билан жиҳозланган жой харитасини чизишни сўрашингиз мумкин. ямақлар, болалар майдончалари ва бошқалар.

Видео материаллар ёки видеотасвирлар. Уларнинг кейинги муҳокамалари билан сюжетни кўриш интервью фрагменти ва фокус-гурӯҳнинг бир қисми сифатида ишлатилиши мумкин (бу ерда биз гурӯҳ суҳбати ҳақида гаплашишимиз мумкин). Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу усул фотосуратга ўхшашдир, фақат фарқи визуал материаллар кўринишида. Худди шундай, видео-ҳикоя ҳам фото-ҳикояга ўхшайди.

Видео материалларни яратишда асосий савол – буни қандай суратга олиш керак ёки мумкин? Видео материаллар яратадиган камера оператори бир қатор муаммоларга дуч келади, уларнинг энг кенг тарқалгани «сахналаштириш» (кузатув услубидаги кузатувчи таъсирига ўхшаш: иштирокчилар «камера учун ўйнайдилар»). Видеокузатувнинг давомийлиги бу ҳолатни қисман олиб ташлайди (одамлар камерага кўникишади ва аста-секин одатдаги ҳатти-ҳаракатларига қайтадилар). Бошқа вариант - яширин суратга олиш - ҳар доим ҳам, шу жумладан ахлоқий масалаларда ҳам мумкин эмас.

Видеони ҳикоя қилишнинг асосий вариантларидан бири бу видео кундалиги ҳисобланади:

- «тадқиқот ҳисоботи» сифатида: тадқиқотчи дала этнографик тадқиқотлар давомида асосий кузатувлари ва таассуротларни қайд этади. Шу билан бирга, маълумот олишда ҳам қўллади. Бу ҳар бир этнолог учун анъанавий ва одатий усул бўлиб, тўпланган маълумотлар дафтарлар сони ва муаллиф қайдлари асосида шаклланиб боради. Бугунги кунгача ҳар бир этнолог-тадқиқотчи ушбу усулдан самарали фойдаланиб келади. Албатта унинг асосида чуқурлаштирилган интервью ва тадқиқотчининг шахсий кузатувлари ётади;

- визуал усуллардан ҳам маълумот тўплашнинг бошқа усулларидан фойдаланиш мумкин;

- кейинги таҳлил қилиш учун материал-маълумот сифатида (кўпинча баъзи бир ноёб воқеаларга ҳамроҳлик сифатида): респондент тадқиқотчининг кўрсатмаларига биноан видеокундалигини юритади ва бу кейинчалик тадқиқотчи томонидан таҳлил қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, видеоблоглар тадқиқотчи учун янги мавзу майдонига айланмоқда. Классик видео кундаликларни таҳлил қилишдан фарқли ўлароқ, видеоблогларни ўрганаётганда, уларни яратувчиларнинг ниятларини доимо ёдда тутиш керак (ўзини тақдим этиш, шу жумладан «хаёлий» образда, пул ишлаш усули ва бошқалар).

Видеони ёзишни ташкил этишга ёрдам берадиган визуал кузатувнинг тематик матрица (мавзули матрица)сини тақдим этиш фойдали бўлади. Шундай қилиб, тематик матрица қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Объектнинг жойлашиши, фазовий тузилиши, объектнинг фазовий контексти (панорамали кўринишлар);

2. Персонажлар, портретлар, фотосуратлар, тўлиқ метражли видеофрагментлар;

3. Объектда кузатиладиган фаолият (жараёнларнинг моҳиятини акс эттирувчи ҳаракатлар қайд этилади);

4. Жараён содир бўладиган моддий муҳитни ўрнатадиган рамкалар;

5. Жонли воқеаларни акс эттирувчи кадрлар (авж нуқталари, жараёнларнинг моҳиятини очиқ берадиган «фокуслар» ёки уларнинг тасодифий шакллари);

6. Ҳодисалар кетма-кетлиги (агар вақтнинг чизиқлилиги бузилган бўлса, воқеалар вақтини кетма-кетлигини кўрсатинг);

7. Одамларнинг ҳис-туйғулари ва ҳиссиётларини акс эттирувчи рамкалар [5.283].

Визуал материаллардан фойдаланган ҳолда социологик тадқиқотларнинг энг мураккаб ва зиддиятли тартиби уларни талқин қилишдир. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, методнинг асосий заифлиги тадқиқотчининг субъективлигидир. Ушбу қийинчиликни енгиш учун турли хил техникалар, жумладан, В.Оверменнинг

объектив герменевтика усули қўлланилади. Ушбу усул қуйидаги принципларга асосланади:

1. Контекстдан озодлик (кейин): тасвир ҳақидаги мавжуд билимлардан у ёки бу тасвирнинг мумкин бўлган маъноси тўғрисида пайдо бўлган тахминлардан максимал даражада ажралиш.

2. Адабийлик (сўзма-сўз – С.Д.): образ яхлит (бир бутун) ҳолда кўриб чиқиладди, маънони тушунтириш мантиғига «мос келмайдиган» ҳар қандай элементларни чиқариб ташлаш мумкин эмас; тадқиқотчи уларни аҳамиятсиз ёки тасодифий / нотўғри деб ҳисобласа ҳам, уларни эътиборсиз қолдиrolмайди.

3. Тугатиш (Чарчаш – Д.С.): ҳар бир элементнинг маъноларини батафсил ишлаб чиқиш (яъни ҳар бир элемент учун барча мумкин бўлган контекстларни таҳлил қилиш).

4. Иқтисодиёт: тасвир элементларини ўқиш вариантлари кундалик билимлар нуқтаи назаридан тушунилиши ва мантиқий бўлиши керак [6.300].

Дала тадқиқотларнинг муҳим босқичи унинг тақдмоти ҳисобланади. Визуал усуллар уларни тақдим этишнинг маълум бир шаклини талаб қилиши аниқ.

Социолог олим В.А.Ильин визуал материаллар тақдмоти учун қуйидаги вариантларни таклиф этади:

Тасвирлар билан китобга ўхшаш индивидуал тадқиқот натижаларини акс эттирувчи маъруза / тақдимот матнига қўшимча иллюстрация сифатида визуал материаллар: сиз китобни расмсиз ҳам ўқишингиз мумкин, аммо улар билан бу янада қизиқроқ.

2. Визуал материаллар оғзаки матн билан тўлдирилган мустақил матн сифатида: бу ерда тематик тартибга солинган визуал материаллар (фотосуратлар, расмлар, видеофильмлар ва бошқалар) асосий маълумот манбаи бўлиб, изоҳли матнлар уларни фақат тўлдиради.

3. Визуал материаллар тадқиқотчининг бирон бир изоҳсиз берилган: «Изоҳлар йўқ» сарлавҳаси остида оммавий ахборот воситаларида телевидение хабарларига ўхшаш [6.408].

Ушбу замонавий тадқиқот усуллардан фойдаланиш ҳар бир тадқиқотчи ўз тадқиқоти учун фойдаланишда визуал усулларни қўллаши ва материалларни замонавий услубда таҳлил қилишида муҳим хусусият касб этади. Айниқса, материалларни тавсиф ва таснифлашда мураккабликларга ечим топади. Бунда албатта дастлаб тадқиқотчи олдида маълум вазифаларни қўяди. Булар мавзунини танлаш, асослаш, уни тасдиқловчи ҳужжат(қўшимча маълумот: расм, фото, видео – С.Д.)га эга бўлиш ва мустақил маълумот манбаини яратиш керак бўлади [7.114-121]. Айнан мана шу визуал усул ҳам замонавий этнологиянинг ўзига хос долзарб усулларида ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, этносоциологик тадқиқотлар методологиясини ўрганар эканмиз, аввало унинг ўрганиш назариялари, ёндашувлар ва шунингдек, методларига таянган ҳолда ўрганилаётган мавзу ёки тадқиқотни илмий хулосалашга эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунинг учун албатта амалий этнология усуллари яъни, ҳар бир тадқиқотда дала амалиёти (лаборатория иши) бўлиши лозим. Лаборатория иши тадқиқотчида мақсадли ёзма ёки оғзаки тартибда бўлиши керак деб ўйлайман. Юқорида келтириб ўтиган усулимиз эса олиб борилаётган тадқиқотларда қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ўринда этносоциологик тадқиқотлар ҳам бундан мустасно эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Гали А.Б., Калышев А., Каражанов К.С. История переписей населения и этнодемографические процессы в Казахстане. Алматы, 1998.
2. Ильин В.И. Драматургия качественного полевого исследования. – СПб.: Интерсоцис, 2006, С. 144-145.
3. Калышев А.Б., Кондратьев В.С. Этносоциологическое исследование в Казахской ССР (методика и инструментарий) // Всесоюзная научная сессия по итогам полевых этнографических и антропологических исследований 1988-1989 гг. Тезисы докладов. В 3-х частях. Алма-Ата, 1991. Ч. 1. С. 37-38.
4. Кондратьев В.С. К методике обработки похозяйственных книг в этносоциологическом исследовании // Вопросы методики этнографических и этносоциологических исследований М., 1970. С. 91-95.
5. Методология и методы социологического исследования: учебник / под ред. В.И.Дудиной, Е.Э. Смирновой. (С.-Петербург. гос. ун-т). – СПб.: Изд-во СПбГУ, 2014. – С.283.
6. Тавадов Г.Т. Этнология / учебник. – М.: Дашков и К, 2009. – 408 с.
7. Трофимова А.Г. Материалы отделов ЗАГС о браках как этнографический источник // Советская этнография. 1965. №5. С. 114-121.

ЭТНОПЕДАГОГИКАНИНГ ЭТНОЛОГИК ЁНДАШУВИДАГИ ТАЛҚИНИ

Ўзбекистон Миллий университети
“Антропология ва этнология” кафедраси проф.в.б., т.ф.д.
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна

Аннотация. В статье рассматривается и анализируется содержание терминов “народная педагогика” и “этнопедагогика”, используемых при изучении этнических аспектов социализации детей, а также различных взглядов и подходов к применению этих понятий. В частности, определяется этнологический подход к народной педагогике и этнопедагогике.

Ключевые слова: народ, народная педагогика, этнопедагогика, педагогика, социализация, узбек, этнолог, педагогика, этнография, воспитание, этнос, детей.

Аннотация. Мақолада болалар социализациясининг этник жиҳатларини ўрганишда қўлланиладиган “халқ педагогикаси” ва “этнопедагогика” атамаларининг мазмун-моҳияти ҳамда бу тушунчаларни қўллашда турлича қараш ва ёндашувлар муҳокама қилинади ва таҳлил қилинади. Хусусан, халқ педагогикаси ва этнопедагогикага доир этнологик ёндашув белгиланади.

Калит сўзлар: халқ, халқ педагогикаси, этнопедагогика, педагогика, ижтимоийлашув, ўзбек, этнолог, педагогика, этнография, таълим, этнос, болалар.

Abstract. The article discusses and analyzes the content of the terms «folk pedagogy» and «ethnopedagogy» used in the study of ethnic aspects of the socialization of children, as well as different views and approaches to the application of these concepts. In particular, the ethnological approach to folk pedagogy and ethnopedagogy is defined.

Keywords: *people, folk pedagogy, ethnopedagogy, pedagogy, socialization, Uzbek, ethnologist, pedagogy, ethnography, education, ethnos, children.*

Изучение вопроса социализации детей является важным и актуальным для сферы гуманитарных наук. Бесспорно, исследователи каждой отрасли подходят к решению этого вопроса с привлечением различных методов и с позиций различных точек зрения. Исследование социализации детей следует отнести к одной из актуальнейших задач и для этнологов. Как справедливо отмечал известный ученый И.С.Кон, «не зная, как тот или иной народ воспитывает своих детей, невозможно понять ни его образ жизни, ни особенности его социальной истории» [Кон 1983: 3]. Действительно, посредством исследования социализации ребенка можно получить ценные сведения не только о социально-экономическом и духовно-культурном развитии изучаемого народа, но и происходивших политических процессах в регионе его проживания.

Наряду с этим широкое комплексное изучение вопроса о социализации детей предопределяет необходимость проведения междисциплинарных исследований. Как верно подчеркивает известный этнолог С.А. Токарев, «для понимания задач этнографии как науки важен правильный взгляд на взаимоотношения её со смежными науками и – ещё более – умение правильно сочетать данные этих наук» [Токарев 1999: 86]. Уже в 80-е годы XX в. в русской этнологии был выполнен ряд научных работ по разработанной И.С.Коном программе комплексного исследования социализации ребенка. Однако на примере узбекской этнологии можно утверждать, что этот вопрос до настоящего времени изучен лишь в качестве составной части семейных отношений и обычаев и обрядов, имеющих отношение к воспитанию.

Вопросом же воспитания занимались, в основном, педагоги, а в последнее время к исследованию специфики традиционного воспитания и процесса обучения у какого-либо народа применяется термин «этнопедагогика». Поэтому важно обратить внимание на связь этнопедагогики и этнологии, а также границы обеих отраслей именно в вопросе социализации ребенка.

Прежде всего следует указать на значительное число определений понятия «этнопедагогика», сформулированных педагогами, и различную интерпретацию учеными его содержания. Некоторые исследователи используют этнопедагогiku даже в качестве синонима к народной педагогике. Порой даже трудно найти различия между понятиями «этнопедагогика», «народная педагогика», «традиционная педагогика».

В связи с тем, что этнопедагогика является междисциплинарной областью, более целесообразно давать ей определение с позиций единого подхода. Как указывалось ранее, представители различных отраслей науки подходят к этому вопросу, исходя из своей отрасли. Учитывая это, рассмотрим сначала понятие «народная педагогика», поскольку этот вопрос представляет интерес и для этнологов. О том, что изучение народной педагогики является одной из актуальных задач этнографии, отмечал уже в прошлом, XX в., Ю.В.Бромлей [Бромлей 1973: 231, 232]. Впервые понятие «народная педагогика» употреблено в 1864 г. К.Д.Ушинским в его книге «Родное слово». [Восток-Запад 1992: 35]. В изданной в 90-х годах прошлого века «Российской педагогической энциклопедии» дано следующее определение этому термину:

Народная педагогика – совокупность знаний и навыков воспитания, сохранившаяся в этнокультурных традициях, народном поэтическом и художественном творчестве, устойчивых формах общения и взаимодействия детей друг с другом и с взрослыми, включает в себе многовековой опыт бытовой культуры и воспитания [*Российская педагогическая энциклопедия* 1993: 1153].

Специфическое определение термина «народная педагогика» дано Г.Н. Волковым. Ученый трактует народную педагогику «как совокупность педагогических сведений и воспитательного опыта, сохранившихся в устном народном творчестве, обычаях, обрядах, детских играх и игрушках и т.д.» [*Волков* 1974: 7]. Некоторые ученые, (В.Ф.Афанасьев, В.Х.Арутюнян) интерпретируют понятие «народная педагогика», в основном, как связанное с воспитанием подрастающего поколения устное народное творчество, а М.Шербаев включил и «народные традиции» [Шербоев 1969. 35]. Более расширенное толкование данного понятия дано А.Э. Измайловым: «Народная педагогика – совокупность накопленных и проверенных практикой эмпирических знаний, сведений, умений и навыков, передаваемых из поколения в поколение преимущественно в устной форме, как продукт исторического и социального опыта народных масс...» [*Измайлов* 1991: 256].

Г.В.Палаткина трактует народную педагогику как «совокупность народных эмпирических знаний и умений по вопросам развития и формирования личности, выражающихся в этнических традициях, быте, обрядах, обычаях, фольклоре и т.д.» [*Палаткина* 2003: 18].

По мнению узбекского педагога А.Р.Сохибова, народная педагогика в действительности является совокупностью не взглядов на педагогику, а обязательных навыков, элементов бытового этикета, выполнение которых контролируется обширным кругом людей. [*Сохибов* 2004: 24]. Близкой к этому определению в содержательном плане следует отметить трактовку Ю.Б.Стракача: «Народная педагогика – совокупность (система) определенных взглядов, этапов и методов воспитания подрастающего поколения, ставшая своего рода традицией» [*Стракач* 1962: 47].

Б.О.Кодиров, широко исследовавший вопрос о народной педагогике, рассматривает его еще глубже, давая следующую оценку: «В большинстве случаев традиции возникают из важных исторических событий, которые прочно закрепляются в сознании поколений, принимаются народом, превращаются в эталон для всех, следование им означает принадлежность именно этому народу» [*Кадыров* 1992: 83].

Обзор определений понятия «народная педагогика», формулируемых педагогами, дает основание подразделить их по содержанию на два типа. Первый тип основан на взглядах и представлениях, которые передаются посредством устного народного творчества, а второй – на опыте, сохранившемся в образе жизни народа в виде обычаев, обрядов и традиций.

Среди этнографов одним из первых определение понятия «народная педагогика» дал Г.С. Виноградов. По его мнению: «У народа были и есть известные представления, взгляды на жизнь, на воспитание и обучение появляющихся новых поколений, известные цели и задачи воспитания и обучения их, известные средства и пути воздействия на юные поколения и т.д. Совокупность и взаимозависимость их дают то, что следует назвать **народной педагогикой**» [*Виноградов* 1926: 7].

Как видим, Г.С. Виноградов также подходит к народной педагогике как к традиционному опыту по воспитанию.

Следует отметить, что именно Г.С.Виноградов исследовал такие вопросы, связанные с различными аспектами жизни ребенка, как детский народный календарь, детская сатирическая лирика, детский тайный язык общения, детский фольклор и другие, обратил внимание на специфические стороны «мира детей», ввел в жизнь сам термин «детская этнография», первым выделил этнографию детства в качестве специального объекта научного изучения, отделил друг от друга понятия «этнография детства» и «народная педагогика» [Виноградов 1924: 55–97].

Существует множество определений, позволяющих установить границы этнопедагогике и народной педагогике. В частности, В.С. Кукушин считает, что «народная педагогика» – это «воспитательные традиции конкретной этнической группы», а понятие «этнопедагогика» являет собой «обобщенное понятие, означающее сравнительный анализ воспитательных традиций различных народов». По его мнению, изучение первого осуществляется посредством этнографии, а второго – с помощью педагогике [Кукушин, Столяренко 2000: 6].

Следовательно, по мнению В.С.Кукушина, этнологи должны изучать только народную педагогике, анализ же воспитательных традиций различных народов входит в задачу только педагогике. Этнологи также осуществляют сравнительный анализ различных сторон жизни этносов, таких как материальная и духовная культура, образ жизни, традиции (в том числе воспитательные традиции). Как можно показать специфику культур различных народов, не сопоставляя их? Рассуждение об этом мы продолжим далее.

По мнению Г.Н.Волкова, заложившего основы этнопедагогике, «этнопедагогика – наука об эмпирическом опыте этнических групп в воспитании и образовании детей, о морально-этических и эстетических воззрениях на исконные ценности семьи, рода, племени, народности, нации» [Волков 1974: 30].

Г.Н.Волков задается вопросом: «Этнопедагогика – это педагогика или этнография?», и отвечает: «Специфика науки образуется единством точки зрения, метода и объекта исследования». По его мнению, в этнопедагогике точка зрения и изучаемый объект – чисто педагогические. Что же касается метода, то он является частично этнографическим, во-первых, направлен на изучение педагогического объекта и имеет педагогическое содержание, во-вторых, взаимодействует с помощью специальных педагогических методов [Волков 1974: 18].

Следует отметить, что, если объект представлен обучением и воспитанием, тогда действительно правильно будет называть его «чисто педагогическим», а если объект является воспитательным опытом этноса (фактор, указывающий на специфику), тогда правильно будет называть такое исследование этнологическим или междисциплинарным (этнопедагогическим) исследованием.

В самом общем виде этнопедагогика понимается как теоретическое осмысление и систематизация опыта народной педагогике, как совокупность педагогических сведений и воспитательного опыта, объективированного в традициях, обычаях, обрядах, детских играх, игрушках, произведениях народного искусства.

Указывая на связь между этнопедагогикой и педагогикой, О.В. Хухлаева подчеркивает, что этнопедагогика имеет связь с педагогикой как наука, нацеленная на оптимизацию воспитательных воздействий, в то же время она пользуется

материалом, который предоставляется этнографическими исследованиями [Хухлаева 2008:10].

Приведенные сведения служат основанием для определения понятия «народная педагогика» как еще не доведенного до совершенства, передаваемого на базе преемственности идей и практического опыта этноса в сфере воспитания подрастающего поколения и его социализации. Такие идеи и практический опыт находят свое проявление в образе жизни народа, его материальной и духовной культуре, менталитете. Следовательно, исследование в этнологическом ракурсе получивших отражение в образе жизни народа, в его материальной и духовной культуре, менталитете концептуальных положений и опыта в деле социализации детей позволит достичь больших практических результатов. Это подтверждается и указанными ранее исследованиями Г.С. Виноградова.

Возвращаясь к термину «этнопедагогика», следует отметить, что он шире, чем понятие «народная педагогика», поскольку применяемое в широком смысле понятие «этнос» охватывает являющуюся самым высшим этапом его развития нацию. Следовательно, этнопедагогика включает и национальное воспитание.

Известный этнолог Г.А.Комарова предложила определение понятия «этнопедагогика» как «науки, которая раскрывает закономерности процесса социализации личности и акцентирует свое внимание на этнической специфике этого процесса в различных обществах и культурах» [Комарова 1980: 212]. Мы солидарны с ее мнением.

Связь между этнологией и этнопедагогикой особенно четко проявляется в исследовании процессов социализации, формирующих своеобразие этноса. В последние годы этнологами осуществлено множество исследований по изучению связи между этносом и воспитанием. Этнологи подчеркивают важность использования в учебном процессе традиционных народных представлений о природе и месте человека в ней. [Тишков 2016: 17].

Г.А.Комарова, относя социализацию личности к одному из важнейших компонентов культуры любого этноса, отмечает следующее: «Важность ее определяется главным образом тем, что с ее помощью происходит трансмиссия культуры во времени, то есть осуществляется передача культурных ценностей от поколения к поколению и тем самым сохраняется культурная преемственность» [Комарова 2014: 70]. По мнению исследователя, в вопросе, определяющем место этнопедагогики в этнологии, «важно выделить и изучить то, каким образом многовековой воспитательный опыт народа способствует вхождению подрастающего поколения в структуру данного общества» [Комарова 2014: 65]. Отсюда главную задачу этнопедагогики можно видеть в раскрытии характерных для каждого этноса закономерностей процесса социализации личности.

Таким образом, становится очевидным, что круг исследований, называемых этнопедагогическими, больше имеет отношение к этнологии. Это признают и сами педагоги. В частности, М.Х.Мальсагова в своей диссертации на тему: «**Методология этнопедагогического исследования**» пишет: «Предмет изучения этнологии (системы воспитания, ритуалы, обычаи, верования, демографические процессы, жизнедеятельность этнических общин и др.) распространяется на этнопедагогическое исследование» [Мальсагова 2014: 38].

Различие в этнологических и педагогических исследованиях этнических аспектов воспитания заключается в том, что педагоги, прежде всего, уделяют

больше внимания идеям, надеждам и желаниям в области воспитания. Эти идеи и желания имеют общечеловеческий характер. Вот что отмечал И.С. Кон по этому поводу: «Все народы во все времена хотят воспитать своих детей честными, смелыми, трудолюбивыми. Вопрос заключается в том, какой конкретный смысл вкладывается в содержание этих общечеловеческих ценностей и какими средствами и насколько эффективно народная педагогика добывается их внедрения и осуществления» [Кон 1983: 19].

Здесь, на наш взгляд, уместно привести мнение З.Г.Нигматова: «Каждый народ имеет свой оригинальный свод педагогических знаний, присущих только ему и основанных на его собственной культуре, ... традиции педагогики многих народов различаются лишь по форме внешнего выражения, а не по содержанию» [Нигматов 1999].

По нашему мнению, педагогические традиции различаются не только по своей форме, но наряду с этим в определенной степени и по содержанию. Несмотря на то, что каждый народ ценит общечеловеческие качества, однако, этносы различаются между собой условиями для формирования этих качеств и степенью того, насколько они ценны. Следовательно, методы воспитания народа формируются в соответствии с этнокультурной средой этого народа. В этом важное место занимают история, вероисповедание народа, географическое положение страны, в которой он живет, экономические условия и политическая система.

Исследование этнопедагогики в этнологическом ракурсе предусматривает изучение взглядов и опыта народа в деле воспитания поколений не только с позиций его традиций и обычаев прошлого, но и в качестве современного процесса. В качестве примера рассмотрим влияние политики на взгляды, связанные с воспитанием детей. В частности, не могло не оказать своего негативного влияния на религиозный аспект воспитания детей преследование исламской религии в советский период. Согласно данным этнографических исследований, в Узбекистане в 70-е годы прошлого века, в школах учителя для того, чтобы прервать пост у постившихся детей, заставляли их пить воду [ПМА 2017: Камиров; ПМА 2013: Юлдашева].¹ Не прошли бесследно непрерывные утверждения о том, что «бога нет». Влияние такой пропаганды получило отражение и в семейных отношениях, в нежелательном изменении приоритетного статуса отца, мужа, строго установленного в исламе, что, безусловно, не могло не отразиться на воспитании детей [Об этом см.: Убайдуллаева 2018].

Этнологический подход к этнопедагогике предусматривает изучение не надежд и желаний народа, относящихся к обучению и воспитанию (что, в основном, изучают педагоги), а реального состояния в данной сфере. Например, в идеях узбекского народа о воспитании строго осуждается физическое наказание детей, однако, в действительности оно применяется и даже есть его приверженцы, считающие эту меру справедливой и правильной. Согласно этнографическим данным, даже в школах некоторые учителя применяли физическое наказание к мальчикам [ПМА 2009: Рахимова; ПМА 2009: Тажибаев; ПМА 2017: Мамажонов], и родители не проявляли недовольство («Суяги бизники, эти сизники», букв. «Мясо ваше, кости наши») [ПМА 2013: Юлдашева].

¹ В 2007 г. проведен опрос среди более 700 человек, проживающих в городе Ташкенте, Сурхандарьинской и Наманганской областях, согласно которому 23 процента респондентов считали физическое наказание приемлемым и эффективным.

Проведенный нами анализ отношения к образованию показал позитивный настрой к образованным людям, исполнение различных суеверий, чтобы ребенок в будущем стал ученым. Социологические опросы показали, что 80,5 процентов респондентов-родителей выражали желание получения детьми высшего образования [Убайдуллаева 2010: 174]. Этнографические наблюдения в действительности давали иную сложившуюся картину: стремление некоторых учащихся не к получению знаний, а – к достижению высоких оценок.

ИСТОЧНИКИ И МАТЕРИАЛЫ:

1. ПМА 2009 – Полевые материалы автора. Экспедиция в село Тал кишлак, Денауский р-н Сурхандарьинской обл, август 2009 г. (информант: Ф. Рахимова, 1950 г.р.).
2. ПМА 2009 – Полевые материалы автора. Экспедиция в село Искават, Янгикурганский р-н Наманганской обл., июль 2007 г. (информанты: Р.Тажобаев, 1958 г.р.; О.Хакимова, 1961 г.р.).
3. ПМА 2013 – Полевые материалы автора. Экспедиция в село Миндон, Ферганский р-н Ферганской обл., май 2013 г. (информант: Р.Юлдашева, 1953 г.р.).
4. ПМА 2017 – Полевые материалы автора. Экспедиция в Галларалский р-н Жиззахской обл., июль 2017 г. (информант: З.Мамажонов, 1958 г.р.).
5. ПМА 2017 – Полевые материалы автора. Экспедиция в село Кулоллик, Ургутский р-н Самаркандской обл., июль 2018 г. (информант: Ф. Камиров, 1955 г.р.).

Научная литература

6. Афанасьев В.Ф. Педагогические идеи в якутском народном творчестве // Советская педагогика. 1960. № 3. С. 120 – 125.
7. Бромлей Ю. В. Этнос и этнография. М.: Наука, 1973.
8. Виноградов Г. С. Детский народный календарь (из очерков по детской этнографии) // Сибирская живая старина. Иркутск, 1924. Вып. II. С 55 – 97.
9. Виноградов Г.С. Народная педагогика: (Отрывки и наброски) // Сибирская живая старина. 1926. Вып. 5. С. 1 – 28.
10. Волков Г.Н. Этнопедагогика /Под ред. И.Т. Огородникова. Чебоксары, Чувашкнигоиздат, 1974.
11. Волков Г. Н. Универсализм этнопедагогика (дисперсная этнопедагогика) // Этнопедагогика в системе образования: опыт, проблемы и перспективы: матер. Международ. научно-практ. конф. Атырау, 2005. С. 7-12.
12. Восток-Запад: диалог культур: Тезисы докладов и выступлений на I Международном симпозиуме-семинаре 22-26 июня 1992 г. Часть III. Алма-Ата: Изд. Каз ГУ, 1992.
13. Комарова Г.А. О понятии «этнопедагогика» в советской этнографической и Педагогической науке // Изучение преемственности этнокультурных явлений: [Сб. статей] АН СССР, Ин-т истории СССР, Ин-т этнографии им. Н. Н. Миклухо-Маклая; [Редкол.: И. И. Крупник и др.]. М.: ИЭ, 1980. С. 202 -212.
14. Измайлов А.Э. Народная педагогика: педагогические воззрения народов Средней Азии и Казахстана. М.: Педагогика, 1991.
15. Кадыров Б. А. *Формирование узбекской народной педагогики*. Ташкент.: Мехнат, 1992.

16. Комарова Г.А. Этнография детства: междисциплинарные исследования. Изд. 2-е, доп. М.: ИЭА РАН, 2014.
17. **Мальсагова М. Х. Методология этнопедагогического исследования / Дис. ... канд. пед. наук.** Пятигорский государственный лингвистический университет. **Назрань, 2014.**
18. Кон И.С. Введение // Этнография детства: традиционные формы воспитания детей и подростков у народов Восточной и Юго-Восточной Азии. М.: Наука, 1983. С. 3– 8.
19. Кон И.С. Ребенок и общество. М.: Наука, 1988.
20. Кукушин В.С. Этнопедагогика и этнопсихология / В.С.Кукушин, Л.Д. Столяренко. Ростов н/Д: Феникс, 2000.
21. Нигматов З.Г. Плюралистический подход к этнопедагогическим исследованиям // Теория и практика физической культуры. 1999. № 8. // <http://sportlib.info/Press/TPFK/1999N8/p22-23.htm> 13.02.21.
22. Палаткина Г.В. Этнопедагогические факторы мультикультурного образования / Автореф. дис. ... докт. пед. наук. Москва, 2003.
23. Сохибов А.Р. Ўзбек халқ педагогикаси историографиясининг илмийназарий муаммолари (19562001 йиллар) / Пед. Ф. ном. ... диссертация. Тошкент давлат педагогика университети. Тошкент, 2004.
24. Стракач Ю.Б. Традиции трудового воспитания народов Таймыра в наше время // Советская этнография. 1962. № 3. С. 35 – 48.
25. Тишков В.А. От этноса к этничности и после // Этнографическое обозрение. 2016. № 5. С. 5 – 22.
26. Токарев С.А. Избранное. Теоретические и историографические статьи по этнографии и религиям народов мира. Т. 1. М.: ИЭА РАН, 1999.
27. Убайдуллаева Барно. Ўзбекларнинг ёш авлод тарбияси борасидаги анъаналари ва замонавийлик. Тошкент: Янги нашр, 2010.
28. Хухлаева О.В. Этнопедагогика: социализация детей и подростков в традиционной культуре. М.: МПСИ, 2008.
29. Шербоев М. Оилада болалар тарбиясида халқ традициялари. Тошкент: Ўқитувчи, 1969.

ЧОРВАДОР ХАЛҚЛАР АНЪАНАВИЙ МОДДИЙ МАДАНИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

*(Фаргона водийси қорақалпоқларининг анъанавий таомларида
оид материаллар таҳлили)*

*Андижон машинасозлик институти., катта ўқитувчиси,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Атаханов Рафиқжон Сотволдиевич*

Аннотация. Ушбу мақолада Фаргона водийси чорвадор халқлари хусусан, қорақалпоқлар анъанавий таомларининг этнолокал ва этнохўдудий хусусиятлари ёритиб берилган. Шунингдек, моддий маданиятдаги ўзаро этномаданий алоқалар натижасида қорақалпоқ таомларидаги юз берган трансформацион жараёнлар дала этнографик тадқиқотлар материаллари асосида таҳлил қилинган. Водий

худудидаги қорақалпоқ этник жамоаларининг анъанавий таомлари билан маҳаллий ўтроқ аҳоли таомлари қиёсий ўрганган.

Калит сўзлар. Қорақалпоқ, Фарғона водийси, моддий маданият, таомлар, этнолокал, анъанавий таомлар, трансформация, чорвадор, ўтроқ, маросимлар.

Аннотация. В данной статье освещены этнолокальные и этнорегиональные особенности традиционной кухни скотоводческих народов Ферганской долины, в частности каракалпаков. Также на основе материалов полевых этнографических исследований были проанализированы трансформационные процессы, происходящие в каракалпакской кухне в результате взаимных этнокультурных связей в материальной культуре. Сравнительно сопоставлены традиционные блюда каракалпакских этнических общин с местным оседлым населением.

Ключевые слова. Каракалпак, Ферганская долина, материальная культура, пища, этнолокал, традиционные блюда, трансформация, скотовод, оседлый, обряды.

Abstract. This article highlights the ethnocultural and ethnoregional features of the traditional cuisine of the pastoral peoples of the Fergana Valley, in particular the Karakalpaks. Also, based on the materials of field ethnographic research, the transformation processes occurring in the Karakalpak cuisine as a result of mutual ethnocultural ties in material culture were analyzed. The traditional dishes of the Karakalpak ethnic communities are comparatively compared with the local settled population.

Keywords: Karakalpak, Ferghana Valley, material culture, food, ethnological, traditional dishes, transformation, cattle breeder, sedentary, rituals.

Этнослараро жараёнларда маданий алоқалар энг кўп акс этган соҳа бу – анъанавий халқ таомларидир. Шубҳасиз, ҳар қандай этноснинг анъанавий таомлари ушбу халқнинг турмуш тарзи, аввало, хўжалик шакли, қолаверса, маҳаллий табиий шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда ривожланиб боради. Мазкур жараённи Фарғона водийси қорақалпоқлари мисолида ҳам кузатиш мумкин.

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистоннинг турли тарихий-этнографик минтақаларида трансформацион жараёнлар жадал кечган. Зеро, Фарғона водийси қорақалпоқларининг анъанавий таомлари ўзининг этнолокал ва этнохудудий хусусиятлари билан ушбу жараёнларга таъсир этган.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг ўтроқ, деҳқон ва хунарманд аҳолиси билан кўчманчи, ярим кўчманчи чорвадор халқларининг таомлари хўжалик йўналиши ва турмуш тарзидан келиб чиқиб, бир-биридан фарқ қилган. Фарғона водийси қорақалпоқлари анъанавий ва миллий таомлари ҳақида адабиётларда маълумотлар нисбатан кам учрайди. Шу боис, мазкур масалани кенгроқ ўрганишда дала этнографик изланишларни аҳамияти катта.

Қорақалпоқларнинг анъанавий таомлари бой ва ўзининг хилма-хиллиги билан ажралиб турган Уларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари асосан кўплаб чорвадор халқлар каби сутли, гўшти, донли таомлардан иборат бўлган. Қорақалпоқлар кўпроқ қўй, қорамол ва парранда гўштлири ҳамда балиқни севиб истеъмол қилган. Шунингдек, от ва туя гўштлири ҳам истеъмол қилинган. Ҳайвон гўшtidан асосан қовурдоқ тайёрланган. Қовурдоқ Ўрта Осиёнинг кўплаб чорвадор халқларида кенг тарқалган бўлиб, уни тайёрлаш анча осон ва содда ҳисобланган. Бунинг учун ортиқча харажат қилинмаган. Сўйилган ҳайвоннинг гўшти думба ёғида қовурилган ва махсус идишга солиб қўйилган. Қовурдоқ тўйимли, калорияли

таом ҳисобланган. У ачимаган ва айнамаган. Шунинг учун уни узоқ сақлаб туриш мумкин бўлган. Чорва молларининг калла-почаларидан ҳам тансиқ таомлар тайёрланиб, хатто бозорларга сотиш учун олиб чиқилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қорақалпоқлар ислом дини қоидаларига кўра чорва ҳайвонларини сўйилган “ҳалол” гўштидан таомлар тайёрлаганлар [1].

Хўжаликюритишусулианъанавийчорвачиликкаихтисослашганқорақалпоқлар кундалик турмуш тарзида сут ва сут маҳсулотларидан таомлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб қилган. Қуйида қорақалпоқлар учун хос бўлган, аждодлардан-авлодларга ўтиб, водийнинг этник муҳотида ҳам тайёрланиб истеъмол қилиниб келаётган бир неча таомлар ва уларни тайёрлаш усули ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Фарғона қорақалпоқлари сут маҳсулотларини тайёрлашда қуйидаги усулдан фойдаланганлар. Сигир, қўй ва эчки туққанидан кейинги 3–4 кун ичида ундан соғиб олинган сут-оғиз сути, яъни “увуз” [2.152] деб номланган. Ундан водий қорақалпоқлари қағаноқ [3.116] деб номланувчи пишириқ тайёрлаганлар. Ушбу сут қуюқ ва сариқ рангли бўлиб, уни оила аъзоларидан ташқари қўшниларга ҳам тансиқ таом сифатида улашилган [4]. “Увуз” сутидан тайёрланадиган таомлар нафақат тотли шу билан бирга тўйимли ҳисобланиб, мазкур аҳоли орасида кенг оммалашган эди [5.136]. Соғиб олинган сут маҳсулотидан қорақалпоқлар уни қайта ишлаш йўли билан қаймоқ, сариеғ, қатик, сузма ва айрон тайёрлаганлар. Оммавий равишда ҳар бир хонадонда сутдан тайёрланадиган маҳсулот қатик ҳисобланган. У пишган сутга “*томизғи*”, “*уютқи*”, “*ачитқи*” [2.156] ёки “*оқлиқ*” [6] қўшиш йўли билан тайёрланган. Баъзи ҳолларда қатикни махсус тикилган халтага солиб сузиш орқали сузма олинган. Халтада қатикнинг сариқ рангли зардоб суви чиқиб кетган ва қатик бўтқа холга келган [7]. Водий қорақалпоқларида қатикқа сув, туз ва райҳон қўшиб айрон тайёрлаш усули кенг тарқалган. Ушбу хушхўр ичимлик, айниқса, ёзнинг жазирамасида кўп истеъмол қилинган. Сузма ёки чаккидан қурут тайёрланиб, қуритилган ҳолда қишга сақлаб қўйилган. Қурут *сузмадан тайёрланадиган, катталиги ёнгоққа ўхшаши думалоқ шаклдаги маҳсулот бўлиб водийда уни қуртон* [8] ҳам деб атайдилар. Аёллар, асосан, қурутни апрель – май ойларида кўп миқдорда тайёрлашган. Бунинг сабаби, айти шу ойларда яйловларда ўт-ўлан мўл бўлиши натижасида соғин сигирлардан кўп миқдорда сут соғиб олиниши билан боғлиқ бўлган [9].

Шу ўринда, сутдан сариеғ олиш технологияси ҳақида тўхталиб ўтамиз. Ўрта Осиё халқларида сутдан сариеғ олишда асосан, икки хил усул қўлланилган. Биринчи усулда сут қозонда пишириб совитилгач, юза қисмида ҳосил бўлган қаймоқли қатлам алоҳида идишга сидириб олинган. Сўнгра бу қаймоқ эритилиб, ундан сариеғ ҳосил қилинган. Иккинчи усулда эса, сутни ёғидан ажратиб олиш учун темирчилар томонидан тайёрланган цилиндрсимон шаклдаги махсус мослама – “*куви*” (кува, куви, гуу, куу) дан фойдаланилган [2.115]. Бунда “куви”га солинган сутга тўрт парракли “*кувёгоч*” билан юқоридан пастга қараб бир хил меъёрда босим берилган (урилган). Фарғона водийсида буни “ку уриш” деб аталган [7]. “*Ку уриш*” давомида паррақлар орасидан сутнинг гувиллаган овози чиқиб турган. Иккинчи усул билан олинган ёғ массаси биринчи усулдагига нисбатан қаттиқроқ бўлиб, аҳоли орасида у “*маска*” деб аталган [10].

Кўплаб этник жамоаларида бўлганидек, нон деярли барча халқларда асосий озиқ-овқат ҳисобланган. Айти вақтда бу озиқ-овқат жамият ижтимоий-маданий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Хамирдан асосан, турли кўриниш ва ўлчамдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрланган [11]. Чунончи, бугдой унидан “шурек” деб аталган нон, жўхори унидан зоғора нони ва қотирма нон ҳамда “қўр нони” тайёрланган [12]. “Қўр нони” Фарғона вилояти Данғара туманидаги Оқтепа қишлоғида яшовчи қорақалпоқларнинг ўзига хос нон ёпиш усули бўлиб, улар хамирни қориб икки темир идиш (това)ни ўртасига солиб, чўғ устига қўйиб пиширганлар. Ушбу нон “қўмач” [13] деб аталган. Қўмач нон пишириш усули барча чорвадор халқларда кенг оммалашган. XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона водийси яримкўчманчи ва яримўтроқ этник жамоаларида хусусан, қорақалпоқ қишлоқларида, маккажўхори унидан пиширилган “зоғора” нон кенг оммалашган эди. Таъкидлаш ўринлики, бу нон кўпроқ аҳолининг камбағал қатлами томонидан тайёрланган [3.107]. XX асрнинг 50-60 йилларида қорақалпоқ суннат тўйларида маҳалланинг ҳар бир хонадонига иккитадан нон улашиб чиқиш одат бўлган [14]. Шунингдек, тўй ва байрам кунларида “кўча-бўтқа”, “зоғора кулча”лар пиширилиб, энг азиз меҳмонларга тортилган. “Зоғора нон” жуда тўйимли бўлган [15].

Қорақалпоқлар нонининг таркибидаги баъзи қўшимча маҳсулотлари (пиёз, гўшт, жизза, ёғ), унинг шакли ва сифати билан бошқа кўчманчи аҳоли томонидан тайёрланган нонлардан фарқ қилган. Жумладан, водий қорақалпоқлари байрам ва оилавий маросимлар учун аксарият ҳолларда махсус патир нонлар тайёрлаганлар. Фарғона водийси қорақалпоқларида анъанвий тарзда болалар учун кичик ўлчамдаги кулча нонлар тайёрлаш ўзаро маданий алоқалар натижасида ўлкамизнинг турли ҳудудлари урф бўлган.

Водийнинг чорвачилик билан шуғулланадиган аҳолиси, хусусан, турк, юз, қурама, қипчоқ ва қирғизларда турли хилдаги нонларни қозонда пишириш кенг тарқалган бўлиб, ушбу ҳолат кўчманчиликнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Масалан, айрим этносларда хамир қуруқ қозонда қотириб олинса, бошқаларида қозонга ёғ суртилиб ёки қуйилиб унда пишириб олинган. Жумладан, Фарғона водийси турклари хамирдан катта ва юпқа қилиб айлана шаклда ясалган нонни қозонда ёғ солмасдан қотириб олганлар. Бу нонни улар “чевати” деб атаганлар [16]. Худди шу усулда тайёрланган нон Фарғоналик қурамада юқма, қипчоқларда эса “юпқа” деб аталган. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг азалий чорвадор халқларида қозонга ёғ солиб тайёрланган нон маҳсулотларидан “шилпилдоқ”, “барақ”, “бўғирсоқ”, “чалпак”, “чўзма”, “қатлама” деб номланувчи хамирли маҳсулотлар кенг тарқалган эди. Албатта, водий қорақалпоқлари ҳам бу турдаги нон ва нон маҳсулотларини ўз хонадонларида тайёрлаб келганлар. Асосан, чорвачилик билан шуғулланадиган аҳоли орасида хамирни юпқа қилиб, тўртбурчак шаклда кесиб ва гўшт қайнатилиб олинган сувда пиширилган шилпилдоқ жуда кенг тарқалган. Мазкур таом куюқ кўринишга эга бўлиб, унга кўп миқдорда гўшт қўшилган. Хамирнинг майда қилиб кесилган қисмидан эса суюқ таом тайёрланиб, уни “ун оши” деб атаганлар. Ушбу таомнинг таркибига сут маҳсулотларидан қатик, сузма ҳамда райхон қўшиб истеъмол қилинган [17].

Фарғона водийси қорақалпоқ этник гуруҳлари ўртасидаги ўтказилган социологик сўровнома натижалари таҳлилига кўра [18], водий ахборотчи-респондентлари миллий таомлари сифатида қозон нон, хамир ош, кулчатой, гўжа, бўғирсоқ, қатлама, бешбармоқ, зоғора кулча, норин, жўхори ош, балиқ шўрва, жўхори кулча, қотирма нон, шолғомли овқат, ўрама, шилпилдоқ, хасип каби анъанавий таомларини хуш кўришларини таъкидладилар [15].

Ўтмишда, айниқса, озиқ-овқат танқис бўлган очарчилик йилларида Ўрта Осиёнинг барча этнослари каби қорақалпоқлар ҳам тут, полиз экинлари ва узум маҳсулотларидан таом ҳамда ширинлик ўрнида фойдаланганлар. Жумладан, тут, узум, қовун ва тарвуздан “шинни” тайёрланган [19]. Қовундан уни тилим шаклида кесиб қуритиш йўли билан “қовун қоқи” тайёрланган.

Шинни тайёрлаш усули қуйидагича амалга оширилган: тарвуз уруғи ва пўчоғидан тозалангач суви сиқиб олиниб қозонда узоқ вақт қуюқ ҳолатга келгунча қайнатилган. Меъёрга етганда қозондан олиниб, идишларга қуйилган. Тахминан 50-60 литр тарвуз сувидан 3-4 литр шинни олинган. Шинни табиий равишда ўта ширин маҳсулот ҳисобланган. Марварид ва оқ тут навларидан ҳам шу усулда шинни олинган, фақат тутдаги сув миқдори озроқ бўлгани боис шинни миқдори кўпроқ чиққан [20]. Водий аҳолиси тўкилган тут меваларини осон ва тоза ҳолатда йиғиштириб олиш учун унинг тагига мато солганлар. Тўкилган тут мевалари кафт орасида сиқилиб бирлаштирилган ва хумга солиб устидан хамирли қоришма қилиб сувалган. Қоришма бир неча қаватдан иборат бўлиб, тут солинган идишга хаво ўтказмаган. Натижада маълум вақтдан сўнг тут ширинлик ҳолатига келган [21].

Ахборотчилардан олинган маълумотларга кўра, водийнинг дарёга яқин жойлашган қишлоқларида яшаётган қорақалпоқлар жийда мевасини севиб истеъмол қиладилар. Улар ушбу мевани йилнинг барча фаслларида таом сифатида дастурхонда бўлишини таъминлаганлар. Бунинг учун август, сентябрь ойларида пишиб етилган жийда мевасини териб, қуритиб заҳира тайёрланган [22]. “Қишнинг совуқ кунларида сандал атрофида болаларимиз билан жийда еб ўтирардик”, – деб таъкидлайди ахборотчилар [19].

Тадқиқот қилинаётган этнос таомлари билан боғлиқ халқ орасида оммалашган қуйидаги нақл уларнинг таомномаси ҳақида муайян даражадаги маълумотга эга бўлиш имкониятини беради: “Уч ой сут, уч ой қовун, уч ой ошқовоқ, уч ой балиқ” (“Уш ай, сауыным, уш ай қауыным, уш ай кабагым, уш ай шабагым”) [23.113]. Т.А.Жданконинг таъкидлашича ушбу мақолнинг замирида меҳнаткаш қорақалпоқ халқининг турмуш тарзи билан боғлиқ хўжалик юритиш анъаналари акс этган бўлиб, **гўшт ва гўшт маҳсулотларидан таомлар тайёрлашда ҳар доим ҳам имкониятлари бўлмаган** меҳнаткаш оилаларнинг [24.344] иқтисодий ночор ва камбағал бўлган қатламига айтилган [23.113]. Шунинг учун ҳам уларнинг таомномасида сут, ошқовоқ, қовун ва балиқ маҳсулотлари асосий ўринни эгаллаган.

Водий қорақалпоқлари балиқ гўштини энг ҳалол гўшт деб эътироф этганлар ва имкон қадар, айниқса муқаддас рўза (рамазон) ойдан аввал уни истеъмол қилишга алоҳида эътибор берганлар. Чунки балиқ энг ҳалол гўшт маҳсулоти сифатида инсоннинг халқумини тозаллаган [25]. Ўз навбатида мазкур удум ислом дини шартларини бажаришда ўзига хос покланиш вазифасини бажарган.

Балиқ гўштини аҳоли асосан қовурилган ҳолатда истеъмол қилишган. Ундан таом тайёрлаш айниқса водийнинг Сирдарё ва Норин дарёси қирғоқларида жойлашган қишлоқларда яшайдиган қорақалпоқларда оммалашган эди. Фарғона водийси қорақалпоқлари Сирдарё, Норин дарёлари ҳамда яқин атрофдаги бошқа қўллардан балиқ овлаб ундан турли таомлар пиширганлар. Манбааларда кўрсатилишича “қорақалпоқлар балиқни жуда кўп истеъмол қиладилар ва шу туфайли уларни касал бўлганлигини эшитмаганмиз” [26. 85-86], – деб таъкидланади.

Водийда яшовчи қорақалпоқлар дудланган (*кокланган*) балиқ тайёрлашни ҳам яхши ўзлаштирганлар. Шунингдек турли хил таомлар тайёрлашда балиқ ёғидан (*балыктын майы*) фойдаланилган. Балиқдан бир неча хил таомларнинг тайёрланиши қорақалпоқлар ҳаётида балиқчилик муҳим ўрин тутганлигини англатади.

Фарғона водийси ҳудудидаги қорақалпоқлар томонидан ташкил қилинган қишлоқлардан тўпланган дала материалларининг таҳлили шуни кўрсатадики, XX аср бошларида ўтроқ турмуш тарзига ўтиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган қорақалпоқ гуруҳлари таомларида жиддий ўзгаришлар юз бера бошлаган. Бу, аввало, уларнинг таомномасида деҳқончилик маҳсулотларидан тайёрланадиган озиқ-овқатларни кўпайиб боришида намоён бўлди. Хусусан, ўтроқ аҳоли томонидан мунтазам тайёрланадиган хамир ва гуручли овқатлар ушбу ўтроқлашаётган қирғиз, қипчоқ ва қорақалпоқ каби этник жамоалар таомномасидан ҳам мустаҳкам жой ола бошлади. Ушбу гуруҳлар учун атала, угра ва чучвара каби таомлар деярли тез-тез тайёрланиб, истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларга айланиб борди. Хўрда, мастава, шавла ва ҳатто палов каби гуручдан тайёрланадиган таомлар аста секин ушбу этник гуруҳлар томонидан ўз миллий таомлари сифатида эъзозланадиган бўлди.

Хуллас, водий ҳудудидаги турли этник жамоаларнинг анъанавий таомларини ўтроқ аҳоли таомлари билан қиёсий ўрганишдан маълум бўлдики, ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳолининг ўзаро интеграциялашуви натижасида таомлардаги тафовутлар аста-секин йўқолиб бориб, умумўзбек ёки умумминтақавий хусусият касб эта бошлаган. Бундай умумийлик ўзининг тарихий асосларига эга бўлиб, ушбу халқларнинг этногенези ва этник тарихи бир эканлиги, уларнинг маданиятлари ягона этномаданий муҳитда шаклланаётганлиги билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Қудуқ қишлоғи. 2009 йил.
2. Абдуллаев У.С, Валихонова Г.К. Фарғона водийси аҳолиси: этник таркибининг шаклланиши ва этномаданий муносабатлар тарихи. – Тошкент. 2016. – Б.152.
3. Шаниязов К. Ш., Исмаилов Х. И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX - начала XX в. – Ташкент. 1981. – С.116.
4. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Оқ тепа қишлоғи. 2015 й.
5. Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Тошкент. 2005. – Б. 136.
6. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Избоскан тумани Чувама қишлоғи. 2015 йил.
7. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Норин тумани Кемабоши қишлоғи. 2009 йил.
8. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Балиқчи тумани Ўрмонбек қишлоғи. 2009 йил.
9. Дала ёзувлари: Наманган вилояти Поп тумани Қўштепа қишлоғи. 2009 йил.
10. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Жалақудуқ тумани Маданият МФЙ. 2015 йил.
11. Маҳкамов К. М., Погосян А. И., Свинин С. Н. Узбекские лепешки. – Ташкент. 1974.
12. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Поп тумани Кенагас қишлоғи. 2009 йил.
13. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Оқтепа қишлоғи. 2009 йил.
14. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Манғит қишлоғи. 2009 йил.

15. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Балиқчи тумани Хўжаобод қишлоғи. 2007 йил.
16. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Чортоқ тумани Пешқўрғон қишлоғи. 2018 йил.
17. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Тумор қишлоғи. 2018 йил.
18. Фарғона водийси қорақалпоқ қишлоқларидан олинган социологик– сўров-номалар. 2009 йил.
19. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Бўз тумани Ховост қишлоғи. 2020 й.
20. Дала ёзувлари. Наманган вилоятти Поп тумани Қорақалпоқ қишлоғи. 2007 йил.
21. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Марҳамат тумани Ровот қишлоғи. 2020 йил.
22. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Момохон қишлоғи. 2009 йил.
23. Жданко Т.А. Этнография каракалпаков XIX – начало XX века (материалы исследования) – Ташкент. «Фан» 1980. – С.113.
24. Шелекенов У.Х. Быт каракалпакского крестьянства Чимбайского района в прошлом и настоящем / Труды хорезмской экспедиции. – М., 1958. Т.III. – С. 344.
25. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Поп тумани Кенагас қишлоғи. 2020 йил.
26. Даль В. Рассказ пленника Ф.Ф.Грушина – литературное приложение к журналу «Русский инвалид» 1878 №5 С. 85-86.

БАХШИ БЎЛИШ ОСОНМИ?

*Термиз давлат университети Бошланғич таълим кафедраси
доценти, филология фанлари номзоди
Мустафоқулов Рўзиқул Бойназарович*

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек дostonчилиги ва бахшичилиги, Шеробод бахшичилик мактаби ворисларининг ушбу кунлардаги ижодий фаолияти ҳамда фольклорнинг терма жанри ҳақидаги фикрлари жамланган. Шунингдек, катта салоҳиятга эга бўлган таниқли бахши Чоршанби Раҳматуллаев (Чорша бахши) нинг “Бахшининг” номли термасига ўзбек шеърининг нуқтаи назаридан таҳлил берилган.

Калит сўзлар: жиров, оккаизонал, савр жаласи, жуйрик, юзбоши, жийилиб, суйилиб, қуйилиб, терма, тахаллус, чечан, радиф.

Аннотация. В данной статье обобщены взгляды на узбекский эпос и бaxshi, творчество наследников шерabadской школы бaxshi в наши дни, а также на национальный жанр фольклора. Также с точки зрения узбекской поэзии был проанализирован коллектив известного бaxshi Чоршанби Раҳматуллаева (Чорша бaxshi) с большим потенциалом «Бaxshi».

Ключевые слова: жиров, оккаизонал, савр джаласи, жуйрик, юзбоши, джшилиб, суйилиб, қуйыл, терма, тахаллус, чечан, радиф.

Abstract. This article summarizes the views of Uzbek epic poetry and baxshi, the creative work of the heirs of the Sherabad baxshi school these days, as well as the national genre of folklore. Also, the team of the well-known bakhshi Chorshanbi Ra-khmatullaev (Chorsha bakhshi) with great potential “Bakhshi” was analyzed from the point of view of Uzbek poetry.

Keywords: *jirov, okkaizonal, savr jalasi, juirik, yuzboshi, jiyilib, suyilib, kuyil, terma, takhallus, chechan, radif.*

Ўзбекистондагина эмас, балки Тожикистон, Туркменистон Республикаларида ном қозонган Эсан бахши, Назар бахши, Мардонакул бахши, Боймурод бахшиларнинг дуосини олган ва ўзи ҳам Сурхондарё бахшиларининг таниқли устози Чоршанби бахши Раҳматуллаев (Чорша бахши 1932-2002) дир. Чорша бахшининг бахшилар таърифида айtilган «Бахши» термаси ҳам жўшқин айtilганлиги, сермазмунлиги, ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак маҳорат ила яратилганлиги билан эътиборни ўзига тез жалб этади.

Улар куйловчининг таржимаи ҳоли, устозлари, дoston қахрамонларининг маълум фазилатлари, маълум воқеа-ҳодисалар, маълум шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Улар бахшининг турли муносабат билан билдирган теран фикр-мулоҳазаларидир. Бу ҳақда олима Музайяна Алавия шундай таъриф беради. «Дostonчи шоир, жиров, бахши, созанда, юзбоши тўй-ҳашамларда, сайр-саёҳат, сайилларида, умуман, кўпчилик йиғилган жойларда дostonлардан парчаларни, турли мавзулардаги 10-12 мисрадан 320-350 мисрагача бўлган шеърларни куйлайдилар. Буни терма деб юритилади [1]. Терма ўз номи билан териб айтишдир. Одатда, дoston айтишдан олдин халқнинг диққат-эътиборини тортиш, уларда маълум кайфият уйғотиш, айтувчининг ўзи ҳам йўлга тушиб олиши, қизишиб, фикрларини жамлаб олиши ва бошқа мақсадларда терма айтишади. “Термалар мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, уларнинг кўпчилиги дидактик характердалиги кишиларни мардликка, ватанпарварликка, инсонпарварликка, ҳақиқатга, севги-садоқат ва вафога чорлайди” [2].

Чорша бахшининг бахшилар таърифида айtilган «Бахшининг» [3] термаси ҳам жўшқин айtilганлиги, сермазмунлиги, ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак маҳорат ила яратилганлиги билан эътиборни ўзига тез жалб этади. Термада дастлаб бахшили элнинг ботирлиги бола бошдан деганидек, бахши ҳам табиий талантга эга бўлиши, ёшлигидан тарбия топган, тўғри сўзли бўлиши каби фазилатлари ҳам алоҳида қайд этиб ўтилади. Шунинг учун ҳам бундай табиий талантга эга бўлган, яхши тарбия кўрган бахшилар оқар дарёга ўхшайди, уни эл олқишлаб, ёнидан ажралмайдиган, ўзи ҳам куйлаганда толмас бўлади.

Бир суҳбатимиз орасида Чорша акага “Бахши бўлиш осонми “? дея савол билан мурожаат қилдим. Бу саволимнинг жавоби тубандагилардан иборат. Кейинги суҳбатимизда куйидаги термани ёзиб олдим[4].

Шоирнинг фикрича, бундай бахшининг сўз оқими ошиб боради, сира узилмайди, у куйлаганда тингловчиларда ўз ғам-кулфатлари унтилади, то тонгача куйласа ҳам унинг давраси бузилмайди.

Сўнгра шоир терманинг учинчи бандида ҳам бахшининг булбули гўёлик маҳоратига тўхталади. Унинг хониши тошларни эритишга қодир, сўзлари селдай мавж уради, у куйлаганда, туманат одам жам бўлади. Шоир шу муносабат билан бир қатор окказионал сўзлар қўллайди. Булар қофияда келган “суйилиб”, “жийилиб”, “қуйилиб” каби сўзлардир:

Хонишидан тош эрийди суйилиб,
Тумонат эл кўшиқ тинглар жийилиб.
Дoston тинглаб, кўзин ёшлар ийилиб,
Мавжланади сўзи селдай қуйилиб,
Булбули гўёдир тили бахшининг.[5]

Термада бахшининг ўз хизмати билан эл дардига дармон бўлиши, дўстни шод, душманни ношод этиши, тўғри сўзли эканлиги каби фазилатлари ҳам алоҳида қайд этиб ўтилади. Шунинг учун ҳам у эл шоири, эл булбули элига меҳр қўйган бахшидир.

Шод айлайди элу улус, дўстини,
Нокаслардан сўз билан олар қастини.
Тўғри сўз билан шилар унинг пўстини,
Ҳазари йўқ, айтар гапнинг ростини,
Халқига меҳрли дили бахшининг.

Термада таъриф этилишича, бахшили элда хавф-хатар бўлмайди. Бахши ёшлар онгини уйғотади, дўмбирасини шундай эркин куйлатадики, гўёки қўй-қўзилар яйловда эркин жамраб юрганга ўхшайди. Яхши бахшилар ҳар қадамда терма, дoston яратиб, чечанликдан элни оғзига қаратади. Унинг чечанлиги савр жаласига ўхшайди. Энг муҳими, у ёлғонни айтмайди, тўғри сўздан қайтмайди.

Бахшиларнинг оти, тахаллуси кўп,
Ғанимларга ҳар бир сўзи тўп.
Савр жаласидай ҳамиша сергап,
Икки кунда бир достони бўлмас соп.
Маъкул сўзлаб, ҳеч айтмайди ёлғон гап,
Қўшиқ билан соғлом тани бахшининг.

“Бахшиларнинг эл-юртда номи ҳар хил аталади. Ҳофиз, бахши, шоир, тонг куши, созанда, жуйриқ, юзбоши” [6] ва бошқалар. Бундай номларни эшитиб, бахшининг ўзи ҳам фахрланади, кўнгли «чечак очиб» яшнайти. Бахшининг қайнаб-тошиши «баҳор келиб, қир-адирни яшнатган»га ўхшайди. Сўз бойлиги беҳисоб, «ҳар сапардан қайтганда» бир дoston тайёр. У сўзга муҳтож эмас, бировнинг бисотидан сўз изламайти, мардлиги бор, даволиги бор.

Муҳтож бўлиб сўз изламас бировдан,
Мардона, кўрқмайди тошқиндан, сувдан.
Юз ўғирмас қору ёмғир, қировдан,
Доно сўзлаб, ғолиб синов, гаровдан,
Тоғдай бардошли бели бахшининг.

Термада бахшининг меҳнаткашлиги, ҳалол меҳнат билан яшаб, элига наф келтириши ҳам унинг шахсий инсоний фазилдатларидан бири сифатида кўрсатилган. Уни «халқ ишидан аямай бор кучини», «текин эмас, аччи билан чуччини» деб мақтайди. Шунингдек, бахши молга, давлатга ҳам ҳирс қўйган кишилардан эмас, у куйларкан, халқдан мадад олади. Унинг бор бисоти, «бойлик, моли» қўшиғи, холос. Унинг «эзгу куйлари она алласи» дек хушёқим, «жонга озиқ ҳар сўзининг маъноси». Шунинг учун эл «тилида бор асал-боли бахшини» деб хурмат қилади, сўздан хасталар шифо топади.

Эли-юртинхуш чоқ қилиш тилаги,
Устозлар сўзига соқчи қулоғи.

Лоладай қизариб икки ёноғи,
Терма, достонининг йўқдир саноғи.
Поёнсиздир, тугамайди адоғи,
Чарчаб толмас, дулдул йили бахшининг.

Бахшига мавзу кўп: тоғда писталар, ёғоч соз, дўмбира ясаган усталар ва бошқалар. У халқига доимо «янги гулдасталар» тутаяди. Бу кўшиқларига ўзи куй басталайди. Демак, у доимо изланиш, интилишда. Шоир шу ўринда устоз бахшилардан ўрнак олишга алоҳида даъват этади:

Устоз оқинларди кўмсаганда дил,
Етти иқлим кезиб сайрагай булбул.
Кўз ўнгимда бўзлайди Мардонакул,
Созни ушлаб, куйлаб ўтди элма-эл.
Юрт-элатлар меҳмон қилиб қўлма-қўл,
Она сутдай еган нони бахшининг.

Шоир ана устоз бахшиларнинг айтгани элга муносиб, «лойиқ» бўлганлигини, ҳар сўздан халойиқ зиё олганини таъкидлайди, ана шу устозларга муносиб бўлиш, улар меросини элга ёйиш дарди билан ёнади ва бошқаларни ҳам шунга даъват этади. Сўнгра шоир бахшиларнинг ҳам тури кўплиги, ҳақиқий бахши чин сўзлашини қайд этади. Бахшининг шахсий сифатлари ҳам унинг кўркидир.

Бахшилар пок, камтарин, сира иғвогар бўлмас,
Кўнгли қора, маккор, ичи тор бўлмас.
Фақир, ростгўй, кўнгли тоза, кир бўлмас,
Иғво, ёлғоннинг ипи чирик, узилса, уланмас,
Вақт келиб, аҳволи вой ул кишининг [7].

Бахши устозлардан мерос бўлган табаррук созни ушлаб, даврада халқ талаб қилган достонни айтади. Уни бошидан бошлаб тўлиб-тошиб, жўшиб, гоҳи тонг отгунча, терга ботиб, тўлғониб бўзлайди, катта йиғин тонггача бузилмай, меҳр билан тинглайди. Бахши ҳар наъра тортган пайтда давра бир қалқиб, тушади, гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб жонланиб туради, тингловчилар қалби жумбушга келади. Ҳа, Чорша бахши таъбири билан айтганда, “қизишиб денгиздай мавжланиб – авжланиб, бўйнини чўзиб, наъра тортиб, жўш урган ҳақиқий бахшидир”.

Жўйриқ бахши сўз маржонини тузади [8]. Созни шайлаб, элу овул кезади. Тонг отгунча бўзлаб, кўнглини хушлайди. Элдан олқиш олиб, қанот ёзади. Шулар сабабдан ардоқлидир бахшилар. Бахшилар бор сўзга чечан, оқин юраги ёшлиқдан улкан дарёлардан озиқ олади. Бахшичиликнинг узоқ-узоқ йўлларини кўзлайди. Асил бахши сел бўлиб, борлиқ дунёни унутиб айтади. Иғво, миш-миш, ёлғон-яшиқдан ўзини сақлайди. Чин бахшининг кўнгли кийикдай ўйноқи, сўзи танга малҳам, қаймоқдай тотли бўлади.

Ўзингни мактама, мағрур бўп кетма,
Сени эл мактаб, таъриф қилсин, шуни унутма.
Ҳурмат-обрўйингни бир пулга сотма,

Бир кетган сўнг қайтмайди, изини кутма.
Чорша бахши, ҳақиқат йўлидан қайтма,
Парвойи чархи фалакларга бу сўзни айтма,
Яшнаб турар кўнгил гули бахшининг.

Терманинг охирида шоир ёш бахшиларга насиҳат этиб, устозлардан ўрнак олишга даъват этади.

Ўтган бобо устозлардай балқиб қол,
Зўр дostonчи бахши бўлиб довруқ сол.
Устозингга доғ текизма, олқиш ол,
Ўрган, излан, давраларда бўлма лол.
Ёш бахшилар, омад сизга, омон бўл,
Англаб, билиб, бахт берар эли бахшининг [9].

Шоир бахшиларнинг шахсий сифатлари элга намунали бўлишини ёшларга яна бир бор ўғит этади. Бахши бардошли, камтарин, қалби пок, ширин тил, очиқ юз, оқкўнгил бўлади. Улар мисоли оқардарё бўлиб, чанқоқ қалбларни қондиради, онгларига нур-у зиёбахш этади.

Чорша бахшининг ушбу термаси бахшилар ҳаёти, фаолияти, қувваи ҳофизаси, турмуши, шахсий сифатлари юзасидан кенг тасвирларга бойдир. 130 мисралик ушбу терманинг бадий жиҳатдан ҳам пухат-пишиқ ишланганлигини кўрамиз. Бандлари асосан, 5 мисралик бўлса-да, шоир илҳомининг жўшиши ва мазмун талаби билан уларнинг 6,7 мисрадан иборат бўлиб келганлари ҳам бор. Умуман, термада 1-, 2-, 3-, 4-, 6-, 8-, 9-, 10-, бандлар беш мисрали 5-, 7-, 11-, 13-, 14-, 15-, 16-, 17-, 18-, 20-, 21- бандлар олти мисрали 12-, 19-, 22-бандлар етти мисралидир.

Термада, асосан, тўлиқ қофиялар қўлланган, ҳар банд охиридаги мисрада «бахшининг» сўзи радиф сифатида келган, фақат 20-бандда «бахшининг» радифига «ул кишининг» сўзи қофияга туширилган. Бу мазмун талаби билан бўлиб, у ҳам бахши маҳоратидан далолат беради. Термада қизиқарли, ўхшатишлар, муболағали тасвирлар мавжуд.

Чорша бахши ўзбек шериятнинг конун-қоидалари ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас эди. Аммо тўқиган термалари, ижро этган дostonлари шеърӣй “қолип”га беҳато жойлашиши бахши катта маҳорат эгаси эканлигидан далолат беради. Қалби қайноқ, тафаккури кенг, ҳозиржавоб, сўз олами чексиз-чегарасиз эканидан хабар беради. “Сўз тизимлари тўққиз булоқ сувидек мавж ураётганга ўхшайди. Қўлида ёғоч тилга киради” [10]. Терма, дostonлари шундай мулкки, айтса адо бўлмайди.

Бугунги бахшиларни ҳам саводсиз деб бўлмайди. Энди ҳақиқий бахшининг бир қўлида сози, бир қўлида қалам-қоғози, терма, дostonларини тўплаб, дафтарга тушириш имкониятига эгадирлар. Эл шундай бахшиларни чин дилдан яхши кўради. Қанча ёрдам бўлса кўмаклашади, қўллаб-қувватлайди. Узоқ ва яқин тарихдан ҳам шу нарса маълумки, халқимиз асил ва диёнатли, инсофли бахшиларни ҳеч қачон хор этмаган.

Хуллас, Чорша бахши барча терма ва дostonларини “ҳақиқий бахши ўзбек шеърӣятининг барча конун-қоидаларига мос асосланган ҳолда куйлаб ўтди” дейишга асослимиз.

Йигит тортар авлодга

Шодмон бахши Хўжамбердиев элимизнинг суяр бахшиларидан бўлиб, бахшичилик сирларини ота-боболаридан ўрганган, яъни сулолавий бахшичилик анъаналарини давом эттираётган, ўзининг термаларидан бирида айтганидек “авлодга тортган” истеъдод соҳибидир. У Сурхон (аниқроғи, Шеробод) бахшичилик мактабининг таниқли намоёндаси анъанавий халқ дostonлари ва термалари билан бир қаторда қатор замонавий термалар яратиб, ўз репертуарини бойитиб келаётган забардаст бахшилардан бири, “Ўзбекистон халқ бахшиси” унвонига сазовор бўлган жўшқин илҳом соҳибидир.

Шодмон бахшининг ушбу тўпламидан кейинги йилларда яратилган бир қанча термалари ўрин олган. Уларда инсонпарвар, юртсеварлик, одоб- ахлоқ, меҳнатсеварлик туйғулари тараннум этилган, айрим кишилар феълида учровчи салбий хусусиятлар ҳажв остига олинган.

Бу термаларда халқимизнинг энг яхши фазилатлари меҳр билан дўмбира куйига солинган. Масалан, бахши ўзи туғилиб-ўсган қишлоғи ҳақида тўхталар экан, фахр билан хайратларини таъкидлаб ўтади:

Меҳмон келса, кучоқ очиб қаршилар,
Сенда ўтди қанча қанча яхшилар,
Бойқулу Шотўра, улкан бахшилар,
Достон тинглаб ёзилади хуморим,
Оқинлар макони Қалламозарим.

Бахши одамларни яхши яшаб, яхши роҳат кўриш учун ҳалол меҳнат қилишга чақиради меҳнатсиз турмушни умрнинг заволи деб билади.

Йигитни сақласин Оллоҳим омон,
Довруғи кетсин-да, элда ҳар томон.
Ялқовлик қурисин, дунёда ёмон,
Меҳнатсиз дунёда роҳат кўрмадим.

Бахши ўз шеърларида ҳаётга теран кўз билан қараб, яхши- ёмонни фаросатлаб, уларнинг паст-баланд ўрнини белгилаб, доно фикрлаб сўз юритади. Кишиларни яхшиларга ёндашиб, ёмонлардан четлашиб юришга даъват этади.

Мардга ишинг тушса, дилинг яйрайди,
Номардга иш тушса, ҳар гал қийнайди.
Жигитнинг йўлини номард ковлайди,
Зинхор номардларга ишинг тушмасин.

Қисқаси, тўплам Шодмон бахшининг ўзига хос маҳоратини, изланиб ижод қилаётганини яна бир бор ифода этади. Бу асарлар ёшларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, яхши фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Шунинг учун китобни нашр этиш фойдалидир.

Яна шуни қайд этишим мумкинки, ушбу китоб Термизда 2019 йил 5-10 апрель кунлари бўлиб ўтган халқаро бахшичилик санъати фестивалига муносиб тухфа ҳам бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Т., “Ўқитувчи”-1990. 234-б.
2. Мустафоқулов Р. Халқ педагогикаси сарчашмаси, “Жайхун” нашриёти -Термиз-1996.
3. 25-май 1993-йил қўлёзма вариант асосида таёрланди. Термалар тўплами. 115-бет.
4. Мустафоқулов Р., Шаббазова Д., Шаймарданов. Тарбиянинг теран илдизлари.”Сурхон-нашр” нашриёти-2018.
5. 25-май 1993-йил қўлёзма вариант асосида таёрланди термалар тўплами 120-бет.
6. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Т., “Ўқитувчи”-1990. 236-бет.
7. 25-май 1993-йил қўлёзма вариант асосида таёрланди.
8. Мустафоқулов Р. Халқ педагогикаси сарчашмаси, “Жайхун” нашриёти, -Термиз-1996., 65-бет
9. Турсунов С., Пардаев Т., Турсунова Н., Муртазоев. Ўзбекистон бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи. Тошкент. “Тафаккур” нашриёти-2015.
10. Мустафоқулов Р. Халқ педагогикаси сарчашмаси, “Жайхун” нашриёти -Термиз-1996.

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ТАОМЛАРИДА ЧОРВА МАХСУЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА УЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОДАТЛАР

*Тошкент давлат шарқшунослик университети
таянч докторанти
Эшмуҳаматов Ахрор Шарипович*

Аннотация: Ушбу мақолада тадқиқотчининг тарихий ва этнологик тадқиқотларга таянган ҳолда Жиззах воҳаси чорвадор аҳолисининг таомлари ва уларнинг ўзига хослиги ёритилган. Шунингдек, чорвадорларнинг кундалик турмушида сутли ва гўтли таомларнинг ўрни ва уларнинг тайёрланиш жиҳатлари ҳақида фикр – мулоҳазалари баён этилган.

Калит сўзлар: Қозон патир, сутли човати, тандир гўшт, қазы, қарта, қовурдоқ, сутли ўпка, гўшт, сут, қатиқ, айрон, сарёғ, сузма, қурт, мандир.

Аннотация: В данной статье на основе историко – этнологических изысканий исследователя описывается кухня скотоводческого населения Джизакского оазиса и их специфика. Также рассматривается роль молочных продуктов и молочных продуктов в повседневной жизни животноводов и их приготовление.

Ключевые слова: Пот патыр, молочные човати, тандыр мясо, казы, карта, малька, молочное легкое, мясо, молоко, простокваша, айран, масло, сузьма, курт, мандир.

Abstract: This article, based on the researcher’s historical and ethnological research, describes the cuisine of the livestock population of the Jizzakh oasis and their specificity. It also discusses the role of dairy and dairy products in the daily lives of livestock breeders and their preparation.

Keywords: *Pot patir, milk chovati, tandir meat, kazi, karta, fry, milk lung, meat, milk, yogurt, ayran, butter, suzma, kurt, mandir.*

Халқнинг яшаш тарзи ва маданиятининг муҳим компонентларидан бири бўлган анъанавий таомлар, уларнинг тайёрланиш усуллари ва улар билан боғлиқ маросимлар инсониятнинг илк яшаш тарзи билан боғланади. Ҳар бир ҳудуднинг таомлари ўзига хослиги билан ажралиб турган. Жиззах воҳаси аҳолисининг таомлари ҳам ўзига хос этник ва маҳаллий хусусиятлари билан фарқланган. Воҳада миллий таомларни тайёрлаш ҳамда таомлар учун зарур бўлган маҳсулотларни етиштириш бўйича катта амалий тажриба тўпланиб, таомлар билан боғлиқ қарашлар ва маросимлар ҳам асрлар оша ўзбек халқининг моддий ва маданий маданияти такомиллашишига муносиб ҳисса қўшиб келган. Ўз навбатида илмий адабиётларда ўзбек халқи анъанавий таомлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда таомлардаги этник ва иноэтник компонентлар масаласи маълум даражада ёритилган [1.106]. Бироқ, айнан Жиззах воҳаси анъанавий таомларининг тавсифи ва таснифи ҳамда уларнинг маҳаллий локал хусусиятлари махсус тадқиқ этилмаган.

Чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолининг кундалик озиқ-овқатларини табиийки, биринчи навбатда чорвадан олинадиган сут ва сут маҳсулотлари ҳамда гўштли таомлар ташкил этган. Чорвадорларнинг кундалик турмушидаги биронта таомни чорва маҳсулотларисиз тасаввур қилиб бўлмаган. Бундай қаторига гўшт, сут, қатиқ, айрон, сарёғ, сузма (чакки) ва қурт каби маҳсулотлар кирган. Аҳоли кундалик ҳаёт тарзида доимо сигир, қўй, эчки, туя ва бия сутлари, гўштлири ҳамда улардан тайёрланган озиқ овқатлар етакчи аҳамият касб этган.

Сутнинг инсон ҳаёти учун зарур бўлган маҳсулот эканлигини яхши билишган. Катта ва кичик шохдор молларнинг аралашган сути энг мўътадил ҳисобланиб, сутли маҳсулотлар “тез бузиладиган” ва “узоқ сақланадиган” турларга бўлинган. Тез бузиладиган сутли маҳсулотларга – хом ва пишган *қаймоқ, қатиқ, сузма, айрон* кирса, иккинчи турга эса – *сарийёғ* ва *қурутлар* кирган [2.80].

Чорвадор халқ ҳамиша мол боқиб, қатиқ-сутга сероб бўлган. Шу сабабли ҳам уларнинг ҳаётида оқлик, яъни сут-қатиқнинг ўрни юксак баҳоланади [3.71]. Чорвадор аҳоли ҳаётида сигир, қўй ва эчкилардан соғиб олинган сутдан қаймоқ олиб эрталабки таом сифатида дастурхонга тортилган. **Буни воҳа аҳолиси қаймоқ деб аташган** [4]. Сигир сутининг аҳамияти ҳар бир инсонни кундалик ҳаётида муҳим ўрин тутган. Сут ҳеч қачон меъдасига тегмайдиган қимматли озиқ ҳисобланади. Айниқса ёш болалар, қариялар ва касалликларга чалинган кишилар учун сутнинг ўрнини бошқа озиқ билан алмаштириб бўлмайди [5.87]. Сут маҳсулотлари юрак, қон томирлари ва қон босимини яхшилаши ҳамда инсонни тўқ тутиб кун бўйи тетик юришган. Сут пишири вақтида идишнинг тагида сутнинг қозонга ёпишиб, қуйуқ қисим қолган ва хуштаам ширин таом – қирмич қириб олинган. У ҳам асосан болаларга берилган. Шунинг учун халқ орасида тўйи бўлаётган ўғил ёки қизнинг тўйида ёғингарчилик бўлса, “Қирмични кўп еган экан”, деган нақл ҳам кенг тарқалган [6].

Маҳаллий аҳоли сут ва қатиқ маҳсулотларининг идишига алоҳида аҳамият бериб, қатиқ кади ва ёғочдан тайёрланган идишга уютилган. Пиширилган сутлар идишларга солиниб қўл куймайдиган ҳолатга келтгандан сўнг *уютқи* солинган ва шу тарзда қатиқ ҳосил қилинган [7.77]. Фориш тумани аҳолиси уютқи сифатида

“мандир”дан фойдаланишган. Бу уютки қатикни яхши ва мазали чиқишини таминлаган. Мандирдан бир бўлагини кесиб уютиладиган сутга солишган, бошқа уютқиларга қараганда сутнинг қатик бўлишини тезлаштирган. Мандирнинг яна бир хусусияти, ёш боллар шамоллаганда, ичи оғриган вақтларида доволашда дори сифатида фойдаланган [8].

Уютилган қатик-сут маҳсулотлари олишда асосий вазифани бажариб берган. Чунки, қатикқа ишлов бериш натижасида ундан кўплаб – сарёғ, айрон, чакки, курт ва шунга ўхшаш бошқа маҳсулотлар ҳам олинган.

Воҳа чорвадорларида қатик мўл бўлиб, маҳаллий тилда янги уютилгани *чуччи* (*чучук*) қатик дейилган. Қатикнинг инсон саломатлиги учун аҳамияти катта ҳисобланган. Қатик овқатни ҳазм қилишида ёрдам берганлиги учун ҳам қадимдан билишган ва фойдаланиб келишган [9]. *Сузма* қилиш учун махсус халта-иркитга (чакки турадиган латга идиш) қатик сузиб кўйилган. Шунингдек, пишиб сарёғи ажратиб олинган айрон ҳам иркитга солиб кўйилган. Иркитдан оқиб тушган сув зардоб дейилган. Зардоб шўр, ўткир суюқлик бўлиб, дарахтларни тагига тўкилса, уларни қуритган. Бироқ, ундан кўпгина касалликларни даволашда фойдалилган. Яна зардоб, ёзнинг иссиқ кунларида офтоб ўтиб касал бўлганда кўёш захрини олиш билан биргаликда ошқозон ичаклардаги яраларни даволашда ҳам кенг ишлатилган [10]. Суви оқиб бўлган айрон, чакки дейилган. Уни куюқ холида ёки суюлтириб ичиш мумкин бўлган. Ёзнинг иссиқ кунларида чанқокни босадиган чалоб, айрон деярли ҳамма хонадонларда ичилган. Ортганидан қурут тайёрлаш мумкин бўлган.

Воҳанинг деярли барча қишлоқларида қатикни кувида пишиб сариеғ олишган. Кувини асосан ёғочдан тайёрлашган ва қўлда пишишган. Ажралиб чиққан ёғ тол товоққа солиниб, қўл билан яна ишлов берилиб қолган суви ҳам ажратилган. Зомин тумани тоғли ҳудудларида ёғни махсус арчадан ясалган товоққа солишганда, тоғ арчасининг хиди ёғни хуштамлигини оширган ва еган одамга ҳам мазали ва фойдали бўлган [11]. Ёғлар воҳанинг кўпгина ҳудудларида махсус идиш кадига солинган [9].

Кундалик истеъмолдан ортган сариеғ йиғилиб, тузланган ва олдиндан тайёрлаб кўйилган кўй ёки эчки қорнига солинган ва у *қоринмой* деб аталган.

Жиззах воҳаси аҳолиси орасида қоринмой тайёрлаш анъанаси сақланиб қолган бўлиб, этнологик дала тадқиқотимизда барча ҳудудда тайёрланишига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, Ғаллаорол тумани Аламли қоринмой тайёрлаш бўйича 40 йиллик тажрибага эга қишлоқ борлиги маълум бўлди. Қоринмой қилиш учун қорин тайёрланган, бу эса кўй ёки эчки қорни тозаланиб, шишириб кўёшда қуритилган. Қоринга сариеғни солишдан олдин сариеғнинг сариқ суви қолмагунча, 5-6 марта сувда ювилиб тузланган. Қоринга сариеғни мушлаб зичлаб қаттиқ қилиб тикилган. Сариеғ қоринга жойлангандан сўнг оғзи тикилиб, ташқи томонига тузли айрон сузмаси чапланган ва сўнгра ишлов берилган (ошланган) териларга ўраб кўйилган. Ёғ яхшилаб тузланса мазаси янада ошган, сифати ва сақланиш муддати ҳам узокқа бўлган [12]. Қоринмойни кўп вақт сақлаш мумкин бўлган. Ёз кечалари қоринмойлар ёйиб салқинлатилган. Ҳар бир оила соғин сиргир ёки эчкилар сонига қараб бир нечта ҳатто, ўндан ортиқ қоринмой қилишган. Чорвадорларнинг кўпчилиги ёзги яйловларда сутдан қишга курт ва сариеғларни ғамлаб келишган. Қишлоқ аҳли чегана ёки навбат билан боқилган чорвага аёллар навбат билан яйловга боришган [9]. Ушбу қоринмойларни сақлаш учун махсус

ертўлалар қурилган. Сутли маҳсулотларни сақлаш учун табиий ёки инсонлар томонидан қилинган ғор ва тўлаларда сақлашган. Ғорларга қишлоқ аҳолиси томонидан сариеғлар қўйилган ва бир-бириникига тегиниш ёки адаштириш ҳолатлари бўлмаган. Ғорлари бўлмаган қишлоқларда ердан махсус тўлалар қилиниб иссиқ кунларда, у ерларга сув сепиб салқинлатиб мойларни сақлашган [9].

Жиззах воҳаси чорвадор аҳолиси орасида чаккидан *қурут* тайёрлаш учун қатикдан сарёғи пишиб, ажратиб олинган айрон бир неча кун ирkit (чакки сақланадиган латтадан тайёрланган идиш “чакки халта”)да оқизиб сувидан ажратилгач қозонга ҳар хил райхону зироварлар ва туз солиб қуюқлашгунча қайнатилган. Кейин махсус қопга солиб илинган ёки кўпинча устига оғирроқ нарса бостириб қўйилган. Сузманинг ортиқча сувлари чиқиб кетгач юмалоқланиб, қурт қилишган ва тўқилган саватларда қуритилган. У ҳамиша тайёр таом ҳисобланиб, уни яйловда ёки узоқ сафарда қурук ҳолатда истеъмол қилишган. Бугунги кунда Зомин худудида сигир, қўй қурти билан биргаликда эчки сутидан тайёрланган қатиқ ва қуртларнинг донғи кетган [13]. Бироқ ундан асосан қуртова тайёрлаш кенг ёйилган бўлиб қуротовони ваҳадаги барча уруғлар бирдек тайёрлаб истеъмол қилиб келишган. Бу таом қўчманчи чорвадор халқларида кенг тарқалган бўлиб, Жиззах воҳа ўтроқ аҳолисининг таомларидан фарқ қилмаган [14.658]. Қуртаба ҳақида зомин тил қомуси китобида “Қуртоба – қайнок сувда эзиб, таталанган қурт устига қуйдирилган сариқмой қуйиб тайёрланадиган емак тури” [3.211] деб таъриф берилган. Қайнаб чиққан қуртова косага сузиб, устига қуйдирилган сариеғ қўйилган ва дастурхонга тортилган. Қуртавага туз солинмаган чунки қурутнинг тузи етарли бўлган. Эрталаб бир коса ичилган қуртоба билан чўпонлар кечгача очикмаган ва қувватсизлик сезмаган [11]. қуртоба тўйимли бўлиб, у ичган одам совуқ кунларда ҳам ўзида совқатиш сезмаган. Қуртоба чорвадор аҳолида жуда оммабоп таом бўлганлигини учун воҳа аҳолиси орасида “... совуқ кунда юз отли чавондознинг ичида, буви бурқираб турган (оғзидан буғ чиқиб турган) одам қурут ичган бўлади” деган нақл сақланиб қолган.

Воҳада *қимиз ва қимрон* тайёрлаш қирғизлар, қозоқлар ва бошқа туркий уруғлар орасида кенг тарқалган. Хусусан, Қимиз бугунги кунда Жиззах воҳасининг тоғли худудлари аҳолисининг замонавий маҳсулотларидан бири сифатида баҳоланиб келади. Қимиз шифобахш ва тўйимли мазали сутдан тайёрланадиган ичимликдир. Қимизни Жиззах худуди аҳолиси севимли ичилик сифатида истеъмол қилишган ва бугунги кунда уни жуда мазали қилиб тайёрлашади. Қимиз бир қатор (сил, ичак, ошқозон, камқувват ва бошқа) касалликларни даволашда салмоқли ўрин эгаллайди [15.45]. Қимиз – ўпка шамоллаш ва қон айланиш тизимига шифолиги билан машҳур. Шунинг учун ҳам қимизнинг энг сараси ... “Еттикечувда бўлади. Унга икки унсур – шифобахш ўт ва мусаффо ҳаво бўлса бас. Бошни чирсиллатадиган, бурунни ачитадиған, иштахани карнай қиладиған қимиз ичаверасан” [15.47] деб фикр билдиришган.

Жиззах воҳасида қимиз тайёрлаш қадимдан шаклланган бўлиб бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Қимизни бия сутидан тайёрлашган, бия қариган сари биядан кўп сут олинган. Шунинг учун воҳа аҳолисида бия қариган сайин сути кўпайиб борганлиги учун ҳам “Сигир қариса чўл бўлар, бия қариса кўл бўлар” [16] деган нақл пайдо бўлган.

Қимиз тайёрлашда бия ҳар икки соатда соғилиб идишга солинган ва уни қўзғаб туришган. Ҳар икки соатда соғилган бия сути идишга солиниб уни қуви

пишганда пишган ва шопириб тез-тез кўзғаб туришган. Шунингдек, қимизга кўйнинг кат думбасидан солишмоқда. Бунда қимизнинг мазасини ва қуввати ошириб ичган одамга дармон берган. Қимизга яна зира ва арчадан ҳам солишган бу қимизнинг ҳушталигини оширган. Тайёр бўлган қимиз 2 йилгача сақласа ҳам тами ўзгармаган [17].

Воҳанинг тоғлик ҳудудларида яшайдиган халқлар орасида қимиз билан биргаликда “қозон патир” тайёрлаш ҳам кенг тарқалган. Патирни тайёрлаш ва уни истеъмол киш бугунги кунда туризм ривожини натижасида анча ортган. Патир нонни тайёрлаш ва пишириш ўтроқ халқнинг тандир нонидан фарқ қилган. Патир ҳамиртуришли ва ҳамиртуришсиз патирларга бўлинган. Қозон патирнинг маҳсулотларининг кўпчилиги чорвадан олингани учун ҳам чорвадорлар орасида машҳур ва кенг миқёсда истеъмол қилинган. Қозонда пиширилган патирни ичига сариёғ солинган. Патирни ҳамирини тайёрлашда сутдан, ейишда сариёғдан фойдаланилган учун ҳам ширин ва мазали ва ҳаммага бирдек ёқадиган бўлган. Бугунги кунда воҳада “патирнинг ўндан ортиқ тури” мавжуд ва тайёрланиб келинмоқда. Шунга кўра патирларнинг “кўй ёғи, жизза, сариқ ёғ, кунжит” [15.43] ли патирлардан ташқари пиёзли ва гўштли патирлар ҳам тайёрланган. Зомин туманида маҳаллий халқ томонидан қоринмой солинган патирни думба жигарга қиёс қилишган ва бу патирни “... йигитларнинг белига қувват, қизларимизнинг билагига ғайрат берган таомлардан бири” [15.44] деб истеъмол қилиб келишган. Қозон патир бугунги кунда Жиззах воҳаси ҳамма ҳудудларида қилинса-да, Зомин ҳудудида қилинган патирлар мазаси бўйича бошқа жойларникидан фарқ қилади.

Воҳада қозон патирлардан ташқари тандирдан узилган нонни тўғрамларга бўлиб куйдирилган сариёғга аралаштириб тайёрланган таом “*янчмич* (жанчмич, жажмиш)” [16] тайёрлашган. Бу таом ҳақида “Зоминнинг тил қомуси” китобида “... янги ёпилган иссик нонни тўғраб, сариқмой билан аралаштириб, яъни янчиб ва мижиглаб тайёрлайдиган емаги” [3.208] деган маълумотларни келтириб ўтган.

Жиззах воҳасида барча ҳудудларда аниқланган овқатлардан яна бири Сутли ўпка асосан бугунги кунда Бахмал ва Зомин туманларида қилинмоқда. Бу таомни тайёрлашда, кўй, эчки, сигирнинг ўпкаси олинган. Ўпка бир неча бор пуфланиб сув қуйиб яхшилаб ювилгандан сўнг, ўпкага кетгунча сут қуйилган. Ўртача ёшли кўйнинг ўпкасига 5 литргача сут кетган [18]. Ўпкага сут ва зираворлар солиниб, кекирдак қисми арача шохи билан беркитилган. Ўпкани икки хил усулда пиширган. Биринчиси калла пойча билан бирга, иккинчи усулда фақат ўпканинг ўзини пиширилган [19]. Ўпка тўйимли овқат ҳисобланган ва сут солиб пиширилган ўпка кўйнинг думмасига тенг қувват берган.

Зомин тумани аҳолиси орасида сутли човати деб номланган овқат ҳам тайёрланган. Бу овқат қозонда баъзи ҳудудларда тандирда ҳам пиширилган. Сут билан унни аралаштирилиб ҳамир тайёрланган бу ҳамир юпка қилиб ёйилгандан сўнг қозонга озгинадан ёғ солиб тобланиб икки томони ҳам тоблаб пиширилган. Еттикечувликлар ҳар бир човатининг ўртасига қаймоқ суртиб уни ярмидан буклаб еса ҳам бўлган, баъзида қават – қават қилиб орасига қаймоқ суркалиши натижасида қалин қилиб уни тортга ўхшаб кесиб еса ҳам бўлган [20]. Зомин ўтроқ аҳолиси қозонга пиширилган човатини сут ва шўрваларга тўғраб еган. Бу човатининг яхши томони кекса тиши йўқ кишиларга мақул бўлган [4].

Хуллас, ўрганилаётган даврда воҳа аҳолисининг кундалик турмушида сут ва сутли таомларнинг ўрни беқиёс бўлган. Маҳаллий аҳоли сутдан хом ва пишган

қаймоқ олишни, қатик уютишни, қурут қилишни яхши билган. Айниқса, сариёғ олиш ва сақлаш усуллари яхши ўзлаштирган. Бундан ташқари, бугунги кунда унутилиб кетаётган гилагай, *қатрон*, *қағаноқ*, *қуртоба*, *ширкади* каби таомлар аҳоли орасида азиз саналиб, севиб истеъмол қилинган миллий таомларни йўқолиш арафасида.

Воҳада аҳолиси томонидан гўштли таомлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Инсон танаси учун керакли моддаларнинг кўпчилиги гўшдан олади. Шунинг учун ҳам “Бу моддалар ҳайвон маҳсулотларида ўсимлик маҳсулотларига қараганда бир неча баробар кўпдир” [21.4]. Чорвадор аҳолининг кундалик турмушида гўштнинг ўрни юқори бўлганлиги учун ҳам гўштли таомлар кўпроқ истеъмол қилинган. Чорвадор аҳоли томонидан тайёрланадиган қадимий анъанавий таомларидан бири, шўрва ҳисобланган. Воҳада *қайнатма шўрва*, *илик шўрва*, *қовурма шўрва*, *шопирма шўрва*, *калла – почка шўрва*, *чўпон шўрва*, *қора шўрва* каби шўрванинг турли усулда пиширилганлари севиб истеъмол қилинган. Шундан, воҳада *Қайнатма шўрвани* тайёрлаш учун қозонга аввал сув солинади кейин гўшт, пиёз, сабзи, шолғом, картошка, қизил қалампир ва зироварлар солиб камида икки соат олдин баландроқ, кейин паст оловда қайнатилади, қанча паст оловда қайнатилса гўштнинг мазаси шунчалик шўрвага чиқиб ширин ва мазали бўлган. Қайнатма шўрванинг бир тури *шопирма шўрва* ҳам воҳанинг тоғли туманларида тайёрланган ва унга гўшт ва думба (қуйрук) яхлит қилиб солинган. Унинг қайнатма шўрвадан фарқи шуки, унга сабзавотлар солинмаган ва шопириб турилган [22]. Аҳолининг ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғулланишга ўта бошлаган гуруҳларида шўрвани бу тарзда тайёрлаш камайган. Улар ўрнини турли хилдаги кўринишдаги таомлар эгалаган.

Зомин ва Бахмал аҳолисининг энг қадимий анъанавий таомларидан бири тандир кабоб ҳисобланади. Тандирни тайёрлаш ўзига хос бўлиб, аввал гўшт учун осиладиган қўй ёки эчки танланган. Бунинг учун кўпинча қўйлардан ширвоз қўзи, сароёқ қўзи, тўқли, эчкилардан улоқ ёки серка танланган. Тандир гўштнинг яхши ва мазали чиқиши, биринчидан, танланган молга, иккинчидан, тандир гўшт осувчи кишига, учунчидан, боқилган ҳудудга ҳам боғлиқ бўлган. Бахмал, Зомин туманларининг тандир гўштга тоғ табиий арчасининг ҳўл новдалари ишлатиш, тоғ об-ҳавосидан ташқари, тоғдаги гиёҳларни, тоғ зираси, кийик ўт, арча, буталарни еган қўй-эчкидан тайёрланган тандирларнинг гўшти мазаси яхши бўлган [23]. Тоғ гиёҳлар чорвани ҳам соғлом қилиш билан бирга унинг гўштини шифобахш қилган. Шунинг учун ҳам “Кийик ўти қон босимининг “жарроҳи” деб билинган. Шунинг учун ҳам Еттикечунинг бир коса шўрваси ва тандир гўшtidан озикланиш” [15.35] инсонга ҳузур бағишлаган.

Тандирга осиладиган жонлиқ сўйилиб, зираворлар сепилиб ҳўл арча шоҳларидан гўшт орасига илинган ва сихларга гўштлар тизилган. Тандир арча ўтини билан қиздирилиб, гўштлар тандирга осилган. Тандир ичиги сопол товоқда сув қўйилган, гўшт 2 соат турса ҳам куйиб кетмаслик учун. Тандир оғзига қозонни тўнтариб атрофидан буғ чиқмайдиган қилиб лой билан маҳкамланган ва тандир гўшт 1,5-2 соатларда тайёр бўлган. Тандирнинг тагига ҳам идиш қўйилиб унга гўшт пишаётган вақтида эриган ёғлар ҳам алоҳида таом сифатида қадрланган [24].

Тандир гўштини пиширишнинг бугунги кунда турли кўринишлари пайдо бўлган. Фориш тумани аҳолиси сўйилган қўй – эчкини териси шилиб, уни

бўлмасдан, қорин қисми тозаланиб яхшилаб ювулгач ичига сабзавотлар ва зиралар қўйнинг думбаси солиб қорин қисми тикилган ва тандирга тагига идиш қўйилиб оғзи беркитилган ҳолда пиширилган.

Воҳа аҳолиси орасида калла – пойчадан пиширилган таомлар бугунги кунда ҳам воҳа аҳолиси томонидан севиб истеъмол қилинади. Фориш тумани аҳолиси меҳмон олдида албатта калла пишириб қўйилган. Каллани дастурхонга қўйишда ҳам ўзига хос удумлар сақланиб қолинган бўлиб, пиширилган калла меҳмоннинг олдида қўйилишда тумшук томони билан қўйилиш одат бўлган [8]. Бундан кўринадикки калла – поча воҳанинг барча ҳудудларида пиширилган ва воҳаси бозорларида ҳам калла – поча пишириб сотадиган алоҳида марказларташқари Жиззах шаҳрида калла – пойча пишириб сотадиган овқатланиш марказлар ҳам фаолият юритмоқда.

Зомин тумани чўпонлар тоғда қўй боқиш жараёнида гўштни арчадан сиқ ясаб чўғга қўйиб кабоб қилиб ейиш анъанаси бўлган [25].

Фориш тумани Қораобдол қишлоқларида сўйилган молнинг талоғини нон ёпилаётган тандир чўғига кўмиб истеъмол қилишган.

Жиззах воҳаси бугунги кунда таомлари билан машҳур десак муболаға бўлмайди. Биргина дунё тан олган “Жиззах сомса”сини мисол келтиридаган бўлсак, у бугунги кун ҳам севиб истеъмол қилиниб келинмоқда. Сомсанинг ҳам кўплаб турлари ёпилади ва қадимги анъаналарни сақлаган ҳолда тайёрлаб келинмоқда.

Воҳа иқлим шароитига қараб гўшт сақлашнинг бир неча тури бўлиб, тоғ ва тоғ олди ҳудудларидаги асосан чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли гўштни ўз ёғига қовуриб, махсус тозаланган қорин, меш, чаноч (саноч), сопол кўзаларда, сирланган идишларда ва шу каби идишларда сақлашган. Гўштни бу усулда сақлаш “қовурдоқ” [26.128] дейилган. Қовурдоқ идиш ичида ёғи билан бирга қанча вақт турса ҳам бузилмаган, аксинча тузини еб, янада мазали бўлиб борган. Қовурилган гўштлини сақлашда катта – катта хумларда фойдаланишган.

Шунингдек, сўйилган мол гўштни тузлаб, салқин ҳавода илинган кундизига олиб гўшхалталарга сақланган. Бундан ташқари гўштни хомлигича махсус қазилган ертўлаларда яхшилаб тузлаб, қотириб олиш ёки жундан тўкилган “гўшт халта”ларда ҳам сақлашган. Бу гўштни воҳа аҳолиси сургўшт деб аташган. Сургўшт, тузлаб қотирилган жонлик этидир. Узоқ вақт сақланганидан хомлай еса ҳам бўлаверади [3.209]. Хом гўштни бу усулда сақлаш тоғ ва тоғ олди туманларида кенг тарқалган. Шунингдек, сўйилган қўй ёки эчки гўштини “тўрт нимтага бўлиб улар намақобга ботирилган бўз ёки сурпга ўраб қўйилган. Гўшт ўралган мато ҳар куни тузли сув билан бир марта хўллаб турилган [27.56]. Бу усулда сақланган гўшт бир ҳафтагача ўз ҳолатини сақлаган. Гўштининг энг мазали жойи биқини бўлиб, аҳоли орасида “қарзинг минг сўмдан ошса биқинни гўштидан е” [8], – деган нақл сақланган.

Фориш тумани аҳолиси орасида янги сўйилган қўйнинг думбаси кесиб олиниб нон билан биргаликда хомлигича истеъмол қилинган [28]. Шунингдек, маҳаллий халқ томонидан янги сўйилган жонлиқнинг гўштидан қозонга малум миқдордагиси солиниб ўзининг ёғига пиширилганидан қизариб пишгандан сўнг таомни дарров лаганга тўнтариб олинганлиги учун бу таом тўнтарма деб аталган.

Жиззах воҳаси аҳолиси кўпқари қилинган ҳудуд йигитлари кўпқарида чопилган улоқни олиб, ўша куни қозонга бостирма қилиб, базм қилишган. Овқатга туз солинмаган, улоқга туз тикилган, отлар оёғи тагида босилиб, туз гўштга сингиб

кетганлиги учун, пишириш олди, шўри ювилган. Бу гўшти чавандоз ва чавандоз бўлмаган йигитлар севиб истеъмол қилишган [29].

Чорвадорлар орасида яна бир таом севиб истеъмол қилинган. Баҳор вақтлари қорақўл қўйларининг янги қўзичоқлари тери учун сўйилганда қўзичоқларнинг гўшти чўпонлар томонидан истеъмол қилинган. Бу гўшти чорвадорлар барашка деб аташиб бундан қозонга бостирма қилиб пишириши натижасида севиб истеъмол қиладиган таомга айланган.

Чорвачилик маҳсулотлари орасида отдан олинадиган озуқа маҳсулотлари ҳам алоҳида ўринга эга бўлган. Жиззах воҳаси аҳолиси орасида ҳам қазӣ тайёрланади. Воҳа аҳолиси томонидан от гўшtidан қилинган миллий таом қазини яхши кўришган. Шунингдек, от гўшtidан қазидан ташқари қарта ҳам тайёрланган. Қартани тайёрлашнинг ҳам ўзига яраша мураккаблик томонлари бўлиб, буни тайёрлашда отнинг, энг аввало, қартасини олиб уни кераклигича ўлчамда кесиб олинган ва 2-2,5 соат қатикда ивигилган. Туз, зира ва сирка сепиб, яхшилаб аралаштирилади ҳамда 4-5 соат салқин сақланади. Қарта бўлақларининг иккала учи ҳам боғланиб, қозонга солиб, сув қўйилади ва паст оловда қайнатилади [30.85]. Тайёр бўлган қартани салқин ва қоронғи ерда сақлашган. Шунингдек, от гўшtidан айрим халқлар турли хил лаззатли маҳсулотлар (қазӣ, қарта, ёғ, қуритилган гўшт, консерва, колбаса ва бошқалар) ҳамда таомлар тайёрланган [5.90] ва севиб истеъмол қилинган.

Шунингдек, воҳа аҳолиси от гўшти каби туя гўштини ҳам севиб истеъмол қилган [31.49]. Бугунги кунда қорамол тилини ҳам шифо сифатида истеъмол қилишмоқда. Тилни кўпроқ халқ табобатида қон кўпайтирувчи восита сифатида [32.112] ҳомиладор аёллар истеъмол қилишмоқда. Истеъмол қилишда пиширилган тилни ҳомиладор аёл бутунлигича бир ўзи есагина тасири яхши бўлади деб билишган [33].

Воҳа тоғларида архар ва тоғ такаси гиёҳларни териб егани учун ҳам гўшти севиб истеъмол қилинган. Маҳаллий аҳоли “Такасининг ўти учун ҳам маҳсус ов қилинган. Ўти сил касали ва ўпка шамоллашга, қон томирлари тугунини дафъ қилади” [15.35] деб билишган.

Хуллас, чорва билан боғлиқ таомларни тайёрлаш ва уларни истеъмол қилиш билан боғлиқ удумлар воҳа аҳолиси орасида асрлар давомида ўзига хослигини сақлаб келган. Жиззах воҳаси аҳолисининг кундалик турмушида муҳим ўрин тутган гўштли таомларни этнологик жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, халқнинг моддий маданиятининг таркибий қисми ҳисобланган. Бугунги кунда олис кишлоқлар ҳам замонавий ўзгаришлар шиддат билан кириб келаётган бўлса-да, воҳа аҳолиси таом тайёрлаш ва истеъмол қилиш анъаналарини сақлаб, авлоддан-авлодга ўтказиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шаниязов К. О традиционной пище узбеков // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Ташкент, 1972. – С. 106;
2. Файзуллаева М. Ҳ. Сурхон воҳаси аҳолисининг таомлар билан боғлиқ анъана ва маросимлари (XXаср биринчи ярми). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент, 2018. Б. 80.
3. Туйчибоев Б., Қозоқбой Қ. Зоминнинг тил қомуси. – Тошкент, “Akademnashr”, 2012. – Б. 71–208–209–211.

4. Икромов Т.Х. Чорвачилик асослари. – Тошкент, 1996. – Б. 87–90.
5. Дала ёзувлари: Алимов Зойид, 1959 йилда туғилган. Зомин тумани, Лайлак уя қишлоғи.
6. Бўриев О. ва бошқ. Ўзбек халқи боқий кадриятлари. – Қарши: Насаф, 2005. – Б. 77.
7. Дала ёзувлари: Кистаубоев Қолдибек 1947 йил туғилган. Фориш тумани, Оқтом қишлоғи.
8. Дала ёзувлари: Дехқонова Норбуви, 1969 йилда туғилган. Пахтакор тумани, Самарқанд МФЙ.
9. Дала ёзувлари: Таштанова Осие 1958 йил туғилган. Фориш тумани, Йўлисой қишлоғи.
10. Дала ёзувлари: Яхшиева Хурматой 1968 йилда туғилган. Зомин тумани, Бешкуви ҚФЙ.
11. Дала ёзувлари: Исоқов Хайитбой 1960 йилда туғилган. Ғаллаорол тумани, Аламли маҳалласи.
12. Дала ёзувлари: Хасанова Қизлархон, 1967 йилда туғилган. Ш.Рашидов тумани, А. Темур маҳалласи.
13. Народы Восточной Азии // Народы мира. Этнографические очерки. – М. – Л., 1965. – С. 658.
14. Мирҳайдаров Ҳ. Чинор. – Тошкент, “Mumtoz so’z”, 2021. – Б. 35–43–44 – 45–47.
15. Дала ёзувлари: Абдиев Эгамберди 1957 йил туғилган. Зомин тумани, Усмонсой қишлоғи.
16. Дала ёзувлари: Холиқов Жумон 1957 йил туғилган. Зомин тумани, Тоғтерак қишлоғи.
17. Дала ёзувлари: Бегимов Абдувоҳид 1969 йил туғилган. Фориш тумани, Йўлисой қишлоғи.
18. Дала ёзувлари: Абдуқаюмова Хабиба 1954 йил туғилган. Зомин тумани, Оқтош қишлоғи.
19. Дала ёзувлари: Абдуллаева Улбозор 1951 йилда туғилган. Зомин тумани, Еттикечув қишлоғи.
20. Дала ёзувлари: Эрназарова Мавлуда, 1960 йил туғилган. Зомин тумани, Лайлак уя қишлоғи.
21. Абдурахмонова К.С. Ўзбекистон гўшт саноатида иккиламчи хом ашё ресурсларидан комплекс фойдаланиш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент, 1999. – Б. 4.
22. Дала ёзувлари: Эрназарова Злола 1986 йил туғилган. Зомин тумани, Оқтепа маҳалласи.
23. Дала ёзувлари: Эрназаров Қахрамон 1983 йил туғилган. Зомин тумани, Оқтепа маҳалласи.
24. Дала ёзувлари: Шодиев Фахриддин, 1971 йилда туғилган. Бахмал тумани, Удамали қишлоғи.
25. Дала ёзувлари: Холбоев Нишонбой 1936 йил туғилган. Зомин тумани, Туркман қишлоғи.
26. Шаниязов К. Ш. Узбеки – карлуки. Ташкент, “Фан”? 1964. – С. 128.
27. Қурбонова М.Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири – XX аср боши). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. Тошкент, 1994. – Б. 56.

28. Дала ёзувлари: Шайимкулов Абдурасул 1932 йилда туғилган. Паярик тумани Кўлтўсин маҳалласи.

29. Дала ёзувлари: Суяров Анвар 1977 йилда туғилган. Фориш тумани, Йўлисой қишлоғи. 2021 йил.

30. Doniyorov.A.X., Bo‘riyev O.B., Ashirov A.A. Markaziy Osiyo xalqlari etnologiyasi. Darislik. “NIF MSH”. Toshkent, 2021. – B. 85.

31. Маҳмудов К. Ўзбек таомлари. Тошкент, 1960. – Б. 49.

32. Жуманазаров Х.С. Ўзбекларнинг халқ таобати билан боғлиқ анъаналари (тарихий – этнологик тадқиқот). *Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент, 2018. – Б. 112.*

33. Дала ёзувлари: Эрназарова Наргиза 1979 йилда туғилган. Жиззах шаҳар, Амир Темур маҳалласи.

ФАЛСАФА

АЛИШЕР НАВОИЙ МАЪНАВИЯТИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯСИ

*Термиз давлат университети, Фалсафа кафедраси
фалсафа фанлари доктори, профессор
Саматов Шомат Бердиевич*

Аннотация. Мақолада, чуқур таҳлилий асосда, донишманд аллома Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғояси моҳияти ифода қилинган.

Калит сўзлар: инсон фалсафаси, инсонпарварлик ғояси, маънавият, дунёқарашлик, ғоявий эътиқод, тафаккур, ахлоқ, адолат, ижтимоий адолат.

Аннотация. В данной статье в контексте анализа рассматривается сущность гуманистические идеи великого мыслителя Алишера Навои.

Ключевые слова: философия человека, гуманистические идеи, духовность, мировоззрение, идейная убеждения, мышление, мораль, справедливость, социальная справедливость.

Abstract. In this article the essence of the humanistic ideas of the great thinker Alisher Navoiy expressed on a deep analytical basis.

Keywords: Human philosophy, humanistic idea, spirituality, worldview, ideological persuasions, thinking, morality, justice, social justice.

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий Шарқ Уйғониш даври маданиятининг улкан вакилидир. У шоир ва олим сифатида Қадимги Шарқ (айниқса Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Эрон, жумладан Марказий Осиё), шунингдек, Ғарб (айниқса юнон) фани ютуқларини пухта эгаллади ва унга асосланди. Ислом тарихи ва фалсафасининг чуқур билимдони эди.

Алишер Навоий ўз дунёқарашида Шарқдаги илғор фалсафий анъаналарни ривожлантирди. Бу борада, айнақса, унинг бевосита ижтимоий-фалсафий мазмунга эга бўлган “Маҳбуб ул-қулуб” асари, “Лисонут-тайр”, “Хайратул-аброр” дostonлари Марказий Осиё ва жаҳон маданияти, ижтимоий-фалсафий фикр хазинасига кўшилган қимматбаҳо ҳиссадир.

Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърини ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Демак, Алишер Навоий-башарият фарзанди. Унинг ижодий-илмий мероси башарият маънавий хазинасидир!

Алишер Навоийнинг фалсафий қарашлари асосан пантеизмга асосланади. Пантеизм таълимотига кўра, Худо шахссиз ибтидоидир. У табиатдан ташқарида турмайди, балки у билан айнан бирдайдир. Пантеизм ўрта аср фалсафасида ижобий роль ўйнаб оламнинг бирлиги, табиатнинг турли-туманлиги ва ривожига ҳақидаги илғор прогрессив фикрларни асослаш учун хизмат қилди. Худди шу принцип

талабидан келиб чиққан ҳолда Алишер Навоий Аллоҳ ва табиат бир бутунни ташкил этиб, Аллоҳнинг барча хислатлари табиат замирида мавжуд бўлади, деган хулосага келади. А.Навоийнинг фикрича, табиат ва Аллоҳнинг энг буюк инъоми инсондир. Инсон Аллоҳнинг наздида юқори даражага кўтарилиб, унинг тафаккури, ҳис-туйғулари, етук ахлоқий фазилатлари фалсафа ва шеърятнинг ҳақиқий объектини ташкил қилмоғи керак. Чунончи, инсоний хислатлар ва фазилатлар унинг “Ҳамса”сида эҳтирос билан романтик тарзда тасвирланди. Мажнун ва мажнунийлик, севги ва муҳаббатга берилиш, бу олижаноб инсоний туйғунинг садоқатли кули ва қурбони бўлишнинг тимсоли; Фарҳод ёрга нисбатан муҳаббатнинг халққа бўлган зўр муҳаббат даражасига ўсиб чиққан ҳис туйғу учун, халқ манфаатини юзага чиқариш учун курашишнинг, дўстликнинг бўрттирма бўёқлар, ҳаттоки афсонавий чизиқлар орқали тасвирланган намунаси.

Алишер Навоий ўз асарларида халқлар дўстлигини улуғлади. Бунинг ёрқин исботини Алишер Навоийтомонидан яратилган бир бутун образлар галереясида кўришимиз мумкин. Масалан, хитойлик Фарҳод, армени Ширин, эрони Шопур, ҳинди Масъуд, юнон Искандар, римлик Плиний, араб халқлари вакили Лайли ва Мажнун. Шундай экан, Алишер Навоийдунёқарашининг характерли хусусиятини ватанпарварлик ва умуминсонийлик диалектикаси ташкил этади.

Алишер Навоийнинг ижтимоий қарашларига ҳос хусусият шундаки, у аввало ўз замонасининг маҳсули ва фарзандидир. У Ўрта Шарқда, айниқса Марказий Осиёда феодализмнинг ривожланган даврида ижод этди ва ўз дунёқарашида замонасининг энг илғор интилишлари, фикрларини ифодалади.

Буюк инсонпарвар Алишер Навоийнинг фикрича, инсоннинг бахт-саодатга эришиши, элнинг шод ва мамлакатнинг обод бўлиши, жамиятдаги иллат ва нуқсонлардан қутулишдадир.

То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жониға бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Демак, ҳаёт яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, вафо ва бевафолик, хайр-саҳоват ва ҳасислик каби инсондаги турли зиддиятли кайфиятлар ва хислатларнинг узлуксиз курашидир. Унда тарихан ўзгариб турувчи ва ривожланаётган ахлоқий муносабатлар кишиларнинг ахлоқий онгида ифодаланади.

“Ҳамса” дostonлари ва “Маҳбуб ул-қулуб” асарида Алишер Навоий ҳукмдор доира вакилларининг иллат-нуқсонларини танқид қилиш орқали жамиятдаги ижтимоий зулмни фoш этади, унинг инсонийликка зид томонларини очиб кўрсатади. “Маҳбуб ул-қулуб”нинг маҳсус бобларида фoсиқ ва золим подшоҳлар, уларнинг бебурд вазирлари, нокас, саводсиз ва ҳаром ишлар билан шуғуланувчи маҳкама ходимлари, кўпол ва такаббур навкарлар тўғрисида фикр юритиб бу золимлар мамлакатни барбод қилувчилардир ва мамлакат аҳлининг тўплаган бойлигини йўқотувчилардир, дейди. Буларнинг ҳаммаси халққа зиён етказувчи чаёнларга қиёсланади. Айтиш жойизки, Алишер Навоий томонидан илгари сурилган бу гоё бугунги кунда бутун дунёни ташвишга солаётган иллат, давримизнинг бош глобал муаммосига айланиб бораётган коррупцияга қарши муросасиз кураш зарурлигининг классик дастуридир.

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” да ёзишча нодонлик, илмсизлик, ҳунарсизлик, билимсизлик бамисоли бир эшак, балки эшакдан ҳам баттар.

Эшакка нимани юкласанг, қаерга ҳайдасанг кетаверади, чунки унда ақл, фаросат йўқ. Овқат берсанг ейди, бермасанг оч ётаверади, боғлаб қўйсанг даъво ҳам қилмайди. Нодоннинг иши такаббурлик, кеккайиш, хаёлида юз хил ташвишундухлар рўй беради. Қайси элда нодонлик, илмсизлик, билимсизлик авжига чиққан бўлса шу ерда хорлик ва руҳий озурдалиқ ғолиб келади, деган эди буюк мутафаккир.

Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий қарашларига ҳалол меҳнати билан яшовчи, дили пок, ўзи пок, оддий меҳнаткаш одам мос келади. Бунинг ёрқин ифодасини Ҳотаи Той, Баҳром Гўр ҳақидаги ривоятларда кўрамиз. Ҳазрати Алишер Навоийзахматкаш одамларга чуқур меҳр-муҳаббат ва ҳурмат билдиради, хусусан деҳқонлар меҳнатини мадҳ этади.

Алишер Навоий учун ҳақиқий инсонийликнинг белгиси одоб ва маънавий етукликдир. Шунинг учун ҳам у разиллик, адолатсизлик, маърифатсизликка қарши курашди, инсонларни меҳнатга, адолатга чақирди, маърифатга асосланган жамият яратиш ҳақида орзу қилди.

Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари ўрта аср шароитида, феодал истибдод ҳукмрон бўлган даврда, зулм ва жаҳолатга қарши курашда муҳим прогрессив аҳамият касб этди.

Алишер Навоий оламни билиш масаласида рационалистик позицияда туради. Инсон тафаккурининг буюк қудратини намоён этиб, илм, маърифатнинг ижтимоий тараққиётдаги улкан ролини таъкидлади. Инсоннинг ақлий қудрати, имкониятлари улуғланади ва ақл ҳақиқат манбаи эканлиги таъкидланади. Ақл ёрдамида илм ва билим қўлга киритилади. Ақл ёрдамида фан ривож топади. Олимлар, фозиллар, шоирлар, файласуфлар, мутафаккирлар инсон ақлининг, билишининг чексизлигини исботлашга, тасдиқлашга, улуғлашга ҳаракат қилдилар, унга бағишлаб қатор мисралар битдилар. Жумладан, Алишер Навоий тафаккурнинг ролини бундай тараннум этган эди:

Ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.

Алишер Навоий ижодида ўрта аср Шарқда шаклланган гуманистик (инсонпарварлик) ғоя олий даражага кўтарилди. Инсонпарварлик ғояси ўрта аср маънавий ҳаёти, маънавий маданиятининг энг умумий ва характерли хусусияти бўлиб, у ижтимоий-ахлоқий йўналиш шаклида вужудга келди ва ривожланди. Инсонпарварлик ғояларини, принципларини амалга оширишнинг асосий йўли, воситаси сифатида олий етук ахлоқ, маърифатли ва адолатли жамият, жамоа масаласи олдинга сурилди. Олий даражали ахлоқий одатлар, муносабатларни ўрнатиш ва бунинг учун таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш-инсонпарварлик ғояларини амалга оширишнинг муҳим воситасидир. Инсонпарварлик ғояси, асосан ахлоқий одатлар, муносабатлар, хислатларда ифодаланганлиги учун ахлоқ масалалари, этика муаммолари Шарқ маънавий ҳаётининг-бадиий адабиёти, поэзияси, таълим-тарбия ишлари, педагогикаси, фалсафаси ва бошқа гуманитар илмларнинг муҳим йўналишини ташкил этади.

Алишер Навоий буюк инсонпарварлик меросининг асрлар давомида барҳаётлигининг исботи сифатида биргина далилни келтиришни лозим топдик. “Халқ сўзи” газетасининг 2020 йил 13 март сонидида эълон қилинган мана бу редакцион саҳифага эътибор беринг:[12].

1941 йилнинг 8 сентябрида бошланган Ленинград қамали урушнинг инсоний фожеалар билан тўлиб-тошган даҳшатли даври эди. 872 кун давом этган бу қамалда миллионлаб одамларнинг ёстиғи қуриди. Кексалар, болалар жаҳоннам азобида боши узра ёғилиб турган бомбалар остида жон сақлашга мажбур эдилар. Биргина Ладога кўлига олиб борадиган йўлдан бўлак бошқа барча ҳаёт йўллари кесиб қўйилган, озиқ-овқат, дори-дармон етишмаслиги туфайли кўчаларда очликдан силласи қуриган одамлар ўлиб қолишарди. Бу азобда вафот этганларнинг тўқсон фоиздан ортиғини очлик олиб кетганди.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилеи 1941 йил охирида бораётган кезларда қамал ҳолатдаги шаҳарда ўтказилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор эди. Уруш бошланиши арафасида 1941 йил 12 мартда Низомий Ганжавийнинг 800 йиллиги ва Алишер Навоийнинг 500 йиллигини ўтказиш ҳақида собиқ Иттифоқ ҳукумати махсус қарор қабул қилган эди. Унга кўра, икки буюк шоирнинг тўла асарлар тўпламлари ўз она тиллари ҳамда рус тилида чоп этилиши кўзда тутилган. Боку ва Тошкентда бу юбилейларни муносиб тарзда ўтказиш учун комиссиялар ҳам тузилганди. Салтиков-Шедрин номидаги Ленинград оммавий кутубхонасида 1465-1466 йилларда Хиротда машҳур хаттот Султон Али Машҳадий томонидан тузилган Алишер Навоийнинг илк девони ҳам сақланади Унинг ўзига хос қизик тарихи бўлиб, 1829 йилда А.С.Грибоедовнинг Эронда ўлдирилиши туфайли Техрон кутубхонасидаги бошқа ноёб қўлёзмалар қатори хун эвазига келтирилган эди.

Айни лаҳзаларда буюк шоирнинг ижодий меросига ярим минг йиллик давр кўзгуси ортидан боқиб башарият тақдирига даҳлдор башоратларидан озуқа олиш эҳтиёжи ҳар қачонгидан ҳам юксакроқ аҳамият касб этган эди. Алишер Навоий юбилейига йирик шарқшунос олимлар, соҳа мутахассислари шундай таклифнома олишди: “Давлат Эрмидажи Сизни улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилеи муносабати билан ўтказиладиган тантанали йиғилишга таклиф этади. Йиғилиш 1941 йил 10 декабрь соат 10 да бошланади”.

Айтишларига қараганда, бунинг ўзига хос сабаблари бўлиб, Ўзбекистон раҳбарияти Алишер Навоий юбилейини Самарқанд ёки Тошкентда ўтказиш ҳақида маслаҳат сўрашганда, бош қўмондон И.В.Сталин ўйланиб қолган ҳолда, буюк шоирнинг Фоний тахаллуси билан ёзган шеърларини Бокуда қамокда ётганида форс тилида ўқиб, катта таассурот олганини, шунинг учун бу юбилейни қамал ҳолатдаги Ленинград шаҳрида ўтказилиши шаҳар аҳолиси учун ҳам, жангчилар учун ҳам катта руҳий далда бўлиши кераклигини таъкидлаган экан. Шундай қилиб, буюк шоирнинг 500 йиллик юбилеи қамал ҳолатидаги Ленинград шаҳрида ўтказилиши ҳақида аниқ тўхтамга келинади.

10-12 декабрь кунлари Эрмидажнинг ўқув хонасида Навоийхонлик ўтказилди. 29 декабрда эса Шарқшунослик институтида илмий кенгаш ташкил этилди.

-Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ўлмас номини хотирлаш халқларимизнинг маданий ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга,-деган эди йиғилишни очаётиб таниқли шарқшунос олим, академик Иосиф Абгарович Орбели - Шоир юбилейини қамал ҳолатдаги шаҳарда ўтказаётганимиз халқнинг мардона руҳини, букилмас иродасини, инсонийликнинг мангу ҳақиқатини ифода этади. Биз, албатта, қозонажак ғалабадан сўнг бундай тантаналарни ҳали кўп давом эттирамиз, зеро, шеърят мангу барқарор ҳодиса сифатида тантана қилаверади.

Шу лаҳзада кучли портлашдан деразалар зириллаб кетади. Йиғилганлар саросимага тушганча ўринларидан туриб дераза олдида боришганида Нева

дарёси устида иккинчи бомба портлайди. Академик Орбели бомбапаноҳга ўтишга таклиф қилганида йиғилганлар яна ўз жойларини эгаллашади. Академик Сергей Жебелев бу тантанани “фан байрами” деб атаган эди.

Академиклар И.Крачковский, Е.Бертельс, профессор Б.Руденконинг ўшанда Алишер Навоий ҳақида қилган нутқлари ҳали-ҳануз фан оламида аҳамиятини йўқотмай келаётир.

Нева бўйидаги бу гўзал шаҳарни фашистлар Ер юзидан супуриб ташлаш учун курул-яроқлар билан таҳдид қилиб турган чоғида улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг буюк инсонпарварлик ғоялари, ўлмас руҳи туфайли эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси башорат янглиғ янграган эди. [12]

Алишер Навоий жаҳон адабиётида беқиёс сиймодир.

Санкт-Петербург университетининг профессори, машҳур навоийшунос ва таржимон Сергей Ивановнинг таъбири билан айтганда: “Бугун бутун дунё А.Навоийни жаҳон адабиётининг классиги деб билади. Сиз луғат ва қомусларда “бутун жаҳон адабиёти классиги” деган унвонни ва унинг шарҳини топа олмайсиз. Лекин бундай унвон бор ва бундай шарафли унвонга Навоий сингари асарлари дастлаб миллий маданият бойлиги бўлиб, шунингдек, байналминал адабиёт хазинаси дурдоналари саналган, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни юксалтиришга хизмат қилувчи санъаткорлар лойиқдир.

Алишер Навоий бутун жаҳонга довуғ солгани бежиз эмас ва бунинг боиси унинг амалиёт ва ижодининг беқиёслиги, бемисллигидир” [11].

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги эълон қилинган “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорида илгари сурилган тавсиялар, яъни Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги; Алишер Навоийнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқароларини ҳамда илмий-ижодий муассасаларини тақдирлаш мақсадида Алишер Навоий орденини таъсис этиш юзасидан киритилган таклиф, ўйлаймизки, айнан адолат ва ҳақиқат тимсолидир.

Алишер Навоий ижодининг фалсафий-маърифий асосларини тадқиқ этиш соф илмий аҳамиятгагина эга бўлиб қолмай, у дунёқарашимизда, тафаккуримизда юз бераётган ўзгаришларни, турли тенденцияларни намоён этмоқда.

Алишер Навоий ижодидан жаҳон халқлари, мана олти асрдирки баҳраманд бўлиб, зарур хулосалар чиқармоқда, эстетик эҳтиёжини қондириб келмоқда, сабоқ олмоқда. Бу ҳақиқий эзгулик, поклик, том маънода ҳаёт фалсафасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Туркий халқлар асрлар мобайнида Алишер Навоий асарларини асл нусхада ўқиб келганлари илмий манбаларда ҳам қайд этилган. Турк олими Юсуф Четиндоғ: **“Айниқса, XVI аср-умумтурк оламида “Навоий асри” деб аталса, асло муболаға бўлмайди**” деб эътироф этган эди.

Бу фикрни таниқли турк олими Фуод Кўпрулининг қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди: “Алишер Навоий фақатгина Ўрта Осиё туркийларининг, яъни ўзбек адабиётининг буюк шоири бўлибгина қолмаган, унинг асарлари юз йиллар давомида турк дунёсининг ҳар тарафида, Онадўли ва Рум элида, Озарбайжонда,

Эронда, Ироқда, Қримда, Волга бўйларида, туркманлар орасида, ҳаттоки Ҳиндистондаги турк саройларида ўқиб-ўрганиб келган” [6, 320].

Қозоғистонлик адабиётшунос олим Саутбек Абдурахманов таъкидлаганидек: “Меркурий сайёрасидаги улкан кратерга номи қўйилган, Ер юзидаги кўплаб мамлакатларнинг пойтахтларида ҳайкаллари ўрнатилган, XVI асрнинг ўзидаёқ ўзгача овози дунёнинг энг чекка-чеккаларига етиб борган Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг исмини жаҳон адабиётидан хабардор ҳар бир одам билади, сўз санъатининг кадрини тушуна оладиган ҳар бир китобхон бениҳоя эъзозлайди” [10].

Янгилаётган Ўзбекистон “**Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари**” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври-учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол инсонпарвар адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Масаланинг ўта долзарблигини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори билан белгилаб қўйилдики: “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги Алишер Навоий асарларини узлуксиз ўқитиш Концепциясини ишлаб чиқсин ҳамда 2021/2022 ўқув йилидан барча таълим муассасаларида шу асосда ўқитишни йўлга қўйсин”. [2].

Инчунин, адабиёт-одамлар кўнглидаги барча ғам-ташвишни кетказиши, орзу-истакларни рўёбга чиқариши, ҳар қандай мушкул ҳолатда ҳам инсон бўлиб қолмоғини таъминлаши, тарбиялаши, тарғиб қилмоғи керак.

Зеро, буюк бобомиз А.Навоийнинг:

Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.

деган машҳур сатрларининг мазмун-моҳияти, унинг умр боқийлиги ҳам ана шундадир.

Шу боис, сеvimли файласуф шоиримиз Эркин Воҳидовнинг “**Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса...**” номли шеърини келтиришни лозим топдик. Шояд, одамлар Алишер Навоий маънавиятидан яна ҳам кўпроқ озука олишса, сабоқ бўлса, хулоса чиқаришса.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Олтин бошнинг қалла бўлгани шудир.
Бедил қолиб Демьян Беднийни суйса,
Қора сочнинг малла бўлгани шудир.
Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Дод демокқа палла бўлгани шудир.
Маърифатдан айру ўйнаса, кулса,
Аза чоғи ялла бўлгани шудир.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Алдангани, алла бўлгани шудир.
Юлғуч азиз бўлиб, билғич хор бўлса,
Пайтаванинг салла бўлгани шудир.

Эл комил бўлмаса, юрт эмас улуғ,
Беқадр маҳалла бўлгани шудир.
Қалб тўла нур халқнинг ризқи ҳам тўлуғ,
Омбор тўла ғалла бўлгани шудир.

Ўзбек ўзлигини англаса бекам,
Унинг “Баракалла” бўлгани шудир.
Оламга Навоий наслиман деган,
Овози баралла бўлгани шудир. [13].

Ўйлаймизки, ортиқча изоҳга, шарҳга ҳожат (эҳтиёж) бўлмаса керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // “Халқ сўзи”, 2021 йил 21 январь
2. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 2020 йил 19 октябрь // “Халқ сўзи”, 2020 йил 20 октябрь.
3. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маъруза. 2017 йил 3 август // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.-Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018, 2-жилд, 176-221-б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига. 2018 йил 7 август // Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади.-Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019, 3-жилд, 338-342-б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. 2019 йил 21 октябрь // Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари.-Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020, 4-жилд, 161-174-б.
6. Мирзиёев Ш.М. Маданий ҳамкорликнинг ёрқин намунаси. “Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари” номли китоб-альбом учун ёзилган сўзбоши. 2020 йил 19 февраль. // Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари.-Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020, 4-жилд, 318-325-б.
7. Муҳаммад Пайғамбар қиссаси-Ҳадислар-Т.: 1991.
8. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб.-Т.: “Янги аср авлоди”, 2019 йил.
9. Комил инсон ҳақида тўрт рисола.-Т.: “Маънавият”, 1997.
10. Абдрахманов С.Навоий-жаҳон юлдузи // “Халқ сўзи”, 2019 йил 8 июнь.

11. Иванов С. Жаҳон адабиётида беқиёс сиймо // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992 йил 17 апрель.

12. Ўзбекистон Буюк зафарнинг руҳий-маънавий замини бўлганди. (Редакцион саҳифа) // “Халқ сўзи”, 2020 йил 13 март.

13. Эркин Воҳидов. Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса...// “Тафаккур” ж. 4-сон 2000 йил, 54-55-бетлар.

ЖАМИЯТ РИВОЖИДА ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИ МАДАНИЯТИНИНГ МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ, ДИНИЙ-МАДАНИЙ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

ТошДТУ фалсафа доктори (PhD) доцент.
Дехқонов Маҳмудали

Аннотация. Мақолада оиладаги маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий ва диний асосларини ўрганиш ижтимоий ҳодиса эканлиги, оила қураётган ёшларнинг олдидатурган вазифалар ва масъулиятларини ортиб бориши, оила муносабатлари маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихий илдизларига эътибор қаратилган.

Аннотация. В статье акцентируется внимание на том, что изучение духовно-нравственных, правовых и религиозных основ семьи, что является социальным явлением, возрастающими задачами и обязанностями молодых людей, создающих семью, историческими корнями формирования и развития семейной культуры.

Abstract. The article focuses on the fact that the study of the spiritual, moral, legal and religious foundations of the family, which is a social phenomenon, the growing tasks and responsibilities of young people who create a family, is the historical roots of the formation and development of family culture.

Калит сўзлар: оила, ахлоқ, насл, бурч, маъсулият, никоҳ, куръон, карим, ажир, маҳр, ҳадис, фикҳ, ҳуқуқ.

Ключевые слова: семья, нравы, родословная, долг, ответственность, брак, свидетель, Коран, награда, хадис, приданое, фикх, культура, закон.

Key words: family, morals, genealogy, duty, responsibility, marriage, witness, Koran, reward, hadith, dowry, fiqh, culture, law.

Жамият тараққиётида оила ва никоҳ муносабатлари маданиятининг ривожланиши ижтимоий тараққиётнинг узлуксиз жараёни ҳисобланиб, у жамият босқичларидаги маънавий-ахлоқий, диний-маданий, сиёсий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан боғлиқ ҳолда кечади. Олимларнинг фикрига кўра, оила - маданий мерос, ахлоқий нормалар ва анъаналарни ташувчи умуминсоний қадриятнинг нодир ижтимоий бирлиги бўлиб, ҳозирги шароитда нафақат унинг шахс маънавий маданиятининг ривожланишида, балки жамият ривожини учун ҳам аҳамияти ортиб бормоқда.

Оила, оила маданияти масалалари кейинги йилларда олимлар диққатини жалб этмоқдаки, улар ўз тадқиқотларида бу масаланинг мазмун-моҳиятини очишга ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, оиланинг мазмун-моҳияти ҳақида баъзилари «оила асосий талабларни қондирувчи кичик гуруҳ» (В.П.Ратников), ёки «оила

қон-қариндошлиқ, никоҳ орқали боғланиш» (Лоусан Т. ва Дж. Геррад) [1] деган фикрда бўлсалар Гасанова Н.А. эса «оила аёл ва эркакнинг ўз хоҳиши ва розилигида тузилган бирлик»[2], деб таърифлаганлар.

Оила ва оила маданияти хусусида Марказий Осиё мутафаккирлари ва маърифатпарварлари Абу Лайс Самарқандий, Абдулла Авлоний, Алишер Навоий, Бедил, Беруний, Бехбудий, Форобий, Ибн Сино, Ғаззолий, Замахшарий, Қори Ниёзий, Чўлпон, Фитрат, Юсуф Хос Хожиб ва бошқаларнинг асарларида оила ва оилавий муносабатлари маданиятининг шаклланиши ҳақида қимматли фикрлар билдирилган.

Шунингдек, оилада ўзаро муносабатлар маданияти малакаси тасаввуф фалсафасининг йирик вакиллари бўлган Аҳмад Яссавий, Баҳовиддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларида оиланинг вазифаси, ота ва оналарнинг ўзаро муносабатларининг фарзандлар камолотидаги роли, фарзандларнинг ота-оналарга бўлган муносабати, маънавиятига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳадис илмининг билимдонлари Ал-Бухорий, Ат-Термизийларнинг асарларида оила муносабатлари маданиятида комил инсонни тарбиялашга алоҳида эътибор берилган.

Марказий Осиё мутафаккирларининг кўпчилиги шахс тарбияси ва камолотида оила институтининг ўрни юқори қўйишган. Аввало, оиланинг муқаддаслиги эркак ва аёлнинг вазифаси ва масъулияти, яъни аёлнинг эъзозланиши, эркакнинг оила тебратишдаги етакчи роли оила аъзолари ўртасидаги маънавий-ахлоқий муносабатлар каби ижтимоий фазилатларни тарбиялашни муҳим вазифа деб кўрсатганлар.

Оила ва никоҳ муносабатлари маданияти ривожланиши аёлларнинг ҳуқуқи, жамиятда ва оиладаги тутган статуси (мақоми)га кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу масалада жамият тараққиётида феминистик, гендер ва бошқа ҳаракатлар бўлган. Бу борадаги илк қадамлардан бири 1948 йилда Нью-Йорк шаҳридаги «Барча аёллар ва эркаклар тенг яратилган» шиорида ўтказилган съезд тарихий аҳамиятга эга бўлди. Унда «Декларация чувств» (Ҳиссиёт Декларацияси) қабул қилиниб, хотин-қизларнинг оила-никоҳ, мулкка эгаллик, касбни эркин танлаш, етарли маълумот олиш ва бошқаларда, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги масалалари ўз ифодасини топди. Ушбу ҳужжатни тайёрлашда Элизабет Кэйди Стентон ва Лукреция Мотт фаол қатнашдилар.

Аёллар ҳуқуқини оилада ва жамиятда ҳимоя қилиш хусусида XIX асрнинг иккинчи ярмида Ғарбий Европа олимларидан Эммелин Иэнхёрст, Виктория Вудхолл, Тенесен Клафлин, Эрнатино Рауз, Соджернер Трут, Сьюзен Энтони қарашлари ҳам эътиборга лойиқдир.

XX асрда марксистик таълимот «синфий зулм тугатилса, эркак ва аёллар тенгсизлиги йўқолади», деган назарияни илгари суради. Бу назарияни камчилиги шундаки, у фақат иқтисодий тенгсизликни назарда тутди, ундан ташқаридаги муносабатлар ҳисобга олинмаган (Валерий Брайсон).

Шунинг учун ҳам мустабид тузумда қўлланган аёллар ҳуқуқи масаласи кўпроқ салбий жиҳатдан ўзини намоён қилди. Чунки аёлларнинг эркаклар билан жамиятда, иқтисодий ҳаётда тенг деб эълон қилиниб, улар эркаклар билан баробар, ҳаттоки ундан ортиқ меҳнатда иштирок этиб, ўзи устида ишлаши, маънавий-маданий савиясини оширишга вақти кам қолди.

Оилавий муносабатлар маданияти муаммолари охириги йилларда рус ва собиқ иттифоқ олимлари Ю.Б.Алешина, В.В.Бойко, А.И.Белкин, И.С.Кон, С.В.Ковалев,

И.С.Голод, А.К.Харчев, З.А.Янкова, Б.П.Палванова, А.Чўлпонкулов, Р.Ачилова, М.М.Уханов, М.Раҳимова, М.Байсенова ва бошқалар томонидан ҳам бир қадар ўрганилмоқда.

Оила ва никоҳ муносабатлари маданияти методологик таҳлили шундан далолат берадики, оила институтининг мазмун-моҳияти, структураси, ташкиллаш усуллари жамият тараққиётининг барча жабҳаларида, аввало, инсониятнинг, хусусан, тадқиқотчи олимларнинг диққатини ўзига жалб қилган ижтимоий муаммолардан бири бўлган. Дастлаб оила тузиш ва уни бошқариш миллий ва диний асосда амалга оширилиб, айна пайтда давлат қонунларида унга алоҳида ўрин ажратилиб, ҳуқуқий жиҳатдан бошқарилган.

Аммо, XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI асрга келиб жаҳон мамлакатларида оила қуриш, оила барқарорлиги, ахлоқий муносабатларда жиддий ўзгаришлар юзага келмоқда. Масалан, Ғарбда ўсмирлар ва ёшлар орасида алкохол ичимликларни ичиш, наркотик моддаларни истеъмол қилиш, жинсий ахлоқсизлик кенг ёйилмоқда. Натижада, оилавий ажралишлар кўпайиб, бева, ёлғиз қолган оналар сони кўпайиб бормоқда [3]. Ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган бундай салбий ҳодисалар файласуфлар, социологлар, тарихчилар, педагоглар ва бошқа мутахассисларнинг оила муносабатларига оид изланишларни олиб бориш заруратини туғдирмоқда. Америка олимларидан Э.Кейн, Э.Кетчер, Л.Оконовский, Б.Бриджер ва бошқалар кейинги ўн йилликда шу масалага бағишланган ўнлаб монографиялар, рисоалар, қўлланмалар яратадилар.

Россия олимаси Анна Безсарабова «Женщины ответят на финансовый кризис демографическим?» номли мақоласида Россияда демографик вазиятни таҳлил қилиб, ёшларни оила қуриб, болалар туғилиши кундан-кун камайиб бораётганлигини қайд қилган. Масалан, 1992 йилда туғилиш ўртача 1,5 фоиз бўлса, 2008 йил 1,4 фоизга тушиб қолган. Унинг сабаби деб кўрсатади Ольга Лебедь, бу фақат оборотни кўпайганидан эмас, балки, кечикиб оила қуришдандир. (30 ва ундан ортиқ ёшда – М.Д.). “Энг даҳшатли томони шундаки”, деб ёзади мақола муаллифи, “ҳозирги вақтда гомосексуал бирлик, тўлиқ бўлмаган оила, меҳмонли никоҳ ва бошқа алтернатив шакллари оила деб аташ одати шаклланмоқда” [4.10].

Бу мамлакатларда бундай муносабатларни ривожланишига олиб келган муайян сабаблар бор, албатта: биринчидан, баъзи ёшлар иқтисодий ва молиявий инқирозга бардош беролмай оила қуриш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар; иккинчидан, аксарият ўсмирлар ва ёшлар оила қуришдан кўра қизлар ва аёллар билан вақтичоғлик қилишни афзал кўрмоқдалар; учинчидан, бундай оиладан ташқари қадриятларнинг давом этиши нафақат мамлакатнинг демографик вазиятининг камайишига, балки ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий ҳаётига ҳам путур етказиши мумкин; тўртинчидан, ёшлардаги бундай жинсий алоқа ўрнатиш тенденцияси халқларнинг соғлигига зарар келтирувчи турли касалликларни (спид, сифлис ва бошқа) ривожланиб кетишига олиб келиши мумкин; бешинчидан, ҳозирги глобаллашув, ахборотлашув, интеграция алоқалар шароитида Ғарб мамлакатларида бўлаётган бундай ҳодисалар Ўзбекистон ёшлари ҳаётига, оила қуриш ишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Ҳар бир оила ижтимоий тизим – структура сифатида жамият олдида маълум бир вазифани бажаради. Оиланинг ижтимоий вазифалари ҳақида гапирганда, бир томондан, жамиятнинг оилага таъсирини, иккинчи томондан, жамиятда оиланинг ўрнини ҳал қиладиган ижтимоий вазифаларни ҳисобга олиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов оила жамиятнинг негизи сифатида ижтимоий ҳаётдаги ўрнига эътибор қаратиб, шундай деган эди: «Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатилмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади» [5.532].

Ўзбекистон Республикасининг гуллаб-яшнашида мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ юртбошимиз ҳуқуқий демократик давлат ташкил топишининг асосий шароитларидан бири оилани мустаҳкамлаш эканини қайта-қайта уқтириб ўтгани бежиз эмас, албатта. Оила муносабатлари маданиятини такомиллаштириш масаласи давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб келаётганининг сабаби ҳам шундадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида шундай дейилган: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» [6.12]. Демак, Конституция мамлакатимизда ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро тинч, хотиржам яшашини, тенг ҳуқуқли оила қуриб, фарзанд кўриш ва уларни тарбиялашни кафолатлайди. Бундай шароитда оила аъзолари ўртасидаги муносабатларда манфаатларининг умумийлиги, ўзаро ёрдам, бир-бирини севиш ва ҳурмат қилиш энг асосий омил бўлиб қолди. Оилага ғамхўрлик қилиш, унга ҳар тарафлама ижтимоий, моддий, маънавий ёрдам кўрсатиш инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Оила ва никоҳ муносабатлари маданиятининг жамият ҳаёти, инсон маънавий камолотидаги ўрни ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбор, оила тушунчасининг келиб чиқиш моҳияти, ижтимоий ҳаётда ва тарбиявий ишлар тизимидаги ўрни масаласининг методологик таҳлилига эътибор қаратиш лозим.

Маълумки, оилада инсон маънавиятининг дастлабки куртаклари шаклланади, ёшлар ўзларининг бутун жамият олдидаги бурчи, масъулиятини илк бор оилада тушуниб ета бошлайдилар. Шу жиҳатдан оиланинг инсон ижтимоий, маънавий камолотидаги ўрни катта ва бетакрордир. Биринчи Президенти Ислом Каримов айтганидек: «Оила қадриятлари ва қон-қариндошлик муносабатларини қайта тикланиши ўз умрини яшаб бўлаётган оила-уруғ муносабатларини абадийлаштиришни эмас, балки ҳар бир оиланинг иқтисодий, маданий ва касб жиҳатидан эркин бўлиш имкониятини англатиши лозим.

Маънавий қадриятларнинг тикланиши уларнинг ҳозирги дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятларига мослашишини ҳам англатади» [7.147].

Дарҳақиқат, оиланинг моҳияти, у ўзига хос функцияларни бажара олиши жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларга, маънавий муҳитга ҳам боғлиқ. Агар маълум имкониятлар, шароитлар бўлмаса оилавий муносабатлар заифлашиб, ота-оналар ижтимоий функцияларни, айниқса, фарзанд тарбияси борасидаги ўз бурчларини бажара олмайдилар. Бу эса жамият билан оила ўртасидаги муносабатларнинг нақадар муҳим эканлигидан далолат беради.

Оила узок ижтимоий, тарихий жараёнларда шаклланган, ривожланган кичик ижтимоий бирликдир. Унинг ривожланиши ҳам кишилик жамиятига хос бўлган пастдан юқорига қараб такомиллашиши қонунига асосланади. Бунга сабаб бўлган табиий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий омиллар қуйидагилардир:

-оила кишиларнинг табиий-биологик (жинсий муносабатлар, насл қолдиришга интилиш), ижтимоий-ҳуқуқий (никоҳ, фуқаролик ҳолатларини қайд қилиш), маънавий-ахлоқий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги севги, меҳр-муҳаббат туйғуси) омиллар асосига қурилган бирлик бўлган [8127];

-оиланинг шаклланишида гарчанд табиий, ижтимоий омилларнинг таъсири кучли бўлса-да, ижтимоий, маънавий омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам инсонлар оиласи ҳайвонларнинг жинсий жуфтлашишидан кескин фарқ қилади;

-оила эр-хотин, уларнинг бола-чақалари, энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи дастлабки жамоани ташкил этган. Шу маънода оила кишилик жамияти шаклланишининг дастлабки пойдевори ҳам бўлган.

Аёлнинг эркак билан қўшилуvidан фарзанд оламга келади. Тараққиётнинг турли босқичларидаги эҳтиёж ва имкониятлар оиланинг турли шакллари юзага келтирган. Оиланинг ибтидоий кўринишларидан саналувчи қон-қариндош оила, ундан кейинги босқичда эса пуналуал оила, жамоага мансуб опа-сингилларнинг бошқа жамоадаги эркакларга хотинликка берилиши билан боғлиқ анъаналар юзага келган [9.526]. Оналик уруғи, оталик уруғи ҳам оилавий муносабатларнинг ҳар хил кўринишидаги босқичларидир. Кейинроқ, полигам оиладан моногам оилага ўтиш жараёнида юзага келган эндогамик никоҳ, яъни ибтидоий уруғчилик тузумида қабила ичидаги гуруҳий никоҳдан – бир қабилага мансуб эркак ва аёл никоҳдан четланиш, яъни унга қабила қизи билан никоҳланишга асосланган экзогам никоҳга ўтиш ниҳоятда узоқ давом этган жараёндир.

Ислом манбаларида ҳам оиланинг ташкил бўлиши, мазмун-моҳияти, оила муносабатлари маданиятига оид кўрсатмалар, талаблар ўз ифодасини топган. Ислом дини тарғиб қилган оила маданияти жоҳилия даврида ҳукм сурган оилавий муносабатлардан тубдан фарқ қилади. Агарда жоҳилия даврида аёлларнинг оиладаги ҳуқуқлари умуман паймол қилинган ҳолда эркак ҳолаганича хотин олиш (15-20 та, ундан ҳам кўп) ҳуқуқига эга бўлган бўлса, ислом манбаларида бу масалалар муайян даражада тартибга солинди. Исломга асосланиб қуриладиган оилалар янгича мазмун, янгича шакл касб эта бошлади. Қарийиб 1,5 минг йил давомида исломга эътиқод қилувчи халқлар исломий никоҳ асосида оила қурадилар ва шу давр ичида оила муносабатлари маданияти шаклланиб, мазмуни бойиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида «... Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқчилигига асосланади» [10.12] деб ёзиб қўйилган ва шунга амал қилинади.

Никоҳ оиланинг таянчи, насл-насабини, поклигини сақловчи, оилада соғлом муҳитни пайдо қилувчи, инсон ахлоқ-одобини ушлаб турувчи муқаддас нарса бўлганлигидан ислом манбаларидан бўлмиш Қуръони каримда бир неча ўнлаб оятлар орқали унга катта аҳамият берилган. Никоҳнинг машруъ (шарт) бўлиши ҳақида Нур сурасининг 32-оятида [11.77], Нисо сурасининг 3 [12.77], 24 [13.82], 127 [14.98] оятлари орқали амалга ошган.

Никоҳ ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун оила қуришда қўлланиладиган зарурий шаръий амал ҳисобланади. Ҳатто оила қуришга моддий имконияти бўлмаган кишиларни ҳам оилали қилиб қўйишга даъват этилади. Масалан, Қуръони Каримнинг Нур сурасининг 32 оятида шундай дейилади: «Сизларнинг орангиздаги тул (эркак ва аёл) ларни ҳамда кул ва чўриларингиздан яроқлиларини

уйлантирингиз! Агар (улар) камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни ўз фазли билан бойитур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва доно зотдир» [15.354] ифодасини топган.

Хулоса қиладиган бўлсак, бу мақолада оиладаги никоҳ ҳар бир фуқаронинг оила қуришида қулланадиган зарур шаръий дастурамал бўлиб хизмат қилишини кўрсатилиб ўтилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Лаусон Т., Геррод Дж. Социология. А-S: Сл.-спр / пер. с англ. К.С.Ткаченко. –М., 2000.
2. Hasanova M. Ararbaycanda aila: hūquqi va demoaqtatik aspernlari. –Вакu, 2004.
3. <http://www.zionet>.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. Б -532.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон -2009. Б -12.
6. Мир новостей газетаси. –Тошкент, 2009, 19 апрель. Б -10.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Тошкент:Ўзбекистон, 1997. Б-147.
8. Мустақиллик изоҳли илмий оммабоп луғати. -Тошкент: 2000. Б-127.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –М.: Рус тили, 1981. Б-526.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. Б-12.
11. Қуръони карим. Таржима ва тафсири муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007. 24- сура, 32- оят. Б-354.
12. Қуръони карим. 4- сура, 3- оят. Б-77.
13. Қуръони карим. 4- сура, 24- оят. Б-82.
14. Қуръони карим. 4- сура, 127- оят. Б-98.
15. Қуръони карим. Таржима ва тафсифи муаллифи Абдулазиз Мансур-Тошкент: Тошкент Ислон университети 2007. 24-сура, 32 оят. Б- 354.

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАР МУҲОФАЗАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Термиз давлат университети Юридик факультети декани
юридик фанлар доктори, профессор
Холмўминов Жуманазар Тоштемурович
Юридик факультети “Давлат ва ҳуқуқ
назарияси ва тарихи” кафедраси ўқитувчиси
Шоймардонов Ботиржон Норкелдиевич

Аннотация: *Мақолада тарихий ва маданий ёдгорликлар муҳофазасининг ҳуқуқий асоси, улардан фойдаланишнинг тарихи, долзарблиги ва илмий-назарий ўрганилганлиги, бу соҳадаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишнинг ҳолати ўз ифодасини топган бўлиб бу соҳани такомиллаштиришга оид илмий назарий ва амалий таклифлар берилган.*

Калит сўзлар: *тарихий ёдгорлик, меъморий обида, археологик топилма, маданий мерос, тарихий мерос, маънавий мерос, маданий бойлик, тарихий объектлар, миллий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган мажмуалар.*

Аннотация: *В статье отражены правовые основы охраны памятников истории и культуры, история их использования, актуальность и научно-теоретическая изученность, значение нормативно-правовых документов в этой сфере, состояние охраны памятников истории и культуры.*

Ключевые слова: *исторические памятники, памятники архитектуры, археологические находки, культурное наследие, историческое наследие, духовное наследие, культурное богатство, исторические объекты, комплексы общегосударственного и международного значения.*

Abstract: *The article reflects the legal framework for the protection of historical and cultural monuments, the history of their use, relevance and scientific and theoretical knowledge, the significance of legal documents in this area, the state of protection of historical and cultural monuments.*

Keywords: *historical monuments, architectural monuments, archaeological finds, cultural heritage, historical heritage, spiritual heritage, cultural wealth, historical objects, complexes of national and international importance.*

Тарихий ёдгорликлар, меъморий обидалар, адабиёт, тасвирий ва амалий санъат асарлари, археологик топилмалар, миллий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган мажмуалар доимий тарзда инсоният томонидан муҳофаза этилади. Тарихий ва маданий ёдгорликлар муҳофазаси, асосан, уйғониш давридан бошланган. Буюк француз инқилоби даврида шахсий коллекциялар национализация қилинган (Лувр музейини ташкил этиш тўғрисидаги декрет, 1793). Музей биноси 1190 йилда Франция қироли Филиппе Августе томонидан қалъа сифатида бунёд этилган. Лувр сўзи мазкур мудофаа кўрғони номидан олинган. У бир неча аср давомида Франция қиролларининг қароргоҳи бўлган. Кейинчалик Версал саройи курилгач,

1793 йилда музейга айлантирилган. Лувр музейида эрамиздан аввалги 7 асрдан хозирги давргача мансуб бўлган 300 мингдан зиёд экспонат сақланади. Музей залларида уларнинг фақат 35 мингтасигина намоиш этилади. “Милослик Венера” ҳайкали ва Хаммурапи қонунлари устуни, Леонардо да Винчининг “Жоконда” ва Ян Вермеернинг “Чевар қиз” картиналари улар орасида энг машҳурларидир. Музей экспонатлари 6 та коллекцияга ажратилган. Шарқ коллекциясининг ўзи 24 та зални эгаллаган. У ерда мамлакатимиз тарихига оид минглаб ашёлар бор. Жумладан, Амир Темур бобомизнинг Қирол Шарл VI га ёзган мактуби, Аҳмад Яссавий мақбараси учун Соҳибқирон ясагтирган шамдонлардан бири, қадимий қурол-аслаҳалар, қабртошлардаги битиклар ва бошқа буюмлар мавжуд.

XIX-XX асрлар бошларида кўпгина Европа давлатларида тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат муҳофазасига олинган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ЮНЕСКО ташаббуси билан 1954 й.да (Гаага конференцияси) Халқаро конвенция ва “Қуролли конфликтлар рўй берганда маданият бойликларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги баённома имзоланган. Тарихий ва маданий ёдгорликлар муҳофазаси ва меъморий обида, ёдгорликлар билан Халқаро музейлар кенгаши (1946), Маданият бойликларини муҳофаза этиш ва реставрация қилиш халқаро тадқиқот маркази (1959), Ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойларни муҳофаза этиш бўйича халқаро кенгаш (1965) шуғулланган.

Зеро, Ўзбекистонда ёдгорликларни муҳофаза этиш, асосан, XX асрнинг 20 йилларидан бошланган бўлиб, 1920 йил Маориф халқ комиссарлиги қошида музейлар, санъат асарлари ва қадимий ёдгорликларни муҳофаза қилиш Туркистон кўмитаси-Турккомстарис тузилган, кейинчалик Средазкомстарис бу иш билан шуғулланган. Бугунги кунда эса, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармаси шуғулланмоқда.

Эътиборли томони шундаки, мамлакатимиз ҳудудида ва чет мамлакатларда сақланаётган ноёб қўлёзмалар, маданий, тарихий ёдгорликлар, ҳунармандчилик, халқ оғзаки ижоди намуналари, санъат ва бадиий асарлар, театрмусиқа, қадимий давлатчилик тарихига оид ҳужжатлар, қадимий чолғу асбобларини йиғиш, сақлаш ва улар билан шуғулланиш мақсадида 1999 йил 12 октябрда “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси тузилганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўтган асрнинг ўрталарига келиб жаҳон жамоатчилиги нодир ва бетакрор ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларни умумбашарият мулки сифатида келажак авлодларга етказиш масаласига алоҳида эътибор қарата бошлади.

Жумладан, ЮНЕСКО 1972 йил Парижда бўлиб ўтган симпозиумда Маданий ва табиий мерос ёдгорликларини муҳофазага олиш ҳақидаги резолюциясини қабул қилди [1].

1983 йилда БМТ томонидан 18 апрель-Халқаро ёдгорликларни ва тарихий жойларни асраш куни, -деб белгиланиб, 2003 йилда ЮНЕСКО номоддий маданий меросларни муҳофазасига олиш ҳақида қарор чиқарди.

Ўзбекистон БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган ташкилоти ЮНЕСКОга 1993 йилда аъзо бўлиб, Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция 1995 йилнинг 22 декабрида Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган.

Конвенция доирасида Хива шаҳридаги “Ичан-қалъа”, “Самарқанд-маданиятлар чорраҳаси” объекти, Бухоро ва Шаҳрисабз тарихий марказлари ҳамда Чотқол

биосфераси (табiiй мерос) Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган [2].

Илм-фанда тарихий ва маданий ёдгорликлар муҳофазаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг тарихий томонлари батафсил ўрганилганлигини кўрамиз зеро, бу масалани ҳуқуқий томонларини кенгроқ ўрганиш ва соҳа қонунчилигини такомиллаштириш бугунги кун талаби даражасида деб бўлмайди [3].

Жумладан, Ўрта Осиёда антик давр ёдгорликлари миллоддан аввал IV-милодий IV асрларга оид ёдгорликларда кенг миқёсда археологик тадқиқотлар олиб борилган. Ўзбекистон ҳудудида М.Е.Массон раҳбарлигида Термиз археология экспедицияси, Я.Ғ.Ғуломов номидаги Археология институтининг археология гуруҳи Ўзбекистоннинг барча вилоятларида, С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси, Хоразм воҳасида В.М.Массон раҳбарлигида Бақтрия экспедицияси, Г.А.Пугаченкова раҳбарлигида Хамза номидаги санъатшунослик экспедицияси ходимларининг Сурхондарё вилоятидаги фаолиятларини алоҳида қайд этиш мумкин.

М.Е.Массон раҳбарлигида Туркменистон ҳудудида Туркменистон археология экспедицияси ходимлари археологик тадқиқотларни олиб борган. Тожикистон ҳудудида А.Н.Бернштам, Помир-Олой тоғ тизими атрофларида А.М.Манделштам, Бешкент чўлида археологик тадқиқотларни олиб борганлар.

Ўзбекистон ҳудудида антик даврга оид ёдгорликларни ўрганиш Сурхондарё ҳудудида ҳам олиб борилган. XX асрнинг 30 йиллари бошлари ва ўрталарида М.Е.Массон раҳбарлигидаги Термиз археология-комплекс экспедицияси ходимлари эски Термизнинг қалъа қисмида қазииш ишларини олиб бориб, мил. авв. III асрга оид ашёларни олишга муваффақ бўлганлар. Шу билан бирга, Кушон даврига оид Айритомда қазииш ишларини олиб бориб, натижада ноёб ашёлар, яъни “арфа чалаётган аёл” ҳайкали топилган.

Шунингдек, Сурхондарё вилояти ҳудудида антик давр ёдгорликлари эски Термиз-1936-1938 йилларда М.Е.Массон раҳбарлигида Термиз археология экспедицияси шаҳарни археологик жиҳатдан ўрганиш ишини олиб борди. Унинг “қалъа” қисмида қазииш ишларини олиб борди ва шаҳарнинг ёшини мил.ав. III аср билан аниқланган. 1981 йилдан Археология институтининг археология гуруҳи археологик қазииш ишларини олиб борганлар. Ш.Раҳманов 1993 йилдан эски Термиз мудофаа девори қурилиши тарихини ўрганишни бошлаган. Кейинги йилларда Ўзбекистон-Япония археология экспедицияси ходимлари (раҳбари Ш.Пидаев) Эски Термизда археологик қазииш ишларини олиб борган, олинган натижалар шаҳарнинг қурилиш даври мил.ав. V асрга оид эканлигини исботладилар.

Эътиборли томони шундаки, археологик гуруҳи бир қатор ёдгорликларда қазиишма ишларини олиб бориб тарихга бой илмий манбаларни фанга илк маротаба олиб кирдилар. Жумладан, **Далварзинтепа-Шўрчи** тумани ҳудудида жойлашган, тўғрибурчак шаклда, умумий майдони-30 га, қадимда тўрт томони девор билан ўраб олинган, девор ўз навбатида тўғрибурчакли кунгурлар билан ўраб олинган, улар орасидаги майдон 27-30 м. Ёдгорлик 1967 йил Л.И.Албаум томонидан топилиб, 1970 йилдан бошлаб Г.А.Пугаченкова раҳбарлигидаги Хамза номи санъатшунослик институтининг археологик гуруҳи ёдгорликда текшириш ишларини бошлаб юборган эди.

1971 йилда Далварзинтепа уй хоналаридан бирида кичик тувакчада олтиндан ясалган 115 та ашёлар топилган. Улар хотин-қизларнинг безаклари, яъни билағузуклар, балдоқ, тумор, турли шаклдаги буюмлардан иборат бўлган. Ёдгорликда

Б.А.Турғунов раҳбарлигида Ўзбекистон-Япония экспедицияси ходимлари қазилган ишларини олиб борганлар.

Зартепа - Сурхондарё вилояти Ангор тумани ҳудудида Шеробод-Термиз йўлининг ўнг томонида 200 м узокликда жойлашган. Режалаштирилиши тўрт томони тенг, умумий майдони-16 га. Тўрт томони икки қаторли девор билан ўраб олинган бўлиб, ярим айланали кунгурлар билан кучайтирилган, улар ўртасидаги масофа-34 м.1972-1974 йилларда Қ.Собиров раҳбарлигидаги гуруҳ Зартепанинг муҳофаа тизимини ўрганиш ишларини олиб бориб, 4 га қурилиш давридан иборат эканлигини аниқлаганлар. Шаҳарнинг марказида сарой, шарқий қисми деворининг ички қисмида будда ибодатхонаси қолдиғи ҳам ўрганилган. Шаҳарнинг қурилиши мил.ав. I асрда, унинг инқироzi эса милодий IV асрга оид бўлганлиги аниқ манбалар асосида исботланган.

Қоратепа - Эски Термиз ҳудудида жойлашган, 1972 йилдан Б.Я.Ставиский раҳбарлигидаги Москва санъатшунослик музейи археологик гуруҳи ёдгорликда қазилган ишларини олиб борди, натижада будда ибодатхонаси топиб ўрганилган.

Фаёзтепа - Эски Термиз ҳудудида жойлашган. Л.И.Албаум раҳбарлигида археологик гуруҳ ёдгорликда қазилган ишларини олиб борган. Натижада будда ҳайкаллари, буддистлар тўпланадиган жой ўрганилган. Бу ёдгорликлардаги Ўзбекистон-Япония давлатлари бирлашган археологик гуруҳи қазилган ишларини олиб бориб, топилган ашёлар бир неча марта Япониядаги кўрғазмада намойиш қилинган. Э.Ртвеладзе томонидан Сурхондарё вилояти бўйлаб археологик кидирув ишлари олиб бориб, 130 дан ортиқ ёдгорликлар вилоят археологик харитасига қайд этилган, уларнинг аксарияти антик даврга оид бўлганлиги исботланиб берилган. Шу билан бирга, Халчаён, Хайдаробод, Мирзакўлттепа, Ойсаритепа каби қишлоқ манзиллари археологик жиҳатдан ўрганилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда қадимий ва бой тарихимизни ўрганиш, кенг тарғиб этиш ёшларда қандай буюк зотларнинг, дунё илм-фани ва маданиятига бекиёс ҳисса қўшган улуғ олим ва мутафаккирларнинг авлоди, бетакрор мерос вориси эканидан фахрланиш туйғусини кучайтириш, маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида, “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир”деб таъкидланган” [4].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 сентябрь 2020 йил “Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи”да “Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, хурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур”, - деб алоҳида таъкидлаган эди” [5].

Зеро, бугунги кунда Юртбошимиз раҳнамолигида миллий қадриятларимизни, юртимиздаги тарихий обида ва маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Маданий мерос объектларини

муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги [6], Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 16 июнда қабул қилинган Сенат томонидан 2009 йил 29 августда маъқулланган “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги [7] қонунлари айнан шу йўналишдаги ишларни тизимлаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори маданий меросимизни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришга бағишланган. Шунингдек, моддий маданий мерос объектлари мамлакатимиз туристик имкониятларини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб, бу жиҳат кўп ҳолларда эътибордан четда қолган. Мазкур қарор асосида соҳада давлат назоратини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданий мерос департаменти ва ҳудудларда унинг бошқармалари ташкил этилди [8]. Шунингдек, қарорга кўра 2019-2021 йилларда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, илмий тадқиқ этиш, тарғиб қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тубдан такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинган эди.

Шуни алоҳида, қайд этиш жоизки ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига тарихий-маданий қийматига кўра киритилган республикадаги ҳудудлар алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар ҳисобланади ҳамда уларда режалаштирилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг лойиҳалари Департамент ҳамда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси маркази билан мажбурий тартибда келишилган ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сонли “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори айни мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлиб, унда кўра моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг миллий рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди [9].

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспекторлар фаолияти ташкил этилди, уларнинг қонун ҳужжатлари бузилишига оид мурожаатлари Департамент ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан мажбурий тартибда давлат назорати шаклида текширилади. Бунда маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аниқланса, жамоатчи инспекторлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан пул мукофоти билан тақдирланиб, бу бир рағбатдек кўринади, аммо аслида эса бу мутахассисларнинг масъулиятини янада ошириш ва одилона ишлаши учун яратилган имкониятдир.

Эътиборли томони шундаки, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданий мерос департаменти томонидан 8 минг 208 та объектнинг рўйхати тасдиқланган. Шундан, археология ёдгорликлари 4 минг 748, архитектура ёдгорликлари 2 минг 250, монументал санъат ёдгорликлари 678, диққатга сазовор жойлар эса 532 тани ташкил этади. Аммо мурожаатлар шуни кўрсатмоқдаки, бу борада ҳам баъзи камчиликлар учраб турибди. Шу боис ҳам объектларни қайта текшириш, ўрганиш ва рўйхатлаштиришда Маданият вазирлигига аниқлик киритиш, тушунтириш бериш ҳуқуқи берилганлиги ҳам амалиёт учун ўта муҳимдир [10].

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги бешта мустақил

фондларда жами 25 минг атрофида қўлёмалар, 40 мингдан ортиқ тошбосмалар, 5000 дан ортиқ тарихий ҳужжатлар кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинади. Уларда жами 300 мингдан зиёд асарлар нусхалари мавжуд, дейилади. Ушбу институт ЮНЕСКОнинг инсоният миллий-маданий ва моддий бойликлари рўйхатига киритилган. Ушбу беқиёс бойликларимиз синчиклаб ўрганилса, қанчалаб тарихий фильмлар, кўрсатувлар учун дастур бўлиши мумкин! Шу ўринда Нобель мукофоти соҳиби, физик олим Пьер Кюрининг қуйидаги сўзлари эсга тушади: “Мусулмонларнинг Андалусиясидан бизга 30 та китоб қолди. Ўша китобларни ўқиб, атомни парчалашга эришдик. Агар биз ёқиб юборган ана ўша буюк Ислом цивилизасиясига тегишли ярим миллион китоблар ҳам қолганида нима бўларди? Дарҳақиқат, агар ўша китобларни ёқиб юбормаганимизда, ҳозир фазодаги галактикалар орасида сайр қилиб юрган бўлардик” [11].

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда миллий давлатчилигимиз тарихини ўзида акс эттирган ушбу ёдгорликларни, тарихий ва маданий обидаларни ўрганиш, асраб-авайлаш ва кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси юртдошларимиз, айниқса, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, аждодлардан ифтихор қилиш туйғусини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон заминида ҳам жаҳон тамаддунининг ноёб дурдоналари ва кўрки бўлмиш кўплаб маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, уларнинг бир қисми ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Айни пайтда ушбу рўйхатга Ўзбекистондаги 4 та меъморий мажмуа-Хива, Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари киритилган. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг моддий-маданий меросини муҳофаза қилиш бўйича ЮНЕСКО билан конструктив мулоқот йўлга қўйилган.

Жумладан, мамлакатимиз ЮНЕСКОнинг соҳага оид асосий халқаро ҳужжатларига қўшилган бўлиб, уларнинг нормалари миллий қонунчилигимизга имплементация қилинмоқда. Шу билан бирга, маданий меросни муҳофаза қилиш, тарихий шаҳарларнинг бош лойиҳаси ва менежмент режасини ЮНЕСКО халқаро стандартлари ҳамда талабларига мувофиқ ишлаб чиқишда халқаро экспертлар кенг жалб этилмоқда. Бундан ташқари, ЮНЕСКО билан турли халқаро анжуманлар ташкил қилинмоқда, мазкур тадбирлар маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш йўлидаги долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, халқаро тажрибани ўрганиш, тарихий-маданий меросни сақлашни таъминлаш бўйича миллий тизимни такомиллаштириш имконини бермоқда.

Бироқ бугунги кунда ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига кирган объектларни муҳофаза қилиш, хусусан, ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси қўмитасининг тавсияларини бажаришда ҳамон айрим муаммолар мавжуд. Жумладан, Умумжаҳон мероси қўмитасининг 2019 йил июль ойида Озарбайжоннинг Боку шаҳрида бўлиб ўтган 43-сессиясида Шаҳрисабз, Самарқанд ва Бухородаги маданий мерос объектларини сақлаш билан боғлиқ ҳисоботлар кўриб чиқилиб, муҳокамалар якуни бўйича қўмитанинг ушбу объектларни сақлашга доир тегишли қарорлари қабул қилинган эди. Мазкур қарорларда юртимизнинг маданий мерос объекти бўлган ушбу кўҳна шаҳарларни асл ҳолида сақлаш ва муҳофаза қилиш борасида хавотир билдирилиб, аниқ чора-тадбирлар кўрилиши юзасидан тавсиялар берилган эди.

ЮНЕСКО Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни кўриш “Илм,

маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурида ҳам назарда тутилган [12].

Хусусан, Давлат дастурининг 221-бандида моддий маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКО Жаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш бўйича 2020 йил 1 майга қадар Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорини қабул қилиш белгиланган эди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2020 йил 8 сентябрь куни бўлиб ўтган ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номига “Мамлакатимиздаги моддий-маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКО Жаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” парламент сўрови юбориш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Парламент сўровини юборишдан асосий мақсад- ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган объектлар муҳофазасини кучайтириш, хусусан, бу борадаги ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси кўмитасининг тавсияларини ҳамда Давлат дастурининг 221-бандида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишдан иборат.

Сўнгги 30 йил ичида мамлакатимиз-Ўзбекистонда Буюк Ипак йўлининг тикланиши билан боғлиқ тарихий обидалар, шунингдек, улуғ аждодларимиз-Амир Темур, Захриддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек, имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизий каби таниқли шахсларнинг номлари қайта тикланди. Бу эса, қадимий ва бой тарихимизни ўрганиш, кенг тарғиб этиш ёшларда қандай буюк зотларнинг, дунё илм-фани ва маданиятига беқиёс ҳисса қўшган улуғ олим ва мутафаккирларнинг авлоди, бетакрор мерос вориси эканидан фахрланиш туйғусини кучайтириш, маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Маълумки, табиат ёдгорликлари - жонли ва жонсиз табиат яратган ноёб, диққатга сазовор объектлар: ғорлар, шаршаралар, ажойиб шаклли қоятошлар, даралар, гейзерлар, булоқлар, очилиб қолган жойлар, катта ёшли улкан дарахтлар. Табиат ёдгорликларидан илмий, эстетик, рекреация, саёҳат, туризм, истироҳат, тарбиявий мақсадларда фойдаланилади. Ўзбекистонда бундай Табиат ёдгорликларидан жуда кўп: қад. одамларнинг қолдиқлари топилган Тешиктош ғори, Сайроб, Бойсун, Хўжакентдаги қадимий чинорлар, Қўйтош, Қирққиз, Одамтош, Хўжакентдаги қоятошларга чизилган расмлар шулар жумласидандир. Мамлакатда 400 дан зиёд Табиат ёдгорликлари рўйхатга олинган. Табиат ёдгорликлари ҳар доим давлат томонидан қўриқланади.

Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, **Ўзбекистонда 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига республикада архитектура ёдгорликлари сони 2264 тани ташкил этган.** Ўзбекистонда Самарқанд вилояти архитектура ёдгорликлари сони бўйича етакчи ўринда эканлиги маълум қилинди. Архитектура ёдгорликлари энг кўп вилоятлар учлигига Самарқанд (562 та), Бухоро (507 та) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (288 та) кирган. Кейинги ўринларда Қашқадарё вилояти (208 та), Фарғона вилояти (139 та), Хоразм вилояти (136), Жиззах вилояти (100) келмоқда. Архитектура ёдгорликлари сони юзтага етмаган вилоятлар рўйхатидан эса Наманган (98), Андижон (74), Навоий (70), Сурхондарё (36), Сирдарё (15) ва Тошкент вилояти (7 та) ўрин олган. Қорақалпоғистон Республикасида ёдгорликлар сони 24 тани ташкил этиши маълум қилинган [13].

Юқоридаги таҳлил ва изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, тарихий ва маданий ёдгорликлар муҳофазасини ҳуқуқий-экологик аҳамиятга эга бўлган

устувор йўналишлари сифатида куйидагиларни: **биринчидан** - илғор халқаро юридик тажриба ва замонавий талаблар асосида **юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, кадрлар тайёрлаш, кўшма ҳуқуқий тадқиқотларни, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўзаро алмашинувини фаоллаштириш; иккинчидан**-ўқув-таълим жараёнига тажрибали олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиб, ушбу соҳага оид қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларни талабаларга кенгроқ тушунтириш; учинчидан-аҳолини тарихий ва маданий ёдгорликларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишга оид ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини янада ривожлантириш; тўртинчидан-тарихий ва маданий ёдгорликларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишга оид қонунчиликни замон талаби асосида такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, тарихий манбаларга бой юртимиздаги тарихий ва маданий ёдгорликлар, маданий мерос объектлари бизга улуғ аجدодлардан мерос бўлиб қолган миллий бойлик бўлиб, ушбу бетакрор ва қимматли бойликларни муҳофаза қилиш ва кўз қорачўғидек асраш, уларни келажак авлодга бус-бутун, ўз ҳолатича етказиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция (Париж, 1972 йил 16 ноябрь, ЎЗР ОМ 1995 йил 22 декабрдаги 182-И-сон қарори билан ратификация қилинган).

2. <https://sputniknews-uz.com/20200808/Bukhorodagi-7ta-madaniy-obekt-YuNESKO-umumzhaon-merosi-rykhatini-tldirishi-kutilmoda-14730899.html>

3. <http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/242>

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон, 2021

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. [tps://xabar.uz/jamiyat/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning](https://xabar.uz/jamiyat/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning)

6. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 180-модда.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 42-сон, 448-модда.

8. 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.03.2021 й., 09/21/119/0190-сон

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сонли “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2019 й., 09/19/846/3881-сон;

10. <https://uza.uz/uz/posts/madaniy-meros-obektlaridan-zboshimchalik-bilan-foydalanishga-11-11-2019>

11. Тарих-улуғ мураббий (2019 йил, 29 сон). [tps://uzas.uz/articles/3932/](https://uzas.uz/articles/3932/)

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Фармони.//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон.

13. <https://sputniknews-uz.com/20211027/ozbekistonning-qaysi-hududida-arxitektura-yodgorliklari-eng-kop-reyting-21107004.html>

ТАРИХ

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА АЁЛЛАР ИШТИРОКИ: ИСЛОҲОТЛАР ВА НАТИЖАЛАР (ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ)

*Ўзбекистон миллий университети
мустақил илмий тадқиқотчиси.
Фискал институти т.ф.н., доценти
Толипов Файзулла Саидович*

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожида аёллар иштироки тарихий нуқтаи назардан таҳлил этилган. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка аёлларни жалб қилиш, улар учун муносиб шарт-шароитларни яратиш бериш, аёллар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ва айрим муаммолар баён қилинган. Мақолада аёллар тадбиркорлигини тараққий эттириш борасида банк-молия соҳасининг ўрни масалаларига ҳам эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, тадбиркорлик, аёллар, бандлик, ислоҳот, кредит, банк, хизмат кўрсатиш, ишсизлик, респондент, оилавий тадбиркорлик.

Аннотация: В статье анализируется участие женщин в развитии малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане с исторической точки зрения. В нем описываются проводимые коренные реформы и некоторые проблемы в привлечении женщин к малому бизнесу и частному предпринимательству, созданию для них необходимых условий и обеспечении занятости женщин. В статье также акцентируется внимание на роли банковско-финансовой сферы в развитии женского предпринимательства.

Ключевые слова: малый бизнес, предпринимательство, женщины, занятость, реформа, кредит, банк, услуги, безработица, респондент, семейное предпринимательство.

Abstract: The article analyzes the participation of women in the development of small business and entrepreneurship in Uzbekistan from a historical perspective. It outlines the ongoing reforms and some challenges in attracting women to small business and private entrepreneurship, creating the right conditions for them, and thus ensuring women's employment. The article also focuses on the role of the banking and financial sector in the development of women's entrepreneurship.

Keywords: small business, entrepreneurship, women, employment, reform, credit, banking, services, unemployment, respondent, family business.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга иқтисодий ислоҳотларнинг ҳал қилувчи, стратегик аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилмоқда. Бунда айниқса соҳада аёллар иштирокини кенгайтириш, улар банд бўлган соҳаларни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёллар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, аёлларнинг хизмат кўрсатиш соҳаларидаги бандлигини таъминлаш, аёллар орасида фермерлик ҳаракатини қўллаб қувватлаш ва

ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу борада хотин-қизларнинг соҳа тараққиётига қўшган ҳиссалари эътиборга олиниб, улар бандлигини таъминлаш, иқтисодий фаоллигини ошириш, касаначилик, оилавий тадбиркорликдаги иштироки масалаларига давлат сиёсати доирасида аҳамият қартила бошланди. Кейинги йилларда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг иш шароитларини яхшилаш, қулай бўлган меҳнат турлари билан шуғилланишлари борасида ҳам маълум даражада тажрибалар тўпланди, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун махсус ўқув курслари ташкил этилаётганлиги ҳам соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасидир.

Адабиётлар таҳлили:

Мавзу доирасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан тарихий мавзуда амалга оширилган тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, мазкур адабиётлар бирмунча манбаларга бойлиги, масаланинг у ёки бу жиҳатлари таҳлил қилинганлиги билан ажралиб туради. Яратилган мазкур асарлар, дарслик ва қўлланмаларда Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожидида аёллар иштироки масалалари, мазкур йўналишда аёллар бандлигини таъминлаш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳамда унинг устувор йўналишларини янада рағбатлантириш масалалари баён қилинган. Бу борада Г. Ғаниева, Н. Раҳимова, Д. Алимова, Р. Ш. Раҳматуллаев, М. Рахимов, А. Голованов, Д. Ғуломоваларнинг ўз мавзулари доирасидаги тадқиқотлари, чоп этган китоблари анчагина салмоқлидир.

Айниқса, мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги ўрни масалалари олиб борилган қатор илмий тадқиқот ишларида кўзга ташланади. Жумладан, хотин-қизларнинг соҳа тараққиётига қўшган ҳиссалари, айниқса улар бандлигини таъминлаш, иқтисодий фаоллигини ошириш, оилавий тадбиркорликдаги иштироки масалалари янги талқинлар асосида айрим ишларда ўз аксини топган бўлиб, улар қаторида **В.Баумгертнер, Р.Муртазина, Р.Убайдуллаева, Р. Муртазаева, Н.Жўраевалар** тадқиқотларини келтириш мумкин. Мазкур муаллифлар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимининг иқтисодий, социологик, ҳуқуқий, экологик, демографик омилларига ҳам ўз ўрнида эътибор қартилган.

Тадқиқот методологияси.

Мақола тарих фанининг муҳим принциплари, хусусан, объективлик, изчиллик, тарихий ҳамда ижтимоий воқеа ва ҳодисаларни хронологик асосда ўрганиш, манба ва даллиларга таяниш ва уларнинг ҳаққонийлигига асосланиш тамойиллари негизда ёритилди. Мақолада айрим манбаларни контент-таҳлили, ижтимоий-тарихий таҳлили ва манбалар билан ишлаш методларига ҳам эътибор қаратилган. Ижтимоий-гуманитар фанларда ҳар қандай илмий тадқиқот ўзига хос методологик жиҳатдан ёритилганлиги билан ажралиб туради. Муҳими мақола юқорида қайд этилган тамойиллар ва усуллар билан бирга, архив ҳужжатлари билан ишлаш талаблари асосида ҳам ёритилган.

Таҳлил ва натижалар (асосий қисм)

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёллар иштирокини кенгайтириш масаласига “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” да ҳам бевосита эътибор қаратилганлиги, мазкур йўналишнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни муҳим эканлигини тасдиқлайди.

Стратегияда давлат ва жамият ҳаётида аёлларнинг ролини ошириш, улар бандлигини таъминлаш, айниқса тадбиркорликка кенг жалб этиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар белгиланганлиги эътиборга моликдир. Хусусан стратегиянинг 69-мақсади “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш” деб номланиб, 85-мақсадда эса аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 баравар камайтириш, 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш. Иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган [1. №22 (544)].

Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда, айниқса, оилавий тадбиркорликнинг ўрни муҳим бўлиб, соҳанинг касаначилик йўналишида аёллар иштироки янада эътиборга моликдир. Бу бир қанча омиллар билан боғлиқ бўлиб, биринчидан аёлларнинг бир қисми чекка қишлоқларда ишсизлик муаммосига дуч келаётган бўлсалар, иккинчидан аёлларнинг маълум қисми ўз уйида уй ҳунаромандчилиги ва касаначилик билан шуғилланишни маъқул кўрмоқдалар. Бу эса соҳани янада тараққий эттириш, унда аёлларнинг ўрнини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратишни тақозо этмоқда. Агар тарихий рақамларга мурожаат қилинса, 2020 йилга келиб мамлакатда тадбиркор аёллар сони олдинги даврларга нисбатан 45 минг нафарга кўпайганини қайд этиш мумкин [2. №39].

Аммо ҳамон республикада аёлларни тадбиркорлик, умуман ижтимоий фойдали меҳнатга, ишлаб чиқаришга жалб қилиш борасида муаммолар етарлича. Бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш борасида республикамизда зарур ислохотлар олиб борилиб, айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари қаторида, гендер соҳасига оид масалалар, уларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларига жалб қилинишидаги муаммоларни ҳал қилиш ҳам муҳимлигича қолмоқда. Юқорида қайд этилганидек, қишлоқ жойларида аёллар орасида ишсизлик муаммоси мавжуд. Масалан, 2000 йиллар ўрталарида республикада умумий аҳолига нисбатан ишсизларнинг 18,2 мингини аёллар ташкил этган, уларнинг 43,3 %и 18-30 ёшдагилар, 39,2 %и 30-50 ёшдагилар, 11,7 %и 16-18 ёшдагилар, 5,7 %и эса пенсия олди ёши ва ундан каттароқ ёшдагилар. Расмий ишсизлар деб рўйхатдан ўтган эркаклар сони 14,0 минг кишини ташкил этган. Уларнинг 40,5 %и 18-30 ёшдагилар, 36,7 %и 30-50 ёшдагилар, 11,7 %и 16-18 ёшдагилар, 11,1 %и пенсия олди ёши ва ундан катта ёшдагилар эди [3. 33. 14-15 б].

Н.Рахимованинг тадқиқотларига асосан, 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар ўртасида оилавий тадбиркорлик билан шуғилланиш истагини билдирган респондентлар умумий аёллар салмоғининг жами 45,4 % ни ташкил қилган. Муаллифнинг ёзишича, уларни келажакда ўз касбий карьерасини ошириш унчалик қизиқтирмайди, яъни уларни кўпроқ тадбиркорлик асосида иқтисодий манфаатдорлик қизиқтиради. Бу ҳақда сўралаганда, 47,9 % аёллар, хусусан ҳар икки респондентдан биттаси айнан шундай жавобни берган. Истиқболда ўз касбий малакаси, лавозими ва даражасини ошириш кўпроқ шаҳар аёлларини қизиқтиради, бу 52,1 % ни ташкил этади. Қишлоқ аёлларида бундай тушунча кам, 44,2 % бўлиб, бу кўрсаткич 20-24 ёшли аёллар орасида 57,9 % ни, 24-29 ёшли аёллар орасида 59,7 % бўлиб, турмушга чиқмаган аёллар орасида 60,9% ни ташкил қилади. Айнан шундай тушунча соғлиқни сақлаш ходималари орасида 60,0%, бошқарув аппарати ходималари орасида 70,6 %, тадбиркор аёллар орасида 60, % дир [4].

Бу шундан далолат берадики, сўралган аёлларнинг аксарияти 68,2 % тадбиркорлик орқали иқтисодий мустақил бўлишни истайдилар. Буни биз олиб борган тадқиқотлар ҳам исботлайди. Яъни, ўзларининг муайян касбига **эга бўлса-да, кўшимча равишда тадбиркорлик билан шуғилланишни хоҳловчилар** сўров ўтказилган аёлларнинг салкам 70 % ни ташкил этди, 21 % аёллар олди-сотди билан шуғилланишни хоҳлашса, 9 % аёллар кўпроқ уйда фарзанд тарбияси билан шуғилланишни маъқул кўрадилар. Ваҳоланки, умумий аҳолига нисбатан аҳолининг иқтисодий фаол қатлами сифатида кўрсаткич 3 977,0 аёллар, 5 041,4 ни эса эркаклар ташкил қилган [5.14].

Бу борада республика “Тадбиркор аёл” уюшмаси турдош муассасалар билан ҳамкорликда иш олиб борилиши натижасида 2000 йилга келиб тадбиркор аёллар сони 20 мингдан ортган [6.143]. Аёлларни тадбиркорликка жалб қилиш борасида ушбу кўрсаткич 2005 йилда 49,8% дан, 2008 йилга келиб 67,7 % га ўсган. Аммо “Ижтимоий фикр жамоатчилики” маркази маълумотларига кўра, шу йилларда 57, 4 % аёллар доимий иш жойига эга бўлмаган, шунинг учун уларни уй меҳнатига жалб қилиш муҳим, дея ҳисобланган [7.37-38].

Аёллар орасида тадбиркорлик ва бизнесга оид билимларини шакллантириш мақсадида 2010 йилгача 18 минг нафардан зиёд хотин-қизга бизнес юритиш асослари ўргатилиб, аввал ишсиз бўлган 12 минг нафар хотин-қизнинг касб-хунар эгаллашига кўмак берилган [8.17]. Хусусан, биргина 2000 йилда республика “Тадбиркор аёл” уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан аёлларни иш билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ўрганилганда, бу борада 2000 йилда Андижон вилоятида 1000 нафар аёл касблари бўйича қайта тайёргарликдан ўтказилиб, 3000 аёл ишга жойлаштирилган ва 50 киши ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаганлар. Бухоро вилоятида 222 ишчи ўрни яратилиб, 120 нафар аёл иш билан таъминланган, 90 та аёлнинг мустақил иш фаолияти билан банд бўлишига кўмаклашилган. Қашқадарё вилоятида 1500 аёлга ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини бошлашларига кўмак берилиб, 500 нафар аёл эса касбга қайта тайёргарликдан ўтиб ва ўз малакаларини оширганлар. Хоразм вилоятида 240 ишчи ўрин ташкил этилиб, 150 нафар аёл ишга жойлаштирилган, 300 аёл эса касбга қайта тайёрланган [9.54-60-78-85-93-99].

Умуман, 1991-2009 йилларда республикада тадбиркор аёллар 120 мингдан ортиқ кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини бошқарганлар [10.174-175]. Бу шубҳасиз, республика ички бозорини маҳсулотлар билан тўлдириш, шу билан бирга аёлларга янги иш ўринларини яратиш борасида талай ижобий ишлар амалга ошириб келинганлигини кўрсатди. Сўнгги йилларда аёлларга оилавий тадбиркорларга ўз оилавий бизнеси, касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантириш борасида кўшимча ваколатлар берилди. Республикада оилавий бизнес, хусусан, унинг асосий йўналиши бўлган қишлоқ хўжалиги тармоғи жадал ривожланиши учун имкониятлар юзага келди. Бу 2016 йилда республикамизда 4,5 миллиондан ортиқ оиланинг ўз қишлоқ хўжалиги томорқасига эга эканлиги, уларнинг ихтиёрида 412 минг гектардан зиёд ер майдони мавжудлиги ҳам фикримиз тасдиғидир. Мустақиллик йиллари тарихида томорқа ва деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори тобора ошиб борган. Бунда қишлоқ маҳаллалари томонидан томорқадан самарали фойдаланиш юзасидан кўрилаётган амалий чора-тадбирлар муҳим омил бўлиб, унда аёллар иштироки салмоқли бўлган [11. №3 (47)].

Бугунги кунда айниқса жойларда ҳар бир оиланинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, “Ҳар бир оила тадбиркор” тамойилини амалга ошириш, хусусий мулк манфаатларини ривожлантиришга туртки берди. Бу шубҳасиз, ушбу соҳада меҳнат қилаётганлар салмоғини ошишига олиб келган. Агар тарихий рақамларга мурожаат қилинса, ҳудудларда оилавий кичик корхоналарда иш билан банд аҳоли сони ҳам йил сайин ортиб борган. Жумладан, 2007 йилдаги 2094,2 минг кишидан 2011 йилда 2338,4 минг кишига ёки 11,6 %га кўпайган. Республикада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис, бу соҳада иш билан банд бўлган аҳоли сони йил сайин ортиб борган. Масалан, 2007-2011 йилларда республика бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лекин лицензияга эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони 140,8 минг кишидан 698,4 минг кишига ёки 4,96 марта кўпайган. Деҳқон хўжаликларидан иш билан банд бўлган аҳоли сони 1472,5 минг кишидан 1745 минг кишига ёки 18,5 % га ортган[12.95-97].

Бу эса республикада амалга оширилаётган оқилона иқтисодий тизим туфайли бандликнинг касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик каби аҳолининг тадбиркорлик қобилияти ва бунёдкорлик меҳнати салоҳиятини намоён қилишга кўмаклашувчи самарали турлари ривожланаётганлигини англатмоқда. Бу шубҳасиз, оилавий тадбиркорлик асосида аҳоли, айниқса аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида соҳани фаол ривожлантиришга кўмак бермоқда. Масалан, 2006-2010 йилларда мамлакатимиз корхоналари билан фуқаролар ўртасида тузилган касаначилик ва ижара шартномалари асосида 674 мингта иш ўрни ташкил этилган. Бундан ташқари, аҳолининг иқтисодий фаоллиги ошиши, ўзини ўзи бандлигини таъминлаши учун қулай шарт-шароитлар яратилиши натижасида миллий хунармандлик ва оилавий тадбиркорлик соҳаларида 302,1 мингта иш ўрни очилганлигини кўриш мумкин.

2011-2016 йиллар давомида оилавий тадбиркорлик орқали Республика бўйича ташкил этилган иш ўринлари сони 3,9 %га ортган. 2017 йилда эса дастурга мувофиқ саноатни (5440 та лойиҳада 131 мингта иш ўрни билан), қишлоқ хўжалигини (8430 лойиҳада 55,8 мингта иш ўрни билан) ва хизмат кўрсатишни (11 мингта лойиҳа 69,5 мингта иш ўрни билан) ривожлантириш бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолияти кучайтирилди. Ҳаракатлар Стратегиясига мувофиқ, мамлакатда 25 мингга яқин инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига, 256, 4 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этишга эришилиши белгилан эди.

Мамлакатимиз ўзининг табиий ва иқтисодий шарт шароитларига кўра аграр-индустриал республика бўлгани боис, жойларда аёллар орасида бандлик муаммосини ҳал этишда асосий эътибор қишлоқ хўжалиги соҳаларига эътиборни кучайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишда қишлоқ ҳудудларида аҳолини иш билан таъминлашнинг яна бир йўналиши бу, оилавий тадбиркорликнинг муҳим тармоғи шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларидан қорамол, қўй, эчкилар боқишни кўпайтириш муҳим. Бу эса нафақат қишлоқ хўжалиги, балки ишлаб чиқариш имкониятларини ҳам кенгайтиради.

Аммо ҳанузгача айниқса чекка ҳудудларда аёлларни оилавий тадбиркорликка жалб қилиш муҳим масала сифатида, уларни иш билан таъминланмагани асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бунда уларда банклардан кредитларни

осон ва қулай олиш кўникмаларини шакллантириш ҳам муҳимдир. Шу боисдан республикада молия, бандлик, касаба уюшмалари, банк ва бошқа мутасадди идоралар томонидан мамлакат бўйича аниқланган кредит олиш истагини билдирган кам таъминланган 5 минг 771 оилага ёш оилага 33,3 миллиард сўм миқдоридан имтёзли кредитлар ажратилиши таъминланган. Мамлакатимизнинг барча туманларида ўтказилган хатлов натижасида бўш турган 1 минг 832 бино ва иншоот аниқланиб, улардан мақсадли фойдаланиш бўйича ташаббускорлар ва банк кредитлари ҳисобидан 734 миллиард сўмлик 1 минг 485 лойиҳа ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда лойиҳалардан 415 таси бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиб, ҳокимлар томонидан тасдиқланган. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 95,8 миллиард сўм бўлгани ҳолда 63,7 миллиард сўми ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб олинган. Республиканинг 28 та йирик шаҳарларида «Микробизнес ва оилавий тадбиркорликни бошлашга кўмаклашиш марказлари» ташкил этилган.

Албатта шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда янги Ўзбекистонда бу борадаги натижаларда янада ижобий силжишлар кўзга ташлана бошлади. Хусусан, 2017 йилга келиб республикада оилавий тадбиркорликда хусусий хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳаларида иш билан банд бўлган аёллар сони ўсиб, 36 % дан 52 % га етган. Бандликни таъминлашга қаратилган ҳудудий дастурларнинг амалга оширилиши, тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш натижасида 3,8 миллионга янги иш ўрни яратилган. Уларнинг 74 % идан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келган [13.47].

Шу ўринда аёлларнинг банклар орқали олаётган кредит маблағлари ва уларнинг мавжуд ҳолати хусусида ҳам сўз юритиш ўринли. Шу боисдан, молия ва банк тизимлари фаолиятини барча чоралар билан такомиллаштириш, аёлларнинг бизнеснинг хизмат кўрсатиш соҳаларидаги иштирокига устувор аҳамият берилаётганлиги эътиборга моликдир. Тарихий рақамларга мурожаат қилинса, бу борада 2016-2018 йиллар мобайнида аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Банк-тадбиркор”, “Тадбиркор-банк» тамойили асосида тижорат банклари томонидан 19,6 триллион сўмлик кредитлар, шу жумладан, 4 триллион сўмлик микрокредитлар ажратилган. Жумладан, аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти ривожланишини рағбатлантириш мақсадида 2,8 триллион сўмлик, хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 3,6 триллион сўмлик ҳамда оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 490,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилган. 2016 йилда 24 мингдан ортиқ хотин-қизлар бизнес асосларига ўқитилгани, 16 мингдан зиёд вақтинча ишсиз аёллар меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга йўналтирилгани, натижада 130 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил қилингани бунинг яққол далили бўла олади [14.2017 йил, 7 январ].

Яна тарихий рақамларга мурожаат қилинса, «Микрокредитбанк» томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилаётган микрокредитлар миқдори 2009 йилда 18,4 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 56,8 миллиард сўмни ташкил этди, яъни 2,2 баробарга яқин ошган [15.93]. Бунда бандлик муаммосини ҳал қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилиб, биргина 2019 йилда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга ажратилган 100 миллиард сўмдан жорий йил 6 ойида 41

миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилиб, 1755 та лойиҳа амалга оширилган ва 2240 та янги иш ўрни яратилганлиги [16.(823)-сон] **эътиборга моликдир.**

Бу борада банкларнинг имтиёзли микромолиявий хизматлари кўпчилик респондентлар томонидан алоҳида таъкидланиб, ушбу хизмат турлари бизнес фаолиятини бошлаш учун катта имконият яратаётгани алоҳида эътироф этилди. Банк тизими микрокредитлаш асосида тадбиркорликка ёшларни, хотин-қизларни кенг жалб этиш ва уларни иш билан таъминлаш борасида давлат сиёсатини фаол қўллаб-қувватлаётганлиги ҳам сўровларда ўз аксини топди. Сўровда иштирок этганлар орасида кредит олиш учун банкка мурожаат этган тадбиркорлар 95,5%ни ташкил қилдики, бу ишбилармонларнинг банкларнинг кредитлаш фаолиятидан фойдаланишдаги фаоллиги тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Аммо қатор йиллар бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг тўла ривожланмаганлиги туфайли тадбиркор аёллар моддий-техника ресурслар, молиявий маблағлар, кредитлар олишда қийинчиликка учраб келдилар. Ушбу муаммоларни бартараф этиш йўлидаги интилишлар иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш, тадбиркорлик ҳамда иқтисодий фаолият эркинликларини кенгайтириш, хусусий мулкдорлар мавқеини янада кўтаришни тақозо этди. Айниқса амалга оширилган изчил ислоҳотлар ва чора тадбирлар натижасида янги Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида аёллар тадбиркорлигини қўллаб қувватлаш ва ривожлантиришнинг янги даврига ўтилди.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз мустақиллиги йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёллар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, аёлларнинг хизмат кўрсатиш соҳаларидаги бандлигини таъминлаш, улар учун муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш ва улар имкониятларин кенгайтириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлигини тасдиқлади. Аммо шу билан бирга айниқса қишлоқ жойларида соҳани янада кенгайтириш, уларни касбга ўқитиш, касаначилик ва оилавий тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасида талай муаммолар борлигини кўрсатди. Тадқиқотларга кўра, ўтган даврда “Банк-тадбиркор”, “Тадбиркор-банк» тамойили асосида аёллар тадбиркорлиги учун банклар томонидан молиявий маблағлар ажаратиш тадбиркорлигининг ўсишига туртки бўлаётган муаммоларни бартараф этиш, тадбиркорлар мурожаатлари билан ишлашнинг янгича тизими шакллантирилгани соҳадаги муаммоларни ечишнинг янгича механизми вужудга келганлигини тасдиқлади.

Юқорида қайд этилган тадқиқотлар асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида аёллар иштирокини кенгайтириш борасида қуйидаги таклифларни қайд этиш муҳим:

Биринчидан, республика ҳудудларида кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланишидаги этноҳудудий хусусиятлардан келиб чиқиб, аёлларнинг оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик ва касаначилик соҳаларидаги бандлигини инобатга олган ҳолда, минтақаларнинг табиий шароити, демографик ҳолати (аҳоли зичлиги), меҳнат ва хом ашё ресурсларининг ҳолатини инобатга олган ҳолда ихтисослаштириш;

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида хотин-қизлар тадбиркорлигини янада ривожлантириш, аграр соҳа, чорвачилик ва озиқ-овқат саноати учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ОТМ лар ва илмий тадқиқот муассасалари негизида “Агроинновация” “Зоотехнология”, “Кластер технология” таълим йўналишларини очиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Фармони. // Янги Ўзбекистон. 2022 йил, 1 февраль, №22 (544).
2. Абдурахмонов Қ. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига содиқ қолади. // Янги Ўзбекистон. 2021 йил, 24 феврал, №39-сон.
3. Ата-Мирзаев О, Убайдуллаева Р ва бошқалар. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон аҳолисининг бандлиги.// Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. Тошкент, 2006 йил. -Б 33. Яна қаранг: Ганиева Г. Женский вопрос и проблемы женщин в Узбекистане (1991-2005) // Автореферат на соискание ученой степени кандидата исторических наук. -Ташкент., 2006. –С. 14-15.
4. Рахимова Н. Повышение экономической активности женщин на рынке труда Узбекистана. // Автореферат на соискание ученой степени доктора экономических наук. -Ташкент., 2007. –С. 26.
5. Ганиева Г. Женский вопрос и проблемы женщин в Узбекистане (1991-2005) // Автореферат на соискание ученой степени кандидата исторических наук. -Ташкент., 2006. –С. 14.
6. Гуломова Д. М Ўзбекистон хотин- кизлари мустақиллик йилларида. // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. (Даврий тўплам). Масъул муҳаррир Д.Алимова. -Тошкент., “Шарқ”.2000. –Б. 143.
7. Ўз Р МА. М-170 фонд, рўйхат-1, йиғма жилд-63, 37-38 варақлар
8. Шамсиева М. Х. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни (1991-2010 йй). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. -Тошкент., 2019. –Б. 17.
9. Асминкин Я. П.ва бошқалар. Ўзбекистон аёллар нодавлат нотижорат ташкилотлари. Маълумотнома. «Очиқ Жамият» Институти - Кўмак Жамғармаси. – Ўзбекистон. – Тошкент., 2000. –Б. 54-60-78-85-93-99.
10. Годовой обзор состояния экономики и основных направлений внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан за 2016 год.// Торговое представительство Российской Федерации в Республике Узбекистан. -Ташкент., 2017. –С. 174-175.
11. Маҳалла - аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш институти.//Фуқаролик жамияти. 2016 йил. №3 (47).
12. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Тошкент., 2011. –Б. 95-97.
13. Маҳалла-хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази. -Тошкент., 2015. –Б. 47.
14. Аёллар тадбиркорлиги равнақи йўлида // “Халқ сўзи”. 2017 йил, 7 январ.
15. Абулқосимов Ҳ, Қулматов А. Ўзбекистонда кичик бизнес... –Б. 93.
16. Каримов Т. Тараққиёт пойдевори.//XXI ASR. 2019 йил 22 август, 33 (823)-сон.

QADIMGI USTRUSHONADA KO‘CHMANCHILAR MADANIYATINIG SHAKLLANISHIGA DOIR

*Jizzax davlat pedagogika instituti dotsenti,
tarix va uni o‘qitish metodikasi kafedracu mudiri
Toshboyev Furqat Eshboyevich
Jizzax davlat pedagogika instituti
Tarix va uni o‘qitish metodikasi o‘qituvchisi
Saidov Javohir Olimjon o‘g‘li*

Annotatsiya. Ushbu maqolada Ustrushonada ko‘chmanchilar madaniyatining shakllanishi bronza davrida chorvador qabilalarning O‘rta Osiyoga migratsiyasidan boshlanishi va uning keyingi jaryonlari tahlil qilingan. Bronza davri Yevroosiyo ko‘chmanchilari moddiy madaniyatiga oid yodgorliklar O‘rta Osiyoning ko‘plab joylarida o‘rganilgan. Biroq bu madaniy ta’sir Ustrushonada yaqin vaqtlargacha qayd etilmagan. Keyingi yillardagi tadqiqotlarda Morguzar tog‘larida “Google Earth”, “GeoEye” kosmik suratlari yordamida va GIS tahlillar yordamida qadimiy ko‘chmanchi chorvadorlarning izlari aniqlangan. Morguzar tog‘larida olib borilgan arxeologik tadqiqotlar natijalariga ko‘ra – AMS/14 S radiouglerod davrlashtirish, bir qator qo‘nalg‘alarning o‘rnashuvi, stratigrafiyasi va moddiy madaniyatiga qaraganda, ko‘chmanchi chorvadorlarning bu yerni eng kechi bilan eradan oldingi II ming yillikdan beri so‘nggi 4 ming yil davomida o‘zlashtirgani aniqlangan.

Kalit so‘zlar: *Andronovo jamoalari, Tozabog‘yob, Fyodorov tipi, bronza davridagi migratsiyalar, Volgabo‘yi, Sibir dashtlari, Murg‘ob, Janubiy Tojikiston, metallurgiya markazlari, Morguzar tog‘lari, “Google Earth”, “GeoEye” GIS tahlillar, ekologik burchaklar AMS/14 S radiouglerod davrlashtirish.*

Аннотация. *В данной статье анализированы процессы формирования культуры кочевников Уструшаны в эпоху бронзы и начало миграции скотоводческих племен в Среднюю Азию. Памятники материальной культуры Евразийских кочевников эпохи бронзы были обнаружены и изучены многих местах Средней Азии. Однако это культурное влияния до недавнего времени в научных литературах не было отмечены. В научных исследованиях последних годов проведенных прилегающих окрестностях в горах Моргузар, при помощи космических снимок «Google», «GeoEye» и анализов ГИС были определены следы древних кочевых скотоводов. Согласно результатам археологических исследований проведенных в горах Моргузар, использованием радиоуглеродной периодизации AMS/14 С, появление ряд поселений на основе стратиграфического и анализа уровня развития материальной культуры, освоение кочевыми скотоводами этих территорий произошло не позднее II тысячелетие до нашей эры. Значит на протяжении последних 4 тысячелетие люди освоили этих территорий.*

Ключевые слова: *Андроновские общины, Тазабагяб, Фёдоровские типы, миграционные процессы эпохи бронзы, Поволжья, Сибирские степи, Мургаб, Южный Таджикистан центры металлургии, горы Моргузар, анализы «Google Earth», «GeoEye», ГИС, экологические уголки, радиоуглеродная периодизация AMS/14 С.*

Abstract. *This article analyzes the formation of nomadic culture in Ustrushana from the Bronze Age migration of cattle-breeding tribes to Central Asia and its sub-*

sequent processes. Monuments of the material culture of the Eurasian nomads of the Bronze Age have been studied in many parts of Central Asia. However this cultural influence was noted in Ustrushona until recently. Recent studies have identified traces of ancient nomadic pastoralists in the Marguzar mountains using «Google Earth», «Geoeye» space imagery and GIS analysis. Archeological excavations in the Morguzar mountains have revealed that AMS/14C radiocarbon dating, the location, stratigraphy and material culture have been mastered by nomadic pastoralists over the last four millennia since the second millennium.

Keywords: *Andronovo communities, Tozabogyob, Fyodorov type, Bronza Age migrations Volga, Siberian steppes, Murgob, Southern Tajikistan, metallurgical centers, Morguzar mountains, «Google Earth», «Geo Eye» GIS analysis, ecological angles, ASM/14C radiocarbon cycle.*

Keyingi yillarda jahonning yetakchi ilmiy markazlari va oliy ta'lim muassasalari tomonidan ko'chmanchi chorvador qabilalarning dunyo sivilizasiyasi taraqqiyotiga qo'shgan hissasi va ular tomonidan sodir bo'lgan migratsiyalar masalasida yangicha qarashlar ilgari surilmoqda. Unga ko'ra, ko'chmanchilar migratsiyasining yirik to'liqini bronza davrida kechgan.

Tadqiqotlar natijasiga ko'ra, eneolit va bronza davrlarida Murg'ob, Amudaryo, Vaxsh, Panj, Zarafshon va Sirdaryo daryolari bo'ylab cho'llar va tog' oldi hududlarini kesib o'tgan yangi yerlarga ko'chish yo'llari paydo bo'lgan. Bu yo'llar orqali tashqi va ichki migratsiyalar amalga oshirilgan, savdo-ayriboshlash va madaniy-iqtisodiy aloqalar taraqqiy etib, etnomadaniy jarayonlar ro'y bergan. Bunda qadimgi aholining Old Osiyo, Elam, Hind vohasi hududlaridan Kopetdog' yonbag'irlari, Murg'ob vohasi va Amudaryo bo'ylariga kelib joylashishi, dehqonchilik va shahar madaniyatiga asos solishi o'rganilgan [1.110-123].

Bronza davrida O'rta Osiyo aholisi xo'jaligi ilk mehnat taqsimoti tufayli dehqonchilik bilan shug'ullanuvchi o'troq va chorvachilik bilan shug'ullanuvchi ko'chmanchi guruhga ajralgan. Bu davrning boshlarida chorva dastlab makonlarning atroflaridagi yaylovlarda boqilgan. So'ng mavsumiy ko'chib yurish, ya'ni yarim ko'chmanchi chorvachilik vujudga kelgan. Tabiiy resurslarning cheklanishi o'zlashtirilmagan yaylovlarga va suv manbalariga ehtiyoj uzoq yurtlarga ko'chib, xo'jalik yuritishga sabab bo'lgan va bu paytda o'zlashtirilgan yerlar va yashash hududlari tobora kengayib, chorvador qabilalar dasht va tog' oldidagi keng hududlarda yoyilgan [2. 41].

Biz uchun asosiy masala bronza davrida chorvador qabilalarning O'rta Osiyoga migratsiyasi hisoblanadi. Ye.E. Kuzminaning yozishicha, ko'chmanchilarning Yevrosiyo dashtlaridan O'rta Osiyo va janubiy mintaqalarga migratsiyasi taxminan mil. avv. XVI asrdan bosqichma-bosqich amalga oshirilgan. Uning boshlang'ich nuqtalari Volgabo'yi, Janubiy Ural, Qozog'istonning shimoliy-g'arbiy va G'arbiy Sibir dashtlarida joylashgan. Bu yerlardan chorvador qabilalar Janubiy Orolbo'yi, Sharqiy Kaspiybo'yi, Turkmanistonning janubiy-g'arbi, quyi Murg'ob, Zarafshon va Toshkent vohalari hamda Farg'ona vodiysi va Janubiy Tojikiston hududlariga kelib o'rnashgan [3.122-138].

So'ngi ilmiy ma'lumotlarga ko'ra, dasht chorvador qabilalari O'rta Osiyoning deyarli barcha viloyatlarida mil. avv. XVI-XIII asrlar mobaynida joylashganlar. Uni asoslovchi ko'plab yodgorliklar Zarafshon vohasida o'rganilgan. Ular manzilgohlar, uy-joylar qoldiqlari, tog' konchilik bilan bog'liq bo'lgan ishlab chiqarish ob'ektlari

– metallurgiya markazlari hamda mozorqo‘rg‘onlardan iboratdir [1.105]. Zarafshon vohasidagi Gujayli, Mo‘minobod, Qizilqir, Saygus, Chaqqa, Siyob, Dashti Asht, Dashti Qazo kabi chorvadorlarga mansub mozorqo‘rg‘onlardagi qabr tuzilishi, marhumlarning dafn marosimlar, olovga sig‘inish izlari, sopol idishlarning yasaliş, shakli va naqshlari, marhumning antropologik tipi Andronovo jamoalariga xos xususiyatlarni o‘zida namoyon qiladi. Masalan, Panjikent shahri yaqinidagi Dashti Qozi mozorqo‘rg‘onlaridagi qabrlarda murdalarning ko‘pchiligi chap tomoniga yonboshlatib, oyoqlari bukilgan holda boshi g‘arbga qaratilib dafn etilgan [4.145-167]. Qabrlarda jasad bilan birga, sopol idishlar, turli xildagi bezak buyumlari, oxra hamda ko‘mir kukuni va bo‘lakchalari qayd qilingan. Sopol idishlar qo‘lda yasalgan bo‘lib, ularning ko‘pchiligi tuvaksimon shaklda, turli xil uchburchak, archasimon shakldagi kertik va tarnovchasimon bezaklardan iborat bo‘lib, ular bir-biridan chizish va bosma naqsh berish yo‘li bilan harakterlanadi. Naqshlar asosan idishning toraygan bo‘ynidan pastroqda tasma shaklida tushirilgan. Bu sopol idishlar Qozog‘istondagi Andronovo madaniyatining so‘nggi bosqichlariga oid makonlar va Tozabog‘yob sopol idishlariga o‘xshashdir. Odam bosh chanoqlarining ikkitasi marhumning Andronovo jamoalariga mansubligi aniqlangan [4.159-160]. O‘z navbatida bu yerdan dehqon jamolar madaniyatiga mansub sopollar ham topilgan.

Dashti-O‘rdakon qabrlaridagi dafn odati va undan topilgan Fyodorov tipidagi naqsh berilgan tuvaksimon sopol idishlar, Siyob mozorqo‘rg‘onlaridan topilgan sopol buyum naqshlarining Qozog‘iston va Ural bo‘ylaridagi Petrov-Olako‘l yodgorliklaridagi sopol idishlarga o‘xshashligi, Urgut yaqinidagi Mo‘minobod qabristonidagi topilmalar va ayollar bezaklari [5.56-62], Samarqand shahri yaqinidagi Chaqqa qabristonidan topilgan sopol idishlardan birining yasaliş va unga berilgan naqshlar, Kojamberdi tipidagi sopol idishlarga, ikkinchi idishning yasaliş va bezalishiga ko‘ra Tozabog‘yob va Andronovo madaniyatining Orsk-Oqto‘ba guruhidagi yodgorliklardan topilgan sopol idishlarga o‘xshashdir [6.107-111]. Zarafshon quyi qismidagi Gujayli, Katta va Kichik Tuzkon hamda Mohandaryo o‘zanlaridagi chorvadorlarning qisqa muddatli yashash joylaridan topilgan sopol buyumlarning Andronovo jamoalari sopol idishlari bilan qariyb bir xilligi, bu madaniyatga taaluqli chorvador qabilalarning shimoliy dasht mintaqalaridan O‘rta Osiyoga bronza davridan boshlab kelib joylashganligi to‘g‘risidagi ilmiy farazni yana bir bor tasdiqlaydi. Bu jarayon esa akademik A.A. Asqarov ta‘biri bilan aytganda, – “chorvador turkiy tilli dashtliklarning Zarafshon vodiysining so‘g‘diyabon qadimgi dehqonchilik madaniyati jamoalari bilan ilk bor aralashib, qorishib yashay boshlaganliklaridan dalolat beradi” [7.230]. Dashtdan kirib kelgan aholi sekin-asta o‘troqlashib, mahalliy aholi bilan turli xildagi madaniy aloqalar natijasida yaqinlashib, qorishib borishi diyorumizda ijtimoiy, siyosiy va iqtisodiy hayotning yanada jonlanishiga sabab bo‘lgan.

Chorvador qabilalar yodgorliklarining Turkiston, Tyanshan, Pomir tog‘lari yonbag‘irlari va yirik daryolar vohalarida yoyilishi migratsiyalar ommaviy xususiyatga ega bo‘lganligidan guvohlik beradi. Dasht qabilalarining shimoldan janubga siljishi sabablaridan biri bu chorvachilikning jadal rivojlanishi, chorva mollarining ko‘payib borishi va yangi yaylovlar hamda suv manbaiga boy joylarni o‘zlashtirish zaruriyati bilan bog‘lanadi [8.128]. Shu bilan birga, bronza davrida tog‘ kon xo‘jaligining rivojlanishi Markaziy Qozog‘iston, Qizilqum, Zarafshon vohasi va Pomir Hindiqush tog‘laridagi tabiiy mis, qo‘rg‘oshin, qalay konlari bilan birgalikda oltin, kumush kabi nodir metallar hamda qimmatbaho lojuvard va feruza toshlaridan foydalanish katta

ahamiyatga ega bo'lgan. Xomashyo, metall yombi va lojuvard savdosi qabilalarning o'zaro iqtisodiy munosabatlarida muhim o'rin tutgan [9.53-55].

Shu paytgacha O'rta Osiyoning Vaxsh, Kofirnigon, Qashqadaryo, o'rta va quyi Zarafshon, Sangzor vohasi va quyi Amudaryo vohalarida bronza davri sivilizatsiya markazlari aniqlanmagan. Chunki bu hududlarda chorvachilik, dehqonchilik-chorvachilik yoki chorvachilik-dehqonchilikka asoslangan xo'jalik madaniy tiplar rivojlanganligi takidlangan [1.94]. Farg'ona vodiysi va Toshkent vohasida bronza davri madaniyatlarining rivojlanishi o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lgan.

Bronza davri migratsiyalarining ikkinchi bosqichda Toshkent vohasi va Farg'ona hududlariga dasht-chorvador qabilalar kelib o'rnashgan. Ularning mozorqo'rg'onlari turli joylarda (Burchmulla, Yangiyo'l, Daxona, Qaroqqum) topib o'rganilgan. Balki, dehqon va chorvador qabilalarning o'zaro munosabatlari asosida mil. avv. 2 ming yillikning ikkinchi yarmi so'ngi bronza davrida Farg'onada Chust madaniyati shakllanadi.

Yu.A. Zadneprovchskiy Farg'ona vodiysida so'nggi bronza davrida o'troq ziroatchilar va cho'pon-chorvadorlarning ikkita xo'jalik madaniy tiplari rivojlanganligini ta'kidlaydi [10.71]. Shu fikrga ko'ra vodiya bir guruh aholi o'troqlasha boshlagan. Boshqa guruhlar yaylov chorvachiligi bilan shug'ullanganlar. Ularga tegishli yodgorliklarda yarim yerto'la shaklidagi turar joylarning aniqlanishi hamda qo'lda yasalgan sopol idishlarning mavjudligi, ayrim jihatdan chorvador qabilalarning binokorlik va kulolchilik an'analariга mansubligini tasdiqlaydi. Bunga o'xshash tarixiy jarayonlar Chirchiq va Ohangaron vodiylarida ham sodir bo'lgan.

Bizni shu paytgacha xo'jalik madaniy areallarning shakllanishida Ustrushonaning tutgan o'rni masalasi qiziqtirib keladi. Yuqorida ko'rib o'tganimizdek, migratsiyalarning bronza davriga oid yodgorliklari vohaga chegaradosh Sug'd, Choch va Farg'ona hududlarida aniqlangan. Ustrushonada o'rganilgan antik davrga oid mozorqo'rg'onlar ashyolari ko'chmanchilarning Sirdaryo orqali kirib kelishi va janubga tomon o'tib borganligini tasdiqlaydi. Bronzadavridan O'rta Osiyoga kirib kelgan bu ko'chmanchilarni Ustrushona hududlariga ham kirib kelganligini tasdiqlovchi materiallar o'rganilmoqda.

Agar ko'chmanchi chorvadorlarning tabiiy landshaft tanlovlari va ko'chish hududlari an'anaviylik bo'lganligini hisobga olsak, bronza davri migratsiyalari bilan bog'liq jarayonlar Ustrushonada ham kechganligi oydinlashadi. Tadqiqotchi F.A. Maqsudov tomonidan Jizzax viloyati, Zomin tumanidagi, Morguzar tog'larining 5 soy vodiysi va bir tog' platosida "Google Earth", "GeoEye" kosmik suratlari yordamida va GIS tahlillar yordamida qadimiy ko'chmanchi chorvadorlarning izlari aniqlangan. Bular dengiz sathidan 1100-1800 metr yuksaklikdagi G'alchasoy, Qoratosh, Besharchasoy, Moyliqo'ton va O'yiqtosh vodiylari hamda 200-2500 metr balandlikdagi Bedana dalasi platosidan o'rin olgan Toshbuloq yaylovlari bo'lgan [11.17].

Morguzar tizmasida landshaft-arxeologik izlanishlar va GIS tahlillar natijasida tog'li tegralarda izlanishlar o'tkazish uchun ishlab chiqilgan "arxeologiya prognoz modeli" mezonlariga ko'ra Molguzar tizmasida qadimgi davr ko'chmanchi chorvadorlari yashashi uchun zarur bo'lgan talablarga javob beradigan ekologik burchaklar "nishalar" aniqlangan [11.16-17]. Unga ko'ra ko'chmanchilarning mavsumiy qo'nalg'alari Morguzar tog'larida, dengiz sathidan 1100-1800 metr yuksaklikda bo'lib, dara va soy vodiylaridagi o'tloqliklar bo'ylab joylashgan. Ularning yon bag'irlari esa, yarim yerto'la shaklidagi turar joylardan tashkil topgan. Qizig'i shundaki, qadimiy mavsumiy qo'nalg'a o'rinlarining barchasi bugungi kunda ham mavsumiy cho'ponlarning turar

joylari (chodir, yengil qurilmali uylar, qo‘ralar va boshqalar) tomonidan egallangan. Qadimiy ko‘chmanchi chorvador qo‘nalg‘asi o‘rnida bugungi kunda ham cho‘ponlar turar joyi borligi aniqlangan [12]. Bu esa ko‘chmanchi chorvadorlarning tabiiy landshaft tanlovlarida an‘anaviylik bo‘lganligini ko‘rsatadi. Kirib kelgan qabilalarning janubiy mintaqalarga o‘tishdagi asosiy marshrutlaridan biri Ustrushona orqali o‘tgan bo‘lsada, bronza davridagi migratsiyalar va aholi xo‘jalik hayoti bilan bog‘liq materiallar bu borada alohida izlanishlar talab qiladi.

Shunday bo‘lsada, ushbu mavzu yechimiga oid ba‘zi materiallarga egamiz. F.A. Maqsudov tomonidan Morguzar tog‘larida olib borilgan arxeologik tadqiqotlar natijalariga ko‘ra – AMS/14 S radiouglerod davrlashtirish, bir qator qo‘nalg‘alarning o‘rnashuvi, stratigrafiyasi va moddiy madaniyatiga qaraganda, ko‘chmanchi chorvadorlarning buyerni o‘ziga xos rivojlangan o‘rnashuv an‘analari negizida eng kechi bilan eradan oldingi II ming yillikdan beri so‘nggi 4 ming yil davomida o‘zlashtirgani aniqlangan. Morguzar tog‘lari ko‘chmanchi qo‘nalg‘alariga o‘xshashliklari old tarix va tarixiy davrlarda ko‘chmanchi manzaralarining davomiyligini isbotlaydi [11.17].

Morguzar tog‘laridagi uchta arxeologik punktda organik materiallar namunalari 120-200 sm chuqurlikdagi shurflardan kuygan va chirigan yog‘och qatlami hamda suyak qodirlari ko‘rinishida olingan namunalar asosida AQShning Vashington universitetida (Sent-L‘yuiseda) radiouglerod usulida tahlil qilingan. Ularning eng qadimgisi mil. avv. 2031-1896 yillarni, qolgan ikkita namunalar esa mos ravishda mil. avv. 1500-1000 yilgacha bo‘lgan davrni ko‘rsatgan. Bu xronologik ko‘rsatkich Markaziy Osiyoning janubi-sharqiy hududlaridagi tog‘lik hududlarga chorvador qabilalar kelib joylashishini asoslaydi. Materiallar aholining uch etapda ya‘ni mil. avv. 2000 yillikdan boshlab uzluksiz ravishda chorvachilik xo‘jaligi bilan qariyb 3500 yil mobaynida shug‘ullanganligidan guvohlik beradi [13].

Bu holat bronza davri metallar xomashyosi va mineral tosh konlari nafaqat Nurota tog‘lari va Qizilqumda, balki Morguzar tog‘larida ham joylashganligini ko‘rsatadi. Ma‘lumki, ko‘chmanchilarning yaylov marshrutlari qulay suv va o‘tga boy yaylovlar bilan birgalikda turli xil madan konlari atroflari bo‘ylab ham o‘tgan. Ustrushona chorvadorlari bahor kelishi bilan chorvani tog‘ga tomon haydab yozda Turkiston tog‘larining yaylov mintaqasigacha chiqib borganlar. Bunda, konlar atrofida ma‘lum bir guruh kishilarning qolishi va hunarmandchilik bilan shug‘ullanishi ham karakterli bo‘lgan. Keyinchalik ushbu konlar atrofi bo‘ylab doimiy qo‘nalg‘alar, qishloqlar – hunarmandchilik markazlari tashkil topgan. Ustrushona tog‘laridagi metall konlari bo‘ylab o‘tgan chorvadorlarning ilk manzilgohlar ko‘p bo‘lganligi aniqlanmoqda. Shulardan to‘rtta tog‘ metall zonasi, konchilik markazlar Chimqortog‘dagi Lyataband, Bog‘mazor, Morguzar tog‘laridagi Shoyboqsoy va Miqsoy kabilar o‘rganilgan. Ruda qazib olish va qayta ishlash markazlari esa Shoyboqsoy va Miqsoyda mavjud bo‘lgan [14.13-14]. Shimoliy Ustrushonadagi Miq konchilik markazining Miq I, Miq II va Miq III bo‘limlarida O‘rta Osiyodagi yirik, rudani qazib olishdan, qora metallardan tayyor yasashgacha bo‘lgan, ishlab chiqarishning to‘liq shakli, ixtisoslashgan metallurgiya markazi mavjud bo‘lgan [14.145-146]. Keyingi yillarda bu kabi rudani qazib olish va uni qayta ishlash markazlari soni yanada ko‘pligi ma‘lum bo‘lmoqda.

O‘zbekiston-Amerika qo‘shma arxeologik ekspeditsiyasi tomonidan 2012-yilda Morguzar tog‘larining yuqori qismi, Zomin qo‘riqxonasining Tojikiston bilan chegara hududida joylashgan Toshbuloq yodgorligida dastlabki qazuv tadqiqotlari o‘tkazilgan [12.151-158]. Toshbuloq-1 (TBK-1) va Toshbuloq-2 (TBK-2) da bir-biriga o‘xshash

kamida ikkita qurilish fazasi, temirga dastlabki ishlov berishga mo'ljallangan ikkita pech qayd qilingan. TBK-2 esa arxitektura jihatidan ancha mukammal bo'lib, bu yerda temirga dastlabki ishlov berish va hunarmandlar yashashi uchun qo'shimcha qurilishlar ham qilingan. Demak, Turkiston tog'larining baland tog' vodiylaridagi metall konlari ilk davrlardanoq chorvadorlar xo'jaligida muhim ahamiyat kasb etgan.

Taniqli arxeolog tarix fanlari doktori, professor Muxammadjon Isomiddinov tomonidan Jizzax tumani, Jeli-g'uli mahallasidan 2002-yilda bronza davrining chorvadorlar madaniyatiga tegishli mozorqo'rg'onlar tasodifan topilgan. Qabrlarga mayitlar bilan birga qo'yilgan sopol idishlar, 5 dona bronza simlardan tayyorlangan bilaguzuk ilmiy tahlillardan so'ng Samarqand shahridagi O'zbekiston madaniyati tarixi davlat muzeyi fondiga topshirilgan [15]. O'ylaymizki, ushbu noyob topilmalar ko'chmanchilarning bronza davridagi migratsiyasi va unda Ustrushonaning tutgan o'rni bilan bog'liq savollarga oydinlik kiritadi.

Ma'lum bo'lmoqdaki, bronza davrida siljigan qabilalardan ba'zi guruhlar janubga o'tib ketmasdan vohaga tutash, chorva uchun qulay joylarda ham qolib ketgan va bu yerlarni o'z qishlovlari sifatida makon tutishgan. Ular o'tli yaylovlarni izlab, asosan tog'oldi dasht zonalari, tog' daryo va jilg'alari, vodiylari bo'ylab hali mahalliy o'troq va chorvador aholi tomonidan o'zlashtirilmagan hududlarda o'rnashganlar. Ular ixtisoslashgan xo'jalik yuritish an'anasini davom ettirib, nafaqat yaylovli chorvachiligi, balki metallurgiya va primitiv dehqonchilik bilan ham shug'ullanaverishgan.

Ma'lumki, Ustrushona tog'larida juda ko'p metall konlari zahiralari mavjud edi. Ularning mohir hunarmandlari bu konlardan unumli foydalana bilishgan va endi harbiy qurollar ishlab chiqarish sohasi yanada kuchaygan. Asta-sekin kirib kelgan aholi bilan mahalliy (chorvador va o'troq) aholi o'rtasida ayirboshlash va savdo-sotiq aloqalari mustahkamlanib borgan. Moddiy madaniyatdagi sifat o'zgarishlar bundan guvohlik beradi. Biz tadqiq etayotgan mozorqo'rg'onlar sohiblari hayot faoliyati ham ana shu jarayonlar bilan bog'liq bo'lgan.

Ustrushonada olib borilgan tadqiqotlar migratsiyalarning yirik to'liqini keyinchalik – antik va ilk o'rta asrlarda bo'lganligini ko'rsatadi. Antik davrdagi migratsiyalar ham o'z xususiyatiga ko'ra oldingilaridan farq qilmagan. Chorvador qabilalar o'troq, ilk shahar madaniyati va sivilizasiyaga erishgan xalqlar bilan yonma-yon yashab to'liq assimilyasiya jarayonini boshidan kechirgan. Dasht qabilalari bilan mahalliy madaniyatning yaqinlashishi, o'zaro bir-biriga ta'siri masalasi kulochilik, metalsozlik sohalorida kuzatilgan va mutaxassislar tomonidan o'rganilgan.

Ikki xil xo'jalik vakillari madaniyatining bronza davridayoq, turli sohalarda qorishib ketganligini tasdiqlovchi materiallar topilgan. Masalan, 1994-2000 yillarda o'rganilgan Galasherik qabristoni materiallari bunga misol bo'la oladi. Akademik A.A.Asqarov ushbu mozorlarda o'rganilgan materiallarni tahlil qilib, "Bu joy turli etnik guruhlar vakillarining qabristoni bo'lsa kerak", deb va yana "Bu joydan topilgan ashyoviy dalillar uch xil etnik guruhlariga tegishli bo'lib, ular o'rtasida uzoq asrlar davom etgan iqtisodiy va madaniy aloqalar haqida guvohlik beradi",- degan fikrni bildiradi [7.229]. Bu madaniy aloqalar keyingi davrlarda ham davom etgan. Tozabog'yob madaniyatiga oid Ko'kcha 3 yodgorligida qabrlarning shimolga qaratilganligi va topilgan idishlar majmuasi Alakul madaniyati bilan bog'lansa, ayollar chap biqini, erkaklar o'ng biqini bilan ko'milganligi qayd etilgan. Ma'lumki, jinsiy deformizm dehqonchilik madaniyatlariga xos odat hisoblanadi. Bu holat Ko'kcha 3 yodgorligini janubiy madaniyatlar bilan bog'laydi [16.123-124].

Bu jarayon Farg‘ona, Choch, Ustrushona va Janubiy Tojikiston hududida joylashgan Tulxar, Babashov qo‘rg‘oni, Bishkent va Vaxsh madaniyatlar misolida o‘rganilgan [17.135]. Ularda dasht qabilalariga xos bo‘lgan kremasiya va o‘troq aholiga xos ingumasiya bir xil qo‘llangan. O‘troq va ko‘chmanchi qabilalar bir hududda yashagan, o‘zaro bir-biriga ta’siri natijasida aralash jamoa hosil bo‘lgan. Chorvador qabilalarning xo‘jalik yuritishi urug‘ jamoalarning ehtiyojlarini qondirishga yo‘naltirilgan. Ayni paytda dehqon va chorvadorlar o‘rtasidagi iqtisodiy aloqalarda xomashyo, g‘alla, go‘sht, jun-charm, teri va mo‘ynadan yasalgan kiyim-kechak, qimmatbaho metallar, bronza buyumlari, gilam, olacha kabi to‘qim buyumlar va boshqa mahsulotlardan o‘zaro ayriboshlashda foydalanilgan. Bu O‘rta Osiyo madaniyatlari genezisida yuz bergan eng birinchi yirik assimilyatsiya- qorishib ketish jarayonida bosh ro‘l o‘ynagan. Va mintaqa xalqlari keyingi iqtisodiy, madaniy, etnik shakllanishi tarixida yo‘nalish bo‘lib xizmat qilgan [1.134].

Aslida O‘rta Osiyo sivilizatsiyasi o‘troq-dehqonchilik va ko‘chmanchi-chorvachilik xo‘jalik yuritishining sintezi zaminida vujudga kelgan. Tarixning deyarli barcha davrlarida harbiy va siyosiy hokimiyat ko‘chmanchi chorvadorlar qo‘lida bo‘lgan. Savdo, hunarmandchilik va dehqonchilik bilan bog‘liq tovar xo‘jaligining rivojlanganligi o‘troq dehqon aholi qo‘lida iqtisodiy hokimiyatning to‘planishiga sabab bo‘lgan. Ustrushona ikki xil xo‘jalik sohiblari uchun “kontakt zona” bo‘lib, har ikki tomon doimo bir-birining mahsulotlariga kuchli ehtiyoj sezgan. Yonma-yon yashash tarzi va dashtdan ko‘chmanchi chorvador aholi guruhlarining kirib kelishi, o‘zaro etnik qorishuvni ham tezlashtirgan [18.89-105]. Ustrushonada kechgan bu kabi tarixiy jarayonlar bugungi kunda ham o‘zining ilmiy tahlilini kutmoqda. O‘rta Osiyo sharoitida iqtisodiyotning uzluksiz rivoj topishi faqat o‘ziga xos mehnat taqsimoti va ikki xil xo‘jalik yurituvchi aholi madaniy areallari faoliyatining integratsiyalashuvi bilan belgilanadi.

Ko‘chmanchi chorvador qabilalar cho‘l va dashtlardan to uzoq shimoldagi o‘rmonlarning janubiy qismi-taygagacha, ya’ni qayerdagi chorva uchun qulay joylarda yashab, u yerlardagi mavjud imkoniyatlarni ishlab chiqarishga jalb qilishgan va bu orqali dunyo sivilizatsiyasi taraqqiyotiga o‘z hissalarini qo‘shib kelishgan. Bu esa, bizga shu paytgacha ma’lum bo‘lgan bronza davridagi migratsiyalar natijasida boshlangan va ushbu migratsiya jarayonlari Ustrushonada ham faol kechgan. Afsuski, bronza davri chorvadorlari madaniyatini o‘rganish va xronologik jihatdan to‘g‘ri tasniflash uchun o‘rganilgan yodgorliklar kam. Shunday bo‘lsada, vohada bronza davridagi migratsiyalar bilan bog‘liq ma’lumotlarning o‘rgana boshlanishi keyingi tadqiqotlar uchun asos vazifasini o‘taydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Сагдуллаев А.С., Холматов Н.Ў., Абдуллаев Ў.И. ва бошқ. Марказий Осиёда тарихий маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари. Тошкент, “Университет”, -Б.2020.

2. Грязнов М.П. Пастушеские племена Средней Азии в эпоху развитой поздней бронзы // КСИА. Вып. 122. Москва, 1970.

3. Кузмина Е.Е. О южнх пределах распространения степных культур эпохи бронзы в Средней Азии // Памятники каменного и бронзового века Евразии. Москва, Наука, 1964.

4. Исаков А., Потемкина Т.М. Могильник племен эпохи бронзы в Таджикистане // СА. Вып. 1, Душанбе, 1989.
5. Аскарлов А.А. Раскопки могильника эпохи бронзы в Муминабаде // ИМКУ. Вып. 8. Ташкент, 1968.
6. Жўрақулов М., Аванесова Н. А., Амиркулов Б.А. Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. Самарқанд, 1994.
7. Аскарлов А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент, 2015.
8. Виноградов Н.М., Кузмина Е.Е. Контакты земледельческих и степных племен в эпохи бронзы // Восточный Туркестан и Средняя Азия в системе культур древнего и средне векового Востока. Москва, 1986.
9. Авенесова Н.А. Степи Севера и оазисы Юга: проблемы культурных взаимодействий в эпохи бронзы // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Алма-Ата: Наука, 1989.
10. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. Вып. 118. Москва – Ленинград, 1962.
11. Мақсудов Ф.А. Ўрта асрларда тоғли Уструшона кўчманчи маданияти. Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2020.
12. Пардаев М., Фрачетти М., Мақсудов Ф., Пардаев Ш., Уинтер Дж., Хермес Т., Ли Ючи, Жен Чин. Археологическое исследование на памятнике Ташбулак в 2012 г. // Археологические исследования в Узбекистане 2012 год. Самарканд, 2013. –Б. 151-158.
13. Мақсудов Ф., Фрачетти М., Рахимов К., Пардаев М., Дж. Кодини. Археологическое исследование в предгорьях Мальгузара в 2011 г. // Археологические исследования в Узбекистане 2010-2011 года. Самарканд, 2012.
14. Сверчков Л.М. Поселение Мык - источник по истории средневековой Уструшаны: дисс. ...канд.ист.наук.- Самарканд, 1991.
15. Ушбу материаллар ўша пайтнинг ўзида, М. Исомиддинов томонидан чизма ва тасвирлари олиниб, Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейига топширилган. Бироқ, ушбу топилмалар илмий таҳлили ҳали нашр этилмаган. Бу маълумотлар М. Исомиддиновдан суҳбат асосида ёзиб олинди. Тадқиқотчи томонидан яқин кунларда ушбу топилмалар нашри амалга оширилиши таъкидланди.
16. Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бактрия мисолида). Тарих фанлари доктори дисс. Самарқанд. 2009 – Б.123-124.
17. Мандельштам А.М. Памятники эпохи бронзы в Южном Таджикистане. Ленинград, 1968. С. 135.
18. Тошбоев Ф.Э. Взаимовлияние степной и оседлоземледельческой культур Уструшаны в эпоху античности и раннего средневековья // ВЕСТНИК МИЦАИ. Вып. № 23. Самарканд, 2016. -С.89-105.

МУҲАММАД ИБРОҲИМБЕК ЛАҚАЙ-МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ ЕТАКЧИСИ

*Термиз давлат университетининг Термиз педагогика институти доценти,
ТерДУ тузилмасидаги Қатагон қурбонлари музейи илмий ходими.
Тўхтаев Абдуғани Қиличович*

Аннотация: 1920-1931 йилларга қадар машҳур саркарда Муҳаммад Иброҳимбек Чақабоев Шарқий Бухорода айрим танаффуслар билан Совет ҳукумати-га қарши фидокорона кураш олиб борди. Бу курашда у аҳолининг кенг қатламини жалб этишига муваффақ бўлди ва Ўзбекистон, Тожикистон, Афғонистон халқлари тарихида муҳим роль ўйнади. Ушбу мақолада Муҳаммад Иброҳимбек Лақайнинг ҳаёти илмий ва тарихий манбалар асосида ёритиб берилди.

Калит сўзлар: Муҳаммад Иброҳимбек, лақай қабиласи, мирохур, тўқсабо, қоровулбоши, Совет ҳокимияти, қўрбоши, кавалерия полки, қизил таёқчилар, большевик.

Аннотация: С 1920 по 1931 год известный полководец Мухаммад Ибрагимбек Чакабаев самоотверженно сражался против советской власти в Восточной Бухаре с некоторыми перерывами. В эту борьбу он успел вовлечь широкий круг людей и сыграл важную роль в истории народов Узбекистана, Таджикистана и Афганистана. В данной статье освещается жизнь Мухаммада Ибрагимбека Лакая на основе научных и исторических источников.

Ключевые слова: Мухаммад Ибрагимбек, племя лакай, мирахур, токсабо, караулбеги, Советская власть, курбаши, кавалерийский полк, краснопалочники, большевик.

Abstract: From 1920 to 1931, the famous commander Muhammad Ibrahimbek Chakabaev selflessly fought against the Soviet regime in Eastern Bukhara with some interruptions. He managed to involve a wide range of people in this struggle and played an important role in the history of the peoples of Uzbekistan, Tajikistan and Afghanistan. This article highlights the life of Muhammad Ibrahimbek Lakai based on scientific and historical sources.

Key words: Muhammad Ibrahimbek, lakay tribe, mirakhur, toksabo, karavulbegi, Soviet power, kurbashi, cavalry regiment, red sticks, bolshevik.

Муҳаммад Иброҳимбек 1889 йилда ҳозирги Душанбе шаҳридан 12 км узоқликда жойлашган Кўктошда таваллуд топди. Ўзбек миллатининг лақай қавмидан. Лақайларнинг тўрт шохобчасидан бири бўлган - эсонхўжа уруғидан. Иброҳимбекнинг отаси Чақабой қишлоқ оқсоқоли ҳамда Кўктош лақайларининг уруғ бошлиғи эди. Шу билан биргаликда Чақабой оқсоқолга Бухоро амири томонидан 1870 йилда мирохур ва 1894 йилда тўқсабо унвони берилган эди [1].

Чақабой тўқсабо умрининг охиригача Кўктошда яшаб, 1910-1911 йиллар атрофида вафот этди. Отасининг вафотидан сўнг, замона зайли билан ҳамда ўша пайтдаги оғир ижтимоий ҳаёт сабабли, Иброҳимбекнинг чаққон йигит бўлгани учун 1919 йили Ҳисор беги томонидан қоровулбеги унвони билан тақдирланиб, Кўктош лақайларидан закот йиғилишига мутасадди шахс сифатида тайинланди.

1920 йилнинг сентябрида Бухоро амири Саид Олимхон большевиклар ва жадидларнинг сўл қаноти вакиллари тазйиқи остида Бухорони тарк этди. Амир

Афғонистонда туриб ўзининг ишончли кишиси Эшон Султон ва Балжувон беги Давлатмандбий орқали Балжувон беклиги ҳудудидаги лақайларга большевик қўшинларига ва жаҳидларга қарши курашиш учун бирлашишга чақирди. Бундай чақириқларга қўшилган ҳолда лақайлар дастлаб Абдуқаюм парвоначи, Баротбек ва Тоғай Сари бошчилигида бир қанча қуроли гуруҳлар тузди. Ўттиз бир ёшли, куч-қувватга тўлган, жасур Иброҳим ҳам ўз қайнотаси Абдуқаюм Парвоначи бошчилигидаги ҳарбий гуруҳга дастлаб “йигит” – яъни аскар бўлиб кирди. Шу тариқа Иброҳимнинг ҳарбий фаолияти бошланди.

1921 йилнинг баҳорида Абдуқаюм Парвоначи Данғара атрофидаги Қортовдаги ҳарбий амалиётлар жараёнида от босиб жиддий шикаст егач, йигитларга нисбатан журъатли, характерида ташкилий қобилияти устун бўлган куёви Иброҳимни ўзига ўринбосар қилиб тайинлади. Қизил Армияга қарши Шарқий Бухорода ҳарбий гуруҳларнинг дастлабки ташкилотчилари-Данғарада Абдуқаюм парвоначи, Қизил мазорда Тоғай сари, Балжувонда Давлатмандбий, Кўлобда Ашур тўқсабо, Дарвозда Эшон Султон, Душанбеда Раҳмон додхоҳ, Қоратегинда Фузайл махсум (Фузайл Махдум), Ҳисорда Темурбек, Сурхонда Хуррамбек (Нормурод ўғли Хуррамбек - А.Т.), Лақайда Иброҳимбек эдилар [2].

Қўрбошиларнинг ичида ўзининг жасурлиги ва ботирлиги билан Иброҳимбек тез орада муваффақиятларни қўлга киритди. Бу билан воқеаларни четдан кузатаётган Саид Олимхон назарига тушди (Иброҳимбек 1924 йилгача амир Саид Олимхон билан учрашмаган - А.Т.) ва амир томонидан Иброҳимбекка ҳарбий унвон ва тортиқлар жўнатила бошланди.

Ҳар қандай ҳаракат дастлаб маълум бир ҳудудда, маълум бир куч ёки этник бирлик доирасида шаклланади. Шарқий Бухорода Давлатмандбий, Абдуқаюм парвоначи, Тоғай Сари, Баротбек, Исмаатбек, Ортиқ қўрбоши, Хуррамбек ва бошқалар раҳбарлигида этник ва ҳудудий белгиларига қараб шаклланган қуроли гуруҳлар Иброҳимбек сиймосида ягона куч сифатида бирлаша бошлади. Тўғри, тан олиш керакки, ушбу кучлар таркибида баъзан ўзаро келишмовчиликлар ҳам бўлиб турди. Лекин, ягона марказлашган ҳокимиятнинг йўқлигига қарамадан Иброҳимбек томонидан кучларни ягона қўмондонлик остига бирлаштиришга ҳаракат қилинди.

Иброҳимбек 1921 йилда жангларда зафарлар қўлга киритиб, қисқа вақт ичида аҳоли ўртасида катта ҳурмат қозонди. Иброҳимбек, дастлаб ўз атрофига тўрт мингга яқин йигитларни тўплаган бўлса, 1921 йилнинг декабрига келиб унга бўйсунувчи аскарлар сони ўн минг нафарга етди [3]. Натижада Кўлоб, Балжувон, Қоратегин, Дарвоз ҳамда Ҳисор вилоятларини қизил қўшиндан тозаллади. 1921 йилнинг августида Кўлоб большевиклардан тозалангач кўпгина қўрбошилар ўз йигитлари билан бирга Кўлоб шаҳрида тўпланиб, ҳаммалари бир овоздан Иброҳимбекни ўзларига бошлиқ этиб тайинладилар [4]. Ушбу муваффақиятлардан хабар топган Саид Олимхон Иброҳимбекни Бухорода фаолият олиб боровчи бутун қўрбоши гуруҳларига Олий бош қўмондон этиб тайинлади.

1921 йилнинг ноябрида Анвар пошшо Ҳисор беклиги ҳудудидаги Қораменди (ҳозирги Фаҳробод) қишлоғидаги Бобобек тўқсабонинг ҳовлисига ўзининг 90 нафар аскар билан келиб тушди. Иброҳимбек бу хабарни эшитгач йигитлари билан келиб Анвар пошшо билан учрашди ва уларни қўлга олди. Бу ҳақда Саид Олимхонга хат жўнатиб, ундан хабар келгунча Анвар пошшони тутқунликда сақлаб турди. Саид Олимхондан хат келгач, уни бўшатди. Анвар пошшо бошчилигидаги

кучлар 1922 йил феврал ойида Душанбе шаҳрини большевиклардан тозалади. Большевиклар Термиз тарафга чекинишга мажбур бўлишди. Миллий кучлар большевикларни Сурхон воҳасидаги Миршоди (ҳозирги Олтинсой тумани худудида - А.Т.) гача қувиб келдилар.

Анвар пошшо қўшинига вазиятдан фойдаланиб кириб қолган ўғрилар тинч аҳолини талаш билан шуғулландилар. Бу воқеа Иброҳимбекни ғазаблантирди ва талончиларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрди. Анвар пошшо Миршодига етиб келиб Иброҳимбекнинг бундай мустақил ҳаракатларидан норози бўлди. Натижада икковининг орасига совуқлик тушди. Бунда албатта большевик айғоқчиларининг ҳам қўли бор эди.

1922 йилнинг 4 августида большевикларнинг 8, 15 ва 16-кавалерия полклари хужум уюштириб, Балжувон яқинидаги Обдара қишлоғида бўлган тўқнашувда Анвар пошшо шаҳид бўлгач, Иброҳимбек вазиятни қўлга олди. Саид Олимхоннинг таъкидлашича, “Иброҳимбек...Дехнав вилоятининг юқори қисми бўлган Бойсун, Ғузор, Шеробод ва Қаршида ҳаракат қилиб ўз ишлари ҳақида каминага маълумот бериб турди” [5].

1923 йил 24 сентябрда қизил аскарлар қўшини Норин ва Султонобод орасида Эгамберди ботир гуруҳига қарши хужумга ўтиб, ҳар икки тарафдан талофатлар бўлди. Шунингдек, Эгамберди ботир енгил яраланди. 1923 йилнинг октябрь ойида Иброҳимбек қизил аскарлар тазйиқи туфайли ўзига келиб қўшилган Хуррамбек билан биргаликда Ҳисор атрофларида ва Боботоғда ҳарбий амалиётлар олиб борди. Бу даврда Хуррамбек атрофида Ўтанбек, Абдумурод, Бекмирза, Маҳмуд Қачай ва Мустофакул кўрбошилар фаолият олиб бориб, Абдумурод шаҳид этилгач, унинг ўрнига Чори ясовул кўрбоши этиб тайинланди.

Хуррамбекка бўйсунувчи қуролли гуруҳлар ҳам асосан қилич, эски милтиқлар, берданка милтиқлари, шунингдек патронлар аҳолидан йиғилган пул ва моллар эвазига Афғонистондан сотиб олиб (рус патронлари 4 танга, инглиз патронлари 2 тангадан) келинган. Баъзан қизил аскарлардан ўлжа олиниб, кўрбоши гуруҳларининг қурол-яроққа бўлган эҳтиёжи қондирилди. 1924 йилнинг баҳори арафасида Иброҳимбек Сариосиёга ўтиб, маҳаллий турк барлослардан Мулла Ражабни кўрбоши этиб, Қосим тўқсабони унинг ўринбосари этиб тайинлади ва булар тез фурсатда 200 нафар йигит йиғишга муваффақ бўлдилар.

Бу ердан Иброҳимбек ўз йигитлари билан Термиз яқинидаги Какайдига бориб, у ерда кенгаш ўтказиб, аҳолини Хуррамбек кўрбоши атрофида яна ҳам жипслашишга чақирди. Сўнгра Какайди орқали Қабодиёнга ўтиб, жаркўрғонлик кўнғиротлардан Ўтанбекни ҳали анча ёш бўлишига қарамасдан, ғайрат, шижоатли ва довюраклиги боис ўша худудга кўрбоши этиб тайинлади [6]. Иброҳимбек топшириғига биноан, кўрбошиларнинг ҳар бири жойларда аҳолидан 500 дан 600 нафаргача йигитларни йиғиб ҳамда Афғонистонга ўтган кўрбошиларнинг йигитларини ўз сафларига жалб этиб, 1924 йилнинг кузи кириши билан ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юбордилар.

1924 йилнинг 12 июнида Иброҳимбек Қаршитовнинг жанубий қисмида кўрбошилар иштирокида мажлис ўтказаетганида қизиллар Даҳана кийикдан Шўриёнбош томонга 15000 танга ортилган гуруҳни кузатиб кетаётганлиги ҳақида маълумот олди. Мажлисни тезда тугатиб, Хуррамбек ва Раҳмон Додхоҳ гуруҳлари билан етиб келиб, 30 дона милтиқ, пулемёт ва пулларни ўлжа олди. 1925 йилнинг январь ойида Иброҳимбек Сурхон воҳасининг Шеробод, Денов, Юрчи ва

Бойсун худудларида ўз ҳокимиятини ўрнатди [7]. Муваффақиятлардан руҳланган Иброҳимбек бир неча кун давомида Жарқўрғонда аҳолига тўй берди. Иброҳимбекни кутлаш учун Саид Олимхондан вакиллар келиб, жарқўрғонда бир неча кун меҳмон бўлдилар.

Саид Олимхон вакиллари ўз ишончли одамларидан олган маълумотлар асосида большевиклар билан муносабат ўрнатган бой ва уламоларнинг рўйхатини тузиб, бир нусхасини Иброҳимбекка, яна бир нусхасини эса Саид Олимхонга олиб кетдилар ва табиийки аҳолининг большевиклар билан муносабатда бўлган қисми кўрбошилар томонидан жазоланди. Шу муносабат билан Иброҳимбек томонидан Қайнар минтақасига большевиклар билан алоқада деб ҳисобланган бадрахли ва эсонхўжалардан 27 киши ҳибсга олинди [8].

Бундай алғов-далғов замонда аҳолига ҳам осон эмас эди. Большевиклар ўз навбатида ишғол этган худудларда аҳолининг бир қисмини “босмачилар” билан ҳамкорликда айблаб жазолар эдилар. Иброҳимбекнинг қатор муваффақиятларидан саросимага тушган қизиллар унга қарши ҳарбий куч олиш билан бир қаторда аҳоли орасидан “қизил таёқли” лар гуруҳларини ташкил эта бошладилар. Шунини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Термиз яқинидаги Какайдида ҳарбий фаолият олиб бораётган Хуррамбек Иброҳимбекнинг буйруқ ва топшириқларини бажаришдан бош тортиб, мустақил фаолият олиб боришга ҳаракат қилди. Жосулик хизматининг маълумотларига кўра, Хуррамбек 1925 йилнинг 27 январиди Сурхон воҳасида йиғилиш ўтказиб, Иброҳимбек Лақайга бўйсунмаслигини, Боботоғдан Бойсунгача бўлган худудда ҳарбий фаолият олиб борувчи кўрбошилар фақатгина ўзининг ҳукми ва назоратида бўлишини таъкидлади.

Табиийки, бундай ҳаракатлар Иброҳимбекнинг ғазабини кўзгади ҳамда ушбу худудлар кўмондонлигини анча ёш бўлишига қарамасдан жасур ва ғайратли жарқўрғонлик Ўтанбек зиммасига юклаб, минтақада кучларни бирлаштириш учун махсус буйруқ билан уни Сурхон воҳасига жўнатди. Иброҳимбекнинг бундай ҳаракатларини ўз навбатида Хуррамбек тан олмади.

Воҳадаги вазият ҳақидаги хабар Саид Олимхонгача етиб борди ва Саид Олимхон томонидан Бекбой оқсоқол келиб, Иброҳимбек билан Хуррамбекларни умумий мақсад йўлида бирлашиб ҳаракат қилишга ундади. Натижада муносабатлар илгаригидек бўлмаса-да, лекин етарлича ижобий натижа ҳам бермади. Шунга қарамасдан Иброҳимбек ўз таркиби билан большевикларга қарши ҳаракатларда қатор муваффақиятларни кўлга киритдилар. Қизил аскарлар “1925-милодий йили Бухоро шарқининг лашкарбошиси Иброҳимбек устига кўкқисдан хужум бошлаган, шу билан 25 кун давомида икки ўртада пайдар-пай урушу қирғинлик юз берди. Кечаю-кундуз жанг бўлиб, мисоли қонли Сайхундан кечиб ўтилди. Бу уруш вақтида Иброҳимбек ғалаба қозонди. Бир қанча тўп ва пулемёт ва 1800 дона беш отар милтиқ, 3 минг дона беш отар милтиқнинг ўқи, иккита темир қопланган мотор-броневик, 2 дона аэроплан осмондан уриб туширилиб кўлга олинди. Аэропланнинг ичида бир қанча маузер тўппончаси бўлиб, улар ҳам ўлжа олинди”[9]. Иброҳимбекнинг ушбу ғалабасидан сўнг большевиклар кўшимча куч олиб, барча фронтларда Иброҳимбек кўшинига қарши курашни фаоллаштириб, ғалабаларга эриша бошладилар.

1925 йилнинг баҳорида большевиклар кўшимча куч билан яна таъқибни кучайтирди. Натижада Янги-бозорда Бобомурод кўрбоши қизиллар кўлига туш-

ди Иброҳимбек унинг ўрнига Худойбердини тайинлади. Ҳисордаги жангларда Табарбий ўлдирилди. Ёвонда Абдувоҳид Додхоҳ йигитларини тарқатди. Йирик раҳбарлардан Файз Тўқсабо, Остонакул ва Мулла Ражаблар қизилларга қарши жангларда ҳалок бўлишди. Иброҳимбек бу етакчиларнинг ўрнига Мулла Зиёвуддин, Мамадали, Дана ва Дости (Табар кўрбошининг укаси) ларни кўрбоши этиб тайинлади. Бироқ сезиларли муваффақият қозона олмагач, Иброҳимбек яна Балжувонга ўтишга мажбур бўлди.

Исмаатбек ҳам Афғонистондан яна Балжувонга келди. 1925 йилнинг баҳорида Қизил-мозор яқинида Иброҳимбек бошчилигида Ортиқ Додхоҳ ва Исмаатбеклар иштирокида қизилларнинг 78-отлиқ (кавалерия) полкининг Емельянов бошчилигидаги дивизионини мағлубиятга учратиб, шахсий таркиб ва кўмондонлик таркиби ўдирилди. 1925 йилнинг папрелида минтақадаги туркман йигитлари кўрбошиси Тошмат ҳарбий амалиётларда пассивлиги учун Иброҳимбек томонидан қаттиқ танбеҳ берилиб, унинг ўрнига туркманлардан Қора тўқсабо тайинланди.

Иброҳимбек 1925 йилнинг кузини Балжувонда ўтказиб, қишнинг бошланиши билан Ҳисорга ўтишни режалаштирди. Яқин орада Афғонистондан Бадахшон вилояти ҳокими Абдушукурхондан хат олди. Унда таъкидланишича россия большевиклари Абдушукурхонга қарши уруш бошлагани учун Иброҳимбек орқада унга ёрдам бериши сўралган эди. Иброҳимбек Какайдида турган Хуррамбекни Ҳисорга чақириб, ўзи ҳам Ҳисорга ўтди ва у билан большевикларга орқа тарафдан зарба бериш учун Қоратоққа келдилар. Бу ерда улар қишнинг иккинчи ярмида бир ярим икки ойча бўлиб, большевикларнинг кичик гуруҳлари билан ҳарбий курашлар олиб борганликларини ҳисобга олмаганда ҳеч қандай йирик амалиётларда қатнашмадилар.

1926 йилнинг баҳорида Иброҳимбек Хонобод вилояти ҳокими Сулаймонхондан Афғонистонга келиб қурол-яроқ олиб кетиш учун одам юборилиши сўралган мактуб олди. Иброҳимбек Хонободга Исахон Эшон бошчилигида 50 нафар йигитдан иборат гуруҳни жўнатди. У ердан 100 та милтиқ, 5000 тагача патрон келтирди. Милтиқлар турли хил бўлиб, русча берданка милтиқ, уч калибрли ҳамда инглизча 11 зарядли милтиқлар эди. Қуролларни йигитларга тарқатиб Иброҳимбек, Мулла Мирали, Полвон додхоҳ ва Хуррамбек кўрбошилар ҳамроҳлигида Ҳисордаги Ғозималик тоғларига кетди.

Шу пайтда Қоратоғда Темир кўрбоши ўлдирилди. Ханжан кўрбоши қизиллар томонидан асир олинди. Иброҳимбек Ғозималикка келиши билан кучларни мустаҳкамлаш учун Бобожон додхоҳни чақирди. Бу ерда умумий йиғилиш ўтказиб, ҳудудларда мавқеини мустаҳкамлаш учун Ҳисор, Қоратоғ ва Хонақога Исахон эшон, Бобожон додхоҳ, мулла Мирали, Абдулла додхоҳ ва Абдулазизларни жўнатди. Хуррамбекни Какайдига юбориб, ўзи юзларча йигити билан Ғозималикда қолди.

1926 йилнинг 21 июнида ҳафтанинг душанба куни, Қурбон ҳайитининг биринчи куни Иброҳимбек Лақай 50 нафар йигити билан Амударёдан ўтиб, чегара яқинидаги Янги қалъа қишлоғига етиб борди. Иброҳимбек у ерда олти ой дам олгач, Иброҳимбекни Афғонистон ташқи ишлар вазирлиги қабулхона (интизорхона) сига ташриф буюрганда, мамлакат ташқи ишлар вазирининг ўринбосари қабул қилиб Иброҳимбекнинг оиласи ва кўрбоши Хуррамбек Хонабодга келганликларини, агар зарурат бўлса, уларни ҳам Кобулга чақиришларини айтди.

Иброҳимбек бунга эътироз билдириб, уларнинг Кобулга келиши фойдасиз эканлигини, агар ижозат беришса, ўзи Хонабодга боришини билдирди. Лекин афғон ҳукумати Иброҳимбекнинг Кобулдан чиқишига ижозат бермади. Ўз сўзида қаттиқ туриб талаб қилиш бефойда эканлигини билган Иброҳимбек таклифга кўнишдан бошқа чораси қолмади. Иброҳимбек 1931 йилнинг июнига қадар Афғонистонда ўзбекларнинг тинчлигини мустаҳкамлаш учун фаол иш олиб борди. Иброҳимбекнинг қўмондонлиги остида Совет ҳокимиятига қарши 1921 йилнинг баҳоридан бошланган ҳаракат қатор зафарли юришлар ва мағлубиятларни бошидан кечириб. 1931 йилнинг июнь ойининг биринчи ярмида бой берилди. Иброҳимбекнинг ўзи ихтиёрий равишда 1931 йилнинг 23 июнида Совет ҳукуматига таслим бўлди. Бир йил давом этган терговдан сўнг, Иброҳимбек ОГПУ қарори билан 1932 йилнинг 31 август куни ўзининг 15 нафар сафдоши билан бирга отиб ташланди. 2021 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан “босмачи” ва “жадид” сифатида қатағон қилинган 115 нафар юртдошимизнинг номлари оқланди. Улар ичида Иброҳимбек Чақабоевнинг исми ҳам бор эди [10].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай. – Тошкент, 2006. –Б.26.
2. Иркаев М. История гражданской войны в Туркестане. – Душанбе, 1963. –С. 274.
3. Басмачество: социально-политическая сущность. – Ташкент: Фан, 1984. –С. 88.
4. Айний Садриддин. Асарлар. 2-жилд. – Тошкент, 1964. –Б. 338-339.
5. Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. – Тошкент: Фан, 1991. –Б. 20.
6. Умаров И. Миллий мустақиллик учун курашганлар // “Ўтмишга назар” журна-нали, 2021 йил, 11-сон, 4-жилд. –Б. 63.
7. Турсунов С.Н. Қобилов Э, Пардаев Т, Муртазоев Б. Сурхондарё тарих кўзгу-сида. - Т., “Шарқ,” 2001. 137 б.
8. Пограничные войска СССР. 1918-1928. – Москва: Наука, 1973. –С. 613.
9. Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. –Б. 22.
10. <https://www.gazeta.uz/ru/2021/08/26/supreme-court/>.

XX АСР 20-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

*Ислом Каримов номидаги ТошДТУ
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти
Инатов Мурот Ниятович*

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши натижасида юзага келган ўзгаришлар, аҳолининг миллий таркиби, жинси, ёши, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги тафовутлар, вилоятлар бўйича аҳолининг тақсимланиши, уларнинг миллий таркиби, аҳолини рўйхатга олиш масалалари, унинг натижалари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: миллий давлат чегараланиши, демография, миллий таркиб, шаҳар аҳолиси, аҳоли ёши, аҳоли жинси, аҳолини рўйхатга олиш, вилоят, тожиклар, қozoқлар.

Аннотация. В статье рассматриваются некоторые аспекты демографического положения в Узбекистане 20-годы XX столетия после проведения национально-государственное размежевание в Средней Азии. В том числе изменение национальном состоянии население, пол, возраст, разница между городским и сельским населением, распределение население по областям и их национальный состав, проведение переписи население и его итоги.

Ключевые слова: национально государственная размежевание, демография, национальный состав, городское население, возраст население, пол население, перепись население, область, таджики, казахи.

Abstract. The article discusses some aspects of the demographic situation in Uzbekistan in the 20s of the XX century after the national-state demarcation in Central Asia. Including changes in the national status of the population, gender, age, the difference between the urban and rural populations, the distribution of the population by regions and their ethnic composition, the conduct of the population census and its results.

Keywords: national-state demarcation, demography, ethnic composition, urban population, population age, population sex, population census, region, tajiks, kazakhs.

XX асрнинг 20-30 йиллари тарихимиздаги энг зиддиятли ва ўта мураккаб даврлардан саналади. Мамлакатимиз ҳудудларида совет тузумининг ўрнатилиши ва бутузум томонидан юритилган сиёсат барча муаммоларнинг асоси ҳисобланади. Советлар томонидан ўлкада юзага келган миллий-озодлик ҳаракатининг тугатилиши, хусусий мулкка нисбатан юритилган тажовузкор сиёсат, мулкдорлар синфининг тугатилиши, ўрта қатламга нисбатан қўлланилган таъқиблар ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий муҳитни ниҳоятда мураккаблашувига сабаб бўлди. Совет ҳукумати томонидан қабул қилинган ва гўёки “халқ манфаатлари”га қаратилган қарорлар, қонунлар аксарият ҳолларда қўпол равишда ёки мақсадли тарзда бузилди. Бу аҳоли орасида ҳақли норозиликларга сабаб бўлди.

1924 йилда большевиклар томонидан миллий-давлат чегараланишининг ўтказилиши ҳам советларнинг ўлкада юритаётган улуғ давлатчилик сиёсатининг намунаси эди. Бунинг натижасида тарихий илдизлари бир бўлган Ўрта Осиё халқларини бир-биридан ажратиш ташлади ва бўлиб ташлаб ҳукмронлик қил тамоийлига амал қилган ҳолда бошқарувни ўз қўлларига олдилар. Миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши натижасида ташкил топган республикаларда миллий масалада бир қатор ўзгаришлар юз берди. Демографик вазият ҳам ўзгарди.

Совет тузуми даврида бу масалада вазият турли воситалар ёрдамида ҳал этилиб келган бўлинса, СССР давлатининг парчаланиши билан республикалардаги аҳоли орасида миграцион жараёнлар кучая бошлади. Маълум бир қисм аҳоли доимий яшаш жойларини ўзгартира бошлади.

Ўрганилаётган даврни тўлиқ тасаввур этиш учун аввало ўша давр тарихий - ижтимоий воқелигини тушуниб олиш катта аҳамиятга эгадир.

Ушбу ҳолатда аҳолининг ёши ва жинси бандлиги, касбий ҳамда ижтимоий таркибини тавсифлайдиган кўрсаткичлар ҳамда аҳолининг ўсиши муаммоси алоҳида қизиқиш уйғотади. Шаклланиши, ривож ва моҳиятига кўра аҳолининг

сифат жиҳатларини ифодалайдиган бу кўрсаткичлар, жуда кўп қирралари билан тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва демографик ўзига хосликлар билан боғлиқдир.

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши натижасида Туркистон Республикаси, Хоразм Халқ Совет Республикаси ва Бухоро Халқ Совет Республикаси таркибидан тузилган Ўзбекистонда дастлаб етти вилоят: Тошкент (Сирдарё), Фарғона, Самарқанд, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, ва Хоразм, ҳамда асосан қозоқлар яшайдиган Конимех райони бор эди. ЎзССР таркибига иқтисодий жиҳатдан муҳим бўлган Самарқанд ва Фарғона вилоятлари (Фарғона водийси ва Зарафшон варақ), Хоразм, Бухоро, Сирдарё вилоятлари кирди.

1926 йилда Ўзбекистон ҳукумати томонидан районлаштириш деб юритилган маъмурий бўлиниш ислоҳоти ўтказилди. Районлаштириш Ўзбекистоннинг ички маъмурий ҳудудларини - хўжалик юритишнинг яхлит типи, суғориш тизимларининг бирлиги асосида мувофиқлаштиришдан ташқари, иккинчи бир мақсад: бошқарувни соддалаштириш ҳамда аҳолига яқинлаштиришни назарда тутган эди. Шунга кўра, бошқарувнинг тўрт тизимли шакли: вилоят, уезд, волост, қишлоқ совети ўрнига, уч тизимли бўлиниш: округ, район, қишлоқ советлари жорий қилинди. Районлаштириш натижасида Ўзбекистонда пойтахти Самарқанд шаҳри бўлган 10 та: бутун Ўрта Осиёнинг маркази бўлган Тошкент шаҳри билан Тошкент, аввалги Фарғона вилояти ўрнида Фарғона ва Андижон, Хўжанд, Бухоро, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм округлари ҳамда битта автоном қозоқ райони - Конимех ташкил этилди [1].

Ўзбекистон территорияси, Тожикистондан ташқари 183438 км².дан иборат эди. Аҳоли сони ва зичлигига кўра, Ўзбекистон Ўрта Осиё республикалари ўртасида биринчи ўринни эгаллар эди.

1926 йилги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, республикада 4 млн. 621 минг киши қайд этилди. Бу 1917 йилга нисбатан атиги 135 минг кишига кўп эди. Бу даврда, яъни 1917-1926 йилларда аҳолининг ўртача ўсиш даражаси атиги 0,33 % ни ёки йиллик ўртача кўпайиши 15 минг кишини ташкил қилди. XX асрда Ўзбекистоннинг янги демографик ривожини тадқиқ қилган олимлар: О. Отамирзаев, В.Генштке, Р. Муртозаевалар, қайд этганларидек, ўша даврнинг мураккаб демографик вазияти асосида совет тузуми қурилишининг дастлабки йилларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳвол ётар эди. Маълумки, октябрь давлат тўнтариши шафқатсиз қарама-қаршиликлар, иқтисодий танназул, вайронгарчилик ва очликни келтириб чиқарди. Натижада кўплаб туб аҳоли ҳалок бўлди, жисмонан йўқ қилинди, кишилар ўз ватанларини тарк этдилар. Республикаларнинг туб аҳолиси сони камайиб кетди. Ўзбекистон аҳолисининг сонида айрим ўсиш юз бериши мамлакатга Россия, Украина ва иттифоқнинг бошқа регионларидан европалик аҳолининг оқиб келиши билан изоҳланади. Узоқ муддатли кўчиб келишлар тўғрисида Ўзбекистонда аҳолининг яшаш давомийлиги бўйича 1926 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш натижалари ҳам гувоҳлик беради. Масалан, агар 1926 йилда Ўзбекистонда 383 мингдан зиёд киши ёки мамлакат умумий аҳолисининг 8,6 % и туб жойлиларга мансуб бўлмаган бўлса, улардан умумий ҳисобга нисбатан 30% гина республикада 10 йилдан зиёдроқ яшаганларни ташкил этади, 34,6 % эса Ўзбекистонга 1926 йил аҳоли рўйхати ўтказилишидан бир-икки йил аввал келиб қолишган. Шу фактнинг ўзиёқ мамлакатимизга кўчиб келувчилар оқими совет давлати сарҳадларида мустабид тузумни ўрнатишнинг дастлабки босқичида кескин ўсганлигини кўрсатади [2].

Бундан кейинги йилларда Ўзбекистонга кўчиб келиш Россияда авж олган очарчилик, оммавий катағонлар ва таъқиб қилишлар туфайли жуда кучайиб кетди.

Кўплаб йирик шаҳарларнинг маълумот столлари маълумотлари ва бошқа қатор тааллуқли кўрсаткичлардан фойдаланган. “Ўзбекистон” китобининг муаллифлари С.И.Иванов ҳамда Ю.Н.Кривоноговлар шундай деб таъкидлайдилар: “Аниқ айтиш мумкинки, Ўзбекистон унга доимий ёки вақтинчалик яшаш учун, асосан катта шаҳарларга, кўчиб келган руслар ва СССРнинг Европа қисмидаги бошқа халқларнинг катта оқими ҳисобига ҳар йили аҳоли механик ўсишининг сезиларли даражасига эга.

Бу иммиграциянинг асосий оқимини Волга бўйи губерниялари: (Самара, Саратоварак, Ульянов)дан Ўзбекистонга осонроқ пул топиш илинжида келган дехқонлар ташкил қилади. Бундан ташқари ҳар йили Ўзбекистоннинг Фарғона ва Андижон вилоятларига пахта ҳамда бошқа дала ишларида ишлаш учун Хитой Туркистонидан бир неча минг қашғарликлар келади” [3].

Биз ўрганаётган давр охирларида ишчи кучларининг етарли миқдорда мавжудлиги муносабати билан Ўзбекистон ҳукумати Фарғона водийсига кўчиб келишларни чеклаб қўйди. Бу даврда туб жой аҳолининг табиий кўпайиши ҳам ўсиб борди. Булар барчаси йиғилиб аҳоли сонининг ўсиб боришини белгилади (1-жадвалга қаранг).

1 -жадвал

1925 - 1930 йилларда Ўзбекистон аҳолиси сонининг ўсиши кўрсаткичи
(минг киши) [4]

Йиллар	Барча аҳоли
1925	4418
1926	4621
1927	4565
1928	4673
1929	4786
1930	4926

Жадвалдан шу нарса маълум бўладики, 1925-1930 йилларда Ўзбекистон аҳолиси ўсиш сурати кузатилади. Фақат, 1927 йил бундан мустасно. Бу Фарғона водийсига иш излаб эҳтимолдан холи эмас.

Ўзбекистон аҳолисининг табиий ва механик ўсиб боришидаги ўзига хосликлар унинг миллий таркибида ҳам ўз ифодасини топди.

1926 йилда Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари шуни кўрсатадики, Республикада 65 дан зиёд миллатлар яшагани ҳолда, шу ерда туғилганлар уларнинг 91,4 %ни, маҳаллий бўлмаганлар 8,6 % ни ташкил қилган [5]. Республиканинг асосий халқи ўзбеклар умумий аҳолининг 75% га яқинидан иборат бўлган. Ўзбеклардан ташқари рўйхатга олишда ерли халқлардан тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, курамаалар, уйғурлар, қипчоқ, араб, қорақалпоқ, туркман, туркийлар, Ўрта осиелик яҳудийлар, форслар, эронликлар, кошғарликлар ва бошқалар рўйхатдан ўтганлар [6]. Бу рўйхатдан кўриниб турибдики, аҳолининг бир қисми ўзларини халқ эмас, уруғ номлари билан кўрсатганлар.

ЎзССР МИК районлаштириш бўйича Комиссиясининг Ўзбекистон территориясида халқларнинг жойлашуви бўйича қайдлари ҳам катта аҳамиятга эга. Жумладан, унинг материалларида баъзи округларда Ўзбекларнинг сон миқдори ўзгариб тургани қайд этилади. Масалан, Хоразмда ўзбеклар округ умумий аҳолисининг 97,4 % ташкил қилгани ҳолда, Хўжанд округида бу кўрсаткич 29,9 % га тушиб кетган. Қашқадарё, Зарафшон, Бухоро ва Фарғона округларида ўзбекларнинг ялпи миқдори 80 дан 83 % гача тебраниб турган. Миллий озчиликни ташкил қилган тожиклар ушбу 4 округда - 6 дан 9,5 % гача, Бухорода араблар - 5%, туркманлар - 3,2 %, Қашқадарёда туркманлар - 4,1 %, Зарафшонда - 5,5 %ни ташкил қилган. Руслар фақат Фарғонада сезиларли (-3,7 %дан иборат) бўлган. Ўзбекларнинг тартиб жиҳатидан камайиб борувчи сонига бундан кейин Самарқанд, Сирдарё, Андижон округлари тўғри келади. Бу ерларда ўзбекларнинг фоизи 73 дан 75 %гача етади. Бошқа халқлар вакилларида Самарқандда тожиклар - 14,5 %, руслар - 4,5 %; Сурхондарёда тожиклар - 20,2%, туркманлар - 3,8 %; Андижонда қирғизлар - 7,9 %, қипчоқлар - 5,2 % ва уйғурлар - 3% ни ташкил қилган. Фақатгина Хўжанд округида ўзбеклар кам бўлган - 29, 9 %, тожиклар эса умумий аҳолининг 64,2 % ташкил этган. Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш керакки, 1929 йил май ойида ҳукумат томонидан Хўжанд округини Тожикистон АССР таркибига ўтказиш масаласи кўриб чиқилиб, октябрда Тожикистон иттифоқдош республикага айлантирилиб, ЎзССР таркибидан чиқиб кетди. Тошкент округида ҳам нисбатан олганда ўзбекларнинг миқдори унча катта эмас: ўзбеклар - 57%, руслар - 16,3 %, қозоқлар -13,9 % ва қураамалар - 5,9 % дан иборат бўлган. Шаҳарларда, асосан, ўзбеклар, тожиклар ва руслар истиқомат қилишган. Умуман, Ўзбекистонни районлаштириш материаллари республика аҳолисининг миллий жиҳатдан қуйидагича тақсим-ланишини кўрсатади (жамига нисбатан % ҳисобида).

Умуман Ўзбекистонда районлаштириш ҳужжатлари Республика аҳолисининг миллий таркиби тўғрисида қуйидагича маълумотларни беради [7].

Миллатлар	Шаҳарда	Қишлоқларда	Жами
Ўзбеклар	63,6	77,5	74,3
Тожиклар	13,7	7,7	9,1
Руслар	12,7	0,6	3,3
Қозоқлар	0,5	2,9	2,4
Қизғизлар	0,0	2,5	2,0
Араблар	0,1	1,5	1,2
Туркманлар	0,0	1,4	1,1
Қураамалар	0,0	1,0	0,8
Қипчоқлар	0,0	1,1	0,8
Қорақалпоқлар	0,0	0,7	0,5
Уйғурлар	0,0	0,6	0,5
Бошқалар	9,4	2,5	4,0
Жами:	100,0	100,0	100,0

Бу жадвалда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг миллий таркиби динамикаси берилган бўлиб, унга кўра шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг асосий кўпчилиги ўзбеклар, тожиклар ташкил этади.

Руслар асосан шаҳарларда, қолган аҳоли миллий қатламлари асосан қишлоқларда истиқомат қилишган бўлиб, улар асосан туб жойли аҳоли.

Бизнинг тадқиқотимиз доирасида аҳоли жойлашувининг жинсий ва ёш жиҳатидан таркиби таснифи каби сифат кўрсаткичлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга, негаки аҳоли жинсий ёш таркибининг ўзига хосликлари бевосита мамлакат меҳнат омилларини шакллантириш жараёнларида ўз ифодасини топади.

Тарихан барча Ўрта Осиё Республикаларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам эркаклар сони аёлларга нисбатан зиёд бўлган: ўртача 1000 кишига 885 та аёл тўғри келган. Бу нисбатда шаҳар ва қишлоқ ўртасида бироз фарқ бор. Шаҳар аҳолиси учун 1000 эркакга 893 та, қишлоқда 1000 кишига 883 та аёл тўғри келган. Умуман олганда, Ўзбекистон аҳолисининг таркибида хотин-қизлар улуши камлигининг барқарорлиги бевосита улар орасида ўлимнинг кўплиги билан изоҳланади. Бунинг асосий сабабларидан бири туғилишнинг физиологик жиҳатдан ҳаддан зиёдлиги, тез-тез ва кўп фарзанд кўриш (10-15 бола) туфайли аёллар организмнинг табиий толиқишидир.

Иқтисодиёт нуқтаи назаридан аҳолининг ёш таркиби тақсимотида неча фоиз аҳоли меҳнатга яроқли, ярим яроқли ёки яроқсиз эканлиги доимо бош масала бўлиб келган. Меҳнатга яроқлилик кўрсаткичи эса эркаклар учун 16 дан 60 ёшгача, аёллар учун 16 дан 55 ёшгача бўлган даврни қамраб олади.

1927 йил 1 январига, яъни Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, Ўзбекистонда 2 млн. 514 минг киши, бутун республика аҳолисининг 56 % меҳнатга яроқли ёшда эди. Шаҳар аҳолиси учун бу кўрсаткич (умумга нисбатан) 56 % ни, қишлоқ аҳолиси учун 57 % ни ташкил этарди. Кўриниб турибдики, аҳолининг меҳнатга яроқли ёшда бўлган қисми (% %) фоизлари шаҳар учун ҳам, қишлоқ учун ҳам деярли бир хил [8]. Меҳнатга яроқли аҳоли ва меҳнат омилларининг юқори кўрсаткичи аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш муаммосини ўртага қўяди.

Умуман олганда, тадқиқ қилинаётган йилларда Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси кўпчиликини ташкил этадиган мамлакат бўлиб қолаверди.

1925 - 1930 йилларда Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сонининг ўсиш кўрсаткичи (минг киши)

Йиллар	Шаҳар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси	Жами аҳоли
1925	955	3463	4418
1926	1012	3609	4621
1927	925	3640	4565
1928	968	3705	4673
1929	1015	3771	4786
1930	1077	3849	4926

Ушбу даврда Ўзбекистон демографик ҳолати учун ўзига хос хусусиятлардан бири қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг доимий ўсиб бориши бўлди. Истисно

сифатида 1927 йилда шаҳар аҳолисининг умумий нисбатда камайиши кузатилади. Бироқ бу аҳоли умумий сонининг ялпи миқдорига таъсир қилмади. Шаҳар аҳолисининг кўпайиши 1926 йилда бўлганидек, 1930 йилда ҳам 21,9 % ни ташкил қилди. Эътиборга лойиқ томони шундаки, ўрганилаётган даврда шаҳар аҳолиси ўз машғулоти турлари билан қишлоқ аҳолисидан кам фарқ қилган ва унинг меҳнат малакаси ҳам деярлик ўша даражада бўлган. Шаҳарлар деҳқончиликка қараганда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг кўпроқ ривожлангани билан фарқ қилган, холос. Қайд этиш керакки, Ўзбекистонда қатор-қатор шаҳарлар фақат ташқи кўринишидан эмас, балки аҳолисининг машғулоти билан ҳам катта қишлоқлардан фарқланмаган. Улар номигагина шаҳар бўлиб, аҳолисининг асосий қисми ҳам қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган.

Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари савдо ва маъмурий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлса ҳам, уларнинг саноат марказлар сифатидаги мавқеи паст эди. Республикада аҳолиси 50 мингдан ошадиган шаҳарлар 5 тагина бўлиб, Тошкентда - 321 минг, Самарқандда - 104 минг, Наманганда - 74 минг, Андижонда - 73 минг ва Қўқонда - 69 минг аҳоли яшарди. Самарқанд – Ўзбекистон пойтахти сифатида, Тошкент – Ўрта Осиё маркази сифатида катта маъмурий аҳамиятга эга бўлган шаҳарлар ҳисобланар эди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск II. Самарканд, 1926, С. 1.
2. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Ташкент: Изд-во медицинской лит-ры. 1988, С. 13 – 15.
3. Фролов С. И., Кривоногов Ю. Н. Узбекистан. Пособие по изучению экономики края. Узбекгосиздат, 1930, 46-бет
4. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Ташкент: Изд-во медицинской лит-ры. 1988. С. 134.
5. Всесоюзная перепись населения 1926 г. Т. 49. –Москва. 1927, С.97.
6. Мулладжанов И. Население Узбекской ССР. Справочник. Ташкент, 1989. С. 119.
7. Материалы по районированию Узбекистана. Вып. I. Самарканд, 1926, С. 8-9.
8. Фролов С. И., Кривоногов Ю.Н. Узбекистан. Пособие по изучению экономики края. Узбекгосиздат, 1930. С. 34 – 35.

БЎЛАЖАК ТАРИХ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ САБОҚЛАРИНИНГ ЎРНИ

Жиззах давлат педагогика институти доценти.

Ярматов Рахимбой Бахрамович

мустақил изланувчи

Гулноза Базаровна Шертайлакова

Аннотация. Ушбу мақолада бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришда замонавий билимлар билан биргаликда буюк бобокалонларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда уларнинг сабоқларини ўрганиш ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал-адаб ал-муфрад”, ҳадис, Имом Бухорий ёдгорлиги, “Таҳзийб ул-Камол”, “Китоб ал-адаб”.

Аннотация. В данной статье, наряду с современными знаниями, важно изучить жизнь и деятельность прадедов и их уроки по совершенствованию профессиональной методической подготовки будущих преподавателей истории.

Ключевые слова: “Аль-Джами ас-Саҳиҳ”, “Аль-Адаб аль-Муфрад”, ҳадис, Мемориал Имама Бухари, “Таҳзийбул Кемаль”, “Китаб ал-адаб”.

Abstract. In this article, together with modern knowledge, it is important to study the life and activities of great-grandfathers and their lessons in improving the professional methodological preparation of future history teachers.

Key words: “Al-Jame’as-sahih”, “Al-adab al-mufrad”, Hadith, Imam Bukhari Memorial, “Tahziybul Kemal”, “Kitab al-adab”.

Мустақиллик йилларида таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини замон талаблари даражасига кўтариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Мамлакатимиз таълим тизими жамиятда амалга оширилаётган янгиланишлар, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнлари билан ҳамоҳанг тарзда тараққий этиб бормоқда. Шу ўринда бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришда замонавий билимлар билан биргаликда Имом Ал-Бухорий каби буюк боболаримизнинг ҳаёт фаолияти ва унинг илмни ўрганиши ва ёдлаш қобилиятларини ўрганиш ҳам беқиёсдир.

Имом Бухорий истеъдодли, кўзга кўринган Имом эди. Манбаларга кўра, Бағдодда яшаганида кўпинча ой нури билан ижод қилган, тунлар қоронғу бўлганида шам ёруғида китоблар ёзган. Кечаси бирдан ўзига бир фикр келиб қолса, тезда шамни ёқиб, фикрини қоғозга ёзиб қўяр, кечаси давомида шамни 20 мартагача ёқиб ўчиришга тўғри келди [6].

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, билим ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратилмоқда. Юртимизда 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб эълон қилингани бунинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш жараёнида ёшларнинг ўрни ва асосий вазифаларини қуйидагича ифодалайди:

Ёшлар—халқимизнинг асосий таянчивасуянчи. Кенг кўламли ислохотларимизни самарали амалга оширишда улар ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Айнан

замонавий билим олган, илғор касб-хунарларни, инновацион технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган ўғил-қизларимиз мамлакатимизни янада тараққий эттиришда етакчи ўрин тутди [2].

Маълумки, ёшлар янгиликларни фикрлашга, янги-янги ғояларни дадил ўртага ташлаб, уларни амалга оширишга, муаммоларни ижодий ва ностандарт ёндашувлар асосида ҳал этишга мойил бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда ёш авлод вакиллари билим олиши, илм-фан, инновациялар, адабиёт, санъат ва спорт соҳасидаги истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши, уларнинг жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча шароитларни яратишга устувор аҳамият бермоқдамиз.

Имом Бухорий бобомиз тўплаган муборак ҳадислардан бирида: “Ёшлиқда ўрганилган илм тошга ўйилган нақш кабудир”, деб айтилади.

Буюк алломаларимиз ана шундай ҳикматларга амал қилиб, илм-фан соҳасида буюк кашфиётларни амалга оширганлари ва умумбашарий тафаккур ривожига беқиёс ҳисса қўшганлари тарихдан яхши маълум.

Ана шундай кутлуғ анъаналарни давом эттириб, юртимизда янги бухорийлар, хоразмийлар, фарғонийлар, берунийлар, ибн синолар, мирзо улуғбеклар, навоийларни тарбиялаб етказиш – нафақат вазифамиз, балки тарих ва келажак олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Юртимизда яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг бебаҳо илмий-маънавий меросини тадқиқ қилиш, улар қолдирган асарларни илмий-изоҳли таржима қилиб, оммалаштириш ҳамда хорижий давлатлардаги кутубхоналар, архив фондларида сақланаётган қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини тўплаб, халқимизга етказиш долзарб масалаларга айланмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов шундай деган эди: “Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислоҳ маданиятини раванқ топтиришга қўшган бетакрор ҳиссаси тўғрисида сўз юритганда, энг аввало, ҳақли равишда мусулмон оламида “муҳаддислар султони” дея улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз. Бу мўътабар зот меросининг гултожи бўлмиш энг ишончли ҳадислар тўплами – “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” китоби ислоҳ динида Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас манбаъ бўлиб, аҳли ислоҳ этиқоидига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғи ҳисобланади. Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини имон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва диёнат йўлига чорлаб келмоқда” [1].

Имом Бухорийнинг ижодий мероси ўзининг ҳажми, замонасининг диний ва ижтимоий фанларини тўла-тўқис қамраб олганлиги билан кишини ҳайратга солади.

Инсоният маданиятига беқиёс ҳисса қўшган, ер юзининг барча авлодларига маънавий озуқа берган ва хулқ-атвор ва тарбияга доир ҳадисларни ўзида мужассамлаштирган Имом Ал-Бухорий бу асар Қуръони Каримдан кейинги иккинчи диний манба сифатида эътироф этилади [10]. «Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ» китобидан сўнг «Ал-адаб Ал-Муфрат» (Назокат дурдоналари) асарини яратди, бу асар инсонни улуғлаш ҳамда ахлоқий қадриятларни камол топтиришни йўлга қўйди [4].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 14-15 апрель кунлари Самарқанд вилоятига қилган ташрифи чоғида Имом Бухорий

ёдгорлик мажмуи қошида халқаро илмий-тадқиқот марказини қуриш таклифини билдириб, шундай деган эди: “Буюк мутафаккир бобомиз, барча муҳаддислар пешвоси Имом Бухорий мангу қўним топган ушбу масканда ўзига хос маънавий-руҳий муҳит мавжуд. Мажмуага зиёратга келган одам бу марказга ҳам кириб, ўзига катта озуқа олсин, боболаримиз ҳикматларидан ўрганиб кетсин. Шунда уларнинг қалбида улуғ аждодларимиз билан фахрланиш туйғуси ривож топади, айни пайтда шундай буюк зотларнинг авлоди масъулиятини ҳис этади”.

Демак, ҳадислар мазмунан ҳар бир инсоннинг ишончини, эътиқодини мустаҳкамлайди ва шу билан бирга инсонни маънавий камолотга даъват этади. Шундай экан, ҳадислар комил инсонни шакллантиришда муҳим манба бўлиб ҳисобланади ва ундан ёшлар тарбиясида фойдаланиш шу куннинг долзарб вазифаларидан саналади [8].

Аллоҳ таоло Имом Бухорийга ўтқир заковат, кучли ёд олиш ва барча ишларни яхшилаб қилиш қобилиятини берган эди. Ушбу илоҳий неъматларнинг аломатлари у кишини кичиклик чоғлариданоқ кўзга ташлана бошлаган эди. Ўн бир ёшлик бола бўла туриб ўз устозлари Дохийийнинг хатоларини тузатишлари бунга далилдир. Отасининг дарсхонасида Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафсдан Суфённинг «Жомеъ» китобини тинглар эди. Абу Ҳафс бир ҳарфда хато қилган эди, у қайтарди. Иккинчи марта хато қилган эди, яна қайтарди. Учинчи марта хато қилган эди, яна қайтарди. У бир муддат сукут сақлаб турди-да: «Бу ким?» деди. «Ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Бардазба», дейишди. «Бунинг айтгани тўғри экан. Эслаб қолинглар! Албатта, бу бир куни Одам бўлади», деди Абу Ҳафс. «Тобақотуш Шофеъийя» ва бошқа китобларда қўйидаги матн келтирилади: «Салийм ибн Мужоҳид айтади: «Муҳаммад ибн Салом Пайкентийнинг ҳузурда эдим. Бас, у менга: «Агар аввалроқ келганингда етмиш минг ҳадисни ёд биладиган болачани кўрар эдинг», деди. Мен ортидан излаб бориб уни топдим ва: «Етмиш минг ҳадисни ёддан биламан деган сенмисан?» дедим. «Ҳа! Ундан ҳам кўп! Мен сенга саҳоба ва тобеъинлардан ҳадис келтирадиган бўлсам, албатта, уларнинг кўпининг туғилган жойлари, вафотлари ва масканларини ҳам биламан. Саҳоба ва тобеъинлардан бирор ҳадисни ривоят қиладиган бўлсам, албатта, унинг Аллоҳнинг китобидаги ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидаги аслини ҳам ёдлаган бўламан», деди у». Имом Бухорий ўн олти ёшида Ибн Муборак ва Вакийънинг китобларини ёдлаб бўлган ва аҳли раининг каломини эгаллаган эдилар. Ўн саккиз ёшидан китоб тасниф қилишни бошладилар.

Ёшлик чоғида Имом Бухорий ўз тенгдошлари ила Басра машойихлари дарсларига қатнашар ва уларни ёзиб олмас эди. Бир қанча кунлар шу тарзда ўтганидан кейин шериклари унга: «Сен биз билан бирга дарсга қатнашасан ва ёзиб олмайсан, бу қилмишининг маъноси нима?» дейишди. Ўн олти кундан сўнг уларга: «Жуда гапни кўпайтириб юбордингиз ва маҳкам туриб ҳам олдингиз. Ёзганларингизни менга ўқиб берингларчи!» деди. Улар ёзганларини чиқарган эдилар, ўн беш мингдан зиёд ҳадис чиқди. У ўшаларнинг ҳаммасини ёддан айтиб берди. Улар эса у ёддан айтган нарсадан ёзганларидаги хатоларини тўғрилаб олдилар. Сўнгра уларга қарата: «Айтингчи?! Мен дарсга беҳудадан қатнашаётган ва кунларимни зое қилаётган эканманми?!» деди. Шунда унинг олдига биров туша олмаслигини билдилар. «Таҳзийбул Камол» ва бошқа китобларда келтирилишича: Машҳур олим Исҳоқ ибн Роҳавайҳ Бухорий тасниф қилган «Тарих» китобини Хуросон

амири ҳамда катта олим Абдуллоҳ ибн Тохирнинг олдига олиб кирган ва: «Эй амир! Сенга сеҳрни кўрсатайми?!» деган. Абдуллоҳ ибн Тохир китобга назар солиб бўлганидан кейин: «Бунинг қандай тасниф қилинганига фаҳмим етмади», деган [5].

Имом ал-Бухорий ўз асарида яқинларига яхшилик қилиш, уларга раҳмдиллик қилиш ва улар билан алоқани узмаслик лозимлигини таъкидлайди. Анас ибн молик (розиаллоҳуанҳу) Расулуллоҳга айтадилар: «Обод ва фаровон бўлишни, умри узок бўлишини истаган киши ўзини қариндошлардан йироққа чиқармаслиги керак» [3].

Саҳиҳ ул Бухорийни тез ва энг кўп ўқиганлар Хатиб Бағдодий Саҳиҳул Бухорийни учта ўтиришда ўқиб чиққанлар. Ўзлари: “Икки кун тунда, охиргисини эса, эрталабдан кечқурунгача ўқидим”, - деганлар.

Имом Ҳофиз Заҳабий: “Бундан тез ўқиган инсонни эшитмадим”, - деганлар.

Ибн Ҳажардан “Сиз ҳам имом Хатиб Бағдодий каби ўқиганмисиз дейилганда”: “Йўқ, лекин мен ўн маротабада ўқиганман. Агар узлуксиз бўлганида бундан кам бўларди”, - деганлар.

«Иршодус Сарий» китобининг муаллифи имом Аҳмад ибн Абу Бакр Қасталоний бешта ўтиришда ўқиб тугатганлар.

Имом Абу Бакр ибн Атийя “Саҳиҳул Бухорий”ни 700 марта ўқиб тугатганлари ривоят қилинган [9].

Мақтов ва улуғлашлар

У кишининг мақтовида айтилган ва ёзилган гапларни тўлиқ келтиришнинг иложи йўқ бўлса керак. Биз улардан баъзиларини тақдим этиш ила кифояланамиз.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал: «Хуросон Муҳаммад ибн Исмоилга ўхшаш кишини етиштирмаган».

Яҳья ибн Жаъфар айтади: «Агар қудратим етса, Муҳаммад ибн Исмоилнинг умрини зиёда қилар эдим. Менинг ўлимим, бир кишининг ўлими бўлади. Муҳаммад ибн Исмоилнинг ўлими илмнинг кетишидир».

Ражо ибн Муражжий Ҳофиз: «Муҳаммад ибн Исмоилнинг уламолардан афзаллиги эркакларнинг аёллардан фазли кабидир», деди. «Эй Абу Муҳаммад! Бунинг барчаси бир оғиз сўз билан – а?» деди бир киши. «У Аллоҳнинг ер юзида юрган белгиларидан бир белгидир!» деди у.

Абу Амр Аҳмад ибн Наср Хаффоф айтади: «Ким Муҳаммад ибн Исмоил ҳақида бирор номаъкул нарсга айтса, мендан унга минг маънат бўлсин!»

Ҳадис илмини ўрганишлари ва ёдлаш қобилиятлари: Имом Бухорий мактабда ўн ёшлик вақтларида ҳадис ёдлашга қунт билан киришдилар. Мактабни тугатганларидан кейин, Имом Дохийий ва ундан бошқалар билан бирга юрдилар. Имом Дохийий бир куни инсонларга ҳадис ўқиб бераётиб:

“Суфён Абу Зубайрдан ривоят қилади. У Иброҳимдан ривоят қилади” дейди.

Имом Бухорий “Абу Зубайр Иброҳимдан ривоят қилмаган дейдилар. Шунда Имом Дохийий Имом Бухорийни жеркиб берадилар. Имом Бухорий бўлса, аслга қайтинг дейдилар. У зот уйига кириб, ёзиб олган нарсаларига қарайдилар. Сўнгра қайтиб чиқиб: “Эй бола бўлмаса қанақа!” - дейди. Имом Бухорий: “Зубайр ибн Адий Иброҳимдан ривоят қилган”, - дейдилар. Имом Бухорийдан қаламни олиб, китобдаги хатони тузатдилар ва Имом Бухорийга: “Тўғри айтдинг”, - дейдилар.

Имом Бухорий Дохийийга раддия берган вақтда 11 ёшда эдилар.

Сўнгра оналари ва акалари Аҳмад билан Маккага сафар қилдилар. Ҳаж

қилганларидан кейин акалари Аҳмад оналари билан Бухорога қайтдилар. Имом Бухорий ҳадис талабида у эрда қолдилар. У зот Ҳижозда олти йил яшаганлар.

Имом Бухорий ўзларининг сафарлари ҳақида шундай деганлар:

“Мен ҳадис илмини ўрганиш учун Шом, Жазира ва Мисрга икки маротаба, Басрага тўрт маротаба бордим. Ҳижозда олти йил яшадим. Куфа ва Бағдодга муҳаддислар билан неча марта қатнаганимнинг саноғи йўқ”.

16 ёшга тўлганларида ибн Муборак ва Вакеънинг китобларини ёдлаганлар. Имом Бухорий 18 ёшга тўлганларида инсонлар у кишидан ҳадис ривоят қилардилар. Ҳудди шу ёшларида саҳобалар, тобеъинлар ва уларнинг сўзлари ҳақида китоб ёзганлар.

У зотнинг устозлари: У зот 1000 га яқин устоздан ҳадис эшитганлар. Улардан машҳурлари:

Муҳаммад ибн Саллом Пойкандий (225 ҳижрий санада вафот этганлар).

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Маснадий Жўфий (239 ҳижрий санада вафот этганлар) [7].

Имом Бухорий “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” китобини 16 йил давомида тасниф этиб, унга 7500 дан ортиқ саҳиҳ ҳадисларни киритган ва уни 97 та китобга ажратганлар. Ундаги 78-китобни “Китоб ал-адаб” деб номлаган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Имом ал-Бухорийнинг илми ўрганишга қатъиятлилиги, Аллоҳ таоло унга инъом этган катта фазл ва шараф туфайли унинг номи дунёга тарқалди ва улуғ инсонлар ва устозлар мақтови ва улуғга сазовор бўлди. Шу боисдан, бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришда ҳам Имом ал-Бухорий сабоқлари ва ҳадислари муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2013. – 38-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев. “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюси. 17.08.2021.
3. Воспоминания современников о Ал Бухорий. Взято из преамбулы перевода книги имама Исмоила Ал Бухорий «Ал-одобол-муфарад» Шамсидинн Бобохонов. Смотреть: Исмоила Ал Бухорий «Ал-одобол-муфарад» (Шедевры воспитания). Автор перевода преамбулы и примечаний Шамсидинн Бобохонов, Ташкент, Узбекистан, 1990 год, 6-8 стр.
4. К.Б.Суюнова. Проблемы формирования совершенного человека в учении Имома ал-Бухорий. Инновации в технологиях и образовании. XIII Международная научно-практическая конференция. Белово, 2020. С. 273-276.
5. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. – Т.: Мовароуннахр. 2013.
6. Уватов У. Ҳадис илмининг султони // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993. 29 октябрь, № 43-44.
7. http://xitob.uz/maqolalar/maqola-2_ImomBuxoriy.html
8. <https://religions.uz/news/detail?id=501>
9. xitob.uz
10. https://www.elibrary.ru/download/elibrary_44153862_53196542.pdf

MARKAZIY OSIYO TURIZM SANOATI RIVOJLANISHIDAGI YUTUQ VA MUAMMOLAR (QOZOG‘ISTON TURIZMI VA UNING O‘ZBEKISTON BILAN HAMKORLIK ALOQALARI MISOLIDA)

Buxoro davlat universiteti
“Buxoro tarixi” kafedrası tayanch doktoranti
Murodov Halim Salimovich

Annotatsiya. *Mazkur maqolada Qozog‘istonda milliy turizm industriyasi barpo etishni va uning 1991 – 2021 yillar rivojlanishidagi yutuq va muammolari borasidagi masalalar tahlil qilingan. Markaziy Osiyo turizmining o‘zaro hamkorligi kengayishi va jadal rivojlanishida viza rejimining soddalashtirilishi, turli xil rasmiyatchiliklarning bartaraf etilishi hamda sohaviy yangiliklar va yengilliklarning bosqichma-bosqich joriy etilishining ijobiy ta’siri va natijasi statistika asosida tahlil qilingan. Ilmiy kuzatishlar natijasida soha rivoji bilan bog‘liq mulohazalar berilgan.*

Kalit so‘z: *Markaziy Osiyo, sayohat, “Silk Road Visa», ziyorat turizmi, xavfsiz turizm, KITF, YaIM.*

Аннотация: *В данной статье анализируются вопросы построения национальной индустрии туризма в Казахстане и ее достижения и проблемы в развитии 1991-2021 гг. На основе статистических данных проанализированы положительное влияние и результаты упрощения визового режима, устранения различных формальностей и постепенного внедрения отраслевых инноваций и льгот в расширении и стремительном развитии сотрудничества в Центральной Азии. По результатам научных наблюдений сделаны замечания по разработке месторождения.*

Ключевые слова: *Центральная Азия, Путешествия, Виза по Шелковому пути, Паломнический туризм, Безопасный туризм, KITF, ВВП.*

Abstract. *This article analyzes the issues of building a national tourism industry in Kazakhstan and its achievements and problems in the development of 1991-2021. On the basis of statistical data, the positive impact and results of visa facilitation, the elimination of various formalities and the gradual introduction of industry innovations and benefits in the expansion and rapid development of cooperation in Central Asia are analyzed. Based on the results of scientific observations, comments were made on the development of the field.*

Keywords: *Central Asia, Travel, Silk Road Visa, Pilgrimage Tourism, Safe Tourism, KITF, GDP.*

Turizm sohasi dunyo davlatlaridagi ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni yechishda hal qiluvchi omilga aylanib borayotgan iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlaridan biridir. Turizm rivojlanishi bilan butun dunyo davlatlari va xalqlarining siyosiy, ijtimoiy – iqtisodiy, madaniy – ma’rifiy aloqalarining kuchayishi kuzatilib, bu esa jahonda siyosiy aloqalarning kengayib, tinchlik va xavfsizlikning mustahkamlanishiga xizmat qilmoqda. Sayohat va turizm sohasining jadal rivojlanishi ta’sirida 2019-yilda dunyo bo‘ylab yaratilgan barcha yangi ish o‘rinlarining to‘rt dan bir qismini, barcha ish o‘rinlarining 10,6 foizini (334 million) va global YaIMning 10,4 foizini (9,2 trillion AQSh dollari) hamda ushbu yilda xalqaro tashrif buyuruvchilarning xarajatlari 1,7 trillion AQSh dollarini tashkil etdi (eksport umumiy hajmining 6,8 foizi, global

xizmatlar eksportining 27,4 foizi) [1;B. wttc.org.]. Ushbu yuqori ko'rsatkichlarda sayohat va turizm industriyasi jadal rivojlanayotgan Osiyo davlatlarining Xitoy, Turkiya, Hindiston, Malayziya, Birlashgan Arab Amirliklari kabi davlatlarning hissasi oshib borayotganligini JSTining statistik ma'lumotlari tasdiqlamoqda. Shu jumladan Markaziy Osiyoning O'zbekiston, Qozog'iston va Qirg'iziston davlatlarida ham turizm sanoati rivojlanish bosqichiga kirayotgani sohadagi ijobiy ko'rsatkichlarda aks etmoqda. Qozog'istonning Markaziy Osiyodagi qudratli va rivojlangan davlat darajasiga erishishida respublikaning birinchi Prezidenti Nursulton Nazrboyevning rahbarlik roli katta ahamiyat kasb etdi. Qozog'iston 1993 yildan Jahon sayyohlik tashkilotining (UNVTO) a'zosi bo'lib, mustaqil ravishda turizm sanoatini yo'lga qo'ya boshladi. Bu borada 1990 yillar o'rtalarigacha sobiq Ittifoq davridagi Inturist va Sputnik turizm tashkilotlari bu jarayonda faoliyat ko'rsatdilar. So'ngra bu tashkilotlar o'z faoliyatini to'xtatdi va Qozog'iston mustaqil ravishda milliy turizmni barpo eta boshladi. Qozog'istonning sayyohlik industriyasining rivojlanishi "shopping turlar" deb ataladigan – sobiq poytaxt Olmaotadan Turkiya, Xitoy, Birlashgan Arab Amirliklari va Pokistonga uyushtirilgan sayohatlardan boshlangan. Bir nechta sayyohlik agentliklari charter sayohatlarini tashkil qilish va aviachiptalarni sotish uchun tashkil topib, bu esa keyinchalik bunday agentliklarni ko'payishiga olib keldi. "Mavsumiy" sayyohlik kompaniyalari mahalliy sayyohlarni yozgi yo'nalishlarga, masalan, Issuk-Ko'l (Qirg'iziston) yoki Medeo (Qozog'iston) konki maydonchasi kabi qishki diqqatga sazovor joylarga olib borish uchun paydo bo'ldi [2;B.293-294.]. Qozog'iston sekinlik bilan bo'lsada viza siyosatidagi o'zgarishlarni amalga oshirib, turistlar, ishbilarmonlar va boshqa tashrif buyuruv-chilarga yengilliklar va imtiyozlarni berishni yo'lga qo'ydi. N.Nazarboyev davrida 1997-yilga kelib, Qozog'istonning iqtisodiy rivojlanish modeli shakllandi. 1997-yilda "Qozog'iston – 2030" mamlakat rivojlanishining yangi rejasi qabul qilinib, unga ko'ra - professional rivojlangan davlat yaratish maqsadi qo'yildi [3;B.https.]. 1999-yil may oyida Qozog'iston sayyohlik assotsiatsiyasi tashkil etilgan. Dastlabki poytaxt Almatida sayyohlik va turizm sanoatining infratuzilma obyektlari hamda madaniy – tarixiy yodgorliklar kabi diqqatga sazovor joylari mavjudligi bois xorijiy va mahalliy sayyohlar uchun qulay maskanga aylandi. 2010 – 2012 yillarda sayyohlik tashkilotlarining qariyb 50 foizi Almatida joylashgan va ular mamlakatdagi barcha sayyohlarning qariyb 50 foiziga xizmat ko'rsatgan. Mustaqillikning dastlabki yigirma yilida milliy turizm rivojida quyidagi qator muammolar: a) viza rejimidagi qattiq siyosat; b) sayyohlik agentliklari va mehmonxona industriyasida turizm bo'yicha maxsus ma'lumotga ega bo'lgan kadrlar yetishmasligi; s) turistik agentliklar va mehmonxonalarning aksariyati axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va jahon axborot tarmog'i (Internet) imkoniyatlaridan turizm sohasi rivoji yo'lida foydalanish darajasining pastligi; d) ilg'or texnik ko'nikmalarning yetishmasligi; e) xalqaro darajadagi gidlar va malakali mutaxassis kadrlarning muammosi; f) sayyohlarga xizmat ko'rsatuvchi transport vositalarining xalqaro talablar darajasida emasligi; g) joylashtirish vositalari hamda ularda o'rin joylarining yetishmasligi kabi bir qator muammolar bo'lishiga qaramay sayohat va turizm sohasida ijobiy tendensiya kuzatildi. 2012-yilda Qozog'iston sayyohlarning kelishi soni bo'yicha dunyoda 51-o'rinni egalladi. 2000 yilda Qozog'istonga jami 1,47 million xorijiy sayyoh, 2012 yilda esa 4,81 million xorijiy sayyoh tashrif buyurgan [4;B.https.]. Qozog'iston Respublikasi Madaniyat va sport vazirligi sayyohlik va turizm sohasidagi davlat siyosatini boshqarib kelmoqda. Qozog'iston Markaziy Osiyoda birinchi bo'lib, aholisi,

turistlar, mehmonlar hamda iqtisodiyot rivoji uchun 4G yuqori tezlikdagi mobil internet tarmog'ini 2011-yilda mamlakatning 20 ta shahrida taqdim etdi. Bu borada taqqoslaydigan bo'lsak Markaziy Osiyodagi aholisi eng ko'p bo'lgan O'zbekistonda esa 2015-yilda faqat poytaxtda, 2017-yilda esa viloyatlarda joriy etilganligini hisobga olsak, qo'shni Qozog'iston axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasida ancha ilgari ketganligini ko'ramiz [5;B.https.]. Hozirgi kunda amaldagi prezident Qosim Tokayev boshqaruvida rivojlanish yo'li qat'iy davom ettirilmoqda.

Qozog'iston Markaziy Osiyoning besh davlati orasida hozirgi kunda rivojlanishning barcha sohalarida yetakchi bo'lgan davlatdir. Sayohat va turizm sanoatining Markaziy Osiyodagi rivojlanishida albatta Qozog'istonning tutgan o'rnini va bu davlatda amalga oshirilayotgan sohaviy chora – tadbirlar nafaqat o'z hududida balki, Markaziy Osiyodagi turizm industriyasining rivojlanishiga o'z ijobiy ta'sirini o'tkazmoqda. Qozog'iston iqtisodiyotiga katta miqdordagi to'g'ridan-to'g'ri xorijiy sarmoya kiritgan mamlakatlar uchun vizasiz siyosat doirasida 30 kundan kam muddatga viza talab qilinmaydigan tartib ishlab chiqildi. Dastur 2014-yil 15-iyulda boshlanib, 10 ta davlatga bir tomonlama vizasiz kirish imkoniyatini taqdim etdi va 2015-yil iyul oyida yana 19 ta davlatga, so'ngra 2017-yil yanvar oyida 43 ta va 2019 yil sentyabrda 54 ga qadar kengaytirildi. Qozog'iston va O'zbekiston o'rtasida 30 kunlik vizasiz 2019-yil 1-yanvardan boshlab 117 mamlakat fuqarolari Qozog'iston Migratsiya xizmati tomonidan elektron viza taqdim etish yo'lga qo'yildi [6;B.https.]. Xalqaro statistik tahlillarga nazar tashlaydigan bo'lsak, qo'shni davlat Qozog'iston turizmi 2019-yilda – 8 million 515 ming turistni qabul qilib [7;B.https.], shu davrga mos ravishda ko'rsatilgan sayyohlik xizmatlarining hajmi – eksport ko'rsatkichlari 2019-yilda 2 milliard 922 million dollarni [8;B.https.]. ya'ni Markaziy Osiyodagi eng yuqori ko'rsatkichni qayd etdi. Qozog'istonning turizm sanoati rivojlanishiga quyidagi omillar o'zining ijobiy ta'sirini ko'rsatdi:

1. Qozog'istonga chet ellik sayyohlarni jalb qilish bo'yicha olib borilgan chora-tadbirlardan biri davlatning katta e'tibori tufayli siyosiy, iqtisodiy, ta'lim bo'yicha xalqaro miqyosdagi sammitlar, forumlar, konferensiyalari davlatning tezroq tanilishiga, katta sanoat qurilishlari va juda ko'p iqtisodiy imkoniyatlar tufayli jahonning yetakchi tadbirkorlari, kompaniyalarining juda muhim biznes markaziga aylanishiga olib keldi.

2. Jahon standartlariga javob beradigan mehmonxonalar va boshqa joylashtirish vositalarining jadal ravishda barpo etilganligi ya'ni 2014-yilda ularning soni 2056 tani bo'lsa, 2018-yilga kelib mehmonxonalar va boshqa joylashtirish vositalarining soni 3322 taga ko'payib, turistlar va sayohatchilar uchun joy muammosini hal etish uchun ijobiy ahamiyat kasb etganligi [9;B.https.].

3. Milliy va turli xalqlar (Yevropa, Osiyo oshxonalar kabi) tamaddi- xonalarining tashkil etilganligi hamda sifat darajasining yuqoriligi;

4. Aviakompaniyalar va aviareyslar soning ko'pligi, raqobat muhiti mavjudligi, xorijiy aviakompaniyalarning Qozog'iston shaharlariga tranzit qatnovlarining ko'pligi hamda juda mashhur yo'nalishlarning o'rtacha bilet narxlari Qozog'istonliklar va chet elliklar uchun ham qoniqarli ekanligi;

5. Mamlakat bo'ylab xalqaro va mahalliy avtomobil yo'llarining sifati talab darajasida ekanligi, turistlarga xizmat qiladigan va shahar turizmi uchun qulay bo'lgan zamonaviy avtobuslar bilan ta'minlanganligi.

6. Qozog'iston sayyohlik va turizm sohasini rivojlantirishda xalqaro sayyohlik tashkiloti YuNVTO bilan faol aloqalar o'rnatib, xalqaro turistik tadbirlarni tashkil etish orqali milliy turizmni jadal rivojlanishiga ko'maklashdi. KITF Qozog'iston xalqaro

ko'rgazmasi 2001-yildan buyon o'tkazib kelinmoqda [10;B.16-21.]. Ekspozitsiya Markaziy Osiyodagi eng yirik professional sayyohlik platformasi va mamlakatning turizm sohasidagi asosiy tadbiri hisoblanadi.

7. Mamlakatda sayyohlik va turizm sohasini rivojlantirishga xizmat qiladigan huquqiy asoslar barpo etilishi, qarorlar va sohani rivojlantirish bo'yicha konsepsiyalarning qabul qilinishi hamda ushbu chora –tadbirlar tizimli ravishda amaliyotga joriy etilishi kabilar milliy turizmga o'sish ko'rsatkichlari yaqqol namoyon bo'lishiga turtki berdi. Ular orasida Qozog'iston Respublikasi turizm sohasini rivojlantirishning 2019-2025 yillarga mo'ljallangan Davlat dasturi (Qozog'iston Respublikasi Hukumatining 2019-yil 31-maydagi 360-sonli qarori bilan tasdiqlangan) katta ahamiyat kasb etmoqda [11;B.https.].

Qozog'istonda turizm industriyasi sohasida amalga oshirilgan keng miqyosdagi maqsadli tadbirlar rejalarining bajarilishi o'zining mahsulini ko'rsatdi. Tahlilni Markaziy Osiyodagi qo'shi davlat turizmi rivojlanishi bilan O'zbekiston turizmi holatini taqqoslaydigan bo'lsak, yanada aniqroq xulosaga ega bo'lamiz. O'zbekistonga xalqaro turizmdan tashrif buyurganlar 2000-yilda – 302.000 kishini, 2013-yilda – 1,969000 kishi, 2019-yilda - 6,749 ming turistni qabul qilib [12;B.https.], aynan shu yillarga mos ravishda ko'rsatilgan sayyohlik xizmatlarining hajmi – eksport ko'rsatkichlari 2000-yilda - 63 million dollar, 2014 yilda – 660 million dollar, 2019-yilda – 1 milliard 679 million dollarni tashkil etdi [13;B.https.]. Markaziy Osiyodagi eng rivojlangan qardosh davlat Qozog'iston turizmi esa 2000-yilda – 1 million 683 kishini, 2013-yilda – 6 million 841 ming kishini, 2019-yilda – 8 million 515 ming turistni qabul qildi [14;B.https.]. Jumladan Qozog'istonda shu davrga mos ravishda ko'rsatilgan sayyohlik xizmatlarining hajmi – eksport ko'rsatkichlari 2000-yilda – 403 million dollar, 2013-yilda – 2 milliard 365 million dollar, 2019-yilda 2 milliard 922 million dollarni [15;B.https.] tashkil etib, Markaziy Osiyoda eng yuqori ko'rsatkichni qayd etdi. Sayohat va turizm industriyasi hamda unga yondosh tarmoqlarning rivojlanishi omili Qozog'istonning siyosiy nufuzining ko'tarilishiga ijtimoiy – iqtisodiy jihatdan yuksalib, sohada yangi xizmat turlarining vujudga kelishiga, yangi ish o'rinlarining ko'payishiga, xalq farovonligining oshishiga xizmat qilmoqda. Qozog'istonda sayohat va turizmning jadal rivojlanishi birinchidan 2019-yilda mamlakat YaIMidagi hissasi 5,2 % ni tashkil etganligi, ikkinchidan mamlakatda 2019-yilda sayohat va turizm sohasida yaratilgan ish o'rinlarining umumiy bandlikka qo'shgan hissasi 443,2 ming kishini ya'ni 5,1% ni, uchinchidan turistlarga ko'rsatiladigan eksport xizmati 2,832 million dollarni ya'ni umumiy eksportning 4,4% tashkil etishiga asosiy faktor bo'ldi [16;B. https.]. Yuqoridagi omil tufayli mamlakatda turizmni rivojlantirishning eng muhim parametrlari kiruvchi hamda chiquvchi turizm ko'rsatkichlari ekanligi va bu boradagi ijobiy o'sish dinamikasi 2017-yil Qozog'iston sayyohlik sanoati uchun muvaffaqiyatli yil bo'lib, kiruvchi turizm ko'rsatkichlari 18,3 foizga (7,7 million kishiga), ichki - 20,2 foizga (5,56 milliongacha) oshganini (Bunda "Universiada" va "EXPO – 2017" xalqaro tadbirlarining ahamiyati katta bo'ldi) hisobga olsak Markaziy Osiya mintaqasi uchun eng yuqori natija hisoblanadi [17;B.https.]. Bu davrga kelib, Qozog'iston va O'zbekiston o'rtasida siyosiy-iqtisodiy, ijtimoiy-madaniy aloqalar jadal rivojlanish bosqichiga ko'tarilib, bu birinchi navbatda sayohat va turizm borasidagi yangi mustahkam hamkorlik aloqalarining kengayishiga turtki berdi. 2018-yilda qo'shma Silk Visa rejasi Qozog'iston va O'zbekiston uchun juda katta imkoniyatlar eshigini ochishi kutilmoqda. Bu g'oya ilk bor 2018-yilning iyun oyida Qozog'iston senat

a'zosi Darig'a Nazarboyeva tomonidan ilgari surilib, "Turistlar Markaziy Osiyoga klish uchun uzoq masofalarni bosib o'tganlarida, bir safar davomida hamma narsani ko'rishni xohlashadi, shuning uchun biz bitta umumiy vizani yaratishimiz kerak. Bu bizning Osiyo Shengenimiz bo'lishi mumkin» [18;B.https.], dedi u Yevropa Shengen hududiga ishora qilib. Yangi 2022-yilda amalga oshirilishi kutilayotgan Silk Visa rejasi Markaziy Osiyo mintaqasida turizmni rivojlantirish orqali jadal iqtisodiy o'sishining omili bo'lgan Yevropa Ittifoqi, Xitoy, Turkiya, Hindiston kabi ko'plab rivojlangan davlatlar bilan hamkorlik aloqalarining kengayishiga xizmat qiladi.

Umuman dunyoda jumladan Markaziy Osiy davlatlarida ham mavjud tabiiy resurslardan keladigan daromadlarning kamayishi kuzatilmoqda. Bu jarayonida hukumatlar mamlakatga ko'proq valyuta oqimini olib kelishi jahonda isbotlangan turizm industriyasiga kelajakdagi iqtisodiy o'sishning lokomotivi sifatida e'tibor bermoqdalar. O'zbekistonda turizm rivojlanishining darajasini, muammolarini va hatto ularga ijobiy yechimlar muhokamasida albatta chegaradosh hamkor davlatlar turizm industriyasi rivojlanishi, uning samaradorlik omillari, xalqaro sohaviy tashkilotdagi ishtiroki, hamkorlikning ishga solinmagan jihatlariga e'tibor berish hamda tahliliy o'rganish orqali keng miqyosda xulosalar chiqarib, istiqbolli chora – tadbirlarni belgilash juda muhimdir. Jumladan, 2018-yilning 16-17 mart kunlari Qozog'istonda o'tkazilgan O'zbek – Qozoq biznes forumida "Ark travel" turistik firmasi, 2018-yilning 25-27 aprel kunlari Qozog'istonda bo'lgan "KITF" xalqaro turistik ko'rgazmasida "Authentik travel" va "Bahshanda sakura" turistik tashkilotlari qatnashib, O'zbekistonning asosiy turistik markazi bo'lgan Qadimiy Buxoroning salohiyatini namoyish etishdi [19;B.https.]. 2019-yilda Toshkent – Almati – Nur-Sulton yo'nalishida temir yo'l ochildi, Toshkentdan Nur-Sultongacha to'g'ridan-to'g'ri 8 ta avtobus yo'nalishi qatnamoqda. Qozog'iston va O'zbekiston iqtisodiyotlari bir-birini to'ldiruvchidir va birgalikdagi sayi-harakatlar bilan Markaziy Osiyo hududida qudratli iqtisodiy maydon yaratmoqdalar [20;B.https.]. Qozog'istonning Turkiston viloyatining investitsion va turistik salohiyatini hisobga olib, O'zbekistonning Toshkent va Samarqand viloyatlarining o'zaro hamkorlik aloqalarini yanda rivojlantirish uchun bir qancha loyihalar amalga oshirildi. 2018-yil 10-dekabrda Toshkent va Turkiston shaharlari o'rtasida hamda 2019-yil 14-aprel kuni Turkiston - Samarqand xalqaro avtobus qatnovi yo'lga qo'yildi [21;B.https.]. Qozog'istonning Turkiston viloyati va O'zbekiston o'rtasidagi tovar aylanmasi 2018-yilning yanvar – noyabr oylari mobaynida 447 million dollarni tashkil etdi, 2017-yilga nisbatan 27,7 foizga ko'paydi [22;B.https.]. O'zbekiston va Qozog'iston o'rtasida ikki tomonlama hamkorlik bo'yicha hukumatlararo komissiyasining 2019-yil iyundagi 18-yig'ilishi davomida Toshkent-Turkiston tezyurar temir yo'lini qurish haqidagi memorandumning imzolanishi aloqalarning yangi bosqichga ko'tarilganligidan dalolatdir.

Pandemiya jahon turizmiga bo'lgani kabi Qozog'iston turizm industriyasiga ham qattiq zarba berib, oqibatda 2020-yil mart oyida Qozog'istonda favqulodda holat e'lon qilindi. Davlat reestriga 2020-yil boshida 1484 turoperator va 4385 turagent kiritilgan bo'lib, bu turistik tashkilotlarning asosiy qismi o'z faoliyatini to'xtatdi. Pandemiya sharoitida hukumat turizm industriyasini kengaytirishda davom etib, xususiyl investor bilan birgalikda katta loyihani 2020-yil iyul oyi boshida Kaspiy dengizi sohilida Markaziy Osiyodagi eng yirik 5 yulduzli "Rixos" kurort mehmonxonasini ishga tushirishga muvaffaq bo'ldi. Ko'pgina sayyohlik kompaniyalari mehmonxona bilan turistik vaucherlarni amalga oshirish bo'yicha hamkorlik qilish orqali o'zlarining moliyaviy ahvolini yaxshilashga muvaffaq bo'lishdi. Birgina avgust oyida mehmonxonada 20

mingga yaqin kishi dam olgan bo'lsa, yil yakuniga ko'ra bu ko'rsatkich 75 mingdan ortiq kishiga yetdi [23;B.https.]. Pandemiya davom etayotgan bir paytda karantin qoidalariga amal qilgan holda Markaziy Osiyodagi asosiy hamkor davlat O'zbekiston bilan aloqalar yanada kuchaytirildi. 2021-yildan 8 martdan Qozog'istonning «SCAT» aviakompaniyasi Aqtau–Urganch–Aqtau yo'nalishida, 2021 yil o'rtalarida “Air Astana” aviakompaniyasi esa Turkiston — Toshkent — Turkiston va Olmaota — Samarqand — Olmaota yo'nalishlarida O'zbekiston Respublikasiga muntazam aviaqatnovlarni amalga oshirish uchun ruxsatnoma berildi [24;B.https.]. Ushbu belgilangan amaliy chora – tadbirlar ikki davlat o'rtasidagi sayyohlar oqimining o'sishiga ijobiy ta'sir qilmoqda. Chet elga ketgan O'zbekiston Respublikasi fuqarolarining asosiy qismi MDH davlatlaridan Qozog'iston Respublikasiga 51,6 % (7139,8 ming kishi) tashrif buyurganini hisobga olsak, ikki tomonlama aloqalarning juda muhim ekanligi ma'lum bo'ladi [25;B.https.]. Markaziy Osiyoda turizm sohasini yanada rivojlantirish va uning xavfsizligin ta'minlashda ziyorat turizmining hali ishga solinmagan imkoniyatlari katta bo'lib, bu borada Buxoro, Samarqand va Turkiston kabi ziyorat turizmi markazlarini keng targ'ib qilish hamda Markaziy Osiyoning qo'shni mintaqalari va Janubiy-Sharqiy Osiyo davlatlari bilan ziyorat turizmi bo'yicha hamkorlik aloqalarini rivojlantirish soha kelajagi uchun juda muhimdir. Shuningdek maqsadli turistik yarmarkalar, festivallar va tadbirlarni o'tkazish hisobiga ushbu Buxoro, Samarqand va Turkiston kabi brendlarni targ'ib etish orqali sayyohlar keladigan davlatlar geografiasini kengayishiga hamda ziyoratchilar sonining o'sishiga erishish mumkin.

Xulosa qiladigan bo'lsak, Markaziy Osiyoda sayyohlik oqimining kengayishiga, mintaqaviy va milliy turizmning barqaror rivojlanishiga tinchlik, stabil epidemiologik holat, davlatlararo siyosiy, iqtisodiy, madaniy hamda savdo sohasidagi hamkorlik aloqalarining barqaror holati asosiy omil bo'lib xizmat qiladi. Qozog'iston va O'zbekiston turizmi sohasidagi yangicha jadal rivojlanishning asosiy omili **birinchidan**, soha va undagi subyektlarning davlat tomonidan qo'llab – quvvatlanishi, **ikkinchidan**, 2017-yildan boshlab, Markaziy Osiyoda o'zaro ishonchli va konstruktiv ruhdagi hamkorlik aloqalarining yangi bosqichga ko'tarilishi, **uchinchidan esa**, ushbu davlatlarda jamiyatni rivojlantirishning samarali strategiyalari ishlab chiqilib, muvaffaqiyatli amalga oshirilishida bo'ldi. Qozog'iston va O'zbekiston tashabbusi bilan ilgari surilayotgan siyosiy – iqtisodiy ahamiyati katta bo'lgan Silk Visa loyihasi amalga ohsa, nafaqat ikki davlat balki, Markaziy Osiyoda turizmning rivojlanishiga yangi imkoniyatlar ochish bilan birga butunjahon turizmiga integratsiyalashuv jarayonini kengaytirishga ham imkon beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. <https://wtcc.org/Research/Economic-Impact>(data obrasheniya 19.12. 2021)
2. Mahmood A. Khan, Tourism in Central Asia. TORONTO. NEW JERSEY. Apple Academic Press 2015. P-293-294
3. <https://news.rambler.ru/cis/41897134> (data obrasheniya 19.12. 2021)
4. <http://mecometer.com/whats/kazakhstan/international-tourism-number-of-arrivals/> (data obrasheniya 11.12. 2021)
5. <https://kun.uz/uz/news/2017/08/02/beelinening-4g-tarmogi-uzbekistonning-11-sarida-isga-tusirildi> (data obrasheniya 10.11. 2021)
6. https://uz.hrvwiki.net/wiki/Visa_policy_of_Kazakhstan#cite_note-tim-1 (data obrasheniya 10.11. 2021)

7. <https://data.worldbank.org/indicator/ST.INT.ARVL?locations=KZ> (data obrasheniya 10.11. 2021)
8. <https://data.worldbank.org/indicator/ST.INT.RCPT.CD?locations=KZ> (data obrasheniya 10.11. 2021)
9. Мамраева Д.Г. Ташенова Л.В. Современное состояние туризма в Казахстане: ключевые тренды. «ВЕКТОР ЭКОНОМИКИ» №10.2019. <http://www.vectoreconomy.ru>.
10. Mahmood A. Khan. TOURISM IN CENTRAL ASIA. TORONTO, NEW JERSEY. ©2015 by Apple Academic Press, Inc. P-16-21.
11. Мамраева Д.Г. Ташенова Л.В. Современное состояние туризма в Казахстане: ключевые тренды. «ВЕКТОР ЭКОНОМИКИ» №10.2019. <http://www.vectoreconomy.ru>.
12. <https://data.worldbank.org/indicator/ST.INT.ARVL?locations=UZ> (data obrasheniya 10.11. 2021)
13. <https://data.worldbank.org/indicator/ST.INT.RCPT.CD?locations=UZ> (data obrasheniya 10.01. 2022)
14. <https://data.worldbank.org/indicator/ST.INT.ARVL?locations=KZ> (data obrasheniya 11.01. 2022)
15. <https://data.worldbank.org/indicator/ST.INT.RCPT.CD?locations=KZ> (data obrasheniya 11.01. 2022)
16. <https://wtcc.org/Research/Economic-Impact> (data obrasheniya 11.01. 2022)
17. <https://365info.kz/2018/04/> (data obrasheniya 11.01. 2022)
18. <https://asia.nikkei.com/Politics/International-relations/Joint-visa-plan-opens-doors-for-Kazakhstan-and-Uzbekistan> (data obrasheniya 16.12. 2021)
19. Buxoro viloyati turizmni rivojlantirish departamenti joriy arxivi. Buxoro viloyati turizmni rivojlantirish departamentida 2017-2019 yillarda amalga oshirilgan ishlar to'g'risida ma'lumotnoma.
20. <https://xs.uz/uz/post/ozbekiston-va-qozogistonning-oltin-kvadrati-u-nima-degani> (data obrasheniya 17.12. 2021)
21. <https://uztag.info/ru/news/mezhdunarodnyy-avtobusnyy-reys-svyazal-samar-kand-i-turkestan> (data obrasheniya 16.12. 2021)
22. <https://regnum.ru/news/2536906.html> (data obrasheniya 17.12. 2021)
23. <https://newtimes.kz/ekonomika/123318-kak-pandemiia-povliiala-na-turisticheskuiu-otrasl-v-kazakhstane> (data obrasheniya 14.12. 2021)
24. https://t.me/Mintrans_uz/5884 (data obrasheniya 10.01. 2022)
25. <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/5309> (data obrasheniya 17.12. 2021)

ИЛК ЎРТА АСРЛАР ВИЗАНТИЯ МАНБАЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

*Қарши ДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси
Тураев Шухрат Раҳманович*

Аннотация. *Мазкур мақолада Ўрта Осиё халқларининг илк ўрта асрлар даври тарихига оид ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти, ушбу даврда Марказий Осиё ҳудудларида саёҳат қилган византиялик сайёҳларнинг тўплаган маълумотларига таяниб ўз асарларида мазкур минтақа ҳақида маълумот келтирган Византия тарихчиларининг асарлари таҳлил этилган.*

Калит сўзлар: *Ўрта Осиё, ижтимоий-иқтисодий, Византия манбалари, “Рум”, хоқон, илк ўрта асрлар, “Хоалитлар ўлкаси”, Шарқий Европа, зардўштийлик, несторианлар ва монофизитлар.*

Аннотация. *В данной статье анализируется социально-экономическая и культурная жизнь народов Средней Азии в раннем Средневековье трудов византийских историков на основе данных, собранных византийскими путешественниками, путешествовавшими по Средней Азии в этот период.*

Ключевые слова: *Средняя Азия, социально-экономические, византийские источники, «Рум», каганат, раннее средневековье, «земля Хаалитов», Восточная Европа, зороастризм, несториане и монофизиты.*

Abstract. *This article analyzes the socio-economic and cultural life of the peoples of Central Asia in the early Middle Ages of the works of Byzantine historians on the basis of data collected by Byzantine travelers who traveled in Central Asia during this period.*

Keywords: *Central Asia, socio-economic, Byzantine sources, «Romano», Khaganate, early middle ages, «land of the Khaalites», Eastern Europe, Zoroastrianism, nestorians and monophysites.*

Ўрта Осиё халқларининг илк ўрта асрлар даври тарихини ёритишда хитой, суғдий, араб, форс, қадимги турк, сурёний, арман, паҳлавий ва бошқа тиллардаги ёзма манбалар билан бир қаторда юнон (грек) тилида яратилган Византия манбалари ҳам муҳим ҳисобланади. Чунончи, арман, сурёний, хинд тилидаги ёзма манбалардан фарқли ҳолда Византия манбалари кимлардан нақл қилинган хабарлар асосида эмас, кўпроқ элчи ва сайёҳлар гувоҳ бўлган воқеликлар асосида ёзилганлиги билан Ўрта Осиё халқларининг илк ўрта асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритишда алоҳида аҳамиятга эга.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, 560-630 йиллар орасида Земарх, Андрей каби византиялик элчилар Византия императорларининг хоқонлик билан иттифоқчиликда Сосонийлар Эронига қарши кураши борасидаги таклифларини етказишган бўлиб, уларни қабул қилган турк хоқонлари Муған (553-572), Истами ябғу (552-576), Тарду хоқон (576-583; 600-603) ёки Тун ябғу-хоқон (628-630) ҳақидаги маълумотлар Хитой ва Византия манбаларида учраб[1], ўзаро бир-бирини тўлдиради. Турк хоқонлиги тарихини ёритувчи қадимги туркий Ўрхун битиктошларида бу алоқаларга доир қисқа маълумотлар акс этган бўлиб, унда Пурум (Византия)дан келган элчилар ҳақида гап боради [2]. Бундан кўрина-

дики, илк ўрта асрларда византияликлар Ўрта Осиёни яхши билганидек, ўрта осиеликлар ҳам Византияни яқиндан ўрганишган. Буни Византиянинг ўша даврлардаги этносиёсий номларидан бири бўлмиш “Рум” атамасининг қадимги турк тилида “Пурум” тарзида ишлатилгани ҳам тасдиқлайди.

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, византиялик муаллифлар томонидан қайд этилган маълумотлар, асосан, Ўрта Осиёда кечган сиёсий воқеликларга тегишли бўлиб, айрим ҳоллардагина уларда минтақа халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволига тўхталиб ўтилгани кўзга ташланади. Шу билан бирга, Византия манбаларининг кўпчилигида қисман Эфталийлар давлати (420-565), асосан Турк хоқонлиги (562-744) доирасида юз берган сиёсий жараёнлар ўз аксини топган. Хусусан, хоқонлик тарихини, айниқса, унинг дипломатик алоқалари тарихини ёритишда Византия манбаларининг алоҳида ўрни бор[3]. Византия ҳам хоқонлик ташкил топишининг илк йилларидаёқ хоқонликнинг иттифоқчисига айланган ҳамда узоқ йиллар давомида у билан дипломатик муносабатлар олиб борган давлатдир. Айниқса, 568–626 йилларда, яъни қарийб эллик йил давомида византиялик элчиларнинг тўғридан-тўғри Еттисувга – Ғарбий Турк хоқонлиги ҳудудига ташриф буюриб, хоқонлар билан учрашганликлари византиялик муаллифларнинг хоқонликда юз бераётган воқеалар билан, унинг ижтимоийсиёсий ва маданий ҳаётига оид маълумотлар билан бевосита танишиш имкониятини берган. Хусусан, Менандр (VI аср охирлари), Феофан (VII аср бошлари), Феофиликат Симокатта (VII аср биринчи ярми) каби византиялик тарихчилар ўз асарларида хоқонликка доир маълумотларни келтирар эканлар, ушбу элчилар берган хабарлардан фойдаланиб, реал воқеликларни ўз асарларида акс эттиришган[4].

Бу муаллифларнинг баъзилари Феофиликат Симокатта, Феофан, Никифор (VIII–IX) нафақат Византиянинг ҳудуди ва атрофларидаги, балки ундан анча узоқдаги Ўрта Осиё халқларининг аҳволидан ҳам у ёки бу даражада хабардор бўлганлар. Бундан кўринадики, византиялик тарихчилар ўрта асрларда ҳам Ўрта Осиё ва унинг атрофларига эътибор қаратишган. Бироқ, бу давлатлардаги хабарлар антик давр муаллифларидаги каби муфассал ва аниқ бўлмаган.

Византия-юнон муаллифлари аксарият ҳолларда Шарқ халқлари ва қабилалари таркибини яхши билмаганлар ва кўпинча бу халқларга нисбатан қадимги иборалардан фойдаланиб, “массагетлар”, “скифлар”, “суғдийлар”, “уннлар” (хунлар) деган номларни қўллаганлар[5], ҳолбуки, кўп ҳолларда гап у ёки бу туркий қабилалар ҳақида борганлиги кўплаб маълумотлар мазмунидан яққол сезилиб туради.

Византиялик тарихчилар, масалан, Прокопий (VI аср), “улар (яъни эфталийлар) хунлардандир, таналари (эса) оқдир” деб ёзган[6]. Оқ хун, яъни эфталийлар ҳақида маълумотлар ҳинд манбаларида ҳам учрайди[7].

Византиялик тарихчилар орасида Аммиан Марцеллин, Приск Панийский, Прокопий, Агафий ва Феофилакт Симокатта ўз асарларида Эроннинг шимоли-шарқий чегараларидаги эфталийлар тўғрисида ёзиб, уларни хионийлар ва кидарийлар билан тенглаштирганлар. Хионийлар ва кидаритлар ҳам хун элатлари тоифасидан бўлиб, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида ўз сулолаларига асос солишдан олдин Тяньшан ва Олтой тоғлари оралиғида яшаганлар ва уларнинг иқтисодий ҳаётида кўчманчи анъаналар устунлик қилган.

Византия манбаларида 568 йилда Византияга борган хоқонлик элчилари томонидан берилган маълумотларда Эфталийларнинг батамом тор-мор

килингани ва унинг қўл остидаги ҳудудлар уларнинг (хоқонликнинг) қарамоғига ўтгани таъкидлаб ўтилади[8]. Шунингдек, ушбу манбаларда Византия элчилари 560 – йилларнинг охирида 570 – йиллар мобайнида Турк хоқонлигига ташриф буюриб, қайтиб кетишга бериб берилган вассал ҳукмдорликларнинг ҳам Византияга элчи юборишга изн сўраб хоқонликка мурожаат қилиши қисқача баён этилиб, турк хоқони мавжуд вассал (ҳукмдорликлар)дан фақат Хоалит ёки Хвалисликларга элчи юбориш учун рухсат бергани таъкидланади[9], бир қатор тадқиқотчилар ушбу атама остида Ўрта Осиёдаги айнан қайси халқ ёки ҳукмдорлик тушунилгани борасида бир қарорга келишмаган. Византиялик элчи Земарх (VI аср) ёзиб қолдирган маълумотларга суянган П.И.Лерх ва Н.И.Веселовскийлар эфталитларга туб негизи ўрта осийлик (хоразмлик) элат деб қарайдилар. Уларга кўра, мазкур элчи тилга олган “Хоалитлар ўлкаси”ни Хоразм билан тенглаштириб, ўрта асрлардаги Кердер шахрини Кидар давлати билан боғлаб, шу негизда уларни эфталитларга олиб бориб тақаса бўлади[10] деган хулосага келадилар.

Минтақанинг шимол ва шимоли-шарқий қисми – Сирдарё дарёсидан шарқдаги элатлар эса кўпроқ кўчманчи аҳоли сифатида тилга олинса-да, византиялик муаллифлар туркларнинг Талас (Тароз) ва унинг атрофида шаҳарлари борлиги, бундан ташқари, Амударё – Сирдарё оралиғидаги ҳудудларда туркийлар ҳукмрон табақа эканлигидан ҳам хабардор бўлишган[11]ини қайд этиб ўтишади. Шу ўринда византиялик тарихчи Феофилакт Симокатта (VII аср) қайд этган қуйидаги маълумотлар диққатни тортади:

“Бу тоғ (Олтой ёки Тяньшан –Ш.Т.) жойлашши бўйича шарққа қараган, унинг маҳаллий аҳоли томонидан “олтин” деб аталишининг сабаби шуки, унда мевалар мўл: ундан ташқари у ёввойи ҳайвонларга ва йилқига бойдир. Туркларда мавжуд бир қонунга кўра, Олтинтоғ бош хоқоннинг ихтиёрига бериб қўйилган. Турк халқи иккита муҳим нарса билан фахрланади: улар айтадиларки, жуда қадим замонлардан, уларнинг ҳаёти бошланганидан бери, улар ҳеч қачон ўз ерларида вабони кўрмаганлар ва уларнинг мамлакатидан зилзила жуда кам бўлган. Фақат бир вақтлар ўн-ўғурлар томонидан барпо қилинган Бакаф (шаҳри) зилзилада вайрон бўлган, Сўғдиёна эса вабони ҳам, зилзилани ҳам бошидан кечирган...” [12].

Ушбу маълумотга таянганда, қадимги турклар иқтисодий ҳаётида от ва чорва моллари (буқа, майда моллар)дан фойдаланиш устувор бўлиши билан бирга мевачева истеъмол қилиш ҳам муҳим ўрин тутганлиги англашилади. Айниқса, тоғ ва тоғолди ҳудудларининг меваларга мўллиги ва бундай жойлар турклар томонидан эъзозланиши византиялик элчиларнинг диққатини тортган.

Феофилакт Симокаттадан келтирилган яна бир парчада: “Турклар оловни ҳамма нарсадан ҳам юқори кўядилар, сув ва ҳавони улуглайдилар, ерга мадҳиялар куйлайдилар ва биргина осмон ва ернинг яратувчисига ибодат қилиб, уни “тангри” деб атайдилар. Улар унга отларни, буқаларни ва майда ҳайвонларни қурбонликка келтирадилар ва ўзларига, уларнинг фикрича, келажак ҳақида башорат келтирувчиларни қоҳин қилиб тайинлайдилар” [13] маълумотидан эса илк ўрта асрларда Ўрта Осиё халқларида, хусусан, туркийларда Тангричилик эътиқоди кенг тарқалгани, бош илоҳ “тангри” деб аталгани, олов, сув, ҳаво, ер (замин) муқаддас деб билингани ва уларга атаб қурбонликлар келтирилгани, шунингдек, бундай маросимларни бажаришда махсус диний раҳнамо “қоҳин” – шаман жамоага бошчилик қилганини кўрсатади. Шу билан бирга, қадимги турклар минтақада етакчи диний тизимларидан бири бўлган зардуштийликдан ҳам яхши хабардор бўлишганини ушбу маълумотлар кўрсатиб турибди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Византия манбаларида минтақага алоқадор равишда “Туркия” деган топоним учраб, бу ном билан Феофан ва илк ўрта асрлардаги юнонлар Турк хоқонлиги ва туркий қабилалар яшайдиган ерларни, яъни Ўрта Осиёни атаганлар. Демак, VI-VIII асрларда Ўрта Осиё учун Туркия деган атама қўллаган бўлиб, бу атама форсча “Туркистон” сўзининг юнончалаштирилгани тахмин қилинади[14].

Хуллас, ўз асарларини юнон (герк) тилида ёзган византиялик тарихчи ва йилномачилар Ўрта Осиё халқларининг турмуш тарзи, хўжалиги, маданий-маиший ҳаётига бирмунча тўхталган бўлиб, асосий диққат-эътибор минтақада кечган сиёсий жараёнларни ёритишга қаратилган. Византия манбаларидаги маълумотлар мазмунидан илк ўрта асрларда минтақа халқларининг катта қисмини асосан туркийлар, бир қисмини эса суғдийлар ташкил этганлиги маълум бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Moravcsik G. Byzantinoturcica. II. – Berlin, 1958. – 376 s.; Чичуров И. С. Византийские исторические сочинения: «Хронография» Феофана, «Бревиарий» Никифора. Тексты, перевод, комментарий. – М.: Наука, 1980. – С. 215.; Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – Том I. – М. - Л.: Изд. АН СССР, 1950. – С. 279-284.
2. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Т., 1982. – Б. 103.
3. Moravcsik G. Byzantinoturcica. II. – Berlin, 1958; Чичуров И. С. Византийские исторические сочинения: «Хронография» Феофана, «Бревиарий» Никифора. Тексты, перевод, комментарий. – М.: Наука, 1980.
4. Феофилакт Симокатта. История // Великая степь в античных и византийских источниках. Сборник материалов. Сост. и ред. А. Н. Гаркавца. – Алматы: Баур, 2005. – С. 583–639; Чичуров И. С. Византийские исторические сочинения: «Хронография» Феофана, «Бревиарий» Никифора. Тексты, перевод, комментарий. – М.: Наука, 1980.
5. Прокопий Кесариялик. “Готлар билан уруш”дан. Рус тилидан А. Аҳмедов таржимаси // Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд, 1-китоб. V-XI асрлар. Масъул муҳаррирлар А. Аҳмедов, О. Бўриев; ЎЗР ФА ШИ. – Т., Фан, 2014. – Б. 6-8.
6. Пигулевская Н. В. Сирийские источники по истории народов СССР. – М Л.: Изд-во АН СССР, 1941. – С. 50.
7. Biswas A. The political history of the Huns in India.– New Delhi, 1973. – P. 27, 49, 67, 133.
8. Феофилакт Симокатта. История // Великая степь в античных и византийских источниках. Сборник материалов. Сост. и ред. А. Н. Гаркавца. – Алматы: Баур, 2005. – С. 624.; Комар А. Наследие тюркских каганатов в Восточной Европе // Мәдени мұра Культурное наследие. – Астана, 2009. – № 1. – С. 100-102. – С. 100-101.
9. Шювен. П. О Византийских посольствах к первым тюркским правителям Согда (Проблемы ономастики и топонимики) // Общественные науки Узбекистана. – Ташкент, 1995. – № 1–3. – С. 33–38.
10. Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş. Çev. O. Karatay. – Ankara: KaraM, 2002. – S. 64-65.

11. Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. – Т., 2018. – Б. 308-309.
12. Феофилакт Симокатта. “Тарих”дан. Рус тилидан А. Аҳмедов таржимаси / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд, 1-китоб. V-XI асрлар. Масъул муҳаррирлар А. Аҳмедов, О. Бўриев; ЎзР ФА ШИ. – Т., Фан, 2014. – Б. 12-13.
13. Феофилакт Симокатта. “Тарих”дан... – Б. 12-13.
14. Феофан Тавбаков ва унинг “Хронография” асаридан. Рус тилидан А. Аҳмедов таржимаси ... Б. 17.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти докторанти
Усманов Фарҳод Абдираимович*

Аннотация. Ушбу мақолада иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон ҳудудидаги болалар қаровсизлиги, унинг келиб чиқиш омиллари, уларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар ёритиб ўтилган. Шунингдек, иккинчи жаҳон уруши даври Ўзбекистонга эвакуация қилиб келтирилган болалар, уларнинг жойлаштирилиши, улар таъминотидаги муаммолар, меҳрибонлик уйлари ҳамда улардаги шарт-шароитлар, болаларни ўзбек халқи томонидан оилаларига қабул қилиниши, фронт ичи давлатларидан келтирилган болалар учун халқ ташаббуси билан ташкил этилган меҳрибонлик уйлари, қаровсиз болаларга аҳоли томонидан тақдим қилинган инсонпарварлик ёрдами, Маориф, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар халқ комиссарликларининг мазкур масаладаги фаолияти тарихий-таҳлил, қийёслаш, каби методлар орқали очиб берилган. Тарихий жараёнларни ёритишнинг илмий-назарий асослари ва механизмлари бўйича болалар қаровсизлиги ҳамда назоратсизлиги масаласидаги хорижий ва маҳаллий тадқиқот натижалари таҳлили берилган. Тадқиқот объекти ва субъекти тавсифланган, фаолият услублари тадқиқ қилинган. Болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигини бартараф этиш масаласида давлат ҳокимияти органлари эътибор қаратиши лозим бўлган ўзига хос белгилар, сифатли фаолият олиб бориш механизми илмий асосланган. Иккинчи жаҳон уруши даври ўзбек халқининг кўрсатган жасоратини тарихий далиллар орқали очиқлаш ва миллатлараро муносабатларни янада яхшилашга хизмат қилувчи илмий-назарий таҳлиллар берилган. Тадқиқотнинг назарий ва амалий асослари бўйича таклиф ва хулосалар баён этилган.

Калит сўзлар: болалар уйи, эвакуация, болалар қаровсизлиги, реэвакуация, патронат, васийлик, фарзандликка қабул қилиш, меҳнат колонияси, коммуна, тарбияланувчи, болалар қабулхонаси, болалар маълумотлари столи бюроси, болалар оиҳонаси.

Аннотация. В данной статье описывается безнадзорность детей в Узбекистане в годы Великой Отечественной войны, факторы ее возникновения, принятые меры по их устранению. А также дети, эвакуированные в Узбекистан в годы ВОВ, их размещение, проблемы с их обеспечением, детские дома и условия

их содержания, усыновление детей узбекским народом, детские дома для детей из прифронтовых стран, безнадзорность Гуманитарная помощь, оказываемая детям населением, деятельность наркоматов просвещения, здравоохранения, внутренних дел в этом отношении раскрывалась с помощью таких методов, как исторический анализ, сопоставление. Анализ результатов зарубежных и отечественных исследований детской безнадзорности и безнадзорности на научно-теоретической основе и механизмах освещения исторических процессов. Описаны объект и предмет исследования, изучены методы деятельности. Научно обоснованы особенности, на которые должны обращать внимание органы государственной власти при ликвидации безнадзорности и беспризорности детей, механизмы качественной деятельности. Приводится научно-теоретический анализ для раскрытия через исторические свидетельства мужества узбекского народа в годы Второй мировой войны и дальнейшего совершенствования межэтнических отношений, представлены предложения и выводы по теоретико - практической основе исследования.

Ключевые слова: *детский дом, эвакуация, безнадзорность, реэвакуация, патронат, попечительство, усыновление, трудовая колония, коммуна, приемный ребенок, детский прием, детское информационное бюро, детская кухня.*

Жаҳон ҳамжамияти ўз тарихий шаклланишида замон ва маконга мос равишда турли босқичларни ўз бошидан ўтказиб, доимий инсоният ҳаётига ўзига хос янгилик ва қарашларни олиб келмоқда. Ижтимоийлик ривожланиб бориши ва гуманизмнинг тараққий этиши инсон факторини энг юқори ўринга чиқара олди. Бу ўз навбатида инсонни ёввойи табиатдан маданий, маънавий ҳаёт иштирокчисига айлантирди ҳамда инсон кадр - қиммати ва унинг шахсий дахлсизлиги борасида кўплаб амалий натижаларга эришилди. Инсон фактори мустаҳкамланиши билан бир қаторда болалар ҳуқуқ ва эркинлиги, уларнинг ижтимоий муҳофазаси, таъминоти масаласида кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Инсониятнинг келажаги айнан ёшлар бўлиб, уларга бугунги эътибор фаровон келажак асоси ҳисобланиши, мазкур масаланинг инсоният учун қанчалик аҳмиятли эканлигини асослаб беради.

Ҳар бир давлат ўз шонли тарихини яратишда қўллаган метод ва йўналишлардан сабоқ чиқарган Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач илм-фан соҳасида, айнан тарих соҳасида кўплаб ижобий натижаларга эришмоқда. Мустақиллик шарофати ўлароқ, халқимиз тарихини илмий - объектив ва тўғри ёритиш жамиятимиз олдида турган устувор вазифаларидан бирига айланди. Чунки тарих жамият аъзолари руҳиятини юксалтириш ва ватанпарварлигини янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу борада қуйидаги фикрларни билдириб ўтганлар: “Олдимишга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур. Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, ватанчимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимларини ҳар томонлама қўллаб - қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо, албатта, холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур. Буюк аллома ва адибларимиз, азиз авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва ар-бобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур” [1].

Тарих фани қайсидир сиёсий ғоя ёки бирор шахс манфаатига хизмат қилиши фанда ноҳолисликлар, аслидан йироқлашиш, объектив баҳолашдан субъективликка томон ҳаракатланишни келтириб чиқариши доим ўз исботини топган ва бу айнан тадқиқот мавзуси учун ҳам бегона бўлмаган тушунчадир. Айнан советлар даври ғоявий ҳукмронликка интилиши, уларда миллатларнинг реал тарихийлигини аслидан йироқ қилиб кўрсатиш ва шу орқали мавжуд миллатларнинг ўзлигидан айириш мафкураси иттифоқ давлатлари руҳиятига ўзининг катта салбий таъсирини ўтказиб келган. Хусусан, барча эришилган ютуқлар социалистик тузумнинг ҳосиласи деб уқтирилган, баъзан бўрттириб кўрсатилган, унинг салбий оқибатлари эса совет даври тадқиқотларида қисман акс эттирилган ҳолос. Шундай экан, тарихимизнинг бу саҳифасини ҳам концептуал ва методологик жиҳатдан қайта кўриб чиқиш, уни манбалар асосида янада чуқурроқ ўрганиш зарур. Турли тарихий манбаларни ўрганиб, таҳлил қилиш, танқидий баҳолаш, тўғри талқин қилиш ва тарихимизнинг ҳаққоний ҳамда тўлиқ манзарасини очиб бериш лозим.

Мавзу бўйича илмий манбалар таҳлили

Ўзбекистонда болалар қаровсизлиги масаласи Республикаимизда бир қатор ҳуқуқшунос, психолог ва педагог олимлар томонидан ўз йўналишлари бўйича қисман ўрганилган. Хусусан, олимлар А.А.Расулов, А.А.Ерметов, К.Фозилходжаев, А.Алматинская, А.Авдеева, М.Сатторова, А.А.Чернышев, Х.К.Юлдашев, Ф.Атабаев, А.И.Островский, А.Халиков ва кўпгина олимлар ўз илмий асарларида болалар жумладан, вояга етмаганлар ўртасидаги қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик масалаларининг қисман қайсидир йўналишидаги маълумот ҳамда статистик ҳисоботларни келтириб ўтган [2].

К.Фозилхўжаевнинг “Болаларни қабул қилган Ўзбекистон” асарида иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонга кўчириб келтирилган меҳрибонлик уйлари ҳамда эвакуация қилиниб келтирилган болалар миқдори уларнинг Республика бўйлаб жойлаштирилиши, намуна сифатида ўзбек оилаларининг болаларни кўп сонли тарзда бағрига олиши ва уларга ғамхўрлик қилиши ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Асарда урушнинг илк кунлариданоқ Андижон вилоятига 1820 нафар, Бухоро вилоятига 1300 нафар, Наманган вилоятига 1350 нафар, Самарқанд вилоятига 400 нафар, Фарғона вилоятига 1400 нафар болалар жойлаштирилганлиги маълумотлари берилган [3]. 1941 йилдан 1942 йилгача бўлган даврда Республикаимизга 78 та меҳрибонлик уйлари кўчириб келтирилган бўлиб, уларда 9918 нафар ва бундан ташқари эвакуация марказлари орқали 20 650 нафар бола Ўзбекистон ерларига келтирилиб, жойлаштирилганлиги [4], шунингдек асардан Баҳри Акрамова ва Шоахмад Шомахмудов (Тошкент шаҳри), Фотима Қосимова ва Хамид Самадов (Самарқанд вилояти), Имина Ахмедова (Ўш шаҳри), Муаззам ва Шароф Жўраевлар (Бухоро вилояти) томонидан болаларни қабул қилишдаги шахсий ташаббусларини архив фондларидан ўрганиб таҳлил қилиб чиққан [5].

А.Алматинская, А.Авдеевалар ҳаммуаллифлигидаги “Кўзимнинг оқу қораси” асарида иккинчи жаҳон уруши давридаги меҳрибонлик уйларида масъул лавозимларда ишлаган мазкур инсонлар ўзлари гувоҳ бўлган ҳамда тарбияланувчи болаларнинг юрагида сақлаган дардлари тўкилган мактубларидан намуналар келтириб, мазкур давр эсдаликлари билан тўлдирилган [6]. Бу асарнинг мазкур давр эвакуация қилиниб келтирилган ва меҳрибонлик уйлари таркибида кўчириб келтирилган болаларнинг қалб кечинмалари, йўл изтироблари, ота-она,

Ватан соғинчи шунингдек уларга ғамхўрлик қилаётган халққа миннатдорлик мактублари мавжуд.

А.А.Ерметовнинг “Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолияти” номли монографиясида 1925-1991 йиллар ички ишлар органларининг фаолияти ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Монографияда совет даври ички ишлар органларининг бевосита болалар қаровсизлигига масъуллиги, мазкур соҳада ички ишлар органлари ходимларининг олиб борган саъй-ҳаракатлари ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилган. Жумладан, уруш йилларида ички ишлар органлари ходимлари учун жуда қийин давр бўлиб, улар бу даврда болалар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш учун масъул қилиб белгиланган. 1942 йил 23 январда СССР ХКСнинг “Ота-онасиз қолган болаларни тегишли муассасаларга жойлаштириш тўғрисида”ги қарори асосида ички ишлар органлари ходимлари мазкур масалада асосий фигурантга айланди. Фақат 1943 йилнинг 9 ойи давомида 9199 нафар қаровсиз ва 8896 нафар боқувчисини йўқотган болалар рўйхатга олиниб, улардан 4959 нафари завод ва фабрика мактаблари, меҳрибонлик уйлари ва ишга, 3663 нафари болалар қабул пунктларига ва 148 нафари бошқа ташкилотларга жойлаштирилди. Тошкент ички ишлар ходимларининг самарали фаолияти билан 1944 йил поезд ва бекатларда 20 690 нафар бола, шу жумладан Тошкент шоҳ бекатида 6 546 нафар, Туркистон шоҳ бекатида 1 629 нафар, Андижон шоҳ бекатида 2 955 нафар, Урсатьевск шоҳ бекатида 3 695 нафар болалар қўлга олиниб, тегишли тартибда жойлаштириш учун жўнатилганлиги каби маълумотлар мавжуд [7].

Шунингдек, мазкур мавзуни тадқиқ қилган хорижий тадқиқотчилар ҳам мавжуд бўлиб, буларга россиялик олимлар А.А.Славко, О.А.Оличева, Л.В.Блонский, С.А.Самсонова, Е.С.Шахова, С.В.Романович, Е.Н.Афанасова ва бошқаларнинг илмий ишларини мисол қилиб келтириш мумкин [8].

А.А.Славко ўзининг илмий ишида қаровсизлик сабаблари, болалар қаровсизлигининг олдини олиш масаласида давлат томонидан амалга оширилган ислохотлар, қаровсиз болалар ижтимоий портрети, совет давридаги болалар ҳаёти ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтган.

Л.В.Блонский, С.А.Самсонова, Е.С.Шахова, С.В.Романович, Е.Н.Афанасова ва бошқалар ҳам ўз илмий ишларида совет ҳокимияти томонидан болалар қаровсизлигига қарши кураш, йўл қўйилган камчилик ва муаммоларни маълум бир ҳудудий бирликлар мисолида кўрсатиб ўтган.

СССРда уруш ҳаракати бошланиши арафасида болалар қаровсизлиги сони ошиб, 1936 йилдан 1938 йилгача 150000 нафардан 176000 нафарга етган эди. Бу кўрсаткич уруш йилларида кўпайиб бориб урушнинг сўнгги йилларида 678000 нафарга етган [9]. Мазкур қаровсиз болалар СССРнинг турли ҳудудларига кенг тарқалиши жараёни амалга оширилган. Уруш ҳаракатлари бошланиши билан бошлаб юборилган эвакуация сиёсати туфайли 1941 йил 6 октябрга қадар бўлган муддатда Ўзбекистонга 10 та уюшган жамоалар таркибида 1007 киши эвакуация қилинган бўлса [10], уларнинг сони 1941 йил октябрдан 1942 йил февралга қадар 21 308 [11], 1941 йил ноябрдан 1942 йил мартга қадар 22000 [12], 1942 йил 1 апрелга қадар 23192 [13], 1941 йил ноябрдан 1942 йил октябрга қадар 40 000 [14] нафар ва шу кўринишда ошиб борган. Мазкур болалар орасида ёлғиз, ота-онасини йўқотган ёки улардан айрилган болалар жамоаси ҳам келтирилган бўлиб, уларнинг сони мос равишда 1941 йил 1 октябрга қадар 259 [15], 1941 йил октябр-

дан 1942 йил февралга қадар 10 390 [16], 1941 йил ноябрдан 1942 йил мартга қадар 12580 [17], 1942 йил 1 апрелга қадар 1003 [18], 1941 йил ноябрдан 1942 йил октябрга қадар 22 000 [19] нафарни ташкил этган.

Келтирилган болалар Республика ҳудуди бўйича тақсимланган бўлиб, 1942 йил эвакуация қилиниб жойлаштирилганлар бўйича ЎзССР Маориф ХК Болалар уйлари бошқармаси бошлиғи Самойленко маълумотларига кўра, Тошкент вилояти бўйича 7 та болалар уйларига 979 [20], Фарғона вилояти бўйича 10 та болалар уйига 1123 [21], Андижон вилояти бўйича 15 та болалар уйига 1853 [22], Бухоро вилояти бўйича 12 та болалар уйига 1936 [23], Наманган вилояти бўйича 11 та болалар уйига 1356, Самарқанд вилояти бўйича 4 та болалар уйига 406 нафар болалар жойлаштирилган бўлиб [24], умумий ҳисобда 58 болалар уйига 7653 киши қабул қилинган.

СССРнинг марказий ҳудудларидан болаларни мамлакатимизга эвакуация қилиниш жараёнининг ўзида кўплаб муаммолар мавжуд эди. Бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, Тошкентга Сталин вилоятидан келган Андреев номидаги рақамсиз болалар уйи мисолида қарайдиган бўлсак, эвакуация қилинаётган вақтда 105 нафар бола поездга ўтирган ва уларнинг фақатгина 40 нафари етиб келган холос. Қолган 65 нафари бошқа вагонда болалар уйи директори билан бирга бўлган ва ҳали етиб келмаган. Келганлардан 7 нафари касаликка ҳам чалинган бўлиб, улардан 4 нафари кўтир ва 3 нафари ошқозон оғриши билан қайд этилган [25].

Сталин вилоятидан келган Крупский болалар уйидан 52 нафар бола йўлга чиққан ва поездга етиб келиш учун 400 км масофа босишган. Йўлдаги турли муаммолар туфайли 29 нафари йўлда йўқолиб, 21 болагина Тошкентга етиб келган. Улардан 2 нафари касалхонада қолдирилган [26].

Эвакуация жараёни жуда пала партиш тарзда ташкил этилган бўлиб, эвакуация қилинган болалар Тошкент бекатига келтирилиши ҳақида ЎзССР Маориф халқ комиссарлиги поезд келишидан бир неча соатгина олдин ёки баъзи ҳолларда келиб бўлгандан кейингина хабар топган. Бундан ташқари келтириляётган жамоалар умуман ҳеч нарсасиз ҳолатда келган.

Эвакуация қилинган болаларни моддий таъминоти ҳам Марказ томонидан эътиборсиз қолдирилган бўлиб, келтирилган 60 дан ортиқ болалар уйларидан фақат 4 тасигагина 1000 рублдан 2000 рублгача миқдордаги пул маблағлари ажратилган [27]. 1942 йил 12 ноябр ҳолатига болалар уйлари тизимида эвакуация қилиниб жойлаштирилган болалар таъминоти учун зарур бўлаётган кийим-кечак ва юмшоқ инвентарларга бўлган талаб миқдори ЎзССР Маориф ХК ўринбосари Рачинскийнинг ЎзССР ХКСга ёзган хатига кўра жуда катта маблағ талаб қилган ва буни давлат бюджетидан қопланиши муаммо эди [28].

Юқоридаги каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида 1941 йил 25 ноябрда марказий эвакуопункт, карантин болалар уйи, 1942 йил 2 февралдан эса 2 та вагон қабулхона ташкил этилган [29]. Шунингдек, 1942 йил 5 январдан болалар масаласи бўйича турли комиссиялар ташкил этилган бўлиб, Болаларни жойлаштириш ва аниқлаш ишлари бўйича, Болалар уйларини оталиққа олиш масаласи бўйича, Болалар ўртасида тadbирлар ташкил этиш ва маданият соҳаси бўйича, Кийим-кечакларни ташкил этиш бўйича, Колхоз ва совхозларда болалар уйлари ташкил этиш бўйича комиссиялар бунга мисол бўлади [30].

1941 йил ноябрдан 1942 йил мартгача келтирилган болаларнинг таркиби бўйи-

ча 69 % и ўғил болалар. 15-16 ёшлилар 48.5 % ни, 17-18 ёшлилар 18 % ни, мактаб ёшидаги 8-15 ёшлилар 31 % ни, боғча ёшидагилар 2.5 % ни ташкил этган бўлиб, улардан чин етимлари 51 % ни қолганлари эса ярим етимлар, ота-онаси фронтда, ота-онаси номаълум болаларэди. Болаларни қабул қилиш учун Тошкентда марказий эвакуация шаҳобчаси ташкил этилган [31] ва у ўз навбатида мазкур масалада олий орган сифатида фаолият юритган. Мазкур шаҳобча ташаббуси билан Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида марказий болалар маълумотлари столи бюроси ташкил этилган ва мазкур бюро орқали оз фурсатда 132 нафар оилалар ўз фарзандларини топишга муваффақ бўлган.

1942 йил 1 апрел ҳолатига кўра Украинадан 47 болалар уйи 5961 нафар контингент билан, Белорусиядан 1 болалар уйи 177 нафар контингент билан, Россиядан 18 болалар уйи 2274 нафар контингент билан эвакуация қилиниб олиб келинган. Болалар уйларининг ҳудудлар бўйича жойлашуви Тошкент вилоятида 6 та (шундан 3 таси шаҳарда), Фарғона вилоятида 12 та (шундан 3 таси шаҳарда), Наманган вилоятида 11 та (шундан 1 таси шаҳарда), Андижон вилоятида 14 та, Самарқанд вилоятида 3 та, Бухоро вилоятида 14 та мавжуд эди.

Бундан ташқари Ўзбекистонга 2 та махсус мактаб, ҳарбий-ҳаво кучига ихтисослашган мактаб Ворошиловграддан Самарқандга, денгиз мактаби эса Одессадан Самарқандга жойлашган. Фақатгина мана шу мактабларгина РСФСР Маориф ХК бюджети томонидан қопланган [32].

1941 йил ноябрдан 1942 йил октябргача Келтирилган болалар ўртача 35-60 кун йўл босиб келишган [33]. Уларнинг ҳаракатида август ва сентябр ойларида кўпайиш кузатилиб, кунлик 175-211 атрофида бола қабул қилинган. 8052 нафари ўқишга, 10204 нафар ишга жойлаштирилган, 2 040 нафари карантин болалар уйига жойлаштирилган, 1560 нафари болалар қабулхоналарига жўнатилган [34].

Республикада эвакуация қилиб келтирилган болалар сони кўпайиши ижтимоий муаммоларни ҳам кўпайтириб юборади. Вазиятдан чиқиш бўйича турли амалий чора тадбирлар амалга оширилган. Жумладан, болалар масалалари бўйича Республика комиссияси ташкил этилиб, комиссия таркибидан қуйидаги шахслар ўрин олган, Абдурахмонов (раис), Юсупов (КП МК секретари), Мавлянов (МК секретари), Ахунбобоев (Олий кенгаш президиуми раиси), Кабулов (Ички ишлар халқ комиссари), Разаков (Маориф халқ комиссари), Рахимов (Ёшлар масалалари бўйича комунистик иттифоқи ЎзМК секретари) [35]. Мазкур Комиссия болалар муаммоларини бартараф этиш бўйича кўплаб ташаббусларни амалга оширган.

1941 йил ноябрдан 1942 йил мартга қадар эвакуация қилинган болалар 4519 нафари ишлаб чиқариш корхоналари, колхозлар, совхозларга бириктирилган. Бағрикенг халқимиз 2278 нафар болани ўз оилаларига қабул қилинган. Шунингдек, Республика меҳнаткашлари орасидан кўнгилли равишда 80000 турли оёқ кийим ва кийим-кечаклар, 900000 рубл миқдоридagi пул маблағлари, 200000 центнер озиқ-овқат йиғилган. Оёқ кийим тикиш учун 320000 дециметр юмшоқ таркибли, 120000 дециметр қаттиқ таркибли ва 220000 дециметр ярим қаттиқ тери маҳсулотлари ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилган [36].

Ўзбек отлалари эвакуация қилиб келтирилган болаларни ўз бағрига олиш бўйича кўплаб саъй ҳаракатлар амалга оширилган. 1941 йил Тошкентга Қуйи Кримдан келтирилган ва мазкур эшелон раҳбари С.Г.Гайворонский бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб ўтади. Унга кўра, эшелон келганда келтирилган болаларни жойлаштириш белгиланган болалар уйига яқинлашганда унинг олдида

оломон йиғилганини кўриб ҳайрон қолишган ва мазкур ҳолатга изох сўралганда бу одамлар эвакуация қилинган қаровсиз болаларни оиласига олиш мақсадида келганлар шахслар эканлиги маълум қилнган [37].

1941-1942 йиллар оралиғида Янги йўлда ўзига хос инсонийлик амалга оширилиб, 9 та бой колхозлар ташаббуси билан 103 кишига болалар уйи ташкил қилиниб улар ҳомийлигида ҳамма таъминоти тақдим қилинган. Бу ишлар кенг тарқалиб Тошкент вилояти Тошкент туманида 50, Калинин туманида 35, Андижон вилоятида 105 кишига мўлжаллаб болалар уйлари ташкил этилган [38]. Наманган шаҳри яқинидаги собиқ Энгелс колхози раиси Камбаров эса ташаббуси билан ўзларига тегишли чойхона ва клуб биносини 120 кишига мўлжаллаб Киевдан келган болаларни жойлаштирган. Мазкур раис ўз болалар уйида ҳар кунлик таъминотиғача ҳамма ҳаражатини ўз бўйнига олган [39]. Наманган вилоятидаги собиқ Ленин йўли колхозининг клубига Курск вилоятидан келтирилган 270 бола жойлаштирилган. Мазкур жой 120 болага мўлжалланган бўлсада, жонбозлик оқибатида ҳамма бола яхши ҳолатда сақланган [40].

Болалар эвакуациясида пала партиш ҳаракатланиш оқибатида юзага келган муаммолар сони ҳам кўпайиб борган эди. Бундай ҳолатларга мисол сифатида Орловский вилоятидан келтирилган ва Чуст тумани Гавинский кишлоғига жойлаштирилган болалар уйи 116 бола билан келган. Орловскийлик маҳаллий вакил бўлган шахс болалар уйи директори бўлган ва у болаларни эвакуацияси ташкил этилаётган куни болалар билан йўлга чиққан ва йўл йўлакай қандайдир сабаб билан болаларни ёлғиз қолдириб ўзи ғойиб бўлган, оқибатда болалар йўлида пулсиз қолиб кетган, лекин улар манзилга етиб келган. Шу тарзда улар ҳеч вақосиз ҳолатда ва ҳатто йўлда овқатлантирилмасдан келтирилган. Бу болалар уйи ўзи билан ҳеч нарса ҳатто кийим бош ҳам олиб келмаган [41].

Маориф ХК ўз навбатида келтирилган болалар масаласида асосий давлат органи сифатида кўплаб ишлар амалга оширилган. Жумладан, эвакуация қилинган болаларни ота-онасига топиб бериш ва бошқа аризалар билан шуғулланадиган Марказий бюро ташкил қилинган. 1942 йил 1 феврал ҳолатига кўра 63500 кийим бош буюмлар, 307000 рубл пул аҳоли ўртасида йиғилган. Ота-онаси билан эвакуация қилинган болаларни овқатлантириш учун март ойидан бошлаб болалар ошхоналари ташкил этилган. 1942 йил 1 февраль ҳолатига кўра, 1506 нафар болалар турли оилаларга қабул қилинган. 3474 нафар мактаб ёшига етмаган болаларни оиласига қабул қилишини билдириб аризалар тақдим қилинган. 48 бола тўлов эвазига оилаларга қабул қилинган. Болалар овқатланишида муаммолар бўлмаслиги учун 1942 йил 3 февралда ЎзССР ХКС болаларнинг кунлик меъерини белгилаб, 20 гр ун, 10 гр макарон ва ёрма, 56 гр балиқ ва гўшт, 32 гр ёғ, 20 гр шакар, 15 гр қандолат маҳсулотлари қилиб белгилаган [42].

Болаларнинг тўғри овқатланишини ташкил этиш мақсадида 1942 йил ёзги мавсумда Куйбишев туманидаги Тельман паркида, Фрунзе туманидаги Киров паркида, Ленин туманидаги темир йўлчилар паркларида махсус болалар ошхоналари очилиши белгиланган. Мазкур ошхоналар хизматиға эвакуация қилинган болалар ота-оналарини жалб қилиниши таклиф қилинган. Мазкур ошхоналарда камида 150 гр нон, иккита иссиқ овқатдан кам бўлмаган овқатланишни ташкил этиб, унга ҳақ чегараси 3 рублдан ортиқ бўлмаслиги [43] шарт қилиб қўйилган. Иш вақти соат 1 дан 5 гача давом этган бўлиб, 2500 дан 6000 нафаргача бўлган болаларни қабул қилишга мўлжалланган. Шунингдек болалар

қаровсизлиги вазиятини яхшилаш учун, ҳар бир ташкилот ва бирлашмалар ҳузуридаги ошхоналарда алоҳида махсус жойлар ташкил этилиши белгиланган бўлиб, бундан мақсад бу ерда болалар овқатланиш баробарида ўйнаб, маданий ҳордиқ чиқариши эди [44].

Ўзбекистонга болалар оқимининг ҳаддан зиёд кўпайиши ўз навбатида кўплаб муаммоларни ҳам шакллантирган. Эвакуация қилинган болалар ҳақидаги маълумотлар шакллантирилмаганлиги боис уларни топиш ҳам муаммо эди. 1943 йил 20 майдаги маълумотга кўра мазкур йил уч ойи давомида Марказий комиссия ҳузурида манзилли стол шакллантирилди. Мазкур манзилли стол эвакуация қилинганлар ва қидирувда бўлган болалар учун хизмат қилган. 4312 та мурожаат ота-оналардан комиссияга келиб тушган [45]. 4500 нафар қидирувдаги болалардан 432 нафари топилган. 200 нафарининг жойлашган манзили аниқлаштирилган ва бу сўровга нисбатан бор йўғи 1.5 % ни ташкил этар эди [46].

Ўзбек халқи уруш даври қийинчиликларига қарамасдан қаровсиз болаларни оилаларига қабул қилиши доимий равишда амалга ошириб келинган. 1943 йил 19 январь Ўзбекистон ССРда патронатларга 3578 нафар бола мавжуд эди. Тошкент шаҳрида ота-онаси армияда, фронт ортида бўлганларнинг болалари учун махсус 6 та болалар ошхонаси мавжуд бўлиб, 6500 га яқин болаларни овқатлантириш сифимиغا эга эди. 900 нафар оддий оила қабул қилган эвакуация болаларига текин овқат жорий қилинган. 1942 йил ва 1943 йилнинг 4 ойи даврида эвакуация қилинган болаларни овқатлантириш учун 785 000 рубль миқдоридаги маблағ сарфланган [47].

1942 йил Болаларнинг маданий ҳордиқ чиқариши ва соғлиғини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада кучайтириш мақсадида пионер лагер ва санаторияларга 77 000 рубл йўлланма учун ажратилиб, 105 нафар бола санаторияга жойлаштирилган. 1943 йил май ҳолатига ёрдам фондига 2.401 000 рубл йиғилган. Республика комиссияси ҳисобига кўра бир йил ва 4 ой давомида 1 130 000 рубль маблағ тушган [48]. Мазкур вақтда комиссия Тошкентда 7 та оқшом тадбирлари ва театр, боғларда сайллар амалга оширилиб, бунга 125-130 000 атрофида маблағ сарфланган. Комиссия томонидан 1942-1943 йиллар қиш ойларида 300 жуфт оёқ кийим, 1499 комплект устки кийим, 1246 комплект бельё тарқатилган. Фаол аёллар жамияти мазкур масалада ўзининг жонбозлигини кўрсатиб, болаларни кўчалардан йиғиш масаласида милицияга ёрдам берган. Ошхонадаги болалар сонини 2200 гача ошириш режалаштирилган. Марказий манзилли столга 2 та доимий штат бирлиги ажратилиб, ишлар жонланишига эришилган [49]. 2396 нафар бола оилалар тарбиясига олинган. ЎзССР ХКС нинг 1942 йил 3 февралдаги 187-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида аҳолидан алоҳида хайрия ишлари амалга оширилиб 77013 та турли нарса буюмлар, 1008 минг рубл миқдоридаги пул маблағи йиғилди. 1942 йил 1-чораги учун болалар уйларида саноат маҳсулотлари олиш мақсадида 500 000 рубл ажратилган бўлиб, махсус савдодан 130 000 рубллик газлама маҳсулотлари ҳисобот даврида олинмаганлиги аниқланган. 2-квартал учун газламага 300 000 рубл ажратилган бўлиб, 32 000 метр кв. – оёқ кийимлари учун тери маҳсулотлари ажратилган [50].

1942 йил маълумотларига кўра, биргина болалар қабулхоналаридан қочиб кетган қочоқлар сони 1 270 нафарни ташкил этган. Бу албатта шармандали рақамлар. Болалар уйларида қочганлари эса 6 214 нафар кўринишида бўлган. Бундай қочиш ҳолатлари республиканинг барча ҳудудлари бўйича тарқалган эди. Бирги-

на Хоразм вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, Хивадан 52, Гурландан 8 нафар ва бундан бошқа жойлардаги болалар уйи тарбияланувчиларининг ҳам қочиб кетиши ҳолатлари бўлиб турган. Бунга биринчи навбатда болалар уйлари аҳволи ёмонлиги сабаб бўлган. Шундай муаммо ҳам борки, эвакуация пунктда бўлиб турган болалар билан тиббий экспертиза яхши ишламай, 19 ёш ва умуман катта ёшли ўсмирлар ўзини тахминан 14-12 ёшман дея алдаб болалар қабулхоналарида қолиб, болалар уйларига юборилиш ҳолатлари ҳам мавжуд эди. Шу нуқтаи назардан қараганда ёшдаги катта тафовут ички зўравонликни ошириб бориши табиий эди [51].

Фактларга таяниб мисоллар келтирадиган бўлсак, тарбияланувчилардан Гафулин 4 маротаба, Кузнацов 4 маротаба, Власов 3 маротаба ва Бершов 3 маротаба битта болалар уйидан қочиб кетган. Хивадаги болалар уйитарбияланувчилардан бўлган Турдиев, Малишкин кабилар ўғирлик билан шуғулланиб келишган. Улар ўғирлаган нарсаларини сотишга яхши одобли болаларни жалб қилиб, рад жавоби оладиган бўлса аёвсиз калтаклаб келишган. Бу биргина мисол ва бу Республиканинг ҳамма ҳудудида шу кўринишда давом этган. Шу мақсадда қаттиқ режимдаги болалар уйларига эҳтиёж жуда юқори кўринишда бўлган. Сабаби болалар уйидан қочаётган болалар яна қайсидир олдинги болалар уйига ўхшаш жойга бормоқда ва улар ўзининг жиноий ҳатти ҳаракатларини яна давом эттиришган [52].

Эвакопункт орқали келган болалар сони ортиб борган сари уларни жойлаштиришда кўплаб баҳсли ҳолатлар кўпайиб борган. Бухоро, Китобдаги болалар уйлари келтирилган болалар чекиши ёки чекмаслиги, трахома ва умуман тиббий маълумоти тўғрисида маълумот талаб қилган ва бу албатта милицияга ёқмаган. Андижондаги болалар уйи вилоят Маориф бошқармаси буйруғига қарамай болаларни қабул қилишдан бош тортган [53].

Чайкова исмли болалар уйи директори мазкур давр болалар уйларига болаларни қабул қилишдаги муаммолар ҳақида тўхталиб, мавжуд муаммоларни билдириб ўтган. Болалар уйларига келтирилган болаларни ишга жойлатириши масаласида муаммолар бўлиб, келтирилган болаларнинг катта қисми ота-онаси бор урушда, улар ҳали меҳнат касб танлаш бўйича кўникмага эга эмас бўлган. Уларнинг ёши касаллиги, оилавий аҳволи ва ҳоказо бирорта маълумоти болалар уйларида мавжуд бўлмай, тегишли қонунчиликка кўра мазкур маълумотларсиз ишга жойлаштириш мумкин эмас эди. Болалар уйларига катта ёшдаги 18 ёшгача бўлган болалар қабул қилинган ва тарбиявий ишларга ёмон таъсирини ўтказиши табиий эди [54].

Яна бир болалар уйи директори Смойленко ҳам мавжуд муаммолар ҳақида маълумотлар келтириб, энг катта муаммо бу кўчада ушланган, қочиб кетган ёки судланган болаларни яна оддий типдаги болалар уйларига қайтариб берилаётганлигини билдирган. Бунга мисоллар кўп бўлиб, амалда синалган натижа сифатида № 15 болалар уйида мавжуд 3 нафар безори болалар алоҳида олиниб, оддий болаларга қўшилмаганда муаммо бўлмай қолган ва қабул тақсимотдан 6 нафар безори болалар юборилган, оқибатда яна ички муаммолар кўпайиб кетган [55].

Ўзбекистондаги мавжуд қаровсиз болалар таркиби хилма хиллиги юқори бўлиб, ўз навбатида уларнинг орасида иқтидорли болалар ҳам мавжуд бўлган. Болалар комиссияси мавжуд вазиятда иқтидорли болаларни алоҳида тартибда

шароит билан таъминлаш масаласини ҳам кўтариб чиққан. Бундай иқтидорли болаларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, Валентин Барестов 15 ёш, Калугидан эвакуация қилинган. У Чуковский поемаларини жуда яхши ўзлаштирган. Унга тегишли ёрдам кўрсатилиши керак. Умумий залда болалар билан бирга яшамокда. Зоя Туманова 15 ёш, шеър ёзишга қизиққан ва унга етарли шароит йўқ. У маҳаллий аҳоли вакили бўлган. Маша Элконини жудаям иқтидорли рассом. Москвадан эвакуация қилинган. Ига Юсуфов 13 ёшда Тошкентда туғилган, графика санъати бўйича иқтидорли бўлиб, унинг расмлари кўргазмалар ташкил этилган. Унга шароит етарли такдим этилган. Володя Болков ҳайкалтарош, рассом. Тошкентда туғилган 12 ёшда. Витя Трибунский 10 ёш Тошкентда туғилган жуда иқтидорли рассом. Митя Тарличев 12 ёш Москвадан эвакуация қилиб келтирилган. Жуда иқтидорли рассом бўлган. Бу болаларга етарли шароит йўқлигидан иқтидорлари увол бўлаётганлиги билдирилиб, мазкур болаларга шароит яратилиши бўйича тегишли ишлар амалга оширилиши сўралган [56]. Бундан кўриниб турибдики Ўзбекистон ҳудудидаги мавжуд барча қаровсиз болалар ҳар томонлама қўллаб қувватланиши бўйича чора-тадбирлар амалга оширилган.

Юқоридаги хулосаларга асосланиб қуйидаги хулосалар такдим этилади;

Иккинчи жаҳон уруши даврида болаларни эвакуация қилиш жараёни мисолида ижтимоий муаммоларни бартараф этишда тизимли ишни ташкил этиш;

Ўзбек халқининг болажон халқ эканлигини яққол намоён этувчи, СССРнинг марказий ҳудудларидан келтирилган бошқа миллат болаларига кўрсатган ғамхўрликларини кенг оммага илмий асосланган ҳолда намоён этиш;

Бугунги кун ёшлари ўртасида миллий ғурурини янада ривожлантириш мақсадида аждодларимиз кўрсатган шу каби намуналарини кенг тарғиб қилиш ва шу орқали муносиб авлод бўлиш характерини шакллантириш каби таклифлар келтириб ўтамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.М. Мирзиёев. Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасидан 28.12.2019 йил.
2. Расулов А.А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. -Ташкент, 2005. -монография.; Ерметов А.А. Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолияти. -Ташкент, 2018. -монография; Фозылходжаев К. Детей принимал Узбекистан.- Ташкент, 1991, 56 с., Алматинская А., Авдеева А. Свет наших очей. -Ташкент, 1971.
3. К.Фозылходжаев. Детей принимал Узбекистан, 8-9 ст.
4. К.Фозылходжаев. Детей принимал Узбекистан, 10 ст.
5. К.Фозылходжаев. Детей принимал Узбекистан. 15 ст.
6. А.Алматинская, А.Авдеева. Свет наших очей. -Ташкент, 1971;
7. А.А.Ерметов. Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолияти. -Ташкент, 2018. – Монография. 66-67 бет.
8. Славко А.А. Детская беспризорность в России в первое десятилетие советской власти. Автореф...кан. истор. наук.- Чебоксары, 2005; Оличева О.А. Государственная политика в отношении беспризорности и преступности несовершеннолетних. Автореф...кан. истор. наук.- Москва, 2009.
9. И.А.Ложкина. Социальная защита детей-сирот в годы Великой отечественной войны. Дисс. кан. истор. наук.- Ижевск, 2010. 22 б.

10. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 2894-иш, 5-варақ.
11. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4254-иш, 49-варақ.
12. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3691-иш, 23-варақ.
13. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3429-иш, 97-варақ.
14. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4254-иш, 133-варақ.
15. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 2894-иш, 5-варақ.
16. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4254-иш, 49-варақ.
17. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3691-иш, 23-варақ.
18. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3429-иш, 97-варақ.
19. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4254-иш, 133-варақ.
20. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3429-иш, 90-варақ.
21. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3429-иш, 91-варақ.
22. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3429-иш, 92-варақ.
23. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3429-иш, 93-варақ.
24. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3429-иш, 94-варақ.
25. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4254-иш, 49-варақ.
26. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4254-иш, 54-варақ.
27. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3691-иш, 2-варақ.
28. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3429-иш, 96-варақ.
29. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4254-иш, 7-варақ.
30. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3691-иш, 2-варақ.
31. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3691-иш, 23-варақ.
32. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3429-иш, 97-варақ.
33. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4254-иш, 133-варақ.
34. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4254-иш, 134-варақ.
35. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3691-иш, 26-варақ.
36. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3691-иш, 23-варақ.
37. Фозылходжаев К. Детей принимал Узбекистан.- Ташкент, 1991, 18 с.
38. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4254-иш, 8-варақ.
39. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4254-иш, 135-варақ.
40. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4254-иш, 136-варақ.
41. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4254-иш, 137-варақ.
42. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4254-иш, 8-варақ.
43. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3691-иш, 30-варақ.
44. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3691-иш, 31-варақ.
45. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3691-иш, 14-варақ.
46. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3691-иш, 15-варақ.
47. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3691-иш, 16-варақ.
48. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3691-иш, 17-варақ.
49. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3691-иш, 18-варақ.
50. ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3429-иш, 97-варақ.
51. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4248-иш, 2-варақ.
52. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4248-иш, 4-варақ.
53. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4248-иш, 12-варақ.
54. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4248-иш, 15-варақ.
55. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4248-иш, 18-варақ.
56. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4249-иш, 35-варақ.

БУХОРО ХОНЛИГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР

*Денов тадбиркорлик ва педагогика институти
Тарих ва фалсафа кафедраси ўқитувчиси
Жураев Боходир Турдалиевич*

Аннотация. *Шайбонийлар ва Аштархонийлар сулолаларини таққослайдиган бўлсак, Бухоро хонлигида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт нисбатан Шайбоний ҳукмдорлар даврида бироз жонланганлигига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдуллахон II каби ҳукмдорлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш учун бир қатор ижобий ишларни амалга оширишган.*

Калит сўзлар: *ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, ҳукмдорлар, халқлар, қишлоқ хўжалиги, тикувчилик, кулолчилик, темирчилик, қуролсозлик, заргарлик, қоғоз ва қурилиш ашёлари.*

Аннотация. *Если сравнить династии Шайбани и Аштарханидов, то можно увидеть, что социально-экономическая жизнь Бухарского ханства относительно оживилась при правителях Шайбани. В частности, такие правители, как Мухаммад Шайбанихан, Убайдулла, Абдулла II, сделали ряд позитивных дел для улучшения социально-экономической ситуации в стране.*

Ключевые слова: *общественно-экономическая жизнь, правители, народы, земледелие, шитье, гончарное дело, кузнечное дело, вооружение, украшения, бумага и строительные материалы.*

Abstract. *If we calculate the density of Shaibani and Ashtarkhanids, we can see that the socio-economic life of the Bukhara Khanate relatively revived under the rulers of Shaibani. In particular, such rulers as Muhammad Shaibanikhan, Ubaydullah, Abdullah II did a number of positive things to improve the socio-economic situation in the country.*

Keywords: *socio-economic life, rulers, peoples, agriculture, sewing, pottery, blacksmithing, armaments, jewelry, paper and building materials.*

Бухоро хонлигида яшаётган халқларнинг ҳаёти ва турмуши, XVI – XVIII аср ўрталари, яъни, ҳокимият тепасига манғитлар келишига қадар бўлган минтақадаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, уларнинг мазмун моҳияти шунингдек, ушбу даврдаги сулолалар Шайбонийлар ва Аштархонийларнинг олиб борган сиёсати масаласи турли талқиқотчи олимлар томонидан нисбатан бўлса-да, ўрганилган муаммолар қаторига киради. Ҳар иккала сулолалар яъни шайбоний ва аштархонийлар даврида маълум бир вақтлар оралиғи бўлганки, хонликнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи бир қадар юксалган, баъзида эса ортга кетган. Бу албатта, ҳокимият тепасида турган ҳукмдорнинг юритган сиёсати, ташқи ва ички омилларга боғлиқдир. Шайбоний ҳукмдорлардан Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдуллахон II даврида мамалакат ҳар томонлама юксалади. Ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маданий жихатдан Бухоро хонлиги минтақадаги етакчи давлатлар қаторида турган. Аштархоний ҳукмдорлардан Имомқулихон, Абдулазизхон даврларида шу даражага етади. Бу мавзуга оид илмий изланишлар хусусида тўхталар эканмиз, аввало, етук олима Р.Г.Мукминова [1.351] нинг изланишларини таъкидлаб ўтиб лозим.

Р.Г.Мукминова ёзма манбалар, улардаги тарихий маълумотларни тўплаш, таснифлаш ва таҳлил қилиш асосида Бухоро хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ёритишга ҳаракат қилди [2.103]. Шунинг таъкидлаш керакки, ушбу муаллиф совет тарихшунослигида ҳам мазкур даврнинг ижтимоий – иқтисодий муносабатларига мурожаат қилган эди [3.195-212]. Р.Г.Мукминова мавзу юзасидан илмий изланишларида асосий эътиборни Бухоро хонлигининг қишлоқ хўжалик ҳаёти, аграр муносабатлари, деҳқончилик, чорвачилик, ерга эгалик ва хунармандчилик масалаларига бағишлади.

Шайбонийларнинг Темурийлар давлати ўрнида ҳокимият тепасига келиши ва сулола вакилларида Шайбонийхон, Убайдуллохон ва Абдуллохон II лар томонидан марказлашган давлат барпо этиш билан боғлиқ ҳаракатлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга интилиш кучайганлиги, шунингдек, суғориш иншоотларининг қурилишига катта эътибор берилганлигини қайд этиш лозим.

Тадқиқотларда айнан Шайбонийхон биринчи бўлиб 1502 йилда марказ Самарқанд билан бошқа туманларни ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун Зарафшон дарёси устида бир вақтни ўзида дарё сувини иккига: Қорадарё ва Оқдарёга бўлиб юборадиган сув айирғич ва кўприкни қурдириб ишга туширганлиги, айтилади [4.41]. Бу кўприк ҳозиргача етиб келган, ҳозирдаги Темирйўл йўл кўпригидан нарироқда жойлашган.

Шайбонийхоннинг қўлга киритган ерларини бошқариш тартибига келсак, у соф ўрта аср ишлаб чиқаришига асосланган услубда бўлиб, қўлга киритилган вилоят ёки шаҳарларни алоҳида хизмат кўрсатган қон-қариндошлари, кўшин бошлиқларига ҳисса – улус қилиб бўлиб берган. Агарда улар бирор гуноҳ иш қилсалар, ана шундан маҳрум қилинар, бу эса жуда кўп низоларга олиб келар эди [5.50].

Шайбонийлар ва Аштархонийлар сулолаларини таққослайдиган бўлсак, Бухоро хонлигида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт нисбатан Шайбоний ҳукмдорлар даврида бироз жонланганлигига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллохон, Абдуллохон II каби ҳукмдорлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш учун бир қатор ижобий ишларни амалга оширишган.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” (Шарафномаи шоҳий) асари айнан Шайбонийлар даврида Бухоро хонлигидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этади. Бу асар 1940-50-йилларда шарқшунос олим С.Мирзаев томонидан илк бор таржима қилинди [6.416]. Академик Б.Аҳмедов эса бу асарни қайта тўлдириб биринчи ва иккинчи жилдларини қайтадан нашр қилдирган [7.416]. Яна бир тарихчи профессор, И. Умняков ҳам “Абдуллонома” бўйича ўз тадқиқотларини олиб бориб, 1930-йилда бу ҳақида рисола нашр этган [8]. Ушба тарихий манба Бухоро хонлигининг XVI асрдаги тарихидан ташқари, Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олинishi, темурийлар даври, Дашти Қипчоқдаги Абулхайрхон давлати ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Сиёсий тарихдан ташқари давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Жумладан, Шайбоний ҳукмдор Убайдуллохон бошқаруви даврида пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилади ҳамда Бухорода улкан қурилиш ва юртни обод қилиш учун ишлар амалга оширилади. Ҳофиз Таниш Бухорий айнан Убайдуллохон бошқаруви

даврига куйидагича таъриф берган эди: “Унинг давлати ва халофати замонида Мовароуннаҳр, айниқса, Бухоро вилояти гуллаб-яшнади” [9.61].

Шайбоний хукмдорлар даврида иқтисодий ҳаётда сунъий суғориш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ишига жиддий эътибор билан қаралган. Бу сулола вакиллари Сангзор, Чирчиқ, Сирдарё, Амударё, Вахш ва Мурғоб дарёлари имкониятларидан унумли фойдаланиш чораларини кўрганлар. Шайбонийхон авлодлари кейинчалик Қашқадарёнинг ирмоқларидан Кеш вилояти ерларини суғориш учун 10дан ортиқ каналлар қазитганлар. Сунъий суғориш ишлари, айниқса, Абдуллахон II даврида кенг ривожланган. Масалан, 1556-1585 йиллар оралиғида Зарафшон дарёсида Кармана, Меҳтар Қосим, Чаҳорминор, Жондор сув айирғичлари; Нурота тоғида Оқчоб, Мурғоб воҳасида Ҳовузихон сув омборлари қурилган. Бундан ташқари, Сангзор дарёсидан Жиззах воҳасига Туятортар канали, Сомонжуқ даштини ободонлаштиришга хизмат қилган Хожа Каъаб канали, Афсона канали, Амударёдан Чоржўйга, Мурғобдан Марвга, Вахшдан унинг атроф воҳаларига сув чиқаришга имкон берувчи каналлар қазилган. Бундан ташқари, Абдуллахон II карвон ёмларини қайта жонлантириш, сардобалар, карвонсаройлар қуриш ва таъмирлашга аҳамият берди.

1577 йилда Бухорода йирик усти берк бозор — Абдуллахон тими қурилди. Нурота туманидаги Оқчоб яқинида Бекларсой дарасида жойлашган қадимги тўғон қолдиқлари ўмида улкан банд (тўғон) қурдирди. Абдуллахон банди унинг равоқларини тўғон тепасида туриб очиши ёки беркитиши мумкин эди. Мақсад эса ўша атрофдаги бўз ерларни суғориб, деҳқончиликни ривожлантириш ва юртни обод қилиш эди. Бу тадбирлар, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ривожланишини таъминлаган. Шайбонийлар даврида ишлаб чиқариш тармоқлари бўлган тикувчилик, кулолчилик, темирчилик, қуролсозлик, заргарлик, қоғоз ва қурилиш ашёларини ишлаб чиқариш ривожланган.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, XVI-XVIII асрлардаги Бухоро хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир тадқиқот ва илмий изланишлар кўплаб олиб борилган. Бу борада шайбоний ва аштархонийлар давридаги манбаларнинг ўрни беқиёсдир. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидаги тарихчи олимлар бу борада улкан ишларни амалга оширишди. Бугунги кунда ҳам бу мавзуга доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам Вакф-наме. – Ташкент: Наука, 1966. – 351 с.

2. Мукминова Р.Г. Очерки истории ремесла в Самарканде и Бухаре XVI в. – Ташкент: 1976. – С. 103.

3. Мукминова Р.Г. Ремесло и торговля // История Самарканда. – Ташкент: 1969. Т. I. – С. 195-212; Ўша муаллиф. К истории ремесленных мастерских карвана. Средневековый Восток. История, культура, источниковедение. – Москва: 1980. – 196 с.

4. Муқимов З. Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи. Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот. Тошкент: Адолат, 2007. – Б. 41.; Семенов А.А. К вопросу о происхождении и составе узбеков Шейбани хана // Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. Выпуск I. – Сталинабад: Изд-во АН ТаджССР, 1954. – Б. 57.

5. Муқимов З. Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи. Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот. Тошкент: Адолат, 2007. – Б. 50.

6. Ҳофиз Таниш ибн Мирмуҳаммад Бухорий. Абдуллонома. 1-жилд, / С. Мирзаев таржимаси. Т., 1966. – 416 б.,

7. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома («Шарафномаи шоҳий»). Биринчи ва иккинчи китоб / Форс тилидан С.Мирзаев тарж.; Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Б. Ахмедов. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 416 б.,

8. Умняков И. «Абдулла-намэ» Хафизии Таныша и его последователи». Записки Коллегии Востоковедов при Азиатском музее Академии Наук СССР. Т. V. – Л.:1930.

9. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома («Шарафномаи шоҳий»). Биринчи ва иккинчи китоб / Форс тилидан С.Мирзаев тарж.; Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Б. Ахмедов. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 61.

ТАРИХИЙ МАНБАЛАРНИ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛ ЭТИШДА АРХИВЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Сурхондарё вилояти архиви бошлиғи
Жўраева Дилфуза Жанғиловна*

Аннотация. *Архивлар нафақат рад этиб бўлмас асл ҳужжатларга асосланган маълумотлар сақланадиган энг зарур ҳужжатгоҳ, балки тарихимизни ўрганиш борасида олиб бориладиган турли тадқиқотлар, илмий изланишлар учун ҳам бетакрор ва бебаҳо манба вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам бизнинг юртимизда архивлар халқимизнинг билим савиясини юксалтиришида, дунёқарашини кенгайтиришида ҳам маънан, ҳам ахлоқан такомиллашувида ўзига хос манба вазифасини ўтовчи асослардан бири ҳисобланади.*

Калит сўзлар: *архив, ҳужжатлар, манбалар, миллий қадриятлар, тарихий ўзлик, архившунослик.*

Аннотация. *Архивы являются не только важнейшим источником информации, основанной на неопровержимых подлинных документах, но и уникальным и бесценным источником для различных исследований и научных исследований нашей истории. Поэтому в нашей стране архивы являются одной из основ, служащих уникальным источником повышения уровня знаний нашего народа, расширения его мировоззрения как в духовном, так и в нравственном плане.*

Ключевые слова: *архив, документы, источники, национальные ценности, историческая идентичность, архивоведение.*

Abstract. *Archives are not only the most important source of information based on irrefutable authentic documents, but also a unique and invaluable source for various studies and scientific studies of our history. Therefore, in our country, the archives are one of the foundations that serve as a unique source of raising the level of knowledge of our people, expanding their worldview, both spiritually and morally.*

Keywords: *archive, documents, sources, national values, historical identity, archiving.*

Ҳар бир давлатнинг, унинг ҳудудида яшаётган халқнинг, яъни катта ёки кичиклигидан қатъий назар, ҳар қандай миллат ва элатнинг ўз тарихи, асрлар

оша яшаб келаётган анъаналари, удум ҳамда маросимлари, миллат тарихида ёрқин из қолдирган улуғ шахслари бор. Бу ҳақдаги барча маълумотлар, бирор-бир муҳим воқеа ёки ҳодисага, айниқса, алоҳида олинган шахснинг босиб ўтган ҳаёт йўлига оид аниқ маълумотлар, мозийда қолиб кетган ҳаёт саҳифаларига ойдинлик киритувчи бебаҳо ҳужжатлар, аслида, оддий одамлар таъбири билан айтганда, буюк сирдон – архивларда сақланади. Шу маънода олиб қараганда, архивлар нафақат бебаҳо хазина, балки асл ва ишонарли ҳужжатлар – бўлиб ўтмиш воқеалар, ёки бирор инсон тақдирида рўй берган эврилишлар тўғрисида тилсиз-забонсиз бўлса-да, холисона шоҳидлик бера оладиган гувоҳлар сифатида кўз қорачиғидек авайлаб-асраладиган жой, мажозий маънода айтганда, муҳим ҳужжатгоҳ ҳисобланади. Шу боис, барча давр ва замонларда бу соҳага, айти пайтда, архившунослар фаолиятига катта ҳурмат ва ишонч кўзи билан қаралиб келинган. Хусусан, биз яшаётган даврда ҳам ушбу соҳага эътибор янада кучайтирилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Дарҳақиқат, халқимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон тарихини янги куч, янги нуқтаи назардан қараган ҳолда ўрганиш, ҳеч бир шубҳасиз, давлат сиёсати даражасига кўтарилганини мамнуният билан қайд этиб ўтиш зарур. Чунки юртимизда миллий иқтисодиётни раванқ топтириш, ижтимоий соҳаларни янада ривожлантириш, шунингдек, маданий ҳамда маънавий-маърифий ислохотларни чуқурлаштириш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва тарғиб қилиш борасида кўрилаётган муҳим чора-тадбирлар туфайли халқимизнинг тарихий ўзликни чуқурроқ англашга иштиёқи ва қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бу борада, яъни ўзига хос жараёнларни бошдан кечирган бой ўтмишимиз давомида рўй берган одамлар тақдирига кучли таъсир этган муҳим воқеаларни, ўзгаришларни, бунёдкорлик ва вайрон қилишларни ўрганишда бебаҳо хазина сифатида эътироф этилувчи архив ҳужжатларининг ўрни ва роли алоҳида эътиборга молик аҳамият касб этади. Чунки архивлар нафақат рад этиб бўлмас асл ҳужжатларга асосланган маълумотлар сақланадиган энг зарур ҳужжатгоҳ, балки тарихимизни ўрганиш борасида олиб бориладиган турли тадқиқотлар, илмий изланишлар учун ҳам бетакрор ва бебаҳо манба вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам бизнинг юртимизда архивлар халқимизнинг билим савиясини юксалтиришда, дунёқарашини кенгайтиришда ҳам маънан, ҳам ахлоқан такомиллашувида ўзига хос манба вазифасини ўтовчи асослардан бири ҳисобланади. Ваҳоланки, Ўзбекистонда архив ишларининг ташкил этилиши ва унинг тарихи тўғрисида Сурхондарё вилояти мисолида сўз юритаётган эканмиз, аввало, вилоятнинг ташкил топиши ҳақида қисқача бўлса-да тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда жануб гавҳари дея эътироф этилаётган Сурхондарё вилояти бир пайтлар Бухоро амирлигининг энг чекка ҳудудларидан бири эди. Сурхон воҳасида учта йирик беклик мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири бевосита Бухоро амирига бўйсунарди. Аммо, ўз даврида буюк дея таърифланган инқилоб содир бўлгач, Ўзбекистондаги бошқа ҳудудлар каби Сурхондарё ҳам алоҳида вилоятга айлантирилди ва қадимий тарихга эга Термиз шаҳрига марказ мақоми берилди. Шу ўринда эслатиб ўтмоқ зарурки, Термиз бундай мақомга эга бўлгунга қадар, Шеробод шаҳри марказ ҳисобланарди. Тарихий ва илмий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Шўролар ҳокимияти ўрнатилгач, юртимизда Туркистон ва Бухоро Шўро республикалари ташкил топганди. 1924 йил сентябрь ойида ана шу ҳар

иккала республика Шўроларининг съездида Ўрта Осиёда миллий чегаралаш ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ушбу қарор шу йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган Бутуниттифок съездида тасдиқланди. Шундан сўнг, яъни Ўрта Осиё Республикаларининг миллий - ҳудудий чегараланиши негизида Ўзбекистон ССР барпо этилди ва унинг ҳудудлари областларга ажратилиши муносабати билан Сурхондарё области ҳам ташкил этилиб, унинг маркази ҳозирги кунда туман маркази саналадиган Шерободда жойлаштирилди [1].

Ўрни келганда таъкидламоқ жоизки, ушбу янги область (у пайтларда вилоят атамаси ўрнига область сўзи қўлланилган – Д.Ж.) Шеробод, Бойсун, Денов, Келиф, Сариосиё собиқ бекликлари ҳамда мустақил фаолият юритиб келган Дарбанд амлоқдорлиги негизида ташкил этилган. Лекин икки йилдан сўнг, яъни 1926 йилга келиб, вилоят маркази Шерободдан Термиз шаҳрига кўчирилган. 1927 йилдан бошлаб эса, у округ деб атала бошлаган. 1930 йилда Шўролар давлати бўйлаб округлар тугатила бошлагач, Сурхондарё округи областга айлантирилган ва унинг ҳудуди “Сурхондарё гуруҳидаги районлар” деб юритила бошлаган. 1935 йилга келиб, у яна округ деб юритила бошлаган. Чунки бу пайтга қадар Сурхондарё Бухоро областининг округи ҳисобланар ва у Бухорога буйсунар эди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Ижро қўмитасининг ташкил этиш комитетининг Бухоро ССР Олий совети Президиумининг 1941 йил 6 март кунги Фармони билан Сурхондарё области ташкил этилган. Областнинг ташкил этилиши муносабати билан вилоят ташкилий қўмитасининг қарорлари асосида вилоят соғлиқни сақлаш, режалаштириш, сув хўжалиги, молия, алоқа, маданият, маориф, савдо ва бошқа бўлимлари ташкил этилди. Шу билан бирга Ички ишлар халқ комиссариёти бошқармасининг Сурхондарё област архив бўлими ташкил этилган [2].

Агар ана шундай ўзига хос тарихга эга бўлган Сурхондарё вилоятида архив ишлари қачондан бошлаб ва қандай ташкил этила бошлаганлигига мавжуд ҳужжатлар асосида назар ташлайдиган бўлсак, бу борадаги ишлар, асосан, 1918 йилда тартибга солина бошлаганлигини кўриш мумкин. Бунга эса РСФСР ҳукумати 1918 йил 1 июнда қабул қилган “Архив ишини қайта қуриш ва марказлаштириш тўғрисида”ги декрети асос бўлди. Чунки ана шу декрет асосида Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси (МИК) 1919 йил 5 ноябрда “Архив ишини қайта қуриш ва марказлаштириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби, Сурхондарёда ҳам архив ишларини ана шу қарор асосида қайта ташкил этишга киришилди. Яъни, бу пайтга қадар мавжуд бўлган барча архивларни марказлаштириш ишлари бошланган эди [3]. Чунки, то юқорида эслатиб ўтилган декрет ҳамда унга асосланган қарор қабул қилингунга қадар, барча ҳужжатлар идоравий архивларда сақланиб келинган. Ана шу архивлар тугатилиб, республикада Ягона Давлат Фонди – ЯДАФ ташкил этилишига киришилган. Бу фондни бошқариш вазифаси эса янгидан ташкил этилган “Туркистон Республикаси Архив иши бошқармаси” зиммасига юклатилган. Шуниси ҳам борки, ушбу бошқарманинг номланиши 1919 йил 5 - ноябрда яна ўзгартирилиб, у “Архив иши марказий бошқармаси” дея юритила бошлаган. Эслатиб ўтмоқ ўринлики, Туркистон Автоном Республикасининг Ягона Давлат Архив Фондига нафақат инқилобгача, яъни 1917 йилга қадар ташкилотларда мавжуд бўлган ҳужжатлар, балки совет ташкилотларига оид архив ҳужжатларини ҳам қабул қилиш ишлари йўлга қўйилган. Худди шу йили

барча ҳужжатлар ташкилотларда 5 йил давомида сақланиши, сўнгра давлат архивларига топширилиши қоида сифатида белгилаб қўйилган. Ушбу қоида амалда 1921 йилнинг 30 сентябридан эътиборан кучга кирган. Чунки бу даврга келиб, жойларда вилоят архив бўлимлари ташкил этила бошлаган [4].

Архив ҳужжатларига таяниб айтадиган бўлсак, Сурхондарёда 1926 йилга келиб илк бор архив бюроси очилган ва у шу ном билан фаолият юрита бошлаган. Область архив бўлимида бошлиқ ва инспектор фаолият юритган. Орадан бир неча йил ўтгач, яъни 1934 йилнинг 19 ноябрида Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитасининг №16/86 ва №6-сонли қарорлари қабул қилиниб, унга асосан Термиз шаҳрида Ўзбекистон Марказий архив бошқармасининг туманлараро бўлими ташкил топган. Ушбу бўлим Бойсун, Жарқўрғон, Сариосиё, Шеробод ва Термиз туманларига хизмат кўрсатиши белгилаб қўйилган [5]. Фикримизга янада ойдинлик киритиш мақсадида, 1934-50 йилларда архив ҳужжатларини сақлаш учун атиги битта хона ажратилганлигини айтиб ўтиш керак. 1935 йил 21 декабрда ЎзССР Марказий Ижроия Қўмитасининг қарорига асосан, ушбу бўлим ана шу биттагина хонада Сурхондарё вилоят ижроия қўмитасининг архив бошқармаси сифатида фаолият олиб борган. Архивда сақланаётган барча ҳужжатлар асосан ўзбек, рус ва лотин имлосида бўлган. Кейинчалик, яъни ўша пайтлардаги ЎзССР Олий Совети Президиумининг 1941 йил 6 мартдаги Фармонига асосан, Сурхон воҳаси Бухоро области таркибидан ажралиб чиқди ва Сурхондарё области мақомига эга бўлди. Шу муносабат билан Сурхондарё область давлат архиви ташкил этилди ҳамда у ўз биносига эга бўлди [6].

Сурхондарёда архив ишларининг йўлга қўйилиши тарихи тўғрисида сўзлаганда, бу соҳада илк бор фаолият бошлаган инсонларнинг номларини эслаб ўтмоқ лозим. Чунки уларнинг ҳар бири ўз даври ҳамда архившунослик талабларидан келиб чиқиб, воҳада архив ишларини такомиллаштиришга ўзларининг муносиб улушларини қўшишган. Шунинг учун ҳам Сурхондарё вилоятида 1926-2005 йиллар оралиғида архив ишларини ривожлантиришдек масъулиятли ҳамда сермашаққат меҳнатни талаб этадиган ишда фаоллик кўрсатганлар номи эслаб ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлади [7].

Дастлаб, вилоят ижроия қўмитасининг архив бошқармасида Якобенко, Зильбергц, Алиев, М.К.Дьяконова, И.Исмоилов каби инсонлар фаолият юритишган. Ушбу бошқарма давлат архиви мақомига эга бўлгач эса, Сазонова, Кулакова, Горобец, Пардаев, Бобоқулова, Сергеева, Л.Чикилдина каби архив фидойилари меҳнат қилишган [8].

Шу ўринда Сурхондарёда архив ишларини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга муносиб улуш қўшган архив раҳбарлари тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Масалан, вилоят давлат архивига Яковенко Т.Г., Ковецкая В.В., Сазонова А.Г., Иванчек А.Лю, Сысоева И.А., Кулакова З.П., Шевинина Е.Ф., Дружинина Д.М., Левикин, Абрамова О.И.лар ўтган асрнинг 60-йилларига қадар раҳбарлик қилишган [9].

1960 - йилдан кейинги даврларда эса Утямышева Д.Х., Сергеева Р.А., Стерликова М.Ф. Пардеев Х.Н., Лёвкин М.И., Макарова Е.Ю. каби архив иши фидойилари фаолият олиб боришган. Агар ушбу рўйхатга эътибор билан қаралса, вилоят давлат архивини узоқ йиллар давомида бошқарганлар орасида атиги икки-учтагина маҳаллий миллат вакили бўлганлигини кўриш мумкин [10].

Лекин, мамнуният билан қайд этиш керакки, 2004 йилга келиб, бу борадаги кўрсаткичлар сезиларли даражада ўзгарди. Масалан, 2004 йилдан кейин вилоят

давлат архивига – Жўраева Р.Т., Тожихонов И. О., Менгтўраева Д., Абдушукуров Б.Т. , Бўриев А. сингари архив иши жонкуярлари раҳбарлик қилишган [11]. Уларнинг ҳар бири давлат архиви фондини тўлдириш, ҳужжатларни бенуксон сақлаш ишларига бош-қош бўлишган.

Ваҳоланки, Сурхондарё вилоят давлат архивининг ташкил топиши ва такомиллаша бориши тарихи тўғрисида сўзлаётган эканмиз, юқорида номлари ҳурмат билан тилга олиб ўтилган инсонлар туфайли бугунги кунга келиб, давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар ҳажми қай даражага етганлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш зарур.

2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, Сурхондарё вилоятидаги давлат архивларида жами 5265 дона жамғарма мавжуд бўлиб, уларда:

551406 сақлов бирлигидаги – доимий;

175954 сақлов бирлигидаги – шахсий таркибга оид;

–195070 та – депозитар

сақловга доир ҳужжатлар сақланаётганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Вилоят давлат архивида эса 2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 1265 та жамғарма мавжуд бўлиб, уларда:

163845 сақлов бирлигидаги – доимий;

16606 сақлов бирлигидаги – шахсий таркибга оид;

–24549 та – депозитар

сақловдаги турли ҳужжатлар авайлаб-асраб сақланмоқда [12].

Ўрни келганда шунини ҳам эслатиб ўтиш зарурки, Сурхондарё вилоят архивида 1917 йилдан, то 2015 йилгача бўлган Давлат бошқаруви ҳамда суд ва прокуратура органлари, ўқув, маданий ва маърифий муассасалар, касаба уюшмалари, халқ таълими ва ташкилотларининг доимий, яъни узоқ муддатга мўлжалланган ҳужжатлари сақланмоқда [13].

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг 1992 йил март ойида маҳаллий ҳокимликлар ташкил этилиши муносабати билан 2000 йилда Сурхондарё область ижроия қўмитаси қошидаги архив бўлими Сурхондарё вилояти ҳокимлиги архив бўлими деб номланди. 2004 йил 3 февраль куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида архив иши бошқарувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 49-сон қарорига асосан Сурхондарё вилоят ҳокимлиги архив бўлими-вилоят архив иши ҳудудий бошқармасига айлантирилди [14]. Вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси Низомига мувофиқ Сурхондарё вилоятида архив иши ва иш юритиш бўйича ягона давлат сиёсатини олиб борувчи махсус ваколатли орган ҳисобланади ва вилоят ҳудудидаги давлат ва нодавлат архивлари, шу жумладан, идоравий архивлар фаолиятини мувофиқлаштиради, уларни такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича услубий раҳбарлик олиб боради. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлигига бўйсунди, ўз фаолияти ҳақида уларга ҳисобот бериб туради. Бошқарма тизимига битта вилоят давлат архиви ва 9 та туман давлат архиви 7 та шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивлари киради. Ҳозирда бошқарма тизимидаги давлат архивларида 806 минг 764 сақлов бирлигидан иборат бошқарув ҳужжатлар сақланмоқда. Шундан 651 минг 51 сақлов бирлиги бошқарув ҳужжатлари, 3 минг 234 сақлов бирлиги шахсий келиб чиқиш ҳужжатлари, 193 минг 479 сақлов бирлиги шахсий таркиб ҳужжатларидан иборат. Суратли ҳужжатлар сони 9 минг 560 ҳисоб бирлигини,

алоҳида қимматли ҳужжатлар сони 174 минг 297 ташкил этади. Давлат архивларида сақланаётган миллий архив фондига тегишли ҳужжатларнинг чегара саналари 1917 йилдан 2021 йилларни қамраб олади. Шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивларида 237 минг 729 сақлов бирлигидан иборат шахсий таркиб ҳужжатлари сақланмоқда [15].

Ушбу ҳужжатлар Сурхондарё вилоятининг тарихи, маданияти, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, маҳаллий саноат, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларни ўзида акс эттириб турибди. 2019 йилда республикада давлат архивлари ташкил этилганлигининг 100 йиллиги Сурхондарёда кенг нишонланди. Шу муносабат билан вилоят давлат архивининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361- фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 35-варақ.
2. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361- фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 44-варақ.
3. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361- фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 28-варақ.
4. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361- фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 44-варақ.
5. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361- фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 44-варақ
6. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361- фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 56-варақ.
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361- фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 62-варақ.
8. Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий, моддий ва маънавий маданияти // Республика илмий-амалий анжумани. – Тошкент: Ўқитувчилик МЧЖ, 2011. –Б. 202.
9. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361- фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 34-варақ.
10. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361- фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 45-варақ.
11. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361- фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 44-варақ.
12. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361- фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 44-варақ.
13. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361- фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 44-варақ.
14. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361- фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 44-варақ.
15. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361- фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 44-варақ.

СУРХОН ВОҲАСИДА ҚИЗИЛ АРМИЯ БОСҚИНИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ БОШЛАНИШИ

*Денов тадбиркорлик ва педагогика институти
тарих ва фалсафа кафедраси ўқитувчиси
Менглибоев Акмал Холтўраевич*

Аннотация. Мамлакатда кескин сиёсий вазият юзага келди. Бир томондан ташқи хавф, иккинчи томондан ички кескинлик амирни ўз қуроли кучларини тақомиллаштиришга мажбур қилди. Шу мақсадда мамлакат бўйлаб сафарбарлик эълон қилиниб, 20-45 ёш оралигидаги йигитлар қўшинга чақирилди. Қўшин етти қисмга бўлинди. Сурхон воҳасида ҳам Совет ҳокимиятини ўрнатилиш чоралари кўрила бошланди. Шу муносабат билан Термиз шаҳар совети қайта ташкил қилинди.

Калит сўз: Денов беклиги, Мирза Абдулмўминбек, «Ўроқхон», Жунаидхон, Бойсун беклиги, Қизил армия, 1-Туркистон дивизияси.

Аннотация. В стране возникла напряженная политическая ситуация. С одной стороны, внешние угрозы, с другой стороны, внутренняя напряженность заставляли эмира совершенствовать свои вооруженные силы. С этой целью по всей стране была объявлена мобилизация, а молодых людей в возрасте 20-45 лет призывали в армию. Армия была разделена на семь частей. В Сурхандарьинском оазисе были приняты меры по установлению Советской власти. В связи с этим была реорганизована городская управа Термеза.

Ключевые слова: Денауское княжество, Мирза Абдулмоминбек, «Урахон», Джунaidхан, Байсунское княжество, Красная Армия, 1-я Туркестанская дивизия.

Abstract. A tense political situation arose in the country. On the one hand, external threats, on the other hand, internal tensions forced the emir to improve his armed forces. To this end, mobilization was announced throughout the country, and young people aged 20-45 were drafted into the army. The army was divided into seven parts. In the Surkhandarya oasis, measures were taken to establish Soviet power. In this regard, the city government of Termez was reorganized.

Keywords: Principality of Denau, Mirza Abdulmominbek, Urakhon, Junaidkhan, Principality of Baysun, Red Army, 1st Turkestan Division.

1918-1919 йиллардаги ноқулай ташқи муҳит, Россия билан савдо алоқаларининг узилиб қолганлиги, тез-тез бўлиб турган тўқнашувлар Бухоро амирлигидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни оғирлаштириб қўйди. Жаҳидларга қарши оммавий қирғин, солиқлар миқдорининг оширилиши, амалдорларнинг зўравонлиги халқ норозилигига сабаб бўлди. Мамлакатда кескин сиёсий вазият юзага келди. Бир томондан ташқи хавф, иккинчи томондан ички кескинлик амирни ўз қуролли кучларини такомиллаштиришга мажбур қилди. Шу мақсадда мамлакат бўйлаб сафарбарлик эълон қилиниб, 20-45 ёш оралиғидаги йигитлар қўшинга чақирилди. Қўшин етти қисмга бўлинди. Булар – тўпчилар, отлик казаклар, шефский, терский, араббачча, туркман аскарлари ва сарбозлардир. Казак, шефский ва терский гуруҳлари рус қўшинлари намунасида тузилган эди. Отлик казакларни «казанский» номи билан аташган. Шефский ва терский гуруҳидаги аскарлар сони 10 минг кишидан иборат бўлган. Туркман отрядлари Когон казармасида туриб, Россиянинг темир йўлини қўриқлашар эди. Сарбозларнинг сони 20 минг киши бўлиб, уларнинг вазифаси шаҳарлар ва бекликларни қўриқлаш эди [1.56].

Амирликда отлик қўшин йиғиш учун мамлакат ерлари 300 туманга бўлинди. Ҳар бир туман 4 нафар бош-адоқ қуролланган отлик бериши лозим эди [2.289]. Қўшиннинг қурол-аслаҳаси ҳам ортиб борди. 1920 йил август ҳолати бўйича Бухоро атрофида жойлаштирилган амир қўшинлари 8,3 минг пиёда, 7,6 минг отлик аскардан иборат бўлиб, 16 пулемёт ва 23 тўпга эга эди. Бекликларда эса 27 минг аскар, 2 пулемёт ва 32 тўп бор эди [3.82].

Бекликларда аскарний бўлинмалар тузилар экан, уларга амирнинг энг ишончли кишилари бош қилиб қўйилди. Жумладан, Шеробод беклигида Мирза Абдулмўминбек бошчилигида амирнинг сара қисмлари – мерганлар ва газарлар [4.110] бўлинмалари ташкил этилди [5.]. Қўшин ўртасида тартиб-интизомни сақлаш, тинч аҳолини аскарлар томонидан талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик учун амир томонидан машҳур дин арбоблари – бойсунлик Саййид Тожиддинхон ва

шерободлик Миён Сафиюллоҳга «ўроқхон» унвони берилади. Ўша даврда бу ҳарбий прокурор лавозими ва полковник унвонига тенг эди [6.14].

Бундан ташқари, Бухорони қўриқлаш учун бекликлардан аскарлар юборилган. Чунончи, Денов беклигидан Тошбой тўқсабо Ортиқниёзов, Мулла Менгзия Норқобил мирохур, Раҳмонқул мирохур Жумаев сингари саркардалар ўз йигитлари билан амир хизматига жўнатилдилар [7]. Худди шу бекликдаги Хўжамулки қишлоғидан Бухоро амири аскарларига тилмоч қилиб юборилган Эшнӣёз Муҳидинов яхши хизматлари учун милтиқ ва олтин камар билан сийланди [8.].

Амир Олимхон қўшинни янада такомиллаштиришда чет эллик тутқунлардан ҳам унумли фойдаланди. Жумладан, инқилобий воқеалардан кейин австрияликлар темир йўл станцияларидан қочиб кетишган, уларнинг кўпчилиги кетиш учун маблағи бўлмаганлиги сабабли амир хизматига кириб, унга ўқ-дори ясаб бериш ёки ҳарбий техникани созлаб бериш билан шуғулланар эди. Бухоро амирига жами икки минг нафар австриялик хизмат қилган [9.170]. Австрияликларнинг меҳнати билан амир қўшинидаги тўплар сони 600 тага етказилган [10.58]. Бирок уларнинг жуда катта қисмини эски типдаги тўплар ташкил этган. Шунингдек, 1919 йил кузида 250 нафар румин аскарлари ҳам келган бўлиб, уларнинг ярми Бухорода қолдирилган, қолганлари эса Фарғонага жўнатилган эди [11.84,97].

Большевикларни кўп сонли қўшин билан енгиб бўлмаслигини тушуниб етган амир ўзига иттифоқчи ахтара бошлади. Шу мақсадда у қўшни давлатлар билан яқинлашишга уриниб кўрди. Дастлаб 1918 йил баҳорида амирнинг буйруғи билан Домулло Қутбиддин Судур ва Тўрахўжа нақиб Афғонистонга, амир Ҳабибуллохон ҳузурига жўнатилди. Ҳар икки давлат ўртасида битим тузилиб, Афғонистон амири томонидан 6 та фил ва 200 нафар аскар юборилди [12.58]. Кейинчалик уларнинг сони 2000 кишига етказилди. Аммо 1918 йил ёзида улар исён кўтарганлиги боис амирнинг буйруғи билан ишончни йўқотган барча афғонлар мамлакатдан қувиб чиқарилди [13.245-247].

1919 йил ёзида Хоразмга Эшон Бурҳониддин Хиёбоний ва Домулло Бурҳониддин махдум Кўлобий элчи қилиб юборилди [14.58]. Элчилар Амударёдан кема орқали сузиб, 1919 йил 17 июлда Хазораспга тушишди. Элчиликдан мақсад, большевикларга қарши туриш учун амир хоразмликлардан икки минг отлик аскар олмоқчи эди [15.132]. Жунаидхон бу таклифга рози бўлди ва ҳар икки давлат ўртасида иттифоқ тузилиб, большевикларга қарши биргаликда курашишга қарор қилинди. Натижада Хоразмда амир қўшини учун аскар йиғиш бошланди. Ўша йилнинг сентябрида Хивадан Бухорога элчилар келиб, амирдан тўп, пулемёт ва маблағ бериб туришни илтимос қилишди. Бунга жавобан амир қуролсоз усталар ва икки дона пулемётни австриялик мутахассис билан бирга қўшиб юборди [16.135].

Буюк Британия билан ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Негаки, 1918 йилда Туркменистоннинг бир қисми инглизлар томонидан босиб олинган, бу ерда Закаспий fronti очилган эди. Вазиятдан фойдаланмоқчи бўлган амир 1919 йил январида Мирза Сафар исмли мулозимини элчи қилиб юборади. Музокаралар натижасида инглиз генерали Маллесон ҳукумат руҳсати билан амирга қурол-яроғ етказиб беришни ваъда қилади [17.143]. 1919 йил баҳорида Ашхободда турган инглизлардан 13 минг дона милтиқ ва унга зарур бўлган ўқ-дори сотиб олинади [18.104]. Ўша йилнинг декабрида 78 та туяга юкланган милтиқ ва ўн нафар инглиз мутахассиси Бухорога келади [19.133]. Бундан ташқари, 1919 йилнинг ўзи-

да Машҳаддан Хива орқали 1200 милтик, 12 пулемёт, 4 та тўп, кўп миқдордаги ўқ-дорилар юборилди. Қурол-яроғларнинг келиши бундан кейинги ойларда ҳам давом этди [20.159-161].

Амир инглиз қўшинларини Бухорога ҳам таклиф этмоқчи эди [21.133]. Б.И.Искандаровнинг маълумотига кўра, 1919 йилнинг баҳорида Бухорода 600 нафар инглиз зобити йиғилган эди [22.97]. 1920 йилнинг май ойида Машҳаддан инглиз полковниги Штеннел бошчилигидаги 160 нафар инглиз ва 60 нафар рус зобити Бухорога келди. 1920 йилнинг ёзида Бухорода 80 та инглиз ва 300 та рус зобити тўпланган эди [23.162].

Таъкидлаш жоизки, 80, 160 ёки 600 та инглиз зобитининг Бухорода йиғилиб келганлиги тўғрисидаги маълумотларга танқидий қараш лозим. Гарчи, 1919 йилда инглизлар Туркменистон ерларига бостириб киришган бўлсада, Бухоро амирлигидан жуда узоқда жойлашган эди. Қолаверса, Закаспий темир йўли большевиклар қўлида бўлган. Фронт линияси темир йўл бўйлаб ўтган эди. Инглиз аскарлари бор-йўғу минг киши бўлиб, улар ҳам асосан ҳинд аскарларидан иборат бўлган. Карвон йўли билан бепоён ва кимсасиз чўлдан 600 нафар инглиз зобитининг юборилиши бироз шубҳали туюлади.

Сурхон воҳасида ҳам Совет ҳокимиятини ўрнатиш чоралари кўрила бошланди. Шу муносабат билан Термиз шаҳар совети қайта ташкил қилинди. Унга Чори Беркалиев раис этиб сайланди. Термиз ревкомининг биринчи раиси эса Ёдгор Абдурахмонов бўлди [24.19]. Термизга Қизил Армиянинг йирик кучлари жойлаштирилди. Бу қўшин Сурхон воҳасидаги совет ҳокимиятининг таянчига айлан-тирилди. Шеробод беги Тўхтамишни ағдариб ташлаш мақсадида ташкил этилган Шеробод инқилобий кўмитаси ҳам Термизда жойлашди. Шерободда совет ҳокимиятини ўрнатиш учун Гончаренко бошчилигида махсус отряд тузилади. Бу ишда большевиклар томонига ўтган маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам ёрдам беришди. Улардан тузилган отрядга Ёдгор Абдурахимов ва Ҳасан Амирхоновлар етакчи этиб тайинланади [25.15].

Душман томонидан таъқиб қилинган Амир Олимхон аввал Қаршига қочади. Тахта Қорача деган жойда амир аскарлари 1-Туркистон кавалерия полки билан тўқнашади. Бу жангда ғолиб чиққан қизил босқинчилар жиддий қаршиликка учрамай, Китоб ва Шаҳрисабз шаҳарларини эгаллашади. 10 сентябрда Бойсунга келган амир Ғузор ва Қарши бекликларидан беш минглик аскарни тўплайди. 2-Туркистон кавалерия полки Ғузорни эгаллади. 11 сентябрь куни 8-Туркистон ўқчи полки Дарбанд ва Бойсунни ҳам босиб олади. Амир Олимхон Дарбанд атрофларида минг кишилик аскарини қўйиб, ўзи Душанбега қараб чекинишга мажбур бўлди [26.61]. Термизда шакллантирилган кучлар эса 1920 йилнинг 29 сентябрида Шерободга хужум қилиб уни эгаллайди [27.60].

Тарихий маълумотларга кўра, Бойсун ва Шеробод бекликлари аҳолиси Амир Олимхоннинг ағдарилишини эшитиб қаттиқ изтироб чекишган, қир-адирларга чиқишиб йиғлашган. Большевикларнинг Бухоро, Чоржўй, Қарши ва бошқа шаҳарларда содир этган қирғинлари уларда душманга нисбатан кучли нафратни юзага келтирган. Амир, беклар ва бошқа амалдорлар қочиб кетишганида эътиборли дин пешволари халқни, қўшин бошлиқлари ва уруғ оқсоқолларини курашга чақирганлар [28.118]. Сурхон воҳасида келгиндиларга қарши қуролли ҳаракат шундай бошланган эди. Озодлик ҳаракатининг асосий иштирокчилари оддий халқ бўлган. Рухонийлар эса, бу ҳаракатни ғоявий-сиёсий жихатдан илҳомланти-

риб туришган. Шунинг учун ҳам Сурхон воҳасидаги озодлик ҳаракатини бостиришда босқинчилар жуда катта қийинчиликларга дуч келди ва оғир талофатлар кўрди. Буни куйидаги мисолларда кўриш мумкин.

Бойсун ва Шеробод шаҳарларининг рус кўшинлари томонидан эгалланганидан қаттиқ ташвишланган Миён Сафиюллоҳ октябрь ойининг бошларида кўшни беклик ва амлоқдорликларга чопар жўнатиб, юрт оқсоқолларини кенгашга чақиради. Бойсун беклигининг Хўжанқон қишлоғида бўлиб ўтган кенгашда оқсоқоллар бир овоздан душманга қарши Муқаддас уруш эълон қилишади [29.14]. Мамлакат бўйлаб миллий озодлик ҳаракати бошланди. Жўра оқсоқол қишлоқ-ма-қишлоқ кезиб, элни курашга чақирди [30.15].

Миён Сафиюллоҳ ўроқ унвонига эга бўлиб, узоқ йиллар Бойсун ва Шеробод бекликларида яшовчи аҳолининг талабларини амирга етказар, иложи борича оддий халқнинг манфаатларини ҳимоя қилишга интилар қилар эди. Қолаверса, у киши ўз даврида нақшбандия тариқатининг йирик вакили эди. Шу сабаб, халқ Миён Сафиюллоҳни ҳурматлаб Ўроқхон эшон деб ҳам атаган [31].

Амирнинг буйруғи билан Олимбек Бойсун ва Шерободдаги кўшинларга бош қилиб кўйилди. Шерободнинг олдинги беги Тўхтамиш эса Келифга бек этиб тайинланди [32.]. Шерободлик Мирза Абдулмўминбек кўрғонбеги лавозимида бўлиб, кўшин йиға бошлади. 1920 йилнинг 17 октябрь куни унинг минг кишилиқ кўшини Шерободни озод қилди. Аммо миллий кучларнинг Бойсунга кетганидан фойдаланган большевиклар 10 ноябрь куни яна Шерободни эгаллаб олишди [33.60].

Юзага келган оғир шароитга қарамай, Мирза Абдулмўминбек Шерободни озод қилиш учун йирик ҳужум ташкиллаштиришга муваффақ бўлди. 1920 йилнинг 27 ноябрида Шерободга қилинган ҳужум душман кўшинларини эсанқиратиб кўйдди. Термиз ревкоми бошлиғи Малиновский томонидан Бухоро Халқ Совет Республикаси Инқилобий кўмитаси (Ревком) ва ички ишлар ноziри номига жўнатишган бир махфий ҳужжатда айтилишича, Шеробод шаҳри атрофидаги қизил аскарларга қарши миллий кучлар турли милтиқлар билан қуролланган 7000 кишилиқ кўшинни ташлади. Кўшин таркибида Денов, Юрчи ва Ҳисор шаҳарларининг аҳолиси бор эди. Уларнинг ҳужуми натижасида большевиклар кўшини 27 ноябрь куни Шерободни ташлаб чиқди ва Ангор қишлоғига чекинди. Шеробод жангида қатнашганларнинг айтишича, амир кўшинларининг фанатизми шу даражага етганки, улар қизил аскарларнинг тўп ва пулемётдан тинимсиз ўт очишига қарамай, фақат олға интилишарди. Уларнинг таъқиб остида русларнинг 8–полк аскарлари 28 ноябрь куни Ангорни ташлаб, Термиз томонга қочиб кетишди [34.]. Миллий кучлар душманни Термизга қадар таъқиб этиб, Шеробод беклигини озод этди

Эришилган ғалабалар бутун элни тўлқинлантириб юборди. Бекликларда кўшин йиғиш ишлари авж олди. Ноябрь ойининг ўрталарига келиб, Шарқий Бухорода амир аскарлари сони 15 минг, кўнгилли – ғазовотчилар эса 30 минг кишини ташкил этди [35.18]. 1920 йилнинг 23 ноябрида Бойсунда Бўри тўқсабо кўмондонлигида 7000 киши, Деновда 1000 киши, Сариосиёда 3000 киши, Боғча қишлоғида Эшонбоши етакчилигида 600 киши, Сангардакда 140 киши, Дарбандда 100 кишидан кўпроқ кўшин йиғилди [36.60] .

1920 йилнинг 4 декабрида Қизил Армия разведка хизмати юборган хабарда айтилишича, Амир Олимхон шимолий йўналишдаги Денов ва Сариосиёда 4740

киши, Бойсунда – 19 октябрдан 23 ноябрга қадар 7000 киши, 5 та пулемёт ва 1 та тўп, Шерободда – 27 ноябрь ҳолати бўйича 8000 киши, сўл соҳил бўйлаб туркман қишлоқлари – Хамнаб ва Бўсагада 5000 киши (шундан 600 киши қуролланган, 2 пулемёт билан), Душанбедаги амир қароргоҳида 5000 киши, 2 тўп; Ҳисорда 5000 киши, жами 34740 аскар, 7 пулемёт ва 2 тўпдан иборат кучлар тўпланган эди. Албатта, мазкур рақамлар бироз бўрттирилган, қолаверса, шулардан бор-йўғи 4000–5000 киши қуролланган эди [37.433-434].

Туркфронт қўмондонининг буйруғига асосан 1920 йилнинг 27 ноябрида Ҳисор экспедицияси ташкил этилади. Дивизия командири М.Марсов унинг қўмондонни этиб тайинланди. Экспедиция таркибида: М.Е.Роганов бошчилигидаги икки отлик полкдан иборат бўлган 1-отлик дивизия, В.Г.Дьяконовнинг 1-отлик батареяси, В.М.Ионовнинг Туркистон отлик дивизияси, 1-Туркистон дивизиясининг 3-бригадаси 16-кавалерия полки, 1-Туркистон дивизиясининг 5- ва 6-кавалерия полклари ва артиллерия дивизионида битта взвод бор эди. Бу кучлар билан қизил аскарлар 1920 йилнинг 17 декабрида ҳужумга ўтишди [38.200].

Амир қўшинлари Бойсун йўналишида жиддий қаршилик кўрсатишига қарамай, душман аскарлари биринкетин шаҳар ва қишлоқларни эгаллай бошлади. 1-Туркистон кавалерия полки Бузғола дарасида амирнинг 10000 кишилиқ аскарини мағлубиятга учратди. 4 январда қизил аскарлар Дарбандга етиб келди. Олимбек Дарбандни сақлаб қолиш учун Бойсундан уч минглик аскарини юборди. Лекин қаттиқ тўқнашувда амир қўшинлари 150 нафар йигитини йўқотиб, чекинишга мажбур бўлади [39.16].

5 январь куни қизил аскарлар Сайроб, Хўжабулғон, Даҳанаижом ва Тўда қишлоқларини эгаллашди. Шундан сўнг олти минг кишилиқ қизил қўшин шиддат билан Бойсунга ёпирилди. Биринчи бўлиб Бойсунга Волков бошчилигидаги 6-полк аскарлари кириб келди. Олимбек барча кучларни тўплаб, душманни тўхтатмоқчи бўлди. Бойсун кўчаларида қаттиқ жанглар бўлиб ўтди. Шаҳар қуршовга олина бошлангач, Олимбек омон қолган аскарлари билан шаҳар ташқарисига чекинди [40.19-20]. Тўқнашув вақтида қўлга тушиб қолган Мулло Болта, Хўжамшукур тўқсабо ва Мулло Ҳазратқуллар 1921 йил 6 январь куни эрталаб ҳозирги Кўктепада, халқни кўз ўнгида отиб ташланди [41.185].

Бойсундан сўнг қизил аскарлар Шерободни босиб олиш учун жўнатилди. Шерободда 1920 йил 17 декабрдан бошлаб Термиз йўналишидан келган қизил аскарлар билан тўқнашувлар бўлаётган эди. Қизил аскарларга Термиз ревкоми Малиновский раҳбарлик қилди. Қаттиқ жангларга қарамай, Шерободни эгаллашнинг иложи бўлмаётган эди. Душман қўшинининг Бойсун йўналишидан ҳужум қилиши Шеробод ҳимоячиларини оғир аҳволга солиб қўяди. 1921 йил 7 январь куни Гумдахана дарасида бўлиб ўтган жангдан сўнг Шеробод босиб олинади [42.16]. Большевикларнинг расмий ҳужжатларида кўрсатилишича, Шерободдаги 8000 кишилиқ мужоҳидлар армиясида ҳар ўн кишига биттадан милтиқ тўғри келарди, бунинг устига ҳар милтиққа 3 - 5 дона ўқ бор эди, холос [43]. Қолаверса, уларнинг жуда катта қисми эндигина қўшинга олинган ва ҳарбий тайёргарлиги паст эди. Абдулмўминбек ўз аскарларини шаҳардан чиқариб, ўзи кўрғон дарвозаси олдидаги тенгсиз олишувда шаҳид бўлди [44]. Жасоратига қойил қолган қизил аскарлар уни Шеробод шимолидаги Хўжанқон қишлоғига олиб бориб, катта ҳурмат билан мусулмончилик қоидаларига асосан дафн этишди. Ўша куни ҳалок бўлган Шеробод ҳимоячилари халқ томонидан «шаҳиди аъло» деб аталдилар. Улар кўмилган жой Галашайит номини олди. Миён Сафиюллоҳ ҳам кўп ўтмай

вафот этди ва Хўжанқон қишлоғида дафн этилди [45.61].

1921 йил 10 январда В.М.Ионов бошчилигидаги Самарқанд гуруҳи Чироқчи ва Китобни, 11 январда 1-Бухоро кавалерия полки ва 61- Туркистон полкининг 28-сонли бронепоезди отлиқ разведка отрядлари Яккабоғни босиб олишади [46.316-317].

Тинимсиз жанглар қизил аскарларни ҳолдан толдиради. Бундан миллий кучлар унумли фойдаланишади. Олимбек Шеробод ва Бойсундаги кучларни бир жойга тўплади. 1921 йилнинг 12 январидан 12 минг кишилик кўшин билан Бойсунни штурм қилади. Жанглар натижасида шаҳарнинг шарқий қисми икки ҳафтага душмандан озод қилинади. Жангларда Ҳисор экспедицияси кўмондони М.Марсов ўлдирилади [47.25]. Бойсундаги қаттиқ тўқнашувларда амир кўшинларидан 3000 киши [48.60-61], шу жумладан, Олимбек ва Жўра оқсоқол ҳам ҳалок бўлган эди [49.62].

Термиз, Шаҳрисабз ва Қаршидан етиб келган қизил аскарлар Бойсундаги миллий кучлар тор-мор этишади. Ҳалок бўлган М.Марсов ўрнига В.М.Ионов экспедициясига бошлиғи этиб тайинлади. 1921 йилнинг январидан Ҳисор экспедициясига кўшимча равишда 5 бригада, шу жумладан, 3 та кавалерия бригадаси ёрдамга юборилади [50.63]. Ана шу кучлар ёрдамида 1921 йилнинг 11 февралда қизил аскарлар Бандихон дараси томон юриш бошлади. Бу ерда 1-Туркистон кавалерия полки аскарлари Амир Олимхоннинг 10 минглик кўшинини мағлубиятга учратади [51.48].

Фойданилган манбалар ва адабиётлар рўйхати.

1. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий (Фойдали тарих). –Тошкент: Академия. 2001. –Б. 56.
2. История гражданской войны в Узбекистане. Том II. –Ташкент: Наука, 1964. –С. 289.
3. Гражданская война и военная интервенция в СССР.–Москва: Энциклопедия, 1983. –С. 82.
4. И.Умаров. Бадаш: тарих ва анъана. –Термиз: Сурхоннашр, 2018. –Б. 110.
5. Умаров И. Мерганлар жасорати. “Маънавият гулшани” газетаси, 2018 йил 7-май сони.
6. Холмирзаев А., Умаров И. Унутилган жасорат ёхуд Шеробод муҳофаази ҳақида тарихий қайдлар // «Сурхон ёшлари» газетаси. 2017 йил. 31 август. –Б. 14.
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 638-иш, 7-9 варақлар.
8. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 122-фонд, 1-рўйхат, 351-иш, 36-варақ.
9. Генис В.Л. Вице-консул Введенский. Служба в Персии и Бухарском ханстве (1906-1920 гг.). Российская дипломатия в судьбах. – Москва: Социально-политическая мысль, 2003. С. 170.
10. Муҳаммад Али Балжувони. Тарихи Нофеий. –Б. 58.
11. Искандаров Б.И. Бухара (1917-1920). –С. 84, 97.
12. Муҳаммад Али Балжувони. Тарихи Нофеий. –Б. 58.
13. Айни С. Материалы по истории Бухарской революции. –Москва, 1926. –С. 245-247
14. Муҳаммад Али Балжувони. Тарихи Нофеий. –Б. 58.
15. Непесов Г. Из истории Хорезмской революции. 1920-1924 гг. –Ташкент,

1962. –С. 132

16. Непесов Г. Победа советского строя в Северном Туркменистане. 1917-1936. –Ашхабад, 1950. –С. 135; Искандаров Б.И. Бухара (1917-1920). –С. 86.

17. Генис В.Л. Вице-консул Введенский. –С. 165; Ellis С.Н. The Transcaspian Episode. L., 1963. –Р.143.

18. Красная летопись Туркестана. Книга 1-2. –Ташкент, 1923. –С. 104.

19. Гурко-Кряжин В.А. Английская интервенция 1918-1919 гг. в Закаспии и Закавказье // Историк-марксист, №2, 1926. С. 133

20. Blacker L.V.S. On Secret Patrol in High Asia. London, 1922. –Р. 159-161.

21. Пылев А.И. Политическое положение Бухарского эмирата и Хивинского ханства в 1917-1920 гг. –СПб., 2005. –С.133

22. Искандаров Б.И. Бухара (1917-1920). –С. 97.

23. Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. –Ташкент: Узбекистан, 1969. –С. 162.

24. Халияров Х., и др. Сурхандарьинская область. –С. 19.

25. Турсунов С. Сурхон воҳасида совет режимининг ўрнатилиши. –Б. 15.

26. Гафуров Б. Г., Прохоров Н. Н. Падение Бухарского эмирата. К 20 летию Советской революции в Бухаре (1920-1940 г.). –Сталинабад: Таджикгосиздат, 1940. – С. 61; Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. Ташкент, 1967. –С. 707.

27. Умаров И. Миллий мустақиллик учун курашганлар. // «Ўтмишга назар» журнали. –Тошкент, 2021 йил 11-сон, 4-жилд. –Б. 60.

28. Умаров И. Бадаш: тарих ва анъана. –Б. 118.

29. Холмирзаев А. Умаров И. Унутилган жасорат ёхуд Шеробод мудофааси хақида тарихий қайдлар // “Сурхон ёшлари” газетаси. 2017 йил 31 август сони. –Б. 14.

30. Турсунов С. Сурхон воҳасида совет режимининг ўрнатилиши. –Б. 15.

31. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Килкон қишлоғи. 2019 йил, август.

32. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76 фонд, 1-рўйхат, 800-иш, 2-варақ

33. Умаров И. Миллий мустақиллик учун курашганлар. –Б. 60.

34. ЎзМА, 46-фонд, 2-рўйхат, 10-иш, 126-варақ.

35. Ҳайит Н, Усмон Т. Кураш йиллари. – Тошкент: Меҳнат, 1992. –Б. 18.

36. Ражабов Қ. Бухорога Қизил Армия босқини ва унга қарши кураш. Тарих ҳақиқати (1920-1924 йиллар). –Тошкент: Маънавият, 2002. –Б. 60.

37. Тимошков С.П. Борьба с интервентами, белогвардейцами и басмачеством в Средней Азии // Шумов А.С., Андреев А.Р. Басмачество. –Москва: Эксмо-Алгоритм. 2005. –С. 433-434.

38. Иркаев М.И. История гражданской войны в Таджикистане. –Душанбе, 1963. –С. 200.

39. Турсунов С. Сурхон воҳасида совет режимининг ўрнатилиши. –Б. 16.

40. Ҳайит Н., Усмон Т. Кураш йиллари. –Б. 19-20.

41. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 122-фонд, 1-рўйхат, 381-иш, 185-варақ.

42. Турсунов С. Сурхон воҳасида совет режимининг ўрнатилиши. –Б. 16.

43. Ўзбекистон МА, 46-фонд, 2-рўйхат, 10-иш, 8-варақ.

44. Холмирзаев А., Умаров И. Унутилган жасорат ёхуд Шеробод мудофааси хақида тарихий қайдлар // «Сурхон ёшлари» газетаси. 2017 йил. 31 август. –Б. 14.

45. Умаров И. Миллий мустақиллик учун курашганлар. –Б. 61.
46. История гражданской войны в Узбекистане. Том II. –С. 316 - 317.
47. Ражабов Қ., Ражабова С. Бухоро амирлиги таркибидаги Бойсун беклиги ҳамда Бойсунда Қизил Армияга қарши кураш // «Бойсун баҳори» - миллий маънавиятимиз дурдонаси (Халқаро илмий анжуманга бағишланган мақолалар тўплами). –Термиз: Сурхон-Нашр, 2017. –Б. 25.
48. Гафуров Б., Прохоров Н. Н. Падение Бухарского эмирата. –С. 60–61.
49. Умаров И. Миллий мустақиллик учун курашганлар. –Б. 62.
50. Поляков Ю.А., Чугунов А.И. Конец басмачества. –Москва: Наука, 1976. –С. 63.
51. Козловский Е. Красная Армия в Средней Азии. Военно-исторический очерк. –Ташкент, 1928. –С. 48.

ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИДА МУДОФАА ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНING ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДАГИ ТАҲЛИЛИ

*Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси илмий тадқиқотчиси
Чориев Жамшид Шокиржанович*

Аннотация. *Марказий Осиёнинг XVI-XIX асрлардаги шаҳарлари мудофаа тизими нисбатан кам ўрганилган соҳа ҳисобланади. Шаҳар мудофаа тизими асосан мудофаа девори ва унда жойлашган буржлардан ҳамда деворнинг ташиқи тарафидаги чуқур ҳандақдан иборат бўлган. Шаҳар деворлари, одатда улар аҳолиси турли-туман ташиқи хавфдан ҳимоя қилиш, шунингдек, шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни, ундаги ички тартиб, аҳолининг тинч ҳаёти ва соғлом турмуш тарзини бир маромда ушлаб туришида муҳим аҳамиятга эга эди.*

Калит сўзлар: *шаҳарсозлик, мудофаа тизими, мудофаа девори, шаҳар деворлари, паҳса девор, лой, гишт, ҳандақ.*

Аннотация. *Система обороны городов Средней Азии в XVI-XIX веках является относительно малоизученной областью. Система обороны города состояла в основном из оборонительной стены и расположенных в ней башен, а также глубокого рва с внешней стороны стены. Городские стены в целом играли важную роль в защите населения от различных внешних угроз, а также в поддержании социально-экономической жизни города, его внутреннего порядка, мирной жизни населения и здорового образа жизни.*

Ключевые слова: *градостроительство, система обороны, оборонительная стена, городские стены, хлопковая стена, глина, кирпич, траншея.*

Abstract. *The defense system of the cities of Central Asia in the 16th-19th centuries is a relatively little-studied area. The city's defense system consisted mainly of a defensive wall and towers located in it, as well as a deep ditch on the outer side of the wall. The city walls as a whole played an important role in protecting the population from various external threats, as well as in maintaining the socio-economic life of the city, its internal order, the peaceful life of the population and a healthy lifestyle.*

Keywords: *urban planning, defense system, defensive wall, city walls, cotton wall, clay, brick, trench.*

Марказий Осиёнинг XVI-XIX асрлардаги шаҳарлари мудофаа тизими нисбатан кам ўрганилган соҳа ҳисобланади. Бундан Қашқадарё воҳаси шаҳарлари ҳам мустасно эмас, албатта. Хусусан, қарши шаҳри мудофаа тизимини ўрганиш учун махсус тадқиқотлар олиб борилмаган. Фақат 1964-1965 йилларда шаҳарда тарихий-археологик тадқиқотлар олиб борган М.Е.Массон бу масалага бироз эътибор қаратган. Шаҳар мудофаа деворлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, XIX аср рус ёзма манбаларидан ҳам топиш мумкин.

Шаҳар мудофаа тизими асосан мудофаа девори ва унда жойлашган буржлардан ҳамда деворнинг ташқи тарафидаги чуқур ҳандақдан иборат бўлган. Қарши кўрғони мустаҳкам девор билан ўраб олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни биз XVI асрдан XIX асргача бўлган манбаларда кўп учратсак-да, лекин деворнинг қалинлиги, баландлиги ва бошқа ўзига хосликлар тўғрисида аниқ маълумотларни кўрмаймиз. Хусусан, XIX аср ўрталарида шаҳарда бўлган ва шаҳар тузилишини батафсил таърифлаб ўтган Н.Ханиковда ҳам бу ҳақда аниқ маълумот йўқ. У фақат шаҳар уч қимга-ўрда, эски ва янги шаҳарга бўлиниши ҳамда уларнинг ҳар бири ўз мудофаа деворига эга бўлганлигини эслатиб ўтади, холос.

Шаҳар мудофаа деворининг қолдиқлари ўтган асрнинг 60-йилларида ҳам сақланиб қолган бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда маҳаллий кексалардан тўпланган маълумотлар билан таққослаш М.Е.Массонга Қарши шаҳри мудофаа тизими, хусусан, унинг деворлари тўғрисидаги баъзи хулосаларни чиқариш имконини берганлигини кўраемиз. Бу жойда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, шаҳар мудофаа деворига Кебекхон давридаёқ асос солинган. Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг берган маълумотларига кўра. Амир Темур томонидан бу девор янада мустаҳкамроқ қилиб қайта қурилган.

Шаҳар мудофаа деворини таъмирлаш ва янада мустаҳкамлаш XVI асрда, хусусан шайбоний Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида бир неча бор бузилиб, қайта таъмирланган қарши шаҳри мудофаа девори XIX асрга келиб асосининг қалинлиги 5 метрга, баландлиги 8 метрга кўтарилган мустаҳкам мудофаа иншооти бўлган.

Тўртбурчак шаклидаги бу деворнинг ҳар бир бурчагида бурж мавжуд бўлиб, уларнинг устки қисмида замбараклар жойлаштирилган. Бу жой вазифаси нуқтаи назаридан «тўпхона» деб аталган. Буржлар қолдиқлари деворнинг баъзи қисмларида сақланиб қолганлиги (XX аср 60-йилларида) Қарши кўрғони деворини муҳим ҳарбий мудофаа иншоотлари қаторига киритиш имконини беради.

Мудофаа деворининг устки қисми бир текис бўлмай, минтақамиз учун хос бўлган ҳарбий мудофаа (дандона) шаклда бўлган. Бу ҳам мудофаа тизимидаги ўзига хос хусусият эди.

Кўрғон мудофаа тизимининг биринчи қисмини деворнинг ташқи тарафидан махсус қазилган чуқур хандақ ташкил этган. Бутун кўрғонни ўраб олган бу хандақ сув билан тўлдирилган бўлиб, унинг эни XIX асрда 8-10 метрга, чуқурлиги 3,5 - 4 метрга яқин бўлган. XIX аср сайёҳлари девор олдидаги бу хандақни ташландик ҳолда, балчиққа айланиб, бутун шаҳарни ўраб ётарди, деб таъриф этишган. Хандақнинг суви ёз ойларида кўп ҳолларда қуриб қолган. Лекин шунга қарамасдан бу хандақ биз эътироф этмаётган даврда шаҳар мудофаа тизимида муҳим ўрин тутганлиги шубҳасиз. Хандақнинг ташландик ҳолга келиб қолиши XIX асрнинг охирларида рўй берган.

Умуман олганда, Марказий Осиё шаҳарлари деворларини ишғол этиш учун рақиб томон биринчи бўлиб сув тўлдирилган чуқур хандақни босиб ўтиши ло-

зим эди. Бу ҳужум қилаётганлар учун бирмунча ноқулайликлар туғдирар, ҳужум суръатини пасайтирар эди. Бундай ҳандақлардан ўтиш учун ҳужум қилувчи томон узун нарвонлардан фойдаланган. Баъзи ҳолларда ҳандақларнинг бир қисми кесилган дарахтлар танаси билан тўлдириб чиқилган. Бундай жанг усули ҳақида ёзма манбаларда, хусусан, Абу Ҳофиз Бухорийнинг «Абдуллонома»сида аниқ маълумотлар келтирилган.

Қарши мудофаасининг энг сўнги бўғинида ўрда мудофаа девори ташкил этган. Нотўғри тўртбурчак шаклида бўлган Ўрда девори қалин ва мустаҳкам қурилган бўлиб, Сақлов дарвоза деб аталган битта дарвозага эга бўлган. Ўрда ўз ҳажми жиҳатидан Бухоро арки ва Шахрисабз ўрдасидан каттароқ бўлган. Маҳаллий ҳукмдор қароргоҳи бўлган Ўрданинг мудофаа деворига, албатта, ҳамма вақт етарли эътибор берилган, ўз вақтида таъмирланиб, мудофаа салоҳияти сақланиб турилган. XIX аср сайёҳлари қалъа ичининг бағоят озода эканлигини қайд этиб ўтишади.

Қарши ўрдасининг ва кўрғоннинг мудофаа девори асосан пахсадан бунёд этилган, лекин кўп бор қилинган таъмирлаш ишлари туфайли девор қурилишида пишиқ ғиштлар ва тошлардан ҳам фойдаланилган. Пахса деворларининг асрлар оша яшаб, XIX асрда ҳам муҳим мудофаа воситаси сифатида сақланиб қолганлиги унинг мустаҳкамлиги ва ўз даври ҳарбий муҳандислик талабларига жавоб берганлигидан далолат беради. Ҳатто рус ҳарбий мутахассислари ҳам Марказий Осиёдаги кўрғонларни ва аҳоли пунктларини ишғол қилишида улар учун асосий тўсиқ айнан кўрғон ва шаҳрларнинг пахса деворлари бўлганлигини таъкидлаган.

Биз эътироф этаётган даврдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият воҳада мудофаа меъморчилигининг ривожланишига олиб келди. Хусусан, катта ҳудудларни мудофаа қилишга мослаштирилган ҳимоя деворлари, мустаҳкамланган кўрғонлар, тўпхоналар, кузатув жойларининг қурилиши бундан далолат беради. Уларни ўрганиш нафақат воҳа мудофаа тизими, балки меъморчилигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган мудофаа меъморчилигининг ривожланиб бориши жараёнини ҳам тадқиқ қилиш имконини беради.

Сўнги ўрта асрларни қамраб олган XVI-XIX асрнинг биринчи ярми Ўрта Осиёнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида шаҳарларнинг тутган ўрни беқиёс эди. Шаҳарлар бу ҳудудда асрлар давомида шаклланган ва ривожланган давлатчилик анъаналари ҳамда маҳаллий аҳоли тараққиётини кўрсатувчи асосий мезонлардан биридир.

Шаҳарлар ҳақида сўз борар экан, қайд этиб ўтиш лозимдирки, кўрилаётган давр мобайнида Ўрта Осиё ҳудудида ҳажми, аҳолисининг сони ва жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг айрим жиҳатлари билан бир-биридан фарқланувчи кўплаб катта ва кичик шаҳарлар мавжуд эди. Шу билан бирга шаҳарларни тавсифлашда эътиборга лойиқ умумий ҳолатлар ҳам мавжуд. Улар Ўрта Осиё шаҳарлари тараққиётининг айрим умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлашда ёрдам беради. Бу ҳолат, айниқса шаҳарларнинг ташқи кўринишида яққол кўзга ташланади. Табиийки, савол туғилади-сўнги ўрта аср шаҳарлари қандай ва қай тарздаги ташқи кўринишига эга эди? қайд этиб ўтиш жоиздирки, Ўрта Осиёнинг сўнги ўрта асрларга қадар мавжуд бўлган, кўрилаётган даврга келиб тараққиёт пиллапоялари ва инқирозли даврларни ўз бошидан кечирган ҳамда айнан мана шу даврга бу қадим ўлкада вужудга келган янги шаҳарлар ҳам

деворлар билан ўраб олинган эди. Шаҳарларнинг деворлар билан ўраб олинishi Ўрта Осиё шаҳарларини тавсифлашда уларнинг ташқи кўринишини белгилайдиган асосий ҳолатлардан биридир.

Шаҳар деворлари, одатда улар аҳолиси турли-туман ташқи хавфдан ҳимоя қилиш, шунингдек, шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни, ундаги ички тартиб, аҳолининг тинч ҳаёти ва соғлом турмуш тарзини бир маромда ушлаб туришда муҳим аҳамиятга эга эди.

Аҳолини ташқи хавф ва душманлар тажовузидан ҳимоя қилувчи восита сифатида XVI аср муаллифи Зайниддин Восифийнинг Самарқанд девори ҳақида муболаға билан айтган куйидаги сўзлари характерлидир: «Карвон Самарқанд шаҳар дарвозасига етгач, шундай бир шаҳарни кўрдиларки, ғоят мустаҳкам ва маҳкам. Деворнинг баландлиги шу қадар эдики, агар фалак хўкизи унинг тепасидан ўтганда кунгурасининг кезки қорнини йиртган бўларди» [1.16]. Деворлар атрофи, ўз навбатида таркиб топган анъанага кўра, хандақлар билан ўралган бўлиб, улар сув билан тўлдирилар ва ўзига хос ишончли ҳимоя воситаси вазифасини ўтар эди. Хандақлар турлича чуқурликка эга бўлишлари мумкин эди. Юқорида номи зикр этилган Зайниддин Восифийнинг ёзишича, Самарқанддаги шаҳар девори хандақининг чуқурлиги шу қадар эдики, «ер ости хўкизи унинг қаъри сабзаворида ўтлаб юрарди»[2.17].

Шаҳар деворлари улар атрофидаги хандақлар билан биргаликда ташқи хавф кучайган ва ҳарбий ҳаракатлар авж олган йилларда ўзига хос ишончли ва энг яхши ҳимоя воситаси ҳисобланган. Сўнгги ўрта аср муаррихи Мирза Махдихон Астрабодийнинг Ҳазораси ҳақида ёзган куйидаги сўзлари бунинг ёрқин далилдир. Унинг ёзишича, «... хандаққа эга бўлганлиги ва мустаҳкам девор билан ўрланганлиги туфайли... бу қалъага ҳужум қилиш соғлом фикрдан узоқ иш этади» [3.138]. Шу боисдан бунга қадар Ўрта Осиёнинг кўп ерларини босиб олишга улгурган Эрон шоҳи Нодир ҳам бу шаҳарни ишғол қилиш фикридан воз кечган эди.

Шаҳар деворлари, одатда, паҳса деворидан бўлган. Баъзи деворлар қурилишида ғиштдан ҳам фойдаланганлар. Буни 1697 йил Ўрта Осиёга ташриф буюрган рус кишиси Федор Скибининг куйидаги сўзларидан ҳам яққол кузатиш мумкин. Бухоро ҳақида ёзар экан, у: «Бухоро шаҳри ҳам қурилиши ва баландлиги билан Туркистондек», - деб қайд этган ҳолда Туркистон ва бошқа шаҳарлар тупроқ билан ўралган. Улар устига «хом ғиштдан девор ўрнатилганлиги», деворнинг тупроқ билан биргаликда баландлиги 3,5 саржин, қалинлиги эса 15 саржиндан ортиқ ёки камлигини қайд этар экан, баъзи шаҳарлар атрофи ғиштсиз лой девор билан ўралганини кўрсатиб ўтади [4.399-400]. Бухоро деворига оид бу фикрни шаҳарда бўлган Флорио Беневени 1725 йил шаҳар атрофидаги девор «лой ва хом ғиштдан қурилган» [5.124] -деб тасдиқлаган эди. Бу маълумотни 1812 - 1813 йили Ўрта Осиёга келган ҳиндистонлик Мир Иззат Улла ва бошқа шоҳидлар ҳам тасдиқлайдилар [6.201].

Бухоро хонлигини мустаҳкам деворлар билан ҳимояланган шаҳарларидан бири Самарқанддир. XVI аср муаррихи Ҳофиз Таниш Бухорийнинг кўрсатишича, Амир Темур «ҳижрий етти юз етмиш учинчи йилда ҳозир мавжуд бўлган шаҳарбандни қуришга киришиб, қисқа вақт мобайнида уни қуриб тамомлаган» эди [7.241]. Бу девор кейинги асрлар мобайнида ҳам ўз кўринишини сақлаб қолган. Самарқанд ҳақида ёзган XIX аср муаллифи, шаҳар деворларининг яхши ҳолатда сақланиб қолганлигини қайд этган.

Мустаҳкам девор билан ўралган Бухоро шаҳарларидан бири Термиз эди. Шаҳар деворини XVI аср муаррихи «жуда қудратли» [8.97], деб таърифласа, XVIII аср муаллифи Маҳмуд ибн Вали эса «шаҳар мустаҳкам девор билан ўралган» [9.34], - деб қайд этади. Бухоро хонлигининг бошқа кўпгина катта ва кичик шаҳарлари ҳам лой деворлар билан ўралган эди. XIX аср ўрталарида Бухородаги асрликдан қайтган Корнила Муворовнинг кўрсатишича, Каттакўрғон, Зиёвуддин, Кармана, Янгиқўрғон, Керки, қарши, Жиззах ҳам лой девор билан ўралган эди [10.64]. Бу маълумот шу асрнинг бошқа муаллифлари фикрини ҳам тасдиқлайди. Хусусан, юқорида номи зикр этилган Мир Иззат Улла Жиззахни «шаҳар мавқеига етувчи катта қишлоқ» сифатида таърифлаб, унинг ҳам лой девор билан ўралганлигини қайд этади [11.194].

Таҳлил этилаётган даврда амирликнинг жануби-шарқий қисмида жойлашган шаҳарлар аҳолисининг ижтимоий аҳволи анчагина боши берк кўчага кириб қолган эди. Чунки феодал бошқарув тартибларнинг янги замон талабларига жавоб бермаслиги давлат бошқарувида ислоҳотлар жараёнининг амалга оширилмаганлиги, шунингдек, маъмурий бошқарувдаги номутаносибликлар шаҳар аҳолиси ҳаётига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Бу эса жамият тараққиётининг юксалишига тўғаноқ бўлди. Чунки жамиятнинг юксалишини таъминлайдиган хурфикрлик ва янгича бошқарув шаклларининг амир мустабид ҳокимияти томонидан бўғиб қўйилиши жамиятда содир бўлаётган ҳар қандай ўзгаришлар ва янгиликлар жараёнини илдизига болта уриши табиий ҳол эди. Шу сабабли ҳам жадидлар ва ёш Бухороликлар каби илғор фикрли ислоҳотчилар ўз нуктаи назарини жамиятни янгилаш, бошқарув тизимини замонавийлаштириш, халқни маърифатга яқинлаштириш каби ислоҳотларга эътибор қаратгани бежиз эмас.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Зайниддин Восифий. Бадоеул-вақоеъ (Нодир воқеалар). Форсийдан Н. Норқулов таржимаси. Т., 1979, 16 - бет.
2. Зайниддин Восифий. Бадоеул-вақоеъ (Нодир воқеалар). Форсийдан Н. Норқулов таржимаси. Т., 1979, 17 - бет.
3. Мирза Меҳди-хан Астрабадский. Тарих-и Надири. Перевод извлечений| Под. Ред. Ромаскевича. А.А.//Материалы по истории туркмен и Туркмении. М., Л., 1938. Т. II. С. 138.
4. Сўкное дело. 1697 г. О дороге в Хуву//Туркестанский сборник. Т. 5. Спб., 1869. С. 399-400.
5. Посланник Петра I на Востоке. Посольства Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718-1725 годах. М.. 1986. С. 124.
6. Путешествие Мир Иззат Уллу в Кокандское ханство в 1812 году. Свободный текст по английскому и французскому переводам| Перевод и примечания Соколова Ю.А. с приложением схемы пути Мир Иззат Уллы а Кокандских владениях|| Турды САГУ. Вып. XXVIII. Исторические науки. Кн. II. Т., 1956. С.201.
7. Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдуллонома (Шарофномаи шоҳий). Форсчадан филология фанлари номзоди С.Мирзаев таржимаси. II жилд. Т., 1969, 241-бет.
8. Хафиз-Таниш Бухари. Шараф-наме-йи шахи (книга шахской славы). Факсимиле рукописи. Д. 88//Перевод с персидского, введение, примечания и указатели Салахетдиновой М.А. Ч. II. М.. 1987. С. 97

9. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (География)//Введение, перевод примечания и указатели Ахмедова Б.А. Т., 1977. С. 34.
10. Галкин М.Н. Показания русских пленных, возвращенных из Бухары в 1858-1859 гг.//Этнографические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю. ЗИРГО по отделению этнографии. Т., 1867. С. 64.
11. Путешествие Мир Иззат Уллу а Кокандское ханство в 1812 году. С. 194.

МУНДАРИЖА

ЭТНОГРАФИЯ

Абдуллаев Улуғбек Сайданович. Андижон машинасозлик институти профессори, тарих фанлари доктори. *Фарғоналик тожиклар (Этнодемографик ва этнолингвистик таҳлил).....3*

Давлатова Саодат Гиловбердиевна. ЎзМУ таркибидаги “Амалий этнология” лабораторияси раҳбари, тарих фанлари доктори. *Амалий этнологияда социологик тадқиқотларнинг визуал усул (метод)ларидан фойдаланиши.....10*

Убайдуллаева Барно Машрабжонова. Ўзбекистон Миллий университети “Антропология ва этнология” кафедраси проф.в.б., т.ф.д. *Этнопедагогиканинг этнологик ёндашувидаги талқини16*

Атаханов Рафиқжон Сотволдиевич. Андижон машинасозлик институти катта ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). *Чорвадор халқлар анъанавий моддий маданиятининг айрим жиҳатлари (Фарғона водийси қорақалпоқларининг анъанавий таомларига оид материаллар таҳлили).....23*

Мустафоқулов Рўзикул Бойназарович. Термиз давлат университети Бошланғич таълим кафедраси доценти, филология фанлари номзоди. *Бахши бўлиши осонми?29*

Эшмуҳаматов Ахрор Шарипович. Тошкент давлат шарқшунослик университети таянч докторанти. *Жиззах воҳаси таомларда чорва махсулотларининг ўрни ва улар билан боглиқ одатлар.....35*

ФАЛСАФА

Саматов Шомат Бердиевич. Термиз давлат университети Фалсафа кафедраси фалсафа фанлари доктори, профессор. *Алишер Навоий маънавиятида инсонпарварлик зояси45*

Дехқонов Маҳмутали. ТошДТУ фалсафа доктори (PhD) доцент. *Жамият ривожда оила ва никоҳ муносабатлари маданиятининг маънавий-ахлоқий, диний-маданий фалсафий таҳлили52*

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

Холмўминов Жуманазар Тоштемирович. Термиз давлат университети Юридик факультети декани, юридик фанлар доктори, профессор. **Шоймардонов Ботиржон Норкелдиевич.** Юридик факультети “Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи” кафедраси ўқитувчиси. *Тарихий ва маданий ёдгорликлар муҳофазасининг ҳуқуқий асоси58*

ТАРИХ

Толипов Файзулла Саидович. Ўзбекистон Миллий университети мустақил илмий тадқиқотчиси. Фискал институти т.ф.н., доценти. *Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожда аёллар иштироки: ислоҳотлар ва натижалар (тарихий таҳлил)67*

Toshboyev Furqat Eshboyevich. Jizzax davlat pedagogika instituti dotsenti, tarix va uni o'qitish metodikasi kafedrasi mudiri. **Saidov Javohir Olimjon o'g'li.** Jizzax davlat pedagogika instituti *Tarix va uni o'qitish metodikasi kafedrasi o'qituvchisi. Qadimgi Ustrushonada ko'chmanchilar madaniyatining shakllanishiga doir75*

- Тўхтаев Абдуғани Қиличович.** Термиз давлат университетининг Термиз педагогика институти доценти, Терду тузилмасидаги қатағон қурбонлари музейи илмий ходими. *Муҳаммад Иброҳимбек лақай-миллий озодлик ҳаракати етакчиси*.....83
- Инатов Мурот Ниятович.** Ислон Каримов номидаги ТошДТУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти. *XX аср 20-йилларида Ўзбекистонда демографик вазиятнинг айрим жиҳатлари*88
- Рахимбой Бахрамович Ярмагов.** Жиззах давлат педагогика институти доценти. **Гулноза Базаровна Шертайлакова.** Мустақил изланувчи. *Бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришида имом ал-Бухорий сабоқларининг ўрни*95
- Murodov Halim Salimovich.** Buxoro davlat universiteti “Buxoro tarixi” kafedrasida tayanch doktoranti. *Markaziy Osiyo turizm sanoati rivojlanishidagi yutuq va muammolar (Qozog‘iston turizmi va uning O‘zbekiston bilan hamkorlik aloqalari misolida)*100
- Тураев Шухрат Раҳманович.** Қарши давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси. *Илк ўрта асрлар Византия манбаларида Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётининг ёритилиши*107
- Усманов Фарҳод Абдираимович.** Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти докторанти. *Иккинчи жаҳон уруши даври Ўзбекистондаги болалар қаровсизлиги*111
- Жураев Боходир Турдалиевич.** Денов тадбиркорлик ва педагогика институти. Тарих ва фалсафа кафедраси ўқитувчиси. *Бухоро хонлиги ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид тадқиқотлар*122
- Жўраева Дилфуза Жанғиловна.** Сурхондарё вилояти архиви бошлиғи. *Тарихий манбаларни илмий таҳлил этишида архивларнинг аҳамияти*125
- Менглибоев Акмал Холтўраевич.** Денов тадбиркорлик ва педагогика институти тарих ва фалсафа кафедраси ўқитувчиси. *Сурхон воҳасида қизил армия босқини ва унга қарши курашнинг бошланиши*130
- Чориев Жамшид Шокиржонович.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси илмий тадқиқотчиси. *Ўзбекистон ҳудудидаги жанубий шаҳарларининг маъмурий-ҳудудий жойлашуви ва ўзига хос хусусиятлари (Бухоро амирлиги шаҳарлари мисолида)*138

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ

SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER

Илм келажасгимиз равнақидир

СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURXHONDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURKHANDARYA: SCIENCE AND
CONTEMPLATION

Илмий мақолалар журнали

N-1 2022

«СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР» ЖУРНАЛИДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1. Журнал таҳририятига тақдим этилаётган мақолага 1) муаллиф(лар) ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати; 2) эксперт ҳайъати далолатномаси 2 нусхада; 3) мақола ёзилган фан йўналиши бўйича фан доктори имзолаган (имзо тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) тақриз-тавсия илова қилинади (Изоҳ: Бу талаб четдан келадиган мақолалар учун).

2. Мақолалар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилиши мумкин.

3. Қайси тилда ёзилишидан қатъи назар, мақолага уч тилда - ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аннотацияси ҳамда таянч сўз ва иборалар (калит сўзлар) илова қилинади.

4. Мақола журнал таҳририятига «Microsoft Word» дастурида («Times New Roman» 14 ўлчамли шрифтда, сатрлар ораси бир ярим интервалда) терилган ҳолда икки нусхада, электрон варианты (флешка ёки СБда) билан топширилади.

5. Мақоланинг умумий ҳажми (расм, жадвал ва диаграммалар билан биргаликда) 8- 10 саҳифадан, илмий хабарларнинг ҳажми 4-5 саҳифадан ошмаслиги талаб этилади. Мақоланинг бир нусхаси муаллиф(лар) томонидан имзоланади.

6. Муаллифнинг фамилияси, исми шарифи, иш жойи, лавозими, у билан боғланиш мумкин бўлган манзил (уй ваҳизматтелефон рақамлари, электрон почта) кўрсатилади.

7. Агар мақолага расм, жадвал, диаграмма, схема, чизма, турли график белгилар киритилган бўлса, оқ-қора рангларда чизилган бўлиши, аниқ ва равшан тасвирланиши, қисқартмаларнинг тўлиқ изоҳи ёзилиши лозим. Рангли расм, жадвал ва диаграммалари мавжуд мақолалар фақат истисно тарзида, қўшимча ҳаражатларни муаллифлар ҳисобидан қоплаш шarti билангина қабул қилиниши мумкин. Формулалар матнга махсус компьютердастурларида киритилиши керак.

8. Иқтибос олинган ёки фойдаланилган адабиёт сатр ости изоҳи тарзида эмас, балки мақола охирида умумий рўйхатда кўрсатилади. Матн ичидаги кўчирмадан сўнг иқтибос олинган асарнинг рўйхатдаги тартиб рақами ва саҳифаси квадрат қавс ичида берилади. Бу ўринда китоб, тўплам, монографиялар учун муаллифларнинг исм- фамилиялари, манбанинг тўлиқ номи, нашр кўрсаткичи (шаҳар, нашриёт ва нашр йили) кўрсатилади. Журнал мақолалари ва бошқа даврий нашрлар учун муаллифларнинг исм- фамилиялари, мақола номи, журнал номи, йили ва сони, саҳифа номери кўрсатилади.

9. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

10. Таҳририятга тақдим қилинган мақола энг аввал муаллифлик нуқтаи назаридан текширилади. Матнда плагиат аниқланган тақдирда мақолани кўриб чиқиш тўхтатилади. Таҳририят плагиат ҳолати аниқланган мақолалар юзасидан муаллиф фаолият юритаётган муассасага кўчириб олинган манбаларни илова қилган ҳолда ахборот юбориши мумкин. Плагиатга йўл қўйган муаллифларнинг мақолалари кейинги уч йил давомида қабул қилинмайди.

11. Муаллифлик жиҳатидан текширувдан ўтган мақола таҳририят томонидан ўрнатилган тартибда тақризга берилади. Мақола тақриздан қайтгач, агар зарур бўлса, барча савол ва эътирозлар бўйича муаллифга қайта ишлаш учун тақдим этилади. Мақола нусхалари муаллифларга қайтарилмайди.

12. Ижобий тақриз олган мақола таҳририят томонидан қабул қилинган саналади. Журнал таҳририяти мақола матнини қисқартириш ва унга таҳририй ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

13. Профессор-ўқитувчилари томонидан тақдим қилинган мақолалар муайян йўналишлар бўйича таҳририят аъзоларининг ёки фан докторларининг тақриз-тавсияси (тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) асосида қабул қилинади.